

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ  
“ТАРМОҚЛАР ИҚТИСОДИЁТИ” КАФЕДРАСИ



---

“СЕРВИС СОҲАСИ ИҚТИСОДИЁТИ”  
фанидан

ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИ

---

Билим соҳаси:	200 000	- Ижтимоий соҳа, иқтисодиёт ва ҳуқук
Таълим соҳаси:	230 000	- Иқтисодиёт
Таълим йўналиши:	5230100	- Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
	5231600	Мехнат иқтисодиёти ва социологияси

Умумий ўқув соати – 176 соат

**Шу жумладан:**

Маъруза – 48 соат (5 семестр)

Амалий машғулотлар – 48 соат (5 семестр)

Мустақил таълим соати – 80 соат (5 семестр)

**Тузувчи:** “Тармоқлар иқтисодиёти”  
кафедраси доценти **Ш.А.Султонов**

САМАРҚАНД-2021

## КИРИШ

«Сервис соҳаси иқтисодиёти» курси иқтисодиёт таълим йўналиши бўйича ўқиётган талабалар учун умумқасбий фанлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Курсни ўрганиш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг қонунларидан, сервис соҳасини ривожлантириш бўйича ҳукумат қарорлари, меъёрий ҳужжатлар ва йўриқномалардан, шунингдек хизматлар классификаторидан фойдаланиш лозим.

Курсда энг муҳим ўринни хизматлар бозорини шакллантиришга оид масалалар ва бу борада амалга оширилаётган ва оширилиши лозим бўлган иш кўлами, сервис корхона ва ташкилотларида фаолият самарадорлиги, молиявий натижалар ва даромадларга боғлиқ масалалар эгаллайди.

«Сервис соҳаси иқтисодиёти» фани, «Иқтисодиёт назарияси», «Тадбиркорлик асослари», «Миллий ва жаҳон иқтисодиёти», «Маркетинг», «Менежмент», «Солиқ ва солиққа тортиш», «Сервис тизими фаолияти асослари» ва бошқа бир қатор фанлар билан узвий боғлиқ.

Ушбу курсда сервис соҳасига қарашли корхона ва ташкилотларда хўжалик фаолияти кўрсаткичларини ҳозирги давр талабларига мос келган ҳолда таҳлил қилиш ва режалаштириш ва уларни иқтисодий жиҳатдан асослаш масалаларини, компьютер ва электрон ҳисоблаш машиналаридан фойдаланилган ҳолда зарурий кўникмаларни амалий дарсларда олиш таъминланади. Семинар дарсларда хизмат кўрсатиш соҳасининг шаклланиши ва ривожланишинг назарий асослари ва бошқа муҳим масалалар атрофлича ўрганилади.

## **Мавзу 1. Сервис соҳасининг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни, сервис фаолиятининг иқтисодий моҳияти ва хусусиятлари**

Ҳар бир фаолият турида хизмат кўрсатиш мавжуд. Ҳозирги замонавий шароитда ижтимоий ва иқтисодий фаолиятларда хизматнинг, яъни сервис хизматларининг ўрни алоҳида ўринга эгадир. Шу боис, ушбу мавзуда сервис соҳасининг мамлакат иқтисодиётида, жумладан корхона ва ташкилотларда кўрсатилаётган сервис хизматлари ҳақида ўрганилади.

### **1.1. Сервис соҳасининг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни.**

Бугунги кунда, мамлакат иқтисодиётининг ривожланишида сервис соҳасининг ривожланганлик даражаси корхона ва ташкилотларнинг янада самарали фаолият олиб боришлари учун қулай шароит яратади. Айнан шу нуқтаи назардан ушбу мавзуда сервис соҳаси ва унинг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни ҳақида кенг тушунчалар берилган.

#### **Режа:**

1. Сервис соҳасининг табиати ва тавсифи.
2. Сервис соҳасининг миллий иқтисодиёт тизимидаги ўрни.

#### **1. Сервис соҳасининг табиати ва тавсифи.**

Сервис фаолияти деганда якка тартибдаги хизматларни кўрсатиш орқали инсонлар талабини қондиришга йўналтирилган фаолият турини тушуниш лозим. Ушбу турдаги фаолият билан турли хилдаги ташкилотлар шуғулланади. Улар жумласига якка тартибдаги тадбиркорлар ва турли мулк шаклига эга бўлган сервис корхоналари киради. Улар меҳнатининг натижаси бўлиб хизмат ҳисобланади.

Хизмат деганда аввало меҳнат маҳсулотини тушуниш лозим. Ушбу маҳсулотнинг асосий белгиланиши бўлиб, инсонларнинг аниқ талабларини қондириш ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда хизмат-бу инсонларнинг эҳтиёж ва талабларини қондиришга қаратилган фаолиятдир.

Ушбу фаолият маҳсулотда гавдаланиши (моддий хизматлар), ҳамда меҳнат жараёнининг ўзида истеъмол қилинадиган фойдали меҳнат самараси сифатида (номоддий хизматлар) намоён бўлади. Масалан тикувчининг хизмати шундан иборатки, у костюм, шим ва бошқа буюмлар тикади. Унинг фаолияти ушбу буюмларда гавдаланади (моддий хизмат).

Хизматнинг муҳим хусусиятларидан бири бўлиб, унинг истеъмолчи учун фойдалилиги ҳисобланади. Бу ерда шуни инобатга олиш зарурки, фойдалиликка ҳам моддий, ҳам номоддий хизматлар мажмуаси киради. Шу сабабли хизматнинг ижтимоий функцияси бўлиб, бевосита аҳолига хизмат кўрсатиш, ҳаёт фаолияти учун қулай шароитларни яратиш ҳисобланади.

Хизматдан фойдали самара-бу инсоннинг у ёки бу талабини қондиришга бевосита йўналтирилган хизматнинг ялпи фойдали хусусиятидир.

Хизмат истеъмолчиси-бу шахсий эҳтиёж учун хизматни олувчи, буюртма берувчи ёки уни олиш ва буюртма бериш ниятида бўлган фуқородир.

Хизматни бажарувчи-истеъмолчига хизмат кўрсатувчи корхона, ташкилот ёки тадбиркор.

Хизматнинг натижаси бўлиб, товарнинг истеъмол хусусиятларини қайта тиклаш (ўзгартириш, сақлаш), буюртмага биноан янги маҳсулот яратиш, истеъмол шароитларини яратиш, соғлиқни, шахснинг маънавий ва жисмоний ривожланишини таъминлаш ва бошқа бир қатор муҳим вазифалар ҳисобланади.

Сервис фаолиятида идел ва реал хизмат тушунчалари мавжуд.

**Идеал хизмат**-бу сервис фаолиятининг у ёки бу туридаги абстракт, назарий моделдир. У ўз ичига аҳолига хизмат кўрсатиш қоидалари, сифат стандартлари ва хизмат кўрсатиш технологияларини олади.

**Реал хизмат**-бу истеъмолчининг талабларини қондиришга йўналтирилган аниқ моддий ҳаракатлардир. Ушбу хизматлар бажарувчилар,

истеъмолчилар, уларни кўрсатишнинг аниқ шароитларига қараб яқка ҳолатда тартиблаштирилади.

Ҳозирги кунда сервис ташкилотлари моддий ва ижтимоий-маданий хизматларни амалга оширадilar.

Моддий хизматлар деганда, инсонларнинг моддий талабларини қондирувчи хизматлар тушинилади. Ушбу хизматлар маҳсулотларнинг истеъмол қийматини қайта тиклайди (ўзгартиради, сақлайди) ёки истеъмолчилар буюртмаларига биноан янги маҳсулотлар ишлаб чиқаради, истеъмол учун шарт-шароитларни яратиб беради. Жумладан моддий хизматларга маиший хизматлар (маҳсулотлар, бино ва қурилмаларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича хизматлар, сартарошхона хизматлари, фото хизматлар), турар жой-коммунал хизматлар, оммавий оқатланиш хизматлари, транспорт хизматлари, қишлоқ хўжалик хизматлари ва бошқалар киради.

Ижтимоий-маданий хизмат деганда инсонларнинг маънавий, интеллектуал талабларини қондирувчи ва уларнинг нормал ҳаёт фаолиятини кўллаб қувватлашга мўлжалланган хизматлар мажмуаси тушунилади. Ушбу турдаги хизматлар соғлиқни сақлаш ва уни тиклаш, шахснинг маънавий ва жисмоний ривожланишини ва унинг профессионал тажрибасини оширишга қаратилган. Ижтимоий-маданий хизматлар таркибига, тиббий хизматлар, туризм, маданий ва таълим хизматлари киради.

Юқорида қайт қилинганидек моддий хизматларнинг натижаси бўлиб, бажарилган иш ёки маҳсулот ҳисобланади. Ижтимоий-маданий хизматлар натижаси моддий шаклга эга бўлмайди. Масалан туристик ва экскурсия хизматлари натижалари маҳсулот яратиш жараёнидан фарқ қилади.

Моддий ва ижтимоий-маданий хизматлар бир бирини доимий равишда тўлдирувчи ҳисобланади. Кўпчилик ҳолатларда товарларни харид қилишга хизматларни истеъмол қилиш ҳамроҳ бўлади. Масалан оммавий оқатланиш хизматларини истеъмол қилишда, истеъмолчи товар олади. Ушбу товарга озиқ-овқат маҳсулотлари, озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қиладиган

жой, таомлар ва ичимликларни бериш бўйича хизматлар, психологик дам олиш ва ҳокозолар киради.

Истеъмолчиларга хизматлар уларга хизмат қилиш жараёнида амалга оширилади.

Хизматларни тақдим этиш деганда, хизматнинг бажарилишини таъминлаш учун зарур бўлган хизмат бажарувчисининг фаолияти тушинилади. Хизматларни тақдим этиш алоҳида босқичларга бўлинади. Улар жумласига зарур бўлган ресурслар билан таъминлаш, бажаришнинг технологик жараёни, назорат ва баҳолаш, хизмат кўрсатиш жараёни киради. Шундай қилиб, хизматлар истеъмолчилар ва уни амалга оширувчилар билан чамбарчас боғлиқ ҳисобланади.

#### **Хизматнинг хаёт даври бир неча босқичларга бўлинади:**

1. истеъмолчиларга таклиф этилаётган хизматлар бўйича маълумот бериш;
2. хизматга буюртмани қабул қилиш;
3. хизматни бажариш;
4. хизматни бажариш сифатини назорат қилиш;
5. истеъмолчи буюртмасини бериш.

Хизматнинг истеъмолчиси ва бажарувчиси ўртасидаги ўзаро алоқалар хизмат кўрсатиш жараёнида содир бўлади. Ушбу ўзаро алоқаларнинг тавсифи тақдим этилаётган хизматларнинг шаклига боғлиқ бўлади, бевосита ва билвоситаларга бўлинади. Бевосита ўзаро алоқаларда хизматни бажарувчи ва унинг истеъмолчиси ўртасида тўғридан тўғри алоқа ўрнатилади. Билвосита ўзаро алоқаларда эса, алоқа воситачилар орқали ёки хизматни бажарувчисининг ёрдамчи ходимлари ёрдамида амалга оширилади.

Хизмат кўрсатиш-бу хизматни бажарувчисининг унинг истеъмолчиси билан бевосита алоқасига тўғри келадиган фаолиятидир. Ушбу хизмат кўрсатиш жараёни сервис корхонасининг ишлаб чиқариш воситалари ва ходимлари орқали таъминланади. Хизмат кўрсатиш ўз ичига истеъмолчи буюртмасини таҳлил қилиш, хизмат кўрсатиш лоиҳасини ишлаб чиқиш

(техник вазифалар ва хизмат кўрсатиш жараёни), хизматнинг зарурий сифатини белгилашни ва таъминлашни, истеъмолчига етказишларни олади.

Ҳозирги шароитда республикамизда ўз фаолиятини амалга ошираётган сервис соҳаси мутахассислари хизмат кўрсатишнинг барча сир атворлари тўғрисида профессионал билим ва малакага эга бўлишлари лозим. Жумладан, ресторан мижозларига хизмат крсатишда, официант мижозлар билан муомила қилиш малакасига, этикет билимига, таом ва ичимликларни узатиш ва йиғиш кўникмаларига эга бўлмоғи шарт. Хизмат кўрсатиш сифати кўпчилик ҳолатларда хизмат кўрсатиш услубларига боғлиқ бўлади. Хизмат кўрсатиш услублари корхоналар турларига тегишли бўлади. Масалан тез хизмат кўрсатувчи оммавий овқатланиш корхоналарида таомларни тайёрлаш ва етказиб беришнинг юқори тезлиги зарур бўлади. Кечқурунги ва кечки мижозларга хизмат кўрсатувчи ресторанда эса таомларни секинлик билан тортиш, столни сервировка қилиш қоидалари, таомларни тортиш ва этикет қоидаларини инобатга олган ҳолдаги юқори сифатли хизматларни тақозо этади.

Истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш сервис корхонасининг ихтисослаштирилган хоналарида ёки хизмат тури ва буюртмачи талабига таалуқли равишда хизматни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай бошқа жойда амалга оширилади. Хизмат кўрсатиш сифатига хизмат кўрсатиш шароитлари бевосита боғлиқ бўлади. Бу ўз навбатида хизмат кўрсатиш жараёнида истеъмолчига таъсир кўрсатади.

Шундай қилиб сервис фаолиятининг асоси бўлиб, хизмат кўрсатишни амалга оширувчи ходимлар, хизмат кўрсатиш воситалари ва хизмат кўрсатиш шароитлари ҳисобланади.

Сервис корхонаси ишининг самарадорлиги раҳбарларнинг тўғри ташкилий-бошқарув фаолиятига боғлиқ бўлади. Ушбу ташкилий-бошқарув иш ўз ичига қуйидагиларни олади:

- корхонанинг сервис фаолиятини режалаштириш, бозорнинг ёки хизматлар ассортиментининг ўзгариши натижасида корхона ривожланишининг истиқболини белгилаш;
- ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш харажатларини баҳолаш;
- хизматлар ассортименти ва сифат даражасини инобатга олган ҳолда технологик асбоб-ускуналар ва техник воситалар таркибини оптималлаштириш;
- истеъмолчилар билан ишлаш учун психологик қобилиятга эга бўлган ходимларни танлаш.

Шундай қилиб сервис фаолияти қийин ва кўп қиррали жараён ҳисобланади. Ушбу жараён корхона ходимларни ва ресурсларини яхши бошқариш, хизмат кўрсатиш стандартларига риоя қилиш, кўрсатилаётган хизматларнинг истеъмолчилар талабларига мос келиши орқали таъминланади.

## **2. Сервис соҳасининг миллий иқтисодиёт тизимидаги ўрни.**

Ҳозирги шароитда амалга оширилаётган ислохотлар миллий иқтисодиёт самарадорлигини оширишга қаратилиши лозим бўлади. Унинг таркибий қисми бўлиб ҳисобланган сервис тизимини ривожлантириш аҳолининг ҳаёт сифатини ошириш, унинг турли хилдаги талабларини қондириш муҳим йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқот шундан далолат берадики, ҳозирги кунда сервис фаолияти билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотлар ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорлар фаолияти давлат иқтисодиётига катта хисса қўшмоқда. Ривожланган бозор иқтисодиётли давлатларда сервис соҳасига ялпи ички маҳсулотнинг ярмидан кўпроғи тўғри келади. Сервис фаолиятини ривожлантириш орқали мамлакатнинг иқтисодий қудратини ошириш, ҳамда аҳолининг меҳнат бандлигини таъминлаш мумкин бўлади. Масалан 1997 йилда АҚШ да хизмат соҳасида меҳнатга лаёқатли аҳолининг 72,0% , Италия ва Швецарияда 60,5% , Россияда 50,0% банд бўлган.



Ўтган асрнинг 80-йиллар ўрталарига келиб хизмат кўрсатиш соҳасида айрим ноаниқ ҳолатлар вужудга келди. Яъни аҳолининг сервис хизматлари эҳтиёжи юқори бўлсада, ушбу турдаги хизматларга бўлган талаб камая бошлади. Талабнинг камайиши ўз навбатида хизматлар нархларининг кескин даражада ошишига олиб келди. Сервис хизматини амалга оширувчиларининг ўзлари ҳам истеъмолчилар талабларини тўлиқ қондира олмасликларини яхши тушунар эдилар. Бундай ҳолатларнинг вужудга келиш сабабларидан асосийлари, турли хил материалларнинг етишмаслиги, хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналардаги техник хизмат кўрсатиш, такомиллашмаган ва бошқа бир қатор объектив сабабларнинг вужудга келиши ҳисобланади.

Албатта бундай ҳолатда сервис фаолиятини амалга оширувчилар хизмат сифати ва маданиятини ошириш зарурлигини англай бошладилар.

Истеъмолчиларга янги сифатдаги хизматларни таклиф этувчилардан биринчиси бўлиб, турли маиший хизмат кўрсатувчи кооперативларни келтириш мумкин. Уларнинг вужудга келиши билан аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳасида қайта куриш бошланди десак муболаға бўлмайди.

Аҳолининг кооперативлар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятига қизиқиши аста секин ортиб борди. Чунки улар томонидан амалга оширилаётган хизматлар сони ва сифати давлат корхоналаридан анча юқори эди.

Кооперативларнинг кескин равишда ошиши давлат корхона ва ташкилотлари, муассасалардан бўшаганлар ва бошқалар учун қўшимча иш жойларини ташкил этди. Ундан ташқари кооператив сервис корхоналарининг ўзига хос хусусиятлари шундан иборат эдики, улардаги ходимларнинг меҳнат натижаларига қизиқишлари баланд эди. Янги кооперативи фаолияти натижасида олинган даромад қанча юқори бўлса ходимлар даромадлари ҳам таалуқли равишда юқори бўлган.

Кооператив сервис корхоналарининг ўзига хос афзалликларидан бири шундан иборат эдики улар ўзлари керакли фаолият турини, кўрсатиладиган хизматлар ассортиментини талабга боғлиқ ҳолда ўзгартириш, нақд пулга

керакли материалларни сотиб олиш, хизмат нархларини ошириш ёки камайтириш имкониятларига эга бўлишган. Давлат корхоналарида бундай имконият бўлмаган.

Лекин давлат корхоналарининг кооператив корхоналарига қараганда афзалликлари ҳам мавжуд эди. Улардан асосийси шундан иборат эдики, кооперативлар бинолар ва асбоб- ускуналарни ўз маблаглари ҳисобига харид қилишсалар, давлат корхоналари режага таълуқли равишда молиялаштирилган, ундан ташқари кооперативлар ихтиёрида эски асбоб- ускуналар мавжуд бўлиб, улар буюртмаларни ўз вақтида бажариш борасида маълум қийинчиликларни бошларидан кечиришган. Шунга қарамасдан кооперативларда иш ҳақининг миқдори давлат корхоналаридагига қараганда юқори бўлган.

Кооперативларнинг айримларида камчиликлар мавжуд булган, Яъни иш ҳақининг бир қисми кооперативни ривожлантириш фондига йуналтирилган, Кооперативларнинг айримлари хизматлар такчиллигини билган ҳолда, уларнинг баҳоларини асоссиз равишда ошириш ҳисобида қушимча даромадларга эга бўлишганлар.

Юқорида қайт қилинган камчиликларга қарамасдан кооперативлар мамлакат ҳаётида муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлишганлар, Яъни улар уйдаги кам унимли бўлган меҳнатни камайтириш эвазига истеъмолчиларнинг бўш вақтларини оширишга эришганлар.

Ўша даврлар тадқиқотлари шундан далолат берадики, кооперативлар давлат корхоналарига қараганда анча тез ва самарали фаолият юритишганлар.

Кооперативларнинг кейинги муҳим ижтимоий-аҳамиятли функцияларидан бири булиб, аҳолининг яқка тартибдаги талабларига таълуқли равишда хизматлар ассортиментини ошириш, уларнинг талабларини тўлароқ қондиришдан иборат эди. Натижада маиший хизматларга бўлган талаблар қондирила бошланди (ижтимоий функция ) ва

ялпи ижтимоий маҳсулотдаги шахсий истеъмол фонди ошди. Бу ўз навбатида бозорнинг қисман соғломлантирилишига олиб келди ( иктисодий функция ).

Юкорида қайт қилинган ижобий ҳолатларга қарамасдан ўша даврларда маиший хизмат кўрсатиш даражасининг ривожланиши аҳоли талабидан анча ортда қолган эди. Ривожланиб бораётган кооперативлар ҳам аҳолининг барча хизматларга бўлган талабларини қондира олмасди. Ўша даврлар социологик тадқиқотлари шундан далолат берардики, XX аср 80 йиллар охирига келиб, мамлакат миқёсида аҳолининг маиший хизматларга бўлган талаби 30-40 % қондирилган ҳолос.

Хизмат кўрсатишнинг бундай паст маданияти ва сифати даражасининг сабаблари кооперативларнинг ташкилий тузилмасидан келиб чиққан. Фаолиятдаги ҳақиқий камчиликлар ва ички муоммолардан ташқари, кооператив ҳаракатнинг ривожланишини тўхтатиб турган асосий омиллардан бири бўлиб, бир томондан истеъмолчилар томонидан уларга унчалик ишонмаслик бўлса, иккинчи томондан, турли вазирликлар, маҳкамалар ва бошқармалар бошлиқларининг салбий муносабатлари ҳисобланади. Яъни биринчи ҳолатни аҳолининг минталитети деб ҳисобласак, иккинчи ҳолатни бошқарувнинг бюрократик тизими натижаси десак муболаға бўлмайди.

Кооперативларнинг ривожланиши хизмат кўрсатиш соҳасидаги мавжуд муоммоларни еча олмасди, чунки улар маиший хизмат кўрсатиш фаолиятининг бир қисми ҳисобланган.

Шунга қарамасдан ҳар қандай шаклдаги кооперативлар сервис фаолиятини ташкил қилишнинг қулай шаклларида ҳисобланган ва ўз ўзини қоплаш, ўз ўзини бошқариш принципларига асосланган.

Ҳозирги кунга келиб республикамизда кооперативларнинг қулай ва тўғри келадиган шаклларида бири бўлиб, уй-жой мулкдорлари ширкатлари хўжаликлари ҳисобланади. Ушбу ширкатлар олдидаги мақсад фойда олиш эмас, балки сервис фаолиятини фақат хизматлар истеъмолчиларинг талабларини қондиришга қаратиш ҳисобланади.

Уй жой мулкдорлари ширкатларида хизмат кўрсатиш ходимлари муоммоси осонликча ечилади. Чунки ушбу фаолиятга нафақага чиққанлар, ёш болали аёллар ва ўсмирларни жалб қилиш мумкин. Тўлиқсиз иш кунда ишлаш мумкин. Бу ўз навбатида юқорида қайт қилинган тоифадагилар учун ўта қулай ҳисобланади.

Кооператив формани маданий-маиший хизмат кўрсатишнинг оила ўртасидаги ва ижтимоий шакллари ўртасидаги оралиқ сифатида кўриш мумкин. Бу ўз навбатида хизмат кўрсатишнинг барча тизимини рационал ташкил этиш имконини беради.

Ҳозирги шароитда сервис фаолияти ва хизматларга бўлган талаб биринчи навбатда саноат ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва аҳоли харид қобилиятининг ошишига боғлиқдир. Саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот сервис ташкилотлари томонидан таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича хизматларнинг объекти бўлиб ҳисобланади. Ишлаб чиқариш ва савдонинг ривожланиши аудиторлик, ахборот, тиббий ва бошқа хизмат турларини тақазо этади. Яъни ишлаб чиқаришнинг ривожланиши сервис фаолиятининг ривожланишига туртки беради ва тескари, унинг паст даражаси сервис фаолиятининг ҳам таалуқли даражасини белгилайди.

Мустақилликдан сўнг амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳатлар негизида вужудга келаётган янги иқтисодий муносабатлар сервис фаолиятини ривожлантириш учун қулай имкониятлар яратди. Яъни иқтисодий ислоҳатлар сервис ташкилотлари фаолиятларини такомиллаштириш, янги хизмат кўрсатиш шакллари ва усулларининг вужудга келишига имконият яратди.

Бугунги кунга келиб сервис фаолияти иқтисодий жиҳатдан ишлаб чиқаришга қараганда самарали бўлиб бормоқда, чунки сервис корхоналарида молиявий маблағларнинг айланиши ҳам тезроқ, ва энг асосийси дастлабки фаолиятни бошлаш учун кам сармоялар талаб этилади.

Ривожланган бозор иқтисодиётли давлатлар тажрибасига таянган ҳолда, республикамизда кичик бизнес ва тадбиркорлик охириги йиллар

мобайнида жадал суъратлар билан ривожланиб бормоқда. Албатта бу сервис фаолиятини четлаб ўтмади. Кичик сервис корхоналари бозор конъюнктураси талаблари ва иқтисодий муҳитнинг ўзгаришига саноат корхоналарига караганда тез мослашиш қобилиятларига эгадирлар.

Иқтисодиётимиз ривожланишининг ҳозирги босқичида сервис хизматлари сони ва сифатига қўйилаётган талаблар ошиб бормоқда. Ривожланган давлатлар тажрибасининг қўлланилиши хизматларга бўлган талабнинг ошишига олиб келди. Бу ўз навбатида истеъмол бозори структурасида ўзгаришларни вужудга келтирди. Аҳолининг айрим қатламлари моддий фаровонлигининг ошиши натижасида хизматларга ўзларининг талаблари ва эҳтиёжлари мавжуд бўлган истеъмолчиларнинг янги категорияси вужудга келди. Моддий жиҳатдан таъминланган истеъмолчилар ўзларининг хаёт қулайликларини оширишни таъминлайдиган турли ассортиментдаги хизматларга катта талабгорлар ҳисобланишадилар. Шу сабабли айрим сервис корхоналари ўз фаолиятларини айнан аҳолининг шу табақалари эҳтиёжларини қондиришга қаратдилар.

Сервис корхоналари кўпроқ эътиборни истеъмолчиларнинг якка тартибдаги эҳтиёжларини қондиришга қарата бошлашдилар. Чунки бундай йўл тутишга уларни соҳада вужудга келаётган рақобат муҳити мажбур қилади. Рақобат ўз навбатида хизматлар сифатига қаттиқ талаблар қўяди. Лекин бу ерда шуни таъкидлаш жоизки, бизда ҳозир тўлиқ рақобат муҳити сервис соҳасида яратилган эмас.

Рақобат муҳитининг яратилиши Ўзбекистондаги сервис корхоналари ишини ривожлантириш ва такомиллаштириш, янги харидорларни топиш, аҳолининг таъминланган ва кам таъминланган қатламлари учун хизматлар ассортиментини таалуқли нархларда шакллантириш учун қўшимча дастак бўлиши шубҳасиздир.

Юқорида қайт қилинган омиллар хизматлар бозорини реконструкция қилинишини таъминлайди. Натижада сервис корхоналари фаолиятлари манзиллигини аниқлайди. Яъни бир томондан якка тартибдаги

истеъмолчиларнинг ҳозирги даврдаги талабларини қондирувчи, иккинчи томондан ташкилотларнинг (банк хизматлари, ахборот хизматлари, сайёҳлик хизматлари, шахсий, ахборот, молиявий хавфсизликни қўриқлаш хизматлари) эҳтиёжларини қондирувчи сервис хизматларининг янги йўналишлари вужудга келди.

Охирги йилларда республикада аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш таркибида маиший хизмат кўрсатиш хиссаси камайди, лекин алоқа хизматлари, тиббий хизматлар ошмоқда.

Маиший хизматларга талабнинг камайиш сабабларидан бири бўлиб, улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар нархларининг баландлиги ҳисобланади. Шу сабабли аҳолининг кўпчилик қисми кийимларни кимиёвий тозалаш корхоналарига топширишдан кўра уйда ювишни афзал кўришадилар. Кейинги сабабларга истеъмол қилиниши осон бўлган чет элларда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ички бозоримизда кўпайиши ҳисобланади. Ундан ташқари товар тақчиллигининг йўқолиши кийим-кечакларни яқка тартибда тикиш ва таъмирлаш бўйича хизматларни камайтирди.

Бир вақтнинг ўзида товар ишлаб чиқаришнинг ривожланиши уларга хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш билан боғлиқ бўлган хизматларга талабнинг ошишини рағбатлантирди. Масалан республикада автомобил ишлаб чиқарилиш йўлга қўйилгандан сўнг, турли хилдаги автомобилларга сервис хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш шаҳобчалари сони, улардаги хизматлар сони кескин кўпайди. Ёки яна бир мисол, янги ва қўлланиши осон бўлган фотоаппаратларнинг пайдо бўлиши, фотография хизматини кўрсатувчи корхоналарда фотосуратларни чиқариш ва кўпайтириш бўйича талабнинг ошишига олиб келди.

Республикада ички бозорда чет элларда ишлаб чиқарилган юқори сифатли молларнинг кўпайиши сервис хизматларининг оммавий тус олиши учун шарт-шароит яратиб берди. Ушбу хизмат турларига харидорларга сотишдан кейинги хизмат кўрсатиш, бепул маълумот-консултациялар бериш,

маиший асбоб-ускуналар ва машиналарга кафолат вақтида ва кафолат вақтидан кейинги техник таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш кабилар киради. Ушбу турдаги хизматларга талаб техник жиҳатдан қийин молларнинг пайдо бўлиши билан вужудга келди.

Молларнинг сотишдан олдинги ва сотишдан кейинги сервис хизматларининг ривожланиши маиший техниканинг рақобатбардошлигини таъминлайди, сервис ва ишлаб чиқариш фаолиятларинг чамбарчас боғланишига замин яратади.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Реал хизмат нима?
2. Сервис ва хизмат кўрсатишнинг ўртасидаги фарқи?
3. Идеал хизмат нима?
4. Бугунги кунда сервис соҳасига бўлган талабнинг ортиш сабаблари?

### **Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:**

1. Э.С.Файзиев «Сервис тизими фаолияти асослари» Ўқув кўлланма. Самарқанд. «Зарафшон» нашриёти Д.К, 2010
2. Э.С. Файзиев Сервис соҳасининг иқтисодиётдаги ўрни. Рисола Сам.И.С.И, 2007 й
3. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолари ва уларнинг ечимлари. Монография. Проф. М.Қ.Пардаев, проф., Ҳ.Н.Мусаевлар таҳрири остида. Т.: «Иқтисод-молия», 2008
4. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
5. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

## **Мавзу 1.2. Сервис фаолиятининг иқтисодий моҳияти ва хусусиятлари.**

Ушбу мавзуда сервис фаолиятининг иқтисодий моҳияти ва унинг хусусиятлари ҳақида кенг тушунчалар мисоллар билан келтирилган бўлиб, унда мижозларнинг эҳтиёжларини ўрганиш ва корхона ҳамда ташкилотларнинг сервис фаолияти ёритилган.

### **Режа:**

1. Сервис институтининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва хусусиятлари
2. Хизмат кўрсатиш соҳаси модернизацияси ва бандлик.

### **1. Сервис институтининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва хусусиятлари.**

Хар қандай сервис фаолияти мижозларнинг эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган. Шу сабабли талабни ўрганиш сервис соҳаси механизмини тушуниш учун зарур ҳисобланади.

Хўш, эҳтиёж дегани нима? Кундалик ҳаётда эҳтиёж деб «муҳтожлик», «даркорлик», йўқ нарсани харид қилишга интилиш тушинилади. Эҳтиёжни қондириш дегани- бу бирор бир йўқ нарсани бор қилиш, керакли нарсани беришдир. Лекин тадқиқотлар шундан далолат берадики, эҳтиёж қийин структурага эгадир. Унда икки асосий компонент ажралиб туради-объектив ва субъектив.

Эҳтиёжлардаги объективлик- бу инсоннинг ташқи табиат ва ижтимоий муҳит ва ўз организми хусусиятларидан реал боғлиқлигидир. Бундай талаблар уйқуга, овқатга, нафас олишга ва бошқа биологик талабларга бўлинади. Уларсиз ҳаёт мумкин бўлмайди, шунингдек айрим қийин ижтимоий талаблар.

Эҳтиёжлардаги субъективлик- бу субъект томонидан тақдим этилади, у томонидан белгиланади, ундан боғлиқ бўлади. Эҳтиёжларнинг субъектив компоненти- бу инсон томонидан ўзининг объектив муҳтожлигини англашидир (тўғри ёки иллюзияли).



Объектив мухтожлик ва ушбу мухтожликни субъектив тушиниш ўртасидаги қийин муносабатлар, сервис фаолияти учун жуда кенг имкониятлар яратади. Оддий ва идиал ҳолатларда инсонлар ўзларининг объектив эҳтиёжларини яхши тушинадилар, уларни қондириш йўлини кўрадилар ва уларга эришиш учун барча керакли нарсаларга эгалар. Кўпинча тескариси бўлади ва у қуйидагилар билан шартланади.

Биринчидан инсон дам олиш, даволаниш, таълим олиш, қандайдир предметлар ва хизматларга объектив шартланган эҳтиёжга эга бўлиши мумкин, лекин уни англамаслиги мумкин. Бундай ҳолатларда сервис фаолияти эҳтиёжни шакллантиришга йўналтирилган бўлиши лозим. Яъни инсон томонидан эҳтиёжларни англаш ва у учун таклиф этилаётган хизматлардан фойдаланишга интилишга ҳаракатни ташкил этишдир. Янги эҳтиёжларни шакллантириш кўпинча янги техник воситаларни яратиш билан боғлиқ. Улар жумласига автомобиллар, телефон, телеграф, телевизор, лазер, компьютер ва бошқалар киради.

Иккинчидан эҳтиёж ноаниқ ва нотўғри англаниши мумкин, қачонки инсон уни сал-пал англаса ва амалга ошириш йўлини топа олмаса. Бундай ҳолатларда сервис фаолияти вужудга келган эҳтиёжни аниқлаштириш ва конкретлаштиришга ёрдам беради, уни шакллантиришга ёрдам беради ва таалуқли хизматлар мажмуини таклиф этиши мумкин. Жумладан хизмат кўрсатиш соҳаси янги дам олиш шакллари, алоқа, таълим, соғлиқни сақлаш, транспорт ва маиший хизмат кўрсатишнинг янги шакллари, маълумот беришнинг янги шакллари тақдим қилади.

Учинчидан қийин ҳолатларда инсонинг объектив интилиши унинг объектив манфаатлари ва эҳтиёжлари билан мос келмайди ёки улар билан қарама қарши бўлади. Натижада ўзига хос сохта талаб, нотўғри талаб ва онгсиз талаб вужудга келади.

Эҳтиёжнинг объектив ва субъектив компонентлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни инобатга олган ҳолда қуйидаги атамани шакллантириш мумкин:

Эҳтиёж- бу мавжуд ва зарурий нарсалар ўртасидаги қарама-қаршиликлар асосида шаклланадиган инсоннинг ҳолатидир ва уни ушбу қарама-қаршиликларни бартараф этишга ундовчи фаолиятдир..

Сервис фаолияти ушбу қарама-қаршиликларни ҳал этишнинг усулларида бири бўлиб ҳисобланади.

Мантиқий ва мантиқий бўлмаган эҳтиёжлар мавжудлиги тўғрисидаги масаланинг қўйилиши шундай муоммога дуч келадики, унинг чуқур фалсафий маъноси мавжуд: мантиқий эҳтиёжларнинг критерийси қандай? Инсоннинг эҳтиёжини мантиқий ва мантиқий бўлмаган (яъни яхши ва ёмонга) бўлиш мумкинми?

Назарий мулоҳазалардан четлашиб, ҳозирги дунёга назар ташласак, биз инсонларда турли хилдаги эҳтиёжлар мавжуд эканлигини кўрамиз.

Олим учун ижодий илмий тадқиқотларга бўлган эҳтиёж муҳимроқ кўринади, дабдабали эҳтиёжларга унчалик қизиқмайди. Артист учун таниқлилик ва тан олиндиш эҳтиёжлари ҳосдир. қўшиқ ишқибози қўшиқ эшитишга эҳтиёж сезади, айримларга биринчи галда овқат истеъмол қилишга эҳтиёжлар муҳим ҳисобланади. Ўзларининг эҳтиёжларига боғлиқ ҳолда юқорида қайт қилинган шахслар сервиснинг у ёки бу турларидан фойдаланишни хошлашадилар.

Юқорида қайт қилинганлардан хулоса қиладиган бўлсак, инсоннинг эҳтиёжлари унинг инжиқликларининг оддий натижаси эмас. Унда икки қатламни ажратиш мумкин.

Дастлабки, зарурий, ёки витал ( лотин тилида vita- хаёт ) эҳтиёжлар мавжуд бўлиб, уларни қондирмасдан инсон хаёт кечира олмайди. Бу озиқ-овқат, уй- жой ва кийим- кечакка бўлган эҳтиёжлар. Бундай турдаги эҳтиёжларни қондиришга йўналтирилган хизматлар доим бўлган ва бўлади. Лекин уларнинг кундалик эҳтиёжларини қондириш услублари доимий равишда ўзгариб туради. Шу сабабли уларга хизмат кўрсатиш бўйича сервис фаолияти қийинлашади. Масалан, ибтидоий тизимдаги одамнинг озиқ-

овқатга бўлган эҳтиёжи, замонавий ресторан миждозиникига ўхшаб қондирилиши мумкин бўлмагани аниқ.

Иқтисодчилар эҳтиёжларни юксакка кўтариш қонунини яратдилар. Унга кўра бир эҳтиёжларнинг қондирилиши қолган қийинроқ бўлган эҳтиёжларнинг шаклланишига олиб келади. Ушбу қонунга монанд равишда сервис фаолиятининг ривожланиш қонуниятларини шакллантириш мумкин: бир турдаги хизматларни кўрсатиш, қолган қийин турдаги хизматларнинг вужудга келишига сабаб бўлади.

Мантиқий эҳтиёжлар тўғрисида тасаввур нафақат инсон организми объектив хусусиятларига таянади, балки барча жамиятда ёки алоҳида ижтимоий гуруҳларда ҳуқумрон бўлган қадриятлар тизимига ҳам боғлиқ бўлади. Шу сабабли одатлари, биологик эҳтиёжлари бир хил бўлган инсонларда, ижтимоий характерга эга турли эҳтиёжлар бўлиши мумкин.

Ижтимоий эҳтиёжлар биологик йўл билан меърос бўлиб ўтмайди ва ҳар бир инсонда тарбия жараёнида, ўз вақтининг маъданиятига кўникиш жараёнларида шаклланиб боради.

Ҳозирги европа цивилизациясида гуманистик қадриятлар кўпроқ ўрин эгаллайди. Шу сабабли кўпчилик инсонлар мантиқий эҳтиёж деганда авваламбор шахснинг камол топиши, ҳар бир инсонда мавжуд имкониятларни рўёбга чиқариш ва шунингдек жами инсониятнинг прогрессив ривожланишини тушунадилар. Мантиқий бўлмаган эҳтиёжларга жамият шундай эҳтиёжларни киритадики, уларнинг қондирилиши инсон шахсини ва ижтимоий тизимларнинг бузилишига олиб келади. Бундай эҳтиёжлар жумласига алкоголь ва наркотик моддаларни истеъмол қилиш, жиноятчилик ва террористик хуружларда иштирок этиш ва хоқозолар киради.

Гуманитар қадриятларнинг ушбу тизимига таалуқли равишда европа маъданиятида сервиснинг шундай турлари мақулланаяптики, улар ёрдамида инсон бойиш ва ривожланиш имконига эга бўлади. Улар қаторига рўзғор муоммоларини хал этиш, маълумот олиш, профессионал фаолият билан

мувоффақиятли шуғулланиш, яхши дам олиш, зарурият туғилганда тиббий ёрдам олишлар киради. Сервисни ривожлантиришнинг бундай йўналишини ижтимоий фикр ва ҳар қандай давлат қўллаб қувватлайди. қадриятлари шубҳа остига олинган хизматлар, масалан, тамаки маҳсулотларини реклама қилиш ёки хаёсиз нарсаларни ташвиқот қилиш қораланади ёки уларга қонунчилик томонидан чекланиш ва тақиқлашлар амалга оширилади.

Бошқа давлатлар маданиятларида қадриятлар ва қайси эҳтиёжлар мантиқий, қайсилари мантиқий эмасликлари билан фарқланади. Ундан у ёки бу турдаги хизматлар қадрлилиги боғлиқ бўлади.

Жамиятда ҳар доим сервис фаолиятини ривожлантириш ҳамда қабул қилинган қадриятлар тизими ( қонунлар, ананалар, маънавият ) ва давлат ҳокимияти тизими билан чуқур алоқалар мавжуд бўлган.

Сервис хизматлари, эҳтиёжлар ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа ҳолатлари билан ўзаро алоқаларини қуйидагича умумлаштириш мумкин.

Сервис фаолиятининг ривожланишига таъсир қилувчи омиллар:

1. Инсоннинг табиат ва жамият томонидан шакллантирилган қирралари;
2. Иқтисодиётнинг ривожланиш даражаси ва ҳўжалик тизими;
3. Мавжуд жамиятда шаклланган маънавият ва маданий ананалар;
4. Ижтимоий структуралар: давлат, сиёсий партиялар.

Инсон учун у ёки бу турдаги сервис фаолиятининг аҳамияти шунга боғлиқки, у қайси эҳтиёжларни муҳим деб ҳисоблайди ва уни биринчи навбатда қондиришга ҳаракат қилади.

Биологик эҳтиёжлардан ташқари ижтимоий эҳтиёжлар ҳам мавжуд бўлиб, улар таълим ва маъданиятнинг ривожланиши, меҳнат жараёнлари, техник мосламалардан фойдаланиш, саънат ва бошқа турдаги барча инсон фаолиятига боғлиқ бўлади. Ҳар қандай ижтимоий эҳтиёжларда уларга қўшилган биологик компонентлар акс эттирилади. Уларни ушбу эҳтиёжларни қондириш бўйича хизматлар кўрсатишда инобатга олиш зарур. Жумладан, таълим, маъданият, транспорт, компьютер технологиялари соҳаси

бўйича сервис хизматларини амалга оширишда умумий қоидага риоя қилиш лозим: ушбу хизматлардан фойдаланиш инсон организмга тушадиган жисмоний ва психологик оғирликнинг мумкин бўлган даражасидан ортмаслиги лозим. Ушбу даража организмнинг биологик табиатига боғлиқ ва ёш билан ўзгаради.

Рухшунослар, социологлар ва файласофлар эҳтиёжларнинг умумий таснифини беришга кўп ҳаракат қилишдилар. Ушбу таснифларнинг ҳар бири эҳтиёжларни қондиришга йўналтирилган сервис фаолиятини таснифлаштириш учун асос бўлиб ҳисобланади. Эҳтиёжлар жумласига қуйидагиларни келтириш мумкин:

- моддий ва маънавий;
- афзалроқ ижтимоий ва афзалроқ биологик;
- ижтимоий мақулланадиган ва ижтимоий мақулланмайдиган;
- биринчи даражадаги муҳим ва иккинчи даражадаги.

Ушбу таснифлаштириш америкалик рухшунос Абраҳам Маслоунинг машҳур эҳтиёжлар иерархияси назариясида умумлаштирилган. Маслоу уларни базис эҳтиёжлар ( озиқ- овқатлар, хавсизлик ва бошқа турдаги эҳтиёжлар ) ва метаэҳтиёжлар ( ҳаққонийлик, фаравонлик, тартиб ) га бўлди. Инсоннинг базис эҳтиёжлари доимийдир, қолганлари эса ўзгариб туради. Эҳтиёжлар иерархияси зина шаклида бўлади ва беш поғонадан иборатдир:

- физиологик эҳтиёжлар;
- хавфсизлик ва хотиржамликка эҳтиёжлар;
- севгига эҳтиёж;
- ҳурматга эҳтиёж;
- ўз ўрнини топишга эҳтиёж.

Маслоунинг иерархия принци деган бош ғояси қуйидагидан иборат. Янги зинанинг эҳтиёжи ҳар бир шахсга долзарб бўлади, қачонки аввалгилари қондирилган бўлса. Шудай қилиб, инсоннинг эҳтиёжлари бирламчи ва иккиламчиларга бўлинади. Эҳтиёжларни юксалтириш жараёни эса қуйи эҳтиёжларни юқориларига бўйсиндириш демакдир.

Маслоу таснифини кўпчилик танқид қилмоқда, лекин цнинг бош ғояси тўғри ҳисобланади. Сервис фаолиятининг амалиётида эҳтиёжлар ўзгаришининг қонуниятлари кўзга ташланмоқда. Хаёт даражаси паст давлатларда оддий ва дастлабки эҳтиёжларга талаб кўплиги кўзга ташланади. Хаёт даражасининг ошиши билан нафақат кундалик эҳтиёжлар, балки қийин эҳтиёжларга ҳам талаб ошиб боради. Хизматлар сифатига ҳам талаблар ошиб боради. Ундан ташқари бир жамиятда аҳолининг турли қатламлари, ўзларининг даромад миқдорига қараб, турли хилдаги сервис хизматларига талаб қўйишадилар. Хаёт даражасида қанчалик фарқ бўлса, баҳо ва сифат билан фарқланадиган хизматларга талаб доираси кўпайиб боради.

Юқорида қайт қилинганлардан хулоса қиладиган бўлсак, инсон эҳтиёжларининг ривожланиш структураси ва қонуниятлари бевосита сервис фаолиятининг ривожланишига бевосита таъсир кўрсатади. Шу билан бирга сервис бўйича мутахассислар олдида эҳтиёжлар тизимига тесқари таъсир кўрсатиш имқонияти мавжуд. Яъни айрим доираларда уни мақсадли равишда шакллантириш ва ўзгартириш мумкин. Ҳозирги дунёдаги инсоннинг манфаатлари ва эҳтиёжлари соҳасидаги бундай ўзгаришлар махсус усуллар ва техник воситалар ёрдамида амалга оширилади. Улар жумласига маркетинг тадқиқотлари, реклама, давлат томонидан тартибга солиш, шунингдек маъданий ананаларга таъсир кўрсатиш, диний ва бошқа жамоат ташкилотлари фаолиятлари орқали амалга оширилади.

## **2.Хизмат кўрсатиш соҳаси модернизацияси ва бандлик.**

Мамлакатни бозор муносабатлари асосида ривожланиш йўлига ўтиши, иқтисодиётни таркибий жиҳатдан модернизациялаш ислохотларини босқичма-босқич амалга ошириш талабини қўйди. Кейинги йилларда миллий иқтисодиётни таркибий жиҳатдан модернизацияланиши натижасида барча соҳа ва тармоқларида барқарор ўсиш суръатига эришилди. Жумладан, 2017

йилда хизматлар хажми 116795,7 млрд сўмни ташкил этди ва ўтган йилга нисбатан 108,9 фоизга ошди<sup>1</sup>.

Мамлакат иқтисодиётини таркибий жиҳатдан модернизацияланиши бу шунчаки, хохиш эмас балки зарурат ҳисобланади. Чунки мамлакат аҳолиси турмуш даражасини ошириш, фаровонлигини таъминлаш муҳим устувор вазифа. Аммо табиий ресурсларни чекланганлиги аҳоли эҳтиёжларини доимий ва мунтазам равишда тўлиқ қондириш имконини бермайди. Шунинг учун мамлакатни ушбу муаммодан батамом холи қилиш ва аҳолини ўсиб бораётган эҳтиёжларини ҳеч қандай муаммосиз тўлиқ қондириш учун иқтисодиётни таркибий жиҳатдан янгилаш зарурати юзага келади. Миллий иқтисодиётни тубдан ўзгартириш уни дунё мамлакатлари иқтисодиёти ичида рақобатбардошлигини ошириш, шунингдек, ички ижтимоий сиёсат ва ташқи муҳит ўзгаришларига мослашиши учун ҳам модернизация муҳим аҳамиятни касб этади.

Мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш борасида Биринчи Президентимиз И. Каримов «Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари» номли асарида шундай дейилган:- «Бугунги кунда давлат ва жамият соҳасида мамлакатимиз олдида ўзининг миқёси ва қамровига кўра улкан вазифалар турибди. Шулардан бири, иқтисодиётимизни янада барқарор ривожланишини таъминлаш, уни диверсификация ва модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник қайта жихозлаш борасидаги ишларни изчил давом эттиришимиз зарур<sup>2</sup>». Шунингдек, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ҳам 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлисга қилган мурожаатномаларида ҳам «Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификация қилиш.» иқтисодий ислохотларнинг асосини ташкил этишини таъкидлаб ўтканлар<sup>3</sup>.

---

<sup>1</sup> www.stat.uz

<sup>2</sup> Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари.- Т.: «Ўзбекистон», 2010.-J.18. 264б., 134 бет.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. //Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабрь

Иқтисодчи олимлар А.Аузан, К.Келимбетовлар ҳам «...глобализация шароитида иқтисодиёт тармоқлари ўртасидаги алоқаларни янги босқичга кўтариш учун модернизация ишларини амалга ошириш нафақат муҳим балки, ривожланишнинг зарурий шarti ҳисобланади<sup>4</sup>.»-деб таъкидлашган.

Модернизациялаш сиёсати- мамлакат аҳолисининг ижтимоий ҳаётига таъсир этиб, дастлаб аҳолининг дунё қарашини ўзгартиради, махсулотлар ва хизматларга бўлган янги талабини шакллантиради. Иқтисодиёт тармоқларида ишлаб чиқарилаётган махсулотлар сифати, шакли, тури, хизматларнинг эса усуллари ва тезлиги ҳам ўзгаради. Иқтисодиёт тармоқларидаги банд аҳоли янги турдаги махсулотларни ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиши учун янги инновацион технологиялардан фойдаланиши тақозо этилади. Табиийки, бундай ўзгаришлар иқтисодиёт тармоқларида банд аҳолини янгича услубда ишлашига ундайди. Яъни банд аҳоли ўз касбини ўзгартириши ёки янги касбни эгаллаши лозим бўлади. Бироқ, бу ўзгаришлар иқтисодиёт тармоқларидаги меҳнат ресурслари ўз иш ўринларини маълум муддатга ёки батамом бўшатишга тўғри келади. Иқтисодиёт тармоқларида содир бўладиган бундай таркибий ўзгаришлар натижасида ишчи кучига бўлган талаб қисқаради. Баъзиларида эса ишчи кучи таклифи ошиб, улар ўртасида шиддатли рақобат муҳити пайдо бўлади. Мамлакат иқтисодиётида бундай ўзгаришларни содир бўлиши, дастлаб аҳоли бандлигини таъминлаш борасида ўзига хос, ечими оғир муаммоларни келтириб чиқаради. Шунинг билан бир қаторда, модернизациялаш махсулотлар ва хизматларга бўлган янги талабларни шаклланиши орқали янги иш ўринларини очиши ҳам мумкин. Модернизациялаш сиёсати натижасида келиб чиқадиган ушбу муаммоларни ҳал этмасдан туриб, хизмат кўрсатиш соҳасини модернизациялаш борасида стратегик қарорларни ишлаб чиқиш қийин. Иқтисодиётни модернизациялаш борасида олиб борилаётган чет-эл иқтисодчи олимларининг тадқиқот ишларида ҳам буни тасдиғини топиш

---

<sup>4</sup> Аузан А., Келимбетов К. Социокультурная формула экономической модернизации.// Вопросы экономики 2012г., № 5., стр 38.



мумкин. Масалан, иқтисодиёт соҳаси В.В. Иноземцеванинг фикрича «Агар модернизация меҳнат унумдорлигини Европа мамлакатларининг меҳнат унумдорлиги даражасида кўтарса, унда янги иш ўринлари яратилмайди, аксинча, меҳнат бозори беқарорликка юз тутди»<sup>5</sup>. И.А.Ашмаров «Агар иқтисодиёт тармоқларини модернизацияланса ушбу тармоқда ижтимоий муаммолар туғилиши ҳам мумкин. Шунинг учун модернизация иқтисодиёт тармоқларида янги иш ўринларини очиб бориши лозим. Шунингдек, модернизация - бир тармоқда иш ўринларини қисқаришига олиб келса, бошқа тармоқда янги иш ўринларини очиб беради. Модернизациялаш иқтисодиёт тармоқларини ўзгартирмай, янги иш ўринлари очмаса мантиқсиз янгилик хисобланади»<sup>6</sup> деб таъкидлайди. Шу сабабли бўлса керак, кўплаб ривожланаётган мамлакатларда иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқларини модернизациялашнинг аниқ йўллари ишлаб чиқилмаган. Тадқиқотимизда бозор иқтисодиёти йўлини танлаб ривожланишнинг дастлабки қадамларини кўяётган мамлакатларнинг биронтасида ҳам хизмат кўрсатиш соҳасини модернизациялаш сиёсатининг амалга ошириш модели ишлаб чиқилмаганлиги аниқланди. Фақатгина узок йиллар давомида режали иқтисодиёт ҳукмронлиги таъсиридаги собиқ социалистик мамлакатларда модернизациялаш жараёнининг ўзига хос стратегияси ишлаб чиқилган. Масалан: Россия Федерациясининг мамлакат иқтисодиётини модернизацияланиши учун «Стратегии-2020» деб номланган давлат дастури ишлаб чиқилган бўлиб, унда: «мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолини турмуш даражасини ошириш, XXI асрда жаҳон иқтисодиётида ўз ўрнига эга бўлиш, мамлакат иқтисодиётини халқаро миқёсида рақобатлашишда биринчилар қаторида туриши, шунингдек, мамлакат миллий хавфсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш ва шу каби ижтимоий, ҳуқуқий

---

<sup>5</sup> См. электронный ресурс: <http://www.infox.ru>

<sup>6</sup> Ашмаров И.А., Модернизация рынка труда в системе инновационного развития России. [www.conf.ru](http://www.conf.ru) Доклады конференции 2012.

мақсадларни кўзлаган»<sup>7</sup>. Кейинчалик ишлаб чиқилган «Инновационная Россия-2020»<sup>8</sup> деб номланган давлат дастури ҳам шу мақсадларга қаратилган. Бу дастурларда мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш сиёсатини олиб бориш ислохотлари белгиланган. Аммо, модернизациялаш сиёсати оқибатида келиб чиқиши муқаррар бўлган ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал этиши назарда тутилмаган.

Юқорида айтилган иқтисодиёт соҳасининг модернизациялаш борасидаги фикрларига асосланиб айтиш мумкинки, хизмат кўрсатиш соҳасини модернизациялаш сиёсати биринчидан аҳоли бандлигини кескинлаштирса, иккинчидан ҳар бир меҳнат ресурси салоҳиятини мамлакат равнақи йўлида унумли фойдалиниш имконини беради. Шулардан келиб чиқиб, хизмат кўрсатиш соҳасини модернизациялаш сиёсати, мамлакат таракқиётида катта рол ўйнайди, шунинг билан бир қаторда, ижтимоий муаммолардан холи ҳам эмас, деган қатъий хулосага келиш мумкин. Ҳақиқаттан ҳам Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш сиёсати натижасида иқтисодиёт тармоқларида бандлик ҳолати ҳам ўзгариб борди. Саноат, қишлоқ хўжалиги, тармоқларида ишчи кучи талаби кескин камайиб кетди. 1.2.1-жадвалда келтирилган маълумотлар фикримизнинг ёрқин исботидир.

1.2.1-жадвал

### **Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларида ишчи кучи талабини ўзгариши\***

**( жамига нисбатан фоизда)**

Тармоқлар	1991 йил	2000 йил	2010 йил	2016 йил	2017 йил	2017 йилнинг 2010 йилга

<sup>7</sup> Акаев А., О стратегии интегрированной модернизации экономики России до 2025 года.// Вопросы экономики. № 4., 2012, стр 97.

<sup>8</sup> Инновационная Россия-2020 / Минэкономразвития.2010. [www.economy.gov.ru/minec/activity/sections/innovations/doc20101231\\_016](http://www.economy.gov.ru/minec/activity/sections/innovations/doc20101231_016).

						нисбатан ўзгариши (+;-)
Иқтисодиётда жами бандлар	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	X
Шу жумладан тармоқларда						
Саноат	14,3	12,7	13,2	13,6	13,5	+0,3
Қишлоқ хўжалиги	42,0	34,4	26,9	27,4	27,2	+0,3
Қурилиш	8,2	7,5	9,2	9,5	9,5	+0,3
Транспорт ва алоқа	4,8	4,3	5,2	5,3	5,3	+0,1
Савдо, умумий овқатланиш, тайёрлов ва таъминот	5,6	8,4	10,7	10,9	11,0	+0,4
Уй-жой коммунал хўжалиги ва аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг но ишлаб чиқариш турлари	2,3	2,8	3,4	2,3	2,3	-1,1
Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот	5,9	6,5	7,7	4,5	4,5	+3,2
Таълим, маданият, санъат, фан ва илмий хизмат кўрсатиш	13,7	12,8	13,8	8,8	8,7	+5,1
Молия, кредит ва суғурта	0,3	0,6	0,6	0,5	0,5	+0,1
Бошқа тармоқлар	2,9	10,4	9,3	17,2	17,5	+8,2

\*Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди.

1.1.1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, иқтисодиётнинг саноат, қишлоқ хўжалиги тармоқларида ишчи кучига бўлган талаб камайиб бормоқда. 1991 йилда жами иқтисодиётдаги банд аҳолининг 14,3 фоизи саноатда банд бўлган бўлса, 2017 йилга бориб ушбу тармоқда банд аҳоли

сони камайиб 13,5 фоизни ташкил этди. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги тармоғида ҳам 2017 йили 1991 йилга қараганда ишчи кучига бўлган талаб 14,8 пунктга камайган.

2017 йилда 2010 йилга нисбатан хизмат кўрсатиш соҳасининг савдо умумий овқатланиш, тайёрлов ва таъминот, транспорт ва алоқа тармоқларида ишчи кучига бўлган талаб ортиб борган. Шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳасининг соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот, таълим, маданият, санъат, фан ва илмий хизмат кўрсатиш тармоғи, молия, кредит ва суғурта тармоқларида ишчи кучига бўлган талаб ошган. Бироқ, уй-жой коммунал хўжалиги ва аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг но ишлаб чиқариш турлари каби тармоқларида эса ишчи кучига бўлган талаби камайган. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, иқтисодиётнинг савдо, умумий овқатланиш, тайёрлов ва таъминот, транспорт ва алоқа, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот тармоқларининг таълим, маданият, санъат, фан ва илмий хизмат кўрсатиш ҳамда молия, кредит ва суғурта тармоқларига қараганда ортиб бориши, ушбу тармоқларда амалга оширилган модернизацион сиёсат натижасидир. Хизмат кўрсатиш соҳасининг модернизациялаш сиёсати унинг тармоқлари ўртасидаги мувозанатига таъсир этди. Жадвалда кўрсатилишича бир тармоқда ишчи кучига бўлган талаб кескин камайиб айримларида эса ортиб борган. Демак, модернизациялаш сиёсати иқтисодиёт тармоқларини маълум мувозанатдан чиқаради. Мана шу вақт оралиғида эса банд аҳоли ўз иш жойидан айрилади. Шулардан келиб чиқиб, хизмат кўрсатиш соҳасини модернизациялаш сиёсатини яхлит бир тизим сифатида қабул қилиш мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблаймиз. Уни иқтисодиётнинг муҳим категориялари билан алоқасини таъминлаш керак. Модернизациялаш сиёсатини мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти учун фақат икки томонлама қараш лозим.

Биринчидан, модернизациялаш иқтисодиётни ЯИМ хажмини ошиши, меҳнат унумдорлигининг ўсиши, аҳоли даромадларининг кўпайиши, аҳоли

турмуш даражасини яхшиланиши каби барқарор макроиқтисодий мувозанатни таъминлайди;

Иккинчидан, мамлакатнинг иқтисодий беқарорлигини келтириб чиқариш, жумладан, янги технологияларнинг кириб келиши оқибатида иқтисодиёт тармоқларида ишчи кучига бўлган талаб камайиб бориб аҳоли бандлиги муаммосини кескинлаштиради.

Шу қарашлардан келиб чиқиб биз, хизмат кўрсатиш соҳасини модернизациялаш сиёсатини иқтисодиётнинг муҳим бир категорияси нуқтаи назарда қарашни лозим деб ҳисоблаймиз ва хизмат кўрсатиш соҳасини модернизациялаш сиёсатини «Аҳоли бандлигини таъминлаш» нуқтаи назаридан қарашни таклиф этамиз. Чунки модернизациялаш сиёсати аҳоли бандлигига таъсир ва акс таъсир этади. Шунинг учун ҳам модернизациялаш сиёсатини тўғри оқилонга, босқичма-босқич аниқ модел ва маълум бир категория асосида олиб борилиши лозим. Модернизациялаш сиёсатини ушбу жараёни бозор механизмига ўхшайди. Яъни, иқтисодиёт тармоқлари модернизацияланса, бандлик жараёни ҳам янгиланиб боради. Бироқ, бу механизм мамлакат тараққиётида ўта қийинчилик билан амалга ошади. Бу борада билдирилган қарашларни иқтисодчи олим А.Маддисоннинг «The World economy: a millennial perspective» номли асарида ҳам кўриш мумкин. А.Маддисон- «мамлакат иқтисодиётини модернизациялашда ЯИМнинг аҳоли жон бошидаги улушининг ўсиш суръати муҳим аҳамият касб этишини, шунингдек, модернизация босқичига ижтимоий ларзаларсиз ўтиш ниҳоятда мушкул эканлигини, бунга фақатгина иқтисодий ўсиш суръати юқори ва барқарор даражага эга бўлган мамлакатларгина ўтиши мумкинлигини, иқтисодиётни модернизациялаш жараёни назарий ва амалий жиҳатдан бой тажрибани ва у мамлакат тараққиёти учун янги бир давр ҳисобланишини тушунтирган»<sup>9</sup>.

Модернизациялаш сиёсати тўғрисида бу каби музокарали фикрларни кўплаб келтириш мумкин. Бироқ биз, хизмат кўрсатиш соҳасини

---

<sup>9</sup> Maddison A. The World Economy: A Millennial Perspective. OECD 2001.

модернизациялаш сиёсатини тўлиқ тушуниш учун «Модернизация» сўзининг мазмуни моҳиятини билишнинг ўзи кифоя деб, ҳисобладик ва тадқиқот ишимизда улардан қуйидаги энг муҳим фикрларини келтириб ўтишни лозим топдик:

1. «Модернизация» сўзи французча «modernization» - “moderne” сўзидан олинган бўлиб, «энг янги», «замонавий» деган маъноларни англатади. У амалиётда бирор нарсани янгилаш, уни замонавийлаштириш ёки замонавий талабга мувофиқ ўзгартириш маъноларида қўлланилади<sup>10</sup>;

2. «Модернизация-объектни янгилаш, яхшилаш, такомиллаштириш, уни талаблар ва меъёрларга, техник шартларга сифат кўрсаткичларига мувофиқлаштириш. Асосан машина, асбоб ускуналар, технологик жараёнлар модернизацияланади»<sup>11</sup>;

3.Б.В. Прыкина «модернизация» тушунчасини «трансформация» терминига яқин бўлиб, янгиланиш ва ривожланиш жараёнидир деб ҳисоблайди<sup>12</sup>;

4.Т. Заславская ва В. Ядовларнинг фикрларича «Модернизация – рақобатбардошликни оширади»<sup>13</sup>;

5. С.Н.Гавров эса—«Модернизация бу янги талабларга жавоб бериш, янги ислохотларни амалга ошириш, жамиятни янгиланиши ва янги жараёнлардир» деб таъкидлайди<sup>14</sup>;

6. Б. Чарльтон ва П. Андрасаларнинг қарашларича «Модернизация кўп босқичли жараён бўлиб, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий анъаналарни ўзгартиради»<sup>15</sup>;

7. Юрген Хабермас ҳам «Модернизация-ижтимоий жараёнларни чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш, меҳнат

---

<sup>10</sup> Ўз СЭ 7-том.-Т.: 1976, 311 бет.

<sup>11</sup> <http://www.economic.doco.ru>

<sup>12</sup> Прыкин Б.В. Глобалистика. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007, стр 463.

<sup>13</sup>Заславская Т. И., Ядов В. А. Социальные трансформации в России в эпоху глобальных изменений. Доклад на открытии III Социологического конгресса, 21 октября 2008 г. Режим доступа: [http://www.isras.ru/publications\\_bank/1225398577.pdf](http://www.isras.ru/publications_bank/1225398577.pdf)

<sup>14</sup> Гавров С.Н. Модернизация// Социокультурная антропология: история, теория, методология. Энциклопедический словарь. -М.: Академический проект, Константа, 2012, стр 821-830.

<sup>15</sup>CharltonB, AndrasP. TheModernizationImperative.Imprint Academic: Exeter, UK, 2003. P. 85.

унумдорлигини ошириш ва бошқа соҳаларни қамраб олади»<sup>16</sup> деб таъкидлаб ўтган;

8. Модернизациянинг кенг маънодаги мазмунини тушуниш учун иқтисодчи олим Р.Нуреев, унинг неоклассик ва кейнсча талқинларини келтириб шундай фарқлайди. «Жумладан, неоклассиклар томонидан модернизацияга хусусий мулкчилик ва демократияни мустаҳкамлаш сифатида ёндашилса, кейнсчилар томонидан энг аввало хўжаликнинг асосий тармоқларини қамраб олувчи таркибий ўзгаришлар сифатида тушунилади. Дастлабки ўринга техник-иқтисодий муаммолар қўйилади. Хўжаликда замонавий тармоқларнинг мавжуд бўлмаслиги тараққиётнинг асосий тўсқинлик кучи сифатида қабул қилади»<sup>17</sup>;

9. Маҳаллий олимларимиздан К. Ўразов ҳам юз бераётган модернизациялашга Президентимиз маърузаларида ўз аксини топган концепциялар, йўналишлар, тушунчаларга асосланган ҳолда қуйидаги таърифни беришни мақсадга мувофиқ деб топган: «Модернизациялаш-бу корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни техник ва технологик қайта жихозлаш, юксак самарали асбоб ускуналарни харид қилиш ҳамда замонавий юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ташкил этишни билвосита давлат кафолатлари, бевосита тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар асосида амалга оширилиши, шунингдек корхоналар ва аҳоли маблағлари, тижорат банклари кредитлари ҳамда давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан амалга оширилишидир»<sup>18</sup>.

Юқорида номлари зикр этилган олимларнинг модернизация тўғрисидаги билдирилган фикрларидан модернизация сиёсатини узоқ давом этадиган мураккаб жараён бўлиб, у мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий томонларига ҳам таъсир этишини билиш мумкин. Таъкидлаб ўтиш ҳам ўринлики, Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизациялашнинг илк назарий асослари Биринчи Президентимиз

<sup>16</sup>Хабермас Ю. Философский дискурс о модерне.- М.: 2003, стр.8.

<sup>17</sup> Нуреев Р. Модернизация экономики: концепции и средства. <http://www.soob.ru>

<sup>18</sup>К. Ўразов., З. Мухаммадиев. Модернизациялаш жараёнлари ҳисобини такомиллаштириш йўналишлари. // Бозор, пул ва кредит. 2012 йил., №10., 67-69 бетлар.

И.Каримовнинг иқтисодий ислохотлар муаммоларига бағишланган асар<sup>19</sup> ва мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожланишига бағишланган маърузаларида келтирилган. Унда асосан мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш ижтимоий ва иқтисодий тараққиётни таъминлашда катта рол ўйнаши ва муҳим вазифаларни бажариши таъкидлаб ўтилган. Шунингдек, мамлакат иқтисодиётини модернизациясининг энг муҳим асосий йўналиши Инқирозга қарши чоралар дастурида белгилаб берилган<sup>20</sup>. Аммо, шу вақтгача мамлакатимизда мавжуд бўлган «Иқтисодиёт назарияси»га оид адабиётларда ва чоп этилган дарслик ҳамда қўлланмаларда<sup>21</sup> модернизациянинг таърифи унинг имкониятлари, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига таъсири, айниқса, хизмат кўрсатиш соҳасининг модернизациялаш сиёсати ва унинг ишчи кучи талаби ва таклифига таъсири таҳлил этилмаган, улар тўғрисидаги қарашлар умуман ўрганилмаган. Шунингдек, модернизациянинг иқтисодий категориялар билан ўзаро алоқаси ҳам кўриб чиқилмаган. Ўзбекистоннинг иқтисодчи олимлари асарларида мамлакат иқтисодиётини модернизациялашнинг айрим назарий жиҳатлари таҳлил этилган. Жумладан, иқтисодчи олим Э.Ш.Шодмоновнинг «Мамлакатни модернизациялаш жараёнида иқтисодиётни мувозанатли ва мутаносибли ривожлантиришнинг асосий йўналишлари»<sup>22</sup> номли монографиясида мувозанатлик ва мутаносибликни таъминлаш инқирознинг олдини олиш ва иқтисодий барқарорликка эришиш жараёнидаги муҳим йўналиш эканлиги асосланган. Ю.Қ. Йўлдошевнинг «Ўзбекистонда иқтисодиётни эркинлаштириш, модернизациялаш, халқни ҳаёт даражасини

---

<sup>19</sup> Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. - Т.: «Ўзбекистон», 2010.-J.18. 264 бет.

Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. -Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2010, 4 бет.

<sup>20</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва ва чоралари.-Т.: Ўзбекистон, 2009, 56 бет.

<sup>21</sup> Экономическая теория: Учеб пособие:Кадыров А, М.И.Саидкаримова, Новикова Т.В., Наточиева Т.Ф. Икромов С.А, Алимов И., -Т.: 1998, стр 275; Вахобов А.В. Бозор муносабталираг ўтиш босқичидаги кўп укладли иқтисодиёт ва унинг такроран ҳосил бўлиши. -Т.: «Молия», 2002., 289 бет; Ш.Ш.Шодмонов, У.В.Ғафуров. «Иқтисодиёт назарияси» (дарслик). -Т.: «Фан ва технология» нашриёти, 2005, 784 бет; А. Ўлмасов., А. Вахобов. Иқтисодиёт назарияси (дарслик). -Т.: «Шарқ» нашриёти, 2006, 445 бет.; Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В., «Иқтисодиёт назарияси» (Маъруза матнлари). -Т.: 2008.

<sup>22</sup> Шодмонов Э.Ш. Мамлакатни модернизациялаш жараёнида иқтисодиётни мувозанатли ва мутаносибли ривожлантиришнинг асосий йўналишлари //Монография. – Т.: «IQTISOD-MOLIYA». 2010, 228 бет.



юксалтириш: натижа ва устувор вазифалар»<sup>23</sup> номли монографиясида эса мамлакат тараққиётидаги демократик янгиланиш хусусида фикр юритилган. Иқтисодчилар Пардаев М.Қ., Мамасоатов Т.Х., Пардаев О.М. «Модернизация, диверсификация ва инновация-иқтисодий ўсишнинг муҳим омиллари» деб номланган монографиясида эса- «иқтисодиётнинг модернизация қилишнинг тўртта тури мавжудлигини, яъни ишлаб чиқариш воситаларини модернизациялаш, технологик жараёнларни модернизациялаш, иқтисодиётни бошқариш усуллариини модернизациялаш ҳамда ходимлар малакаси ва кўникмасини модернизациялашни кўрсатиб берган<sup>24</sup> ». Фақатгина иқтисодчи олим У.А. Мадрахимов «Ўзбекистонда иқтисодиёни модернизация қилиш асослари» -деб номланган илмий мақоласида эса, иқтисодиёни модернизация қилиш жараёнини, ижтимоий ва иқтисодий турларга бўлган<sup>25</sup>. У.А. Мадрахимов иқтисодиёни модернизация қилишнинг иқтисодий турига қишлоқ хўжалигини, саноат тармоғини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни модернизациялашни айтиб ўтилган бўлса, модернизациялашнинг ижтимоий турига эса хизмат кўрсатиш соҳасининг таълим тармоғини, кадрлар тайёрлаш тизимининг таркибий тузилишини, меҳнат муносабатларини такомиллаштириш лозимлигини кўрсатиб ўтилган.

Бироқ, бу фикрлар мамлакатни хизмат кўрсатиш соҳасидаги модернизациялаш жараёнида юзага келадиган ижтимоий-иқтисодий муаммолар ечимини топишда аниқ илмий хулосалар чиқариш имконини бермайди. Шунинг учун ҳам модернизациянинг мамлакат ижтимоий ва иқтисодий тараққиётига таъсирини, унинг иқтисодий категориялар билан ўзаро алоқадорлиги чуқур таҳлил қилиниши лозим. Айниқса, уни бозор иқтисодиётининг объектив қонунлари нуқтаи назардан қараб чиқиш муҳим аҳамиятни касб этади. Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда тадқиқотлар

---

<sup>23</sup> Йўлдошев Ю. Ўзбекистонда иқтисодиётни эркинлаш-тириш, модернизациялаш, халқни ҳаёт даражасини юксалтириш: натижа ва устувор вазифалар. -Т.: 2007, 146 бет.

<sup>24</sup> Пардаев М.Қ., Мамасоатов Т.Х., Пардаев О.М. Модернизация, диверсификация ва инновация-иқтисодий ўсишнинг муҳим омиллари. Монография. Т.: «Наврўз», 2014.-104 Б., 20 бет.

<sup>25</sup> Мадрахимов У.А. Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизация қилиш асослари. // «Иқтисод ва молия» № 1, 2012, 14 бет.

олиб борган бир қатор олимлар: «Мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш учун охириги 10 йил давомида иқтисодий ўсиш суръати ўртача 7,2 фоиздан кам бўлмаслиги заруриятини таъкидлаб, ЯИМ аҳоли жон бошига 19 минг АҚШ доллардан то 35 минг АҚШ долларгача бўлишини, меҳнат унумдорлиги эса камида 2 мартадан ортиқ ошиши лозимлигини таъкидлаб ўтишган<sup>26</sup>».

Тахлиллар Ўзбекистонни 2005 йилдан буён ЯИМ ўсиш суръати ўртача 8,2 фоиздан кам бўлмаганлигини кўрсатади ва бу мамлакатни модернизацияланиш босқичига ўтиш мумкинлигини англатади. Демак, Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялашнинг дастлабки даври XXI асрнинг 2005 йилидан бошланади. Ривожланган мамлакатлар учун эса иқтисодиётни модернизациялаш жараёни XX асрнинг 50-60 йилларига тўғри келади<sup>27</sup>. Демак, Ўзбекистон иқтисодиётни модернизациялаш сиёсати бўйича 12 йиллик бой тажрибани эгаллади ва 2005 йилдан буён МДХ мамлакатлари ичида биринчилардан бўлиб иқтисодиётнинг хизмат кўрсатиш соҳасини модернизациялаш сиёсатини олиб борди. Буни МДХ мамлакатларининг ЯИМ таркибидаги хизмат кўрсатиш соҳасининг улушини Ўзбекистоннинг ЯИМ таркибида хизмат кўрсатиш соҳасини улуши билан таққослашда кўриш мумкин. Шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳасини модернизациялаш борасида бир неча фармон ва қарорлар қабул қилинган ва фикримизнинг ёрқин исботидир. Ушбу қабул қилинган фармон ва қарорлар ижроси натижасида саноат тармоғи 56 фоизга, қишлоқ хўжалиги 44,2 фоизга қурилиш 43,2 фоизга, транспорт ва алоқа 36 фоизга, хизмат кўрсатиш тармоқлари эса ўртача 31 фоизга модернизацияланди<sup>28</sup>. Лекин ушбу маълумотларни синчковлик билан таҳлил этадиган бўлсак, хизмат кўрсатиш соҳасини модернизация даражаси миллий иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалиги, саноат, қурилиш, транспорт, алоқа ва бошқа тармоқларидан ўртача 13,1 фоизга кам.

---

<sup>26</sup> Акаев А, О стратегии интегрированной модернизации экономики России до 2025 года. //Вопросы экономики. 2012., № 4., стр 107.

<sup>27</sup> Межуев В.М. Ценности современности в контексте модернизации и глобализации.//Электронный журнал «Знание, Понимание, Умение»- 2009 г., №1.

<sup>28</sup> Пронькина Т., Вопрос Модернизации. //Экономическое обозрение №8., 2012, 57-59 бет.

Демак, ушбу маълумотлар хизмат кўрсатиш соҳасини модернизациялаш борасида ҳали кўп ишлар амалга ошириши лозимлигини билдиради. Аммо, иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш сиёсатини бир ёки икки йилда амалга ошириб бўлмайди. Тадқиқотларда аниқланишича, биргина авиация тармоқларини модернизациялаш учун 10-15 йил талаб этилар экан. Шунингдек, иқтисодиётда ЯИМ ишлаб чиқариш тармоқлари бўйича олиб борилган таҳлилларимиз ҳам хизмат кўрсатиш тармоқларини жиддий ўзгартириш лозимлигини кўрсатди (1.1.2- жадвал).

1.1.2-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, хизмат кўрсатиш соҳасининг савдо ва ижтимоий таъминот тармоғи 2000 йилда ЯИМнинг 11,7 фоизини ташкил этган бўлса, 2017 йилга келиб ушбу тармоқ ЯИМнинг 10,3 фоизини ташкил этди. Бу кўрсаткич 2000 йилга қараганда 1,4 пунктга камайган. Транспорт ва алоқа тармоғи ҳам 2000 йилда ЯИМни 7,7 фоизини ташкил этган бўлса, 2017 йилга келиб ушбу тармоқнинг ЯИМдаги улуши атиги 2,1 пунктга кўпайган. Таълимнинг ЯИМдаги улуши 2017 йилда 2000 йилга қараганда қарийб 2,1 пунктга камайган. Соғлиқни сақлашда эса ушбу кўрсаткич 2000 ва 2017 йиллар давомида атига 1,5 пунктга кўпайган. Демак, 17 йил ичида хизмат кўрсатиш соҳасининг транспорт ва алоқа тармоғи 2,1 пунктга, соғлиқни сақлаш тармоғи 1,5 пунктга кўпайган. Савдо ва ижтимоий

1.1.2-жадвал

Ўзбекистонда ЯИМни иқтисодиёт тармоқлари бўйича ишлаб чиқариши ва инвестиция тақсимоти\*(фоизда)

№	Тармоқлар номи	2000 йил		2017 йил		2017 йилни 2000 йилга нисбатан ўзгариши (+;-)	
		ЯИМ	Инвестиция	ЯИМ	Инвестиция	ЯИМ	Инвестиция
1	Жами, шу жумладан	100	100	100	100	100	100

2	Саноат	14,2	29,7	23,9	34,8	+9,7	+5,1
3	Қишлоқ хўжалиги	30,1	5,7	17,3	3,3	+12,8	-2,4
4	Қурилиш	6,0	0,5	6,1	4,1	+0,1	+4,6
5	Транспорт ва алоқа	7,7	16,8	9,8	16,5	+2,1	-0,3
6	Савдо ва ижтимоий таъминот	11,7	4,3	10,3	13,4	-1,4	+9,1
7	Коммунал хўжалиги	1,7	4,7	-	-	-	-
8	Уй-жой хўжалиги	2,5	13,0	-	-	-	-
9	Соғлиқни сақлаш	2,4	2,7	3,5	2,3	+1,5	-0,4
10	Таълим	5,3	14,0	3,2	2,0	-2,1	-12,0
11	Бошқалар	18,4	8,6	25,9	23,3	+7,5	+14,7

\*Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)

таъминот тармоғи эса 1,6 пунктга камайган. Бу рақамлар хизмат кўрсатиш соҳасини ЯИМдаги улушини ошириш учун жуда катта имкониятлар мавжуд деган, хулосага келиш мумкин. Чунки 17 йил ичида хизмат кўрсатиш тармоқларининг 2,1 ва 1,5 пунктларга ортиши жуда ҳам кам. Шунинг учун хизмат кўрсатиш соҳасини тармоқлар кесимида модернизациялашнинг аниқ концептуал йўналишлари ва уни кўрсатмалари мамлакат миқёсида ишлаб чиқилиши лозим.

Хизмат кўрсатиш тармоқларини модернизациялаш сиёсати иқтисодийнинг қишлоқ хўжалиги, саноат тармоқларини модернизациялаш сиёсатидан кескин фарқ қилади. Масалан: қишлоқ хўжалигини модернизациялашда мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз ва барқарор таъминлаш, ер ресурслари унумдорлигини ошириш, экологик мувозанатни сақлаш ёки соҳани экспорт салоҳиятини кескин кўтариш назарда тутилади. Саноат тармоқларини модернизацияси ҳам тикланадиган ва тикланмайдиган ресурсларидан самарали фойдаланишни назарда тутди. Хизмат кўрсатиш тармоқларини модернизацияланиши эса асосан янги хизмат турларни кўрсатиш билан ажралиб туради.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг модернизацияси ялпи хизматлар хажмини оширишда ва сифатини яхшилашда муҳим рол ўйнайди. Модернизация хизмат кўрсатиш соҳаси учун қуйидаги имкониятларни яратиб беради:

- хизмат турларини кўпайтиради;
- хизматлар хажмини оширади;
- хизматларнинг сифатини яхшилади;
- хизмат кўрсатиш тезлигини оширади.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг модернизациялаш сиёсати натижасида ишчи кучи талаби ва таклифи қуйидаги икки тарзда ўзгаради:

**Биринчидан,** хизмат кўрсатиш соҳасини модернизациялаш натижасида иқтисодиётда унумли бандлик таъминланади. Бунда модернизация сиёсати хизмат кўрсатиш тармоқлари ичида ишчи кучига бўлган талаб ва таклифни бир–бирига мувофиқ келтиради. Ишни таклиф этувчилар талабгорларнинг ичидан энг қобилиятлисини танлаб олиб уларга муносиб иш ҳақини таъминлайди. Юқори иш ҳақи аҳолини унумли бандлигини таъминлашида муҳим рол ўйнайди.

**Иккинчидан,** соҳадаги банд бўлган ходимларга нисбатан талабнинг қисқариши натижасида аҳоли бандлиги муаммолари кескинлашади. Ушбу муаммоларни ҳам қуйидаги таркибий қисмларга бўлиш мумкин:

- хизмат кўрсатиш соҳасидан ортган меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш муаммоси;
- хизмат кўрсатиш соҳасидаги ходимларнинг малакавий кўникмасини ошириш муаммоси;
- хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнат унумдорлигини янада ошириш муаммоси. Бунда модернизация меҳнат унумдорлигини оширсада, бироқ ушбу соҳада банд ходимларнинг янада кўпроқ хизмат кўрсатиш учун рағбатлантиришнинг турли усуллари ишлаб чиқиш муаммосини қўяди.

Юқорида санаб ўтилган муаммолар ичидан энг мураккаби, хизмат кўрсатиш соҳасидан ортган меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш

муаммосидир. Чунки ушбу муаммо меҳнат ресурслари сафига келиб қўшилаётганларни иш билан таъминлаш муаммосидан, хизмат кўрсатиш соҳасидаги ходимларнинг малакавий кўникмасини ошириш муаммосидан ёки хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнат унумдорлигини янада ошириш муаммоларидан бир мунча қийин ҳисобланади. Хизмат кўрсатиш соҳасидаги ходимларнинг малакавий кўникмаси ёки меҳнат унумдорлиги ЯИМ ҳажмининг камайишига ва сифатига таъсир этсада, аммо мамлакат тараққиёти учун ижтимоий муаммони келтириб чиқармайди. Хизмат кўрсатиш соҳасида ишчи кучи талабининг қисқариши эса ишсизлар сонини оширади. Хизмат кўрсатиш соҳасининг модернизацияланиши мамлакат учун янги бир муаммони келтириб чиқариш эмас, аксинча юзага келиши кутилаётган муаммоларни узил-кесил ҳал этишни ҳам назарда тутиши лозим. Шунинг учун биз хизмат кўрсатиш соҳасини модернизациялаш сиёсати натижасида юзага келган муаммони «Соҳадаги ишчи кучига бўлган талабнинг қисқариши» нуқтаи назаридан қарашни, аҳоли бандлигининг кескинлашишини олдини олиш учун эса қуйидаги икки хил ёндашувдан фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

**Биринчиси,** хизмат кўрсатиш соҳасидан ортган меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш;

**Иккинчиси,** меҳнат ресурслари сафига келиб қўшилаётган кишиларни иш билан таъминлаш.

Аҳоли бандлигини таъминлашда биринчи ёндашув орқали амалга ошириш бир мунча мураккаброқ вазиятларни келтириб чиқаради. Хизмат кўрсатиш соҳасидан ортган меҳнат ресурслари миқдор жихатдан, меҳнат ресурслари сафига келиб қўшилаётганлардан кўп. Шунинг учун ҳам уларни иш билан таъминлаш бироз мураккаброқдир. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдики, 2000-2017 йиллар давомида мамлакат аҳолиси 132.4 фоизга ўсган бўлса, меҳнатга лаёқатли аҳоли сони эса, шу давр мобайнида 2.2

мартага кўпайган<sup>29</sup>. 2016 йилда эса 2017 йилга қараганда меҳнатга лаёқатли аҳоли сони 169,3 минг кишига ортган. Ҳисоб-китобларимизга кўра, хизмат кўрсатиш соҳасида ишчи кучи талаби атига 1 фоизга қисқарса 67,322 минг киши ишсиз қолиши мумкин. Агар 5 фоиз қисқарадиган бўлса, 336,6 минг киши ишсиз қолади. Ваҳоланки, хизмат кўрсатиш соҳасида ишчи кучига бўлган талаби йилдан-йилга ортиб боради. Агарда хизмат кўрсатиш соҳасида ишчи кучи талаби борди-ю, 10-20 фоизга қисқарадиган бўлса, у ҳолда меҳнат ресурслари сафига келиб қўшилаётганлардан хизмат кўрсатиш соҳасидан ортган меҳнат ресурслари 2 ёки 4 баравардан ортиқ бўлади.<sup>30</sup>

Хизмат кўрсатиш соҳасидан ортган меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш муаммосининг яна бир муҳим жихати шундаки, уларнинг малакасини оширишдир.

Илмий адабиётларда ва тадқиқот ишларида аҳолини иш билан таъминлаш муаммоси фақатгина меҳнат ресурслари сафига келиб қўшилаётган кишиларни айрим ҳолларда эса иқтисодийдаги банд аҳолининг қисқариши оқибатида юзага келадиган ишсизларни бандлигини таъминлаш бўйича фикр мулоҳазалар юритилган. Аммо хизмат кўрсатиш соҳасидан ортган меҳнат ресурсларни бандлигини таъминлаш бўйича аниқ, эътиборга молик ишлар амалга оширилмаган. Шу боис ҳам ушбу муаммони ечиш учун аввало унинг назарий жихатларини илмий асослаш ўта муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Олиб борилган тадқиқотларимиз натижасида хизмат кўрсатиш соҳасида ортган меҳнат ресурсларининг ўзига хос хусусиятлари аниқланди. Буларга: ишдаги қизиқиши, янгиликларни жорий этиш мойиллиги, ишга тезлик билан мослашиши, даромадига қониқиши кабиларни киритиш мумкин.

Меҳнат ресурслари сафига келиб қўшилаётган кишиларнинг хусусиятлари эса хизмат кўрсатиш соҳасидан ортган меҳнат ресурсларининг хусусиятларидан бир мунча фарқ қилади. Масалан: юқори кўникма ва малака

---

<sup>29</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланди.

<sup>30</sup> Ҳисоб-китоблари Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2013 йил маълумотлари асосида ҳисобланди.

оширган ҳолатда меҳнат бозорига кириб келиш, янги хизмат турларини жорий этиш, сифатли хизмат кўрсатиш, соҳада банд бўлишга бўлган хошиш ва юқори мойилликка эга бўлиш ва ҳоказо. Умуман олганда аҳолини иш билан таъминлашда юқорида айтиб ўтилган икки хил ёндашувлар мамлакат тараққиёти учун ишсизларни хизмат кўрсатиш соҳасига жалб этишда муҳим роль ўйнайди ва қуйидаги афзалликларни келтириб чиқаради:

1. Хизмат кўрсатиш соҳасига иш билан банд бўлишга бўлган талабнинг ортиши;
2. Хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнат унумдорликни ортиши;
3. Хизмат кўрсатишнинг янги турларини вужудга келиши;
4. Хизмат кўрсатиш соҳасида унумли иш билан банд бўлиш имкониятининг пайдо бўлиши.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Сервис институти тушунчаси?
2. Сервис хизматлари, эҳтиёжлар ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа ҳолатлари билан ўзаро алоқаларини умулаштиринг!
3. Модернизация хизмат кўрсатиш соҳаси учун қандай имкониятларни яратиб беради?
4. Модернизация қилишнинг шартларини санаб беринг!

### **Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:**

1. Э.С.Файзиев «Сервис тизими фаолияти асослари» Ўқув кўлланма. Самарқанд. «Зарафшон» нашриёти Д.К, 2010
2. Э.С. Файзиев Сервис соҳасининг иқтисодиётдаги ўрни. Рисола Сам.И.С.И, 2007 й
3. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолари ва уларнинг ечимлари. Монография. Проф. М.Қ.Пардаев, проф., Ҳ.Н.Мусаевлар таҳрири остида. Т.: «Иқтисод-молия», 2008
4. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)



5. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

## **Мавзу 2. Сервис соҳасининг рақамли иқтисодиёт шароитидаги ўрни ва аҳамияти**

Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг замонавий ва самарали йўллари аниқлаш ҳамда ишлаб чиқаришга ҳар томонлама қулайликлар яратиш, жумладан истеъмолчилар учун товарларни харид қилишда барча томонлама қулайликларни яратиш ҳозирги замон иқтисодчи олимлари олдида турган асосий масалалардан бири ҳисобланади.

### **2.1. Сервис соҳасининг рақамли иқтисодиёт шароитидаги ўрни**

Ишлаб чиқаришни замонавий ривожлантириш, бозор тушунчаси ва функциялари унинг элементлари, бозор турлари ва субъектларини ҳамда бозорнинг иқтисодий моҳияти иқтисодиётда муҳим ўринга эгадир. Шунинг учун ушбу мавзуда талабаларга юқорида келтирилган маълумотлар асосида кенг тушунчалар берилган.

#### **Режа:**

1. Рақамли иқтисодиёт шароитида сервис соҳасининг аҳамияти.
2. Сервис соҳасининг тарихий ривожланиши.

#### **1. Рақамли иқтисодиёт шароитида сервис соҳасининг аҳамияти.**

**Рақамли иқтисодиёт** – бу иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларни рақамли технологияларни қўллаш асосида амалга ошириш тизимидир. Баъзида у интернет иқтисодиёти, янги иқтисодиёт ёки веб-иқтисодиёт деган терминлар билан ҳам ифодаланади.

1995 йилда америкалик дастурчи Николас Негропonte “рақамли иқтисодиёт” терминини амалиётга киритди. Ҳозирда бу истилоҳни бутун дунёдаги сиёсатчилар, иқтисодчилар, журналистлар, тадбиркорлар – деярли барча қўлламоқда. 2016 йилда Бутунжаҳон банки дунёдаги рақамли

иқтисодиётнинг аҳволи ҳақида илк марта маъруза эълон қилди (“Рақамли дивидендлар”).

Масалан, харидорга пойафзал керак. Уни бозорга тушиб ўзи бевосита танласа ва нақд пулга сотиб олса, бу анъанавий иқтисод. Телеграмдаги бирон савдо боти орқали ўзига маъқул товарни танлаб, товар эгасига пулни электрон тўлов тизими орқали тўлаш ва товарни етказиб бериш хизмати орқали олиш – рақамли иқтисодиёт дейилади. Бу масалани энг содда маиший мисол орқали тушунтиришдир. Аслида, ҳаммамиз аллақачон рақамли иқтисодиёт ичидамиз, унинг қулайликларидан фойдаланамиз. Масалан, ойликларимиз пластик карталарга тушади, электрон тўлов орқали коммунал хизматлар, телефон, интернет ва бошқа маҳсулот ва хизматларга тўлов қиламиз, электрон тарзда солиқ декларацияси топширамиз, картадан картага пул узатамиз, уйга таом буюртма қиламиз ва ҳоказо.

**Рақамли иқтисодиёт** – бу, нолдан бошлаб яратилиши лозим бўлган қандайдир бошқача иқтисодиёт эмас. Бу янги технологиялар, платформалар ва бизнес моделлари яратиш ва уларни кундалик ҳаётга жорий этиш орқали мавжуд иқтисодиётни янгича тизимга кўчириш деганидир.

#### **Белгилари:**

- юқори даражада автоматлаштирилганлик;
- электрон ҳужжат алмашинуви;
- бухгалтерлик ва бошқарув тизимларининг электрон интеграциялашуви;
- маълумотлар электрон базалари;
- CRM (мижозлар билан ўзаро муносабат тизими) мавжудлиги;
- корпоратив тармоқлар.

#### **Қулайликлари:**

1. Тўловлар учун харажатлар камаяди (масалан, банкка бориш учун йўлқира ва бошқа ресурслар тежалади).
2. Товарлар ва хизматлар ҳақида кўпроқ ва тезроқ маълумот олинади.

3. Рақамли дунёдаги товар ва хизматларнинг жаҳон бозорига чиқиш имкониятлари катта.

4. Фидбек (истеъмолчи фикри)ни тез олиш ҳисобига товар ва хизматлар жадал такомиллаштирилади.

5. Тезроқ, сифатлироқ, қулайроқ.

Рақамли платформаларнинг ривожланиш соҳасидаги ёрқин мисоллардан бири сифатида “Алибаба” электрон савдо тизимига эга бўлган Хитой компаниясини келтириб ўтиш мумкин. Ундан фойдаланиш тажрибаси шуни кўрсатадики, маълумотлар тўплаш жараёнида иқтисодиётнинг турли секторларига экспансия учун ўта рақобатли устунликлар яратилади. “Алибаба” бу – оддийгина рақамли платформа эмас, балки платформалар экотизимидир.

Рақамли иқтисодиёт инсонларнинг турмуш даражасини сезиларли даражада оширади, бу унинг асосий фойдасидир.

Рақамли иқтисодиёт коррупция ва “қора иқтисодиёт”нинг асосий қушандасидир. Чунки, рақамлар ҳамма нарсани муҳрлайди, хотирада сақлайди, керак пайтда маълумотларни тез тақдим этади. Бундай шароитда бирон маълумотни яшириш, яширин битимлар тузиш, у ёки бу фаолият ҳақида тўлиқ ахборот бермасликнинг иложи йўқ, компьютер ҳаммасини намоён қилиб қўяди. Маълумотлар кўплиги ва тизимлилиги ёлғон ва қинғир ишларга йўл бермайди, чунки тизимни алдаш имконсиз. Натижада “ифлос пулларни” ювиш, маблағларни ўғирлаш, самарасиз ва мақсадсиз сарфлаш, ошириб ё яшириб кўрсатиш имкони қолмайди. Бу эса иқтисодиётга легал маблағлар оқимини оширади, солиқлар ўз вақтида ва тўғри тўланади, бюджет тақсимоти очиқ бўлади, ижтимоий соҳага йўналтирилган маблағлар ўғирланмайди, мактаблар, касалхоналар, йўлларга ажратилган пуллар тўлиқ етиб боради ва ҳоказо.

Давлатнинг рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўлини танлаганлиги ахборот технологиялари соҳасида ва умуман, электрон ҳужжатлар айланмаси соҳасида янги йўналишлар очиб беради. “Рақамли

технологиялар” томон бурилишга бутун жаҳон интернет тармоғи ва сифатли алоқанинг ривожланиши сабабчи бўлди.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда фойдаланувчилар озиқ-овқат маҳсулотларига буюртма бериш учун Телеграм ботларидан фаол фойдаланмоқдалар. Шунингдек, турли интернет дўконлар, электрон тўлов тизимлари ҳам фаол ривожланиб бормоқда. Демак, фуқароларимиз электрон битимларни амалга оширишга ишоништилар. Фақат ҳозирги кунгача фойдаланувчилар катта харажатлар талаб қилмайдиган кичик битимларни амалга оширмоқдалар, ўртача харид ҳажмини оширишга эса унчалик тайёр эмаслар. Эндиги масала ўртача ва йирик иқтисодий битимлар ва молиявий операцияларни рақамли технологиялар орқали амалга оширишни ривожлантиришдан иборат.

Рақамли иқтисодиётнинг ўз валютаси (криптовалюта, биткоин), пул сақлайдиган кармони (блокчейн), ҳисоблаш усуллари (майнинг) каби терминлари мавжуд. Улар ҳақида янада батафсил маълумот олиш тавсия қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлиги рақамли иқтисодиётни жорий этиш ва ривожлантириш соҳасида ваколатли орган ҳисобланади. Бундан ташқари Иқтисодиёт, Молия, Ахборот технологиялари, Адлия вазирликлари ва бошқа қатор давлат тузилмалари рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун ўзига хос масъулият ва вазифаларга эга. Бу ҳақида куни кеча Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига қилган Мурожаатномасида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилди.

## **2. Сервис соҳасининг тарихий ривожланиши.**

Хизмат соҳаси - иқтисодиётнинг секторларидан бири бўлиб ҳисобланади, ва унинг ҳолати қолган секторларнинг ривожланишига боғлиқ бўлади. Сервис фаолиятидаги ўзгаришлар доимо дунё иқтисодиётининг

таркибий қисми бўлиб келган. Шу сабабли хизмат соҳасининг цивилизациясини уч катта босқичида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ушбу босқичлар индустриалдан олдин, индустриал ва постиндустриал жамиятлардир.

1. Индустриалдан олдинги жамиятда (қулдорчилик, феодал формациялар ва капиталистик ривожланишнинг дастлабки босқичлари) саноат умуман ривожланмаган ёки қишлоқ хўжалигига қараганда кам одамларни иш билан тامينлар эди. Ўша даврларда хизматлар соҳасида асосий ўринни уй хизматкорлари эгалларди.

Америкалик машҳур иқтисодчи Джон Гэлбрейт ушбу даврдаги сервис хусусиятларини қуйидагича таърифлайди: « Индустриалдан олдинги даврда қишлоқ хўжалигидан ташқари иқтисодиёт фаолият билан шуғулланувчиларнинг кўпчилик қисми бир инсоннинг иккинчисига шахсий хизмат қилишига қаратилган. Бундай фаолиятга овқат пишириш, таълим бўйича хизматлар, инсонни жисмоний ҳимоя қилиш, ва бошқа бир қатор хизматлар киради. Хизмат кўрсатувчи инсон (фақат дин вакилидан ташқари) хизматлар истеъмолчисидан бевосита боғлиқ бўлган. қулларча хизмат кўрсатиш ўз ўзидан хизматнинг таркиби ҳисобланган. Астойдил хизматкорга йўналтирилган мақтовлар унинг паст ижтимоий ҳолатини алоҳида кўрсатарди».

Постиндустриал жамият назариясининг асосчиси Даниэл Белл ушбу ижтимоий тизимни қуйидагича таърифлайди : « Паст меҳнат унумдорлиги ва аҳоли сонининг кўплиги банд бўлмаганлар сонининг ошишини асослайди, улар қишлоқ хўжалиги ва уй хизматлари соҳасига тақсимланади. « Шу сабабли хизмат соҳасида банд бўлганларнинг кўпчилик қисми шахсий хизматлар билан шуғулланишганлар. Кўпинча хизматкорлар фақат қорин тўйғазиш учун ҳам меҳнат қилишганлар, уйдаги иш арзон ва кенг тарқалгандир. Англияда викториан даврининг ўрталарида хизматкорлар синфи энг кўпчилиқни ташкил этган».

Хизматкорларни у ёки бу жиҳатдан таъминланган кишилар сақлашганлар. Шу сабабли инсонларнинг жуда катта қатлами ёки синфи вужудга келдики, улар профессионал даражада уй хизматкорлари функцияларини бажара бошладилар, айрим ҳолларда кўпчилик авлодлар давомида. Ушбу синфда ўзига хос ҳаёт тарзи, урф - одатлар, ананалар шаклланди.

2. Индустириал, яъни ривожланган капиталистик ва социалистик жамиятда саноатнинг ривожланиши уй хизматкорлари сонининг кескин камайишига олиб келди. Ушбу даврда иқтисодиётнинг бош вазифаси бўлиб - оммавий товар ишлаб чиқариш бўлган фабрика туридаги ишлаб чиқариш яъни ижтимоий муҳитни шакллантирди, унга кўра жуда кўп сонли ёлланма ишчиларнинг бир ёки бир неча хўжайинларга тўлиқ бўйсинишини тақазо этди. Ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва синфий кураш аста секинлик билан шунга олиб келдики, фабрика ишчиларининг иш ҳақи шахсий хизматлар учун тўловлардан юқори бўла бошлади.

Индустириал жамиятда хизмат соҳасининг ривожланиши икки йўналиш бўйича амалга ошди.

Биринчидан, уй хўжалигидаги хизматкорнинг яширинч йўли аёлга ўтади. Жуда кўп сонли социологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳозирги жамиятда аёл уй хўжалигини юритиш учун эркакка қараганда бир неча баробар кўп вақт сарфлайди. Ўзбекистонда ва бошқа бир қатор мамлакатларда шундай миллий ананалар мустаҳкам ўрин топдики, рўзғор фаолияти бўйича бир қатор қийин ишлар (ювиш, тозалаш, харид қилиш, овқат тайёрлаш ва ҳоказо.) аёллар бажарадиган иш ҳисобланади.

Иккинчидан, авваллари оила аъзолари томонидан (масалан деҳқон хўжаликларига) бажариладиган жуда кўп сонли хизматлар кичик фирмалар ва хусусий тадбиркорларга ўта бошлади. Уй меҳнатини енгиллаштирадиган турли хилдаги мосламалар (кир ювиш машиналари, чанг ютгичлар, ошхона комбайнлари ва бошқалар) яратилди, шунингдек уларни таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш билан банд бўлган корхоналар тизими ташкил этилди.

Жумладан собиқ иттифоқда якка тартибдаги буюртмалар тайёрловчи, кийим-кечак ва оёқ кийими, маиший техника, кимийёвий ювиш ва ҳокозолар билан шуғулланувчи аҳолига маиший хизмат кўрсатиш билан банд бўлган жуда кўп сонли корхона ва ташкилотлар фаолият юритган. Давлат раҳбариятининг фикрига кўра уй ошхоналари тизими ва оммавий овқатланиш корхоналари оилани кўпчилик маиший ташвишлардан озод қилиши лозим эди. Таълим ва соғлиқни сақлаш бўйича бепул хизматлар ривожлана бошлади, сайёхлик, айрим ахборот хизматлари, маданият ва санъат муассасаларининг хизматлари ривожлана бошлади. Саноат ва қишлоқ хўжалигининг фаолият юритишини таъминловчи (техникани таъмирлаш ва унга хизмат кўрсатиш, юкларни ташиш, иқтисодий ва техник тавсифга эга бўлган, маълумотларни тақдим этиш) ишлаб чиқариш тавсифига эга бўлган хизматлар кенг тарқала бошлади.

Хизматлар секторининг кенгайиши ҳам капиталистик ҳам социалистик давлатлар иқтисодиётида вужудга кела бошлади. Ушбу ижтимоий - сиёсий тизимлардаги сервис фаолияти характеридаги фарқ, асосан шундан иборат эдики, социалистик давлатларда бепул хизматлар кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар сони кўп бўлса, капиталистик давлатларда пулликлари кўп эди. Натижада социалистик лагерга қарашли давлатларда хизматлар аҳоли учун тўғри келадиган даражада бўла бошланди. Яъни кўпчилик ҳолларда улар конкрет истеъмолчининг чўнтагидан эмас, балки давлат бюджетидан тўлана бошланди. Ундан ташқари собиқ иттифоқда сервис фаолияти соҳаси қариб тўлиқ давлат томонидан монополлаштирилганди (хусусий тадбиркорлик қонун томонидан тақиқланганди). Капиталистик давлатларда эса фойдани олишга мўлжалланган пуллик тижорат хизматлари кенг тарқалганди. Натижада капиталистик давлатларда аҳолининг кам таъминланган қатламлари учун хизматлар қиммат ҳисобланган, лекин хизматлар сифати ва хилма хиллиги билан социализм шароитидагилардан анча устун турган. Унинг асосий сабаби турли хилдаги сервис фирмалари ўртасидаги кучли рақобатнинг мавжудлиги ҳисобланган. Сервис фаолиятининг хусусияти шундайки, у билан асосан хусусий шахслар, кичик фирмалар ёки йирик

корхоналарнинг ихтисослаштирилган махсус бўлинмалари шуғулланишадилар. Шу сабабли социализмда хусусий тадбиркорликни тақиқлаш хизмат соҳасини ривожлантиришга тўсқинлик қилди.

3. Постиндустриал жамият саноати ривожланган давлатларда XX аср иккинчи ярмидан бошлаб шакллана бошланди. Унда фаолиятнинг асосий тури бўлиб товар ишлаб чиқариш эмас, балки ахборотни қайта ишлаш ва хизматлар кўрсатиш ҳисобланади. Шу сабабли цивилизациянинг постиндустриал ривожланиш босқичи « ахборот жамияти» ва « хизматлар иқтисодиёти» деб номланади. Д. Белл 1999 йилда қуйидагича таъриф беради : « авваламбор бу хизматларга асосланган жамиятдир. Бугунги кунга келиб кўшма Штатларда 70% дан зиёд ишчи кучи хизмат кўрсатиш соҳасида банд. Хизматлар ҳар қандай жамиятда муҳим рол ўйнайди. Индустриалдан олдинги шароитларда бу асосан уй ва шахсий хизматлар бўлган. Индустриал жамиятда хизматлар - бу ишлаб чиқаришга нисбатан ёрдамчи фаолият: коммунал хизматлар, транспорт, молия соҳаси, кўчмас мулкни бошқариш.

Постиндустриал жамиятда хизматларнинг янги турлари кенг тарқала бошланди Булар гуманитар - таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий хизматлар ва профессионал хизматлар - таҳлил ва режалаштириш, дизайн, дастурлаштириш ва ҳокозолар. Иқтисодиёт классикларининг тасаввурларида (марксизмни қўшган ҳолда) хизматлар ноишлаб чиқариш фаолияти деб ҳисобланган, чунки бойликлар товарлар билан ассоциациялашганди, сартарошлар, официантлар, адвокатлар миллий бойликни кўпайтирмас эди. Лекин, албатта, таълим ва соғлиқни сақлаш инсонлар имкониятларини оширади ва аҳолининг саломатлиги мустаҳкамланишига имконият яратади, профессионал хизматлар эса, корхона ва жамият унумдорлигининг ошишини таъминлайди. Постиндустриал секторнинг ривожланиши шуни талаб қиладики, имкони борича кўпроқ инсонлар олий маълумотга эга бўлишлари, абстракт - концептуал фикрлаш тажрибасига эга бўлишлари ва техник ва харфли - рақамли услубларни эгаллашлари лозим».



Ривожланган ғарб давлатлари мисолида постиндустириал жамиятнинг шаклланишини кузатиш мумкин. (Бу ерда шуни таъкидлаш жоизки, постиндустириал жамият ҳали ҳам шаклланиш босқичидадир.). Индустириал жамиятдан постиндустириал жамиятга ўтиш ўз ичига сервис фаолиятини ривожлантиришнинг уч давомий босқичини олади.

1. Саноатнинг ривожланиши транспорт хизматлари ва умуман товар харакати билан боғлиқ хизматларнинг кенг тарқалишига олиб келади.

2. Неъматларни оммавий истеъмол қилиш шароитида тақсимот соҳасининг ўсиши бошланади (улғужи ва чакана савдо), молиявий хизматлар, кўчмас мулк билан операциялар, суғурталаш.

3. Овқатланиш учун сарфланадиган оилавий даромад ҳиссаси камаяди. Бўшаган маблағларни аҳоли дастлаб узок фойдаланиладиган товарларни харид қилишга (кийим - кечак, автомобиллар) ва кўчмас мулкка, кейинчалик эса қимматбаҳо товарлар харид қилишга ва дам олишга сарфлайди. Шу тариқа шахсий хизматлар кенгайди. Улар жумласига ресторанлар, меҳмонхоналар, автомобил устахоналари, саёҳат, дам олиш ва спорт индустрияси кабилар киради. Сервис соҳасининг икки фундаментал соҳаси бўлмиш соғлиқ ва таълимга кескин қизиқиш кучаяди. Буларнинг барчаси хизматларнинг янги турларининг шаклланиши ва ривожланишига олиб келади.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, саноати ривожланган давлатларда ижтимоий, тақсимот ва маиший хизмат соҳаларида банд бўлганлар сони ортиб бормоқда. Мутахассислар прогнозига кўра XXI аср бошларида ишлаб чиқарувчиларга хизматлар, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаси билан боғлиқ хизматлар тез суъратлар билан ўсади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон саноати ривожланган давлатлардан энг муҳим иқтисодий кўрсаткичлар ҳисобланган жон бошига тўғри келадиган миллий даромад, иш ҳақи миқдори, меҳнат унумдорлиги, ишлаб чиқариш самарадорлиги кабилар бўйича бир оз ортда қолмоқда. Бир томондан бу қолганларга қараганда сервис иқтисодиёти ва постиндустириал жамиятнинг

барча хизматлар секторини кечроқ ташкил этилишини кўрсатса, иккинчи томондан бизда қолган давлатлар тажрибасига суянган ҳолда сервис фаолиятини мақсадли йўналтирилган ҳолда ривожлантириш имконияти вужудга келади.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Рақамли иқтисодиёт нима?
2. Индустириал жамиятдан постиндустириал жамиятга ўтиш ўз ичига сервис фаолиятини ривожлантиришнинг нечта босқичини ўз ичига олади?
3. Сервис соҳаси бозор иқтисодиёти шароитида қандай аҳамиятга эга?
4. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг фарқи нимада?

### **Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:**

1. Морозов М. А. Экономика и предпринимательство в социально – культурном сервиса и туризме. М: Изд. центр “Академия”, 2006 г.
2. Пардаев М.Қ., Очиллов И.С. “Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари” Монография. Т: Иқтисодиёт-молия, 2011
3. Э.С.Файзиев «Сервис тизими фаолияти асослари» Ўқув кўлланма. Самарқанд. «Зарафшон» нашриёти Д.К, 2010
4. Э.С. Файзиев Сервис соҳасининг иқтисодиётдаги ўрни. Рисола Сам.И.С.И, 2007 й
5. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолари ва уларнинг ечимлари. Монография. Проф. М.Қ.Пардаев, проф., Ҳ.Н.Мусаевлар таҳрири остида. Т.: «Иқтисод-молия», 2008
6. [www.economics.ru](http://www.economics.ru)
7. [www.ser.uz](http://www.ser.uz)
8. [www.uza.uz](http://www.uza.uz)
9. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
10. [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)

## **2.2. Сервис соҳасининг рақамли иқтисодиёт шароитидаги аҳамияти ҳамда уни ривожлантириш.**

Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда сервис ва хизмат кўрсатишни такомиллаштириш лозим. Шу боис, ушбу соҳани такомиллаштиришда иқтисодий ривожланган мамлакатлар тажрибаси катта аҳамият касб этади.

### **Режа:**

1. Сервис фаолият сифатида.
2. Сервис соҳасини ривожлантириш бўйича чет эл тажрибаси.

### **1. Сервис фаолият сифатида.**

Хизмат кўрсатиш- кенг тарқалган фаолият ҳисобланади. Ушбу фаолият билан қариб барча киши шуғулланади. Оддий хизматлар-бу кундалик ҳаётда кимгадир ёрдам бериш, маслаҳат бериш (маълумот таъқдим этиш ) ва бошқалар. Ушбу хизматлар махсус билимлар ва тайёргарлик талаб қилмайди. Лекин тарихдан маълумки қадим замонлардан бошлаб, айрим шахслар ва ташкилотлар мавжуд бўлишганки, улар профессионал даражада қийин ва қиммат хизматлар тақдим этишганлар. Бу махсус билимлар ва профессионал тайёргарлик талаб қилган. XX-асрда сервис инсон фаолиятининг кенг қамровли фаолиятига айланди. Ҳозирги кунда саноати ривожланган давлатларнинг 70% дунё хизмат бозорининг қатнашчилари ҳисобланади.

Сервис- бу инсон фаолиятининг алоҳида туридир. У миқознинг эҳтиёжини хизматлар кўрсатиш орқали қондиришга қаратилган. Ушбу эҳтиёжлар алоҳида шахслар, ижтимоий гуруҳлар ёки ташкилотлар томонидан бўлиши мумкин.

Сервис тушунчасини аниқлашда учта муҳим тушунча ишлатилади:

фаолият, талаб, хизмат. Ушбу тушунчалар моҳиятини ёритиш сервис нима эканлигини ва у қандай шаклларда амалга оширилишини тўлароқ кўрсатади.

Ҳозирги шароитда хизмат соҳаси ёки сервис фаолиятига иқтисодийнинг бир қатор йирик секторларини киритиш мумкин. Улар жумласига: савдо, молия, транспорт, соғлиқни сақлаш, хордиқ чиқариш индустрияси ва спорт, шунингдек фан, таълим ва бошқарув соҳаси киради. Лекин охириги уч соҳа фақат хизмат кўрсатиш билан чекланиб қолмайди.

Сервис соҳасига қуйидаги фаолият турларини киритиш мумкин:

-маиший хизматлар;

-йўловчи ва юк транспорти хизматлари, алоқа хизматлари;

-турар жой-коммунал хизматлари;

-таълим тизими, маданият хизматлари, туристик- экскурсия хизматлари:

-жисмоний тарбия ва спорт хизматлари, санатория- соғломлаштириш хизматлари:

-ҳуқуқий хизматлар:

Юқорида қайт қилинган сервис турлари уларни амалга ошириш соҳалари бўйича таснифлаштирилади. Лекин сервис фаолиятининг моҳиятини яхшироқ тушуниш учун бошқача таснифлаштиришга мурожат қилиш мумкин. Унда инсон фаолиятининг тўрт асосий шакли асос бўлган: моддий-қайта ўзгартириш , билиш, қимматли-ўнналтирилган ва коммуникатив ( муомила ). Сервис хизматлари юқорида қайт қилинган соҳаларнинг ҳар бирида қўлланилиши мумкин,

Лекин уларнинг ҳар бирида ўзига хос хусусиятлар мавжуд:

1. Моддий- қайта ўзгартириш фаолияти- бу инсон томонидан табиатни ўзгартириш, бизни ўраб турган буюмларни ташкил этиш, шунингдек жамият ва инсон организмни ўзгартиришдир. Бу соҳадаги сервис турли хилдаги хизматларни ўз ичига олади, шу жумладан инсонларнинг моддий эҳтиёжларини қондириш учун яқка тартибдаги хизматларни ҳам Масалан махсус буюртмалар бўйича турли хилдаги буюмлар ва мосламаларни ишлаб чиқиш, товарларни ташиш ва техник хизматлар кўрсатиш.

Савдо соҳасида сервис сотувдан олдинги (намоиш қилиш, товарларни текшириш ва қадоқлаш) ва сотувдан кейинги хизматларни олади. У ўз ичига кафолат давридаги ва кафолат давридан кейинги хизматларни олади. Кафолат давридан кейинги хизматлар товарларни эксплуатация қилишнинг

барча даврини ўз ичига олади. Товардан фойдаланувчининг эҳтиёжларини қондирувчи бундай сервис ишлаб чиқариш жараёнининг давоми бўлиб ҳисобланади ва рақобат шароитида товарга бўлган талабни оширади, янги сотув бозорларини ўзлаштиришга ёрдам беради.

Моддий фаолият соҳасига инсоннинг айрим эҳтиёжларини қондириш ҳам киради. Буларга тиббий хизматлар, маиший хизматлар, оммавий оқатланиш хизматлари, таълим хизматлари (чунки улар инсонни шахс сифатида шакллантиради, билим ва тажрибага эга бўлиш учун шароит яратади) киради.

2. Билиш фаолияти инсоннинг маънавий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган бўлиб, билим ва керакли маълумотни беришни талаб қилади. Ушбу турга таълим хизматлари киради. Лекин таълим фақат маълумот бериш билан чекланмайди, балки ўз ичига муомила, тарбиялаш, маълум фаолият учун керакли билималарга эга бўлиш жараёнларини ҳам олади.

Маълумотларни олиш, қайта ишлаш, тартибга солиш ва тақдим этиш ҳозирги кунга келиб, кенг фаолият соҳасига айланиб бормоқда ва ушбу фаолият **ахборот сервис** деб аталади.

Бугунги кунда маълумот барчага зарур, жумладан сиёсатчиларга ижтимоий фикр тўғрисидаги маълумот зарур ҳисобланади. Тадбиркорларга техник кашфиётлар, илмий янгиликлар, молия бозорларининг ҳолати, рақобатчилар фаолияти, истеъмолчилар талаби, давлатнинг иқтисодий сиёсатидаги ўзгаришлар, табиий офатлар ва бошқа бир қатор маълумотлар керак. Олимлар ва ишлаб чиқарувчилар учун уларнинг профессионал фаолиятига боғлиқ маълумотлар зарур. Оддий истеъмолчи учун баҳолар, товарлар ва хизматлар тўғрисида маълумот керак. қолган турдаги фаолият юритувчилар учун ҳам керакли маълумотлар зарур. Шу сабабли бутун дунё бўйича ўзларининг фаолиятларини амалга оширувчи кўпчилик хизматлар ва ташкилотлар ўз истеъмолчиларини ахборот хизматлари билан таъминлашадилар. Охириги йилларда ахборот хизматларни тақдим этувчи асосий техник воситалардан бири бўлиб Интернет ҳисобланади.

Жамиятнинг билиш фаолиятини таъминловчи ахборот сервиси, таҳлилнинг чуқурлиги ва маълумотларни қайта ишланиш даражасига қараб, бир неча қийинлик даражасига бўлинади.

Билиш фаолиятида сервиснинг икки асосий даражасини алоҳида гуруҳга ажратиш мумкин:

- эмпирик- алоҳида фактлар ва воқеалар тўғрисида маълумотлар бериш;

- назарий- ушбу соҳа ҳолатининг мавжудлиги ва ривожланиш қонуниятларини аниқловчи маълумотлар таҳлили.

Билиш фаолиятида сервиснинг эмпирик даражасида нисбатан оддий маълумотлар тақдим этилади. Улар жумласига ташкилотларнинг жойлашиши ва иш режими, товарларнинг мавжудлиги ва уларнинг баҳолари, сиёсий ва маъданий ҳаёт воқеалари, шунингдек юридик характерга эга бўлган маълумотлар киради. Ушбу турдаги хизматлар турли маълумот берувчи хизматлар томонидан, ҳамда махсус маълумотга эга бўлмаган шахслар томонидан кўрсатилади.

Ахборот сервисда назарий даражасида иқтисодиётдаги мавжуд ҳолат таҳлил қилинади, ижтимоий фикр ўрганилади, атроф муҳитнинг ҳолати, товар ва хизматларга талабнинг ривожланиш истиқболлари ва бошқалар аниқланади. Бундай турдаги хизматларни маълумотларга эга бўлган, уларни профессионал даражада қайта ишлай оладиган ва фойдаланувчига унга керакли шаклда тақдим эта оладиган экспертлар, аналитик марказлар, илмий-текшириш институтлари ва бошқа маълумотга эга бўлган муассасалар кўрсатади.

3. Фаолиятнинг қимматли- йўналтирилган шаклини кўпчилик ҳолларда билиш фаолияти билан алмаштиришадилар. Лекин улар ўртасида муҳим фарқ мавжуд. Билишнинг вазифаси- мавжуд табиий ва ижтимоий ҳодисаларни ўзгартирмасдан акс эттириш ҳисобланади. қимматли- йўналтирилган фаолиятнинг вазифаси эса ушбу ҳодисаларнинг инсон учун қандай аҳамиятга эга эканлигини белгилаш ҳисобланади, уларга маълум муносабатларни

ишлаб чиқиш ва уларга баҳо бериш ҳисобланади. Ушбу баҳо албатта инсоннинг ўзига ва у яшаётган жамиятнинг турига боғлиқдир.

қимматлар тизимини ( ўраб турган атроф муҳитдаги воқеалар ва ҳолатлар баҳоланишлари ) маънавий, санъат, сиёсий фаолият белгилаб беради. Фан эса одатда субъектив баҳолалардан ҳолос бўлишга ҳаракат қилади, атроф муҳитдаги қонуниятларни инсоннинг хоши ва истакларига боғлиқ бўлмаган ҳолда объектив равишда ёритишга ҳаракат қилади.

қимматли йўналтирилган фаолият соҳасида сервис реклама, экспертиза, психодиагностика, имиджмейкер хизматлари, бадий- безатиш фаолияти, диний тавсифдаги хизматлар орқали амалга оширилади.

Реклама хизматлари ва бозордаги товарни силжитишнинг барча жараёнларини истеъмолчиларда мавжуд бўлган қимматлар тизимини ўзгартиришга ҳаракат қилиш деб тушуниш мумкин. Оддий ҳолатда реклама алоҳида товар ва хизматларга талабни шакллантиришга ҳаракат қилади ва у инсонлар учун қимматга эга эканлигига ишонтиради.

Юқорироқ даражада реклама сервис қийин қимматли-йўналтирилган ҳал этади. Яъни қандайдир товар ва хизматларга доимий ва барқарор талабни шакллантиришга ҳаракат қилади. Ушбу товарлар ва хизматлар кишиларнинг ҳаёт тарзини белгилашни, уларни истеъмол қилмасдан, инсонлар ҳаёт кечира олмасликларини кўрсатиш ҳисобланади. Масалан, Генри Форд ва бошқа автомобил саноатини яратувчилар ўз маҳсулотларини нафақат ҳаракат воситаси сифатида, балки қадриятлар тизимининг ажралмас қисми ва ўрта ҳол америкаликнинг ҳаёт тарзи даражасига олиб чиқишга эришдилар.

Савдо, мода, дизайн ва бошқа турдаги бадий ижод соҳасида экспертиза ўтказиш қимматлар тизимини ўзгартиради. Эксперт хизматлари талабга таъсир кўрсатади. Яъни давлат ёки тан олинган юқори даражадаги мутахассислар товарлар, хизматлар ёки саънат асарларининг тасдиқланиши.

Имиджмейкерлар хизмати ва жамоатчилик билан алоқаларни ташкил этиш бўйича хизматлар, фирманинг, жамоа ташкилотларининг ва алоҳида

шахснинг жозибадорлик образини яратиш учун амалга оширилади. Уларнинг вазифаси- мижознинг обрўини кўтариш ҳисобланади.

Психоаналитик (психотерапевт) хизматлари Ғарб давлатларида кенг тарқалган. Уларнинг вазифаси- мижозга қийин ҳаётий ҳолатларда янги муносабатларни ишлаб чиқиш орқали уларнинг шахсий муоммоларини ҳал этишга ёрдам бериш ҳисобланади.

Коммуникатив фаолият шакли- бу алоҳида инсонлар ва ташкилотлар ўртасида муомилани (коммуникацияни) ташкил этишдир. Сервис фаолиятининг ушбу шаклига презентациялар, учрашувлар, конференциялар, кўргазмалар, шартномалар, Интертенда мулоқатлар, муомиланинг психологик тренинги ва қандайдир маънода оммавий ахборот воситаларининг фаолияти ва алоқа хизматлари киради.

Коммуникатив фаолияти доимо маълумотни бериш билан боғлиқ бўлган, лекин фақат у билан чекланмаган. Коммуникациянинг тарихан уч асосий тури вужудга келган:

- бевосита шахсий мулоқат;
- саънат асари, ёзув ва бошқа белги тизимлари орқали билвосита мулоқат;
- электрон технологиялар ёрдамида мулоқат; телефон, радио алоқа, компьютер алоқаси.

Бевосита шахсий мулоқатда сервис инсонларнинг тўғридан тўғри алоқаларини ташкил этишга, уларнинг бир бирларини тушинишлари учун имкониятлар яратишга қаратилган. Хат ёки қоғоз технологиялари орқали мулоқат белги тизимлари орқали тўғридан тўғри бўлмаган ўзаро алоқаларни ташкил этишнинг ўзига хос хизматларини талаб қилади. Улар жумласига почта хизматлари ва матбуотдаги маълумотларни келтириш мумкин.

Коммуникацияларнинг электрон воситаларидан фойдаланиш бўйича хизматлар мулоқат имкониятларини кескин оширади, яъни уларнинг оператив бўлишини таъминлайди.



Юқорида қайт қилинган инсон фаолиятини тўрт гуруҳга бўлиш илмий абстракция ҳисобланади. У таалуқли сервис тизимини деталлаштирилган ҳолда тадқиқот қилиш учун зарур ҳисобланади. Реал ҳаётда фаолиятнинг ушбу формалари бир бирларига боғланиб кетади, аниқ сервис хизматлари одатда тўрт шаклнинг барча элеменларини ўз ичига олади. Жумладан товарни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш характериға боғлиқ хизматлар моддий-қайта ўзгартириш фаолиятиға мос келади. Лекин бу ерда хизматлар истеъмолчисини, одатда улар тўғрисида қандайдир маълумот олиш қизиқтиради. Ундан ташқари товарлар ва уларға хизмат кўрсатиш бўйича эксперт баҳоланиши ( мутахассис фикри ) қизиқиш уйғотади.

Сервис фаолиятининг барча турларида хизматларнинг истеъмолчиси ва таъминотчиси ўртасида коммуникация ( мулоқат ) вужудға келади. Улар ўртасидаги психологик муносабатлардан кўпчилик ҳолатларда ушбу хизматларнинг келгусидаги ривожланиши боғлиқ бўлади, хусусан сайёхлик, тиббий, маданий, таълим сервисида алоҳида шахлар билан ишлаш жараёнларида.

## **2. Сервис соҳасини ривожлантириш бўйича чет эл тажрибаси.**

Республикамик иқтисодиётида сервис тизими шаклланиб бораётган бир пайтда, ушбу соҳаға оид масалалар ривожланган бозор иқтисодиётли давлатларда қандай амалға оширилаётганлигини, уларда бу борадаги иш тажрибаси тўғрисида керакли даражада тасаввурға эға бўлиш, тадбиркорларға сервис соҳасида муваффақияти фаолият юритишларига имконият яратиши шубҳасиздир

Ривожланган давлатлар иқтисодчиларининг фикриға кўра, ҳозирги кунда моддий ишлаб чиқариш соҳасида кескин ўсишға эришиш бир қатор омиллар туфайли мумкин эмас экан. Бунинг асосий сабаби, бирламчи тармоқлар маҳсулотларига талабнинг камайиб бориши ҳисобланади.

Натижада меҳнат ва капиталнинг моддий тармоқлардан хизмат кўрсатиш соҳасига ўтиши вужудга кела бошланди.

Ҳозирги кунда АҚШ да иқтисодиётнинг учламчи сектори (хизмат кўрсатиш соҳаси) ялпи миллий маҳсулотнинг 73% дан кўпроғини таъминлайди, Европа Ҳамкорлиги давлатларида 63% ялпи миллий маҳсулот ва 62% банд бўлганлар сонидан, Японияда ушбу кўрсаткичлар таалуқли равишда 59% ва 56% ни ташкил этади.

90 йилларнинг охирига келиб, ривожланган давлатларда хизмат кўрсатишнинг ижтимоий ишлаб чиқаришдаги ҳиссаси 62-64% ни, сервис тизимида банд бўлганлар, умумий банд бўлганларнинг 63-75% ни, ушбу соҳага капитал қуйилмалар умумий инвестицияларнинг 50% дан ошди

Ушбу давлатлардаги хизматлар динамикасининг ўзгариши бир қатор ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг узок муддатли асосий омилларининг таъсири натижасида вужудга келди. Яъни ижтимоий меҳнатнинг бўлиниши, хизматларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган секторнинг активлашиши, ишлаб чиқаришнинг моддий ва номоддий элементларининг интеграллашуви, иқтисодий ўсиш характеридаги ўзгаришлар (илмий билим манбаалари, инсон омили, номоддий жамғарилишларнинг кўпайиши) асосида вужудга келади. Шу сабабли сервис институтида инсоннинг ўзини такомиллаштириш, унинг интеллектуал ва жисмоний имкониятларини такомиллаштириш йўналишидаги ўзгаришлар сабаб бўлди.

Ривожланган давлатлар иқтисодиётларининг ижтимоий йўналтирилиши, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг инсон омилидан бевосита боғлиқлиги, ушбу давлатларнинг бир қатор хизматларни ривожлантириш учун, биринчи навбатда ижтимоий хизматлар характерларини сезиларли даражада оширишга мажбур қилди.

АҚШ да истеъмол хизматларини амалга оширувчи корхоналар ичида кенг тарқалгани бўлиб, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ҳисобланади. Улар умумий сони бўйича оммавий овқатланиш корхоналари, соғлиқни сақлаш, дам олиш ва ҳордиқ чиқариш (кинотеатрларни қўшган холда)

корхоналаридан ҳам кўпдир. Ушбу корхоналар АҚШ да фаолият юритувчи корхоналар ичида энг кичиклари ҳисобланадилар. Ушбу корхоналар «сичқонлар» деб ном олишганлар. Ҳозирги кунда бундай корхоналар сони 6 млн. га яқин ва уларда банд бўлганлар сони ўртача 3-4 кишини ташкил этади. Ушбу корхоналар жумласига дорихоналар, гаражлар, сартарошхоналар, савдо шаҳобчалари, таъмирлаш устахоналари ва бошқалар киради. Таъмирлаш корхоналарининг айримларида асосий ишчи кучи-тадбиркорнинг ўзи ҳисобланади. Жумладан соат ва заргарлик маҳсулотларини таъмирлашда ҳар 10 корхонага 4, оёқ кийимни таъмирлашда 7, электр асбоб-ускуналарини таъмирлашда 8 ёлланма ишчи тўғри келади. Ўртача бир корхонага шахсий хизмат кўрсатиш учун 2,9, таъмирлаш хизматларини кўрсатиш учун эса 3,8 банд бўлган ходимлар тўғри келади. Жами корхоналарнинг 75% даги йиллик оборот ҳажми 1 млн. долларга етмайди. Шунга қарамасдан маиший хизмат кўрсатишнинг бирор бир ўта йирик корхонаси таалуқли хизматларнинг умуммиллий бозорининг 2-3% дан юқорисини назорат қилмайди.

Корхоналарнинг кичиклиги ва маиший хизмат кўрсатишдаги оддий ишлаб чиқариш формаларининг мавжудлиги, авваламбор уларни вақт, хизмат кўрсатиш жойи, талабнинг яқка тартибдаги хусусиятларини инобатга олган ҳолда, хизматларни ишлаб чиқаришни яқка тартибдаги истеъмолчига яқинлаштириш зарурияти билан асосланади. Натижада сервис хизмат кўрсатиш корхоналари мумкин бўлган миқдорнинг ортидан ҳамма жойга эргашиб боради. Ушбу жойлар жумласига: турар жойлар, савдо марказлари, шаҳарнинг ишчан қисми, меҳмонхоналар, шифохоналар, йирик автомагистраллар атрофи ва бошқа ижтимоий жойлар киради.

АҚШ да тадбиркорлар ассоциациялари ишининг диққатга сазовор тажрибаси мавжуд. Бундай ташкилотлар асосан кичик ва ўта кичик, шу жумладан хизмат соҳасида ҳам, фаолият юритишадилар.

Тадбиркорлар ассоциациялари хизматларнинг стандарт тўпламларини ишлаб чиқишадилар, уларнинг сифат даражаларини белгилайдилар ва

назорат қиладилар. Регламентлаштириш тизимида марказий ўринни у ёки бу шаклда баҳоларни ўрнатиш эгаллайди. Ассоциациялаштирилган тадбиркорлар, ҳар бир касб бўйича мавжуд бўлган этика кодекси талабларига риоя қилишига мажбур бўлишадилар, унинг бузилиши жазоланишга олиб келади, ҳатто ушбу фаолият тури билан шуғулланиш рухсатини олиб қўйишгача.

Хизмат кўсатиш соҳаси корхоналарининг эгалари ишчи кучидан фойдаланишнинг қисман банд бўлиш шаклларида кенг фойдаланишмоқдалар. Умумий ҳолда хизматлар соҳасида бундай шароитда барча банд бўлганларнинг 80% дан кўпроғи ишлашадилар. Уларда иш ҳафтасининг ўртача давомийлиги 19 соатни ташкил этади. қисман банд бўлиш фойдалиликни давомийликнинг камайиши ҳисобига меҳнат интенсивлигини ошириш орқали кўпайтириш имконини беради.

Охирги йиллар мобайнида АҚШ да авваллари жозибали ва обрўли меҳнат ҳисобланмаган хизмат кўрсатиш соҳаларига ишчи кучи оқимининг барқарор келиши ҳолати характерлидир. Ишчи кучи бозоридаги кучли рақобат, ҳар қандай ишга ижобий ва жиддий ёндошишни тақазо этади.

Давлат тадбиркорликка нисбатан икки вазифани кўяди: кичик тадбиркорлик структуралар сонининг ўсиши, шунингдек ушбу фирмаларнинг кўпчилик қисми мамлакат ичида ўзларининг ҳиссалари ва аҳамиятларини ошириш учун зарурий шарт-шароитларни ташкил этишдир. Масалан, Англияда ҳукумат томонидан кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг уч даражаси мавжуд:

1. Бизнесни ташкил этиш ва унинг гуллаб яшнаши учун қулай муҳитни яратиш (кенг доираларда лорд Янгнинг сиёсати деб танилган)

2. Янгидан ташкил этилган корхоналарни кенг молиявий қўллаб-қувватлаш (тадбиркорларни субсидиялаш дастури). У ўз ичига бизнесни олиб бориш санъатига ўргатиш ва келгусида маслаҳат бериб туришни олади. Бизнесни олиб боришни ўргатувчи курсларнинг оммавий равишда ривожланиши янги ташкил этилган корхоналарнинг яшовчанлигига имкон

яратди. Яъни ушбу курсларни тамомлаган бизнесменлар ўзлари ташкил этган корхоналарда биринчи уч йилда яшовчанлик кўрсаткичи 90% бўлган.

3. Харакат қилаётган корхоналарда маслаҳатлар ва ёрдам бериш. Корхона раҳбарларининг кўпчилиги паст молиявий база ёки раҳбарлик тажрибасининг бўлмаслиги туфайли корхонанинг ўсишини режалаштирмайдилар. Шу билан бирга 1 дан 19 тагача банд бўлганларга иборат тадбиркорлик тузилмалари, асосий иш жойларини ташкил этувчилар ҳисобланадилар ва ёрдамга жуда муҳтож ҳисобланишадилар. ..

Масалан Японияда ҳар қандай тадбиркор ижтимоий маслаҳат марказлари хизматларидан фойдаланиши мумкин. Бу ерда уларга бизнес-режани тузишга ёрдам беришадилар, асосий масалалар бўйича маслаҳат беришадилар, шериклар ва янги технологияларни қидиришда ёрдам кўрсатишадилар.

Ривожланган бозор иқтисодиётли давлатларнинг 30-40 йиллик тажрибаси шуни кўрсатадики, тадбиркорликнинг кичик шакллари давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг тизими яратилиши лозим. Йирик корхоналар одатда молиявий мустаҳкамликнинг муълум захираларига эгадирлар. Улар ташқи алоқалар ҳисобига иқтисодий барқарор ҳисобланишадилар. Улар ихтиёрида кучли менежмент ва маркетинг бўлимлари, лизинг, стратегик ва контроллинг марказлари мавжуд. Шу сабабли хавф-хатарни суғурталанишнинг кенг ва ишончли имкониятларига эгадирлар. Кичик бизнес корхоналари кўпчилик ҳолатларда бундай имкониятларга эга эмаслар. Шунинг учун кўпчилик ривожланган давлатларда махсус давлат, ярим давлат, тижорат, жамоатчилик структуралари ташкил этилган. Улар кичик бизнесни турли йўналишлар ва турли шаклларда (махсус давлат ва ҳудудий дастурлар доирасида сармоялаштиришдан, тадбиркорлар ва менежерларни ўқитишгача) қўллаб-қувватлашни амалга оширмоқдалар.

Ушбу мақсадларда турли хилдаги халқаро ташкилотларнинг кенг тарқалган шахобчалари ҳам ҳаракат қилишмоқдалар. Улар жумласига кичик

ва ўрта корхоналарнинг халқаро ассоциациясидан тортиб, то Европа ва бошқа худудий қўллаб-қувватлаш ва ўқитиш фондларини киритиш мумкин.

АҚШ президенти ва конгресси қошидаги кичик бизнес ассоциацияси, ўз марказий аппаратида, штатлар ва округларда, марказлар ва институтларда, университетлардаги ходимлар сонининг штати 5 минг кишини ташкил этади. Унинг бюджети 1 млрд. долларга яқинни машкил этади. Ушбу бюджет кичик бизнесни ривожлантиришнинг худудий дастурларини қўллаб-қувватлашга, кичик бизнес соҳасидаги илмий тадқиқотларни молиялаштиришга, тадбиркорлар ва менежерларни тайёрлашга, семинар ва конференцияларни ўтказишга, халқаро ташкилотлар ва ривожланаётган давлатларга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни шакллантириш ва консалтинг марказларининг фаолият юритишлари учун сарфланади.

Кўпчилик давлатларда давлат структураларидан ташқари кичик бизнес учун махсус марказий ва маҳаллий хусусий банклар, фондлар, савдо палаталари, марказлар «ишлашадилар».

Сервис ташкилотларининг самарали фаолият юритишлари учун зарурий шарт-шароитларни инфратузилма ташкил этади. Ривожланган бозор иқтисодиётли давлатларда хизмат кўрсатиш соҳаси инфратузилмаси, давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг объекти бўлиб ҳисобланади, хусусан катта ижтимоий аҳамият касб этадиган хизматлар бўлса. Ушбу хизматлар жумласига транспорт ва алоқа хизматларини келтириш мумкин. Жумладан Японияда интернет хизматлари ва уяли телефон алоқаси давлат томонидан дотациялаштирилади, йўллар ва темир йўл магистралларини қуриш бюджет маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Ривожланган давлатлардаги хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритаётган корхоналар самарадорлигининг яна бир рецепти шундан иборатки, уларда юқори малакали мутахассислардан кўпроқ фойдаланиш ҳисобланади. Ушбу давлатларда сервис соҳасида меҳнат ресурсларини рационал жалб қилиш масалалари доимий равишда менежерларнинг диққат эътиборида бўлиб келган, охириги йилларда улар ўта долзарб ҳисоблана

бошланди. Агарда таққослайдиган бўлсак, Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасида ишловчиларнинг катта қисми ёки кам малакалидир, ёки ихтисослаштирилган билимлар, иш тажрибаси ва ҳокозоларга эга бўлмаган, халқ хўжалигининг бошқа соҳаларидан ўтган ходимлар ҳисобланишадилар.

Тадқиқотлар натижасида шу нарса аниқландики, ходимлар сифати масалалари сервис ташкилотининг типи ва унинг иши конкрет мазмунига боғлиқ бўлади. Ривожланган давлатларда сервис корхоналари одатда қуйидагича таснифлаштирилади:

- номоддий сектор.
- хизматларни сотиш.
- ноу-хау.

Хизматларни сотиш ва ноу-хау корхоналари турли меҳнат сиғими, капитал сиғими билан тавсифланиши ва ходимлар малакасининг турли даражаларини талаб қилиши мумкин. Айрим хизматлар, масалан компютерлаштирилган банк хизматлари ёки ҳаво қатновлари жуда катта капитал қуйилмаларни талаб қилади. қолганлари эса, жумладан тиббий хизмат кўрсатиш ёки бошқарув бўйича маслаҳат капиталнинг жуда кичик ҳажмини талаб қиладилар ёки умуман талаб қилмайдилар, лекин ишловчилар профессионализмининг юқори даражаси бўлиб фарқланади.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Сервис корхоналарининг таснифланиши?
2. Сервис соҳасининг халқ хўжалигидаги ўрни?
3. Сервис нима?
4. Сервис соҳасининг АҚШ ва Европа мамлакатларидаги ҳолати?

### **Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:**

1. Морозов М. А. Экономика и предпринимательство в социально – культурном сервиса и туризме. М: Изд. центр “Академия”, 2006 г.

2. Пардаев М.Қ., Очиллов И.С. “Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари” Монография. Т: Иқтисодиёт-молия, 2011
3. Э.С.Файзиев «Сервис тизими фаолияти асослари» Ўқув қўлланма. Самарқанд. «Зарафшон» нашриёти Д.К, 2010
4. Э.С. Файзиев Сервис соҳасининг иқтисодиётдаги ўрни. Рисола Сам.И.С.И, 2007 й
5. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолари ва уларнинг ечимлари. Монография. Проф. М.Қ.Пардаев, проф., Ҳ.Н.Мусаевлар таҳрири остида. Т.: «Иқтисод-молия», 2008
6. [www.economics.ru](http://www.economics.ru)
7. [www.ser.uz](http://www.ser.uz)
8. [www.uza.uz](http://www.uza.uz)
9. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
10. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

### **Мавзу 3. Сервис корхоналарида хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш фаолиятининг мақсадлари ва вазифалари**

Замонавий бозор шароитида ишлаб чиқариш ва сервис хизматларини кўрсатиш фаолиятини чамбарчас боғланган ҳолда олиб бориш истеъмолчилар учун қулайликлар яратади. Корхоналар ўз ресурсларидан оқилона фойдаланган ҳолда самарадорлик кўрсаткичларига эришиш ҳозирда ҳар бир ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчининг фикридадир.

#### **3.1. Сервис соҳасига қарашли турли корхона ва ташкилотларда ишлаб чиқариш соҳасининг ўзига хос хусусиятлари.**

Иқтисодий ва ижтимоий фаолият кўрсатаётган корхоналар ўз фаолияти давомида истеъмолчиларга қандай турдаги сервис хизматини кўрсатиш ҳақида доим изланишда бўладилар. Тўғри ташкил этилган сервис



корхонанинг фаолиятини янада такомиллаштиради ва корхона бозорда ўз ўрнини узоқ вақт мобайнида сақлаб қолиш имкониятига эга бўлади.

**Режа:**

1. Асосий турдаги сервис хизматлари таснифи.
2. Моддий хизматлар.
3. Ижтимоий-маданий хизматлар.

**1. Асосий турдаги сервис хизматлари таснифи.**

Жахон тажрибасида хизмат соҳаси тармоқларини таснифлаштиришни ишлаб чиқариш-техник ва функционал ёндошишларнинг бир бирига қўшиш асосида ўтказиш қабул қилинган.

Ишлаб чиқариш ёндошиши хизматлар соҳасидаги тармоқ йўналишларининг ишлаб чиқариш-техник ва технологик умумийлиги принципларидан келиб чиқади. Функционал ёндошиш турли хил кўринишли йўналишларни амалга оширади. Ушбу йўналишлар жумласига ишлаб чиқаришга, жамиятга, уй хўжалигига хизмат кўрсатиш, шахсга хизмат кўрсатишгача тақсимлаш, сақлаш, ресурслар ва товарлар билан таъминлаш функциялари киради. Ушбу принципга кўра хизматлар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- савдо хизматлари;
- озиқ-овқат билан таъминлаш ва яшаш бўйича хизматлар (меҳмонхоналар, оммавий овқатланиш корхоналари ва ҳокозолар);
- транспорт хизматлари;
- алоқа хизматлари ва ахборот хизмат кўрсатилиши;
- таъминот, тайёрлов ва моддий-техник ресурсларни сақлаш бўйича хизматлар;
- бозорнинг ҳаракат қилишини (кредит, молия ва суғурта, кўчмас мулк бўйича олди-сотдилар ва бошқалар) таъминлаш бўйича хизматлар;
- таълим, маданият ва санъат хизматлари;
- фан ва фан хизматлари;

- соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спортни қўшган ҳолдаги хизматлар;
- уй хўжалигига хизмат кўрсатиш бўйича хизматлар (уй хўжалигини сақлаш ва таъмирлаш, ишлаб чиқариш-маиший ва коммунал хизматлар);
- шахсий тавсифдаги хизматлар (ноишлаб чиқариш маиший хизматлар, сартарошхоналар, фотоателе, оёқ кийимини таъмирлаш ва ҳокозолар);
- давлат бошқаруви хизматлари.

Ҳозирги кунда иқтисодий адабиётда ва классификаторларда турли янги критерийлар ва уларга таалуқли равишда хизматларнинг турли хил таснифланиши таклиф этилмоқда. Жумладан қуйидаги хизматлар таснифлари: моддий даражаси бўйича инсонларнинг шахсий алоқалари даражаси, хизматлар меҳнат сифими, хизмат соҳасида ижтимоий ва шахсий боғланишлар нисбати бўйича. Ҳар бир таснифлаштириш тармоқни маълум мақсадда ўрганишга мўлжалланган.

Хизматлардаги фарқ уларнинг таснифи, мақсадли белгиланиши, тақдим этиш шакллари ва ҳақ тўлаш усулидан келиб чиқади.

Таснифи бўйича кўрсатилаётган хизматлар аниқ ифодаланган тармоқ йўналишига эгадир:

- маиший машиналар ва асбоб-ускуналарни таъмирлаш, янги маҳсулотни ишлаб чиқариш;
- қишлоқ хўжалиги, гигиеник тавсифдаги хизматлар;
- транспорт, савдо, ахборот, ижарага бериш хизматлари;
- қурилиш, уйларни таъмирлаш, бадий ишлар ва халқ ижди маҳсулотларини ишлаб чиқариш;
- таълим, тиббий ва бошқалар.

Мақсадли белгиланиш бўйича хизматлар қуйидаги гуруҳларга

бўлинади:

- маиший белгиланишдаги предметларнинг истеъмол хусусиятларини таъминлаш мақсадида аҳоли буюмларини таъмирлаш ва қараш хизматлари (кийим-кечакни, оёқ кийимини таъмирлаш, кимиёвий тозалаш ва буюмларни бўяш ва бошқа хизматлар);

- аҳоли буюмлари бўйича янги маҳсулотни тайёрлаш, яъни янги истеъмол қийматларини яратиш (кийим-кечакни тикиш, трикотаж маҳсулотларини тикиш, мебел тайёрлаш, уй қуриш ва ҳокозолар);

- турмушда қулайликларни яратиш бўйича хизматлар, жисмоний шахс сифатида инсоннинг эҳтиёжларини қондириш, шунингдек уй хўжалигини юритиш билан боғлиқ хизматлар (сартарошхоналар, санитар-гигиеник ва тиббий хизматлар, маданий-маиший белгиланишдаги буюмларни ижарага бериш ва ҳокозолар);

- маълумот-ахборот ва воситачилик, сайёҳлик ва бошқа хизматлар;

- шахс сифатида инсоннинг эҳтиёжни қондириш бўйича (таълим, маданий).

Хизматларни пуллик, бепул ва аралашларга бўлиш алоҳида аҳамиятга эга.

Ушбу тасниф қабул қилинган иқтисодий кенгликни иқтисодиётнинг хисусий (бозор) ва ижтимоий (нобозор) секторларига бўлинишларига асосланади.

Бепул хизматлардан фарқли равишда пуллик хизматлар қуйидаги хусусиятларга эга:

- истеъмолнинг якка тартибдаги тавсифи, бўлиниш ва сайланиш билан;

- рақобатлилиқ, монопол ҳолатнинг бўлмаслиги билан.

Тўлаш услуги билан хизматларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- олдин ва тўлиқ тартибда тўланадиган ёки буюртмани қабул қилишда қисман аванслаштирилган ва буюртма топширилишида охириги ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби хизматлари;

- аҳолига бепул кўрсатилган хизматлар (маиший белгиланишдаги машина ва аппаратларни кафолатланган таъминлаш);

- кечиктирилиб тўланадиган хизматлар, яъни кредитга бериладиган.

Хизматлар йўналтирилган фаолиятнинг турлари бўйича функционал таснифлаштириш, хизматларни беш гуруҳга бўлишни кўзда тутаяди:

- ишлаб чиқариш - лизинг, инжиниринг, ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарига техник хизмат кўсатиш, техник коммуникацияларни таъмирлаш ва ҳокозолар;

- истеъмол-уй хўжалигига мўлжаллаштирилган оммавий хизматлар (тураб жой ва унда мавжуд бўлган узок муддатли фойдаланишдаги буюмларни нормал ҳолатда сақлаш);

- профессионал- суғурта, молия, банк, реклама, маслаҳат;

- таксимот-транспорт, алоқа, савдо хизматлари;

- шахсий тавсифдаги ноишлаб чиқариш (сартарошхоналар, фотоателе ва ҳокозолар) хизматлари.

Хизматларнинг системалироқ таснифи уларни буюмлаштирилган принцип бўйича бир неча классларга бўлаяди:

- товарлар ва бошқа физик объектларга йўналтирилган ҳис этиладиган ҳаракатлар (кимёвий тозалаш, асбоб-ускуналарни сақлаш ва таъмирлаш, кўриқлаш ва бошқа хизматлар);

- инсон танасига йўналтирилган ҳис этиладиган ҳаракатлар (фитнес марказлар, ресторанлар ва кафелар, гўзаллик салонлари);

- инсоннинг онгига йўналтирилган ҳис этилмайдиган ҳаракатлар (таълим, театрлар, музейлар, ахборот хизматлари).

Компекслик бўйича хизматлар оддий ва қийинларга (комплекс хизмат кўрсатиш) бўлинади. Кўпчилик хизматлар комплекс тавсифга эга. Масалан,

меҳмонхоналар хизматлари-бу нафақат турар жойни тақдим этиш, балки овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш, истеъмолчилар ходиғини чиқаришни тақдим этиш бўйича хизматлар ҳамдир, Уларни қанақанга тавсифлаштиришдан фойдаланилмасин, бирор бир аниқ кичик гуруҳга киритиш қийин.

Аралаш хизмат товар-моддий бойликларга ҳамроҳлик қилади, уларнинг айланишини енгиллаштиради ва уларни истеъмолчи учун жозибадор қилиб кўрсатади. Ушбу хизмат жумласига товар олди-сотдисига ҳамроҳ бўладиган сотишдан олдинги ва сотишдан кейинги сервисни келтириш мумкин.

## **2. Моддий хизматлар.**

Ўзбекистонда аҳолига тақдим этилаётган маиший хизматлар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- оёқ кийимини таъмирлаш ва тайёрлаш;
- тўқув, мўйна ва чарм маҳсулотлари, бош кийими ва тўқимачилик атторлик маҳсулотларини таъмирлаш ва тайёрлаш, трикотаж маҳсулотларини таъмирлаш ва тайёрлаш (тўқиш);
- турар жойларни (хонадонларни) аҳолининг буюртмаси бўйича таъмирлаш ва қуриш;
- маиший техника ва ускуналарни, соатларни таъмирлаш, заргарлик маҳсулотларини таъмирлаш ва тайёрлаш, радиоэлектрон аппаратура, компьютерлар, телевизорлар, магнитофонлар, мусиқа товарларини таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш;
- фуқороларга тегишли бўлган транспорт воситаларини (енгил машиналар, мотоцикллар ва ҳокозолар) таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш;
- мебелни тайёрлаш ва таъмирлаш;
- кимиёвий тозалаш ва бўяш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва хом-ашёсини қайта ишлаш хизматлари, қолган қишлоқ хўжалиги хизматлари;

- фотоателе ва фотолабаратория хизматлари, шунингдек овоз ёзиш хизматлари;
- сартарошхоналар хизматлари.

Ҳозирги кунда маиший хизматлар кўрсатиш бўйича фаолият Ўзбекистон Республикасида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш қоидалари билан тартибга солинади.

Истеъмолчиларнинг яқка тартибдаги буюртмаларини таъмирлаш, техник хизмат кўрсатиш, тайёрлаш бўйича хизматлар ўз ичига қуйидагиларни олади:

- кийим-кечак ва оёқ кийимини таъмирлаш ва тайёрлаш;
- метал ва заргарлик маҳсулотларини таъмирлаш ва тайёрлаш;
- мебелни таъмирлаш ва реставрация қилиш;
- техника, бино ва қурилмаларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш.

Таъмирлаш бўйича хизматлар замонавий техник воситалардан фойдаланилган ҳолда бажарилади. Улар жумласига:

- ихтисослаштирилган ишлаб чиқариш-асбоб-ускуна ва инструментлар;
- маҳсулот носозликлари ва камчиликларини аниқловчи диагностика воситалари;
- сифат назоратининг техник воситалари;

Ишлаб чиқариш-технологик жараён таъминланади:

- малакали ходимлар билан;
- хом-ашё материаллари ва ярим фабрикатлар билан;
- ёқилғи-мойлаш материаллари билан;
- таъмирлаш, эҳтиёт қисимлари, ускуна ва агрегат қисимлари учун керакли материаллар билан.

Истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишлари учун корхоналар эгаллик қиладилар:

- маъмурий бинолар;
- ташриф буюрувчиларни қабул қилиш учун бино (салонлар);
- таъмирлаш ишлари учун бинолар (таъмирлаш бўйича цехлар);

- ёқилғи материаллари, эҳтиёт қисимлари, таъмирланган ва таъмирлашга келиб тушган маҳсулотларни сақлаш учун омборлар;
- гараж ва ҳокозолар.

Таъмирлаш-бу товарнинг ишлаш қобилияти ва хусусиятларини тиклаш бўйича операциялар комплекси.

Техник хизмат кўрсатиш-бу товарнинг белгиланиши бўйича фойдаланишда унинг иш қобилияти ва созлигини қўллаб-қувватлаш бўйича операция ёки операциялар комплекси.

Маҳсулотни якка тартибдаги буюртма бўйича тайёрлаш-бу буюртманинг якка тартибдаги эҳтиёжи асосида маҳсулотни яратиш бўйича операциялар комплекси.

Маҳсулотни таъмирлаш турлар, тавсифи ва кўрсатилиш муддатлари бўйича тавсифлаштирилади.

Савдо олди таъмирланиши-бу сотувчидаги асбоблар иш қобилиятини тиклаш бўйича чора-тадбирлар комплекси.

Ишлаб чиқарувчи ёки унинг функциясини бажарувчи корхона томонидан белгиланган кафолат муддатида таъмирлаш-бу ишлаб чиқарувчи томонидан ўрнатилган муддатда асбобни таъмирлаш. Ушбу даврда таъмирлаш корхонаси кафолат мажбуриятларини бажаради.

қайта тикланувчи таъмирлаш-бу истеъмолчининг айбисиз ва ишлаб чиқариш томонидан белгиланган кафолат муддатида иш қобилиятини йўқотган ва сотувчига қайтарилган асбобнинг таъмирланиши.

Хизмат муддати давомида таъмирлаш-бу маҳсулот учун норматив ҳужжатларда белгиланган муддат давомида, ёки агарда у ўрнатилган бўлмаса, асбобни эксплуатация қилиш бошидан 10 йил давомида асбобни таъмирлаш.

Белгиланган хизмат муддати тугагандан кейин таъмирлаш-норматив ҳужжатларда белгиланган муддатлар тугагандан кейин, агарда хизмат муддати белгиланмаган бўлса, маҳсулотни сотишдан бошлаб 10 йил давомида асбобларни таъмирлаш.

Истеъмолчиларга хизмат кўрсатишнинг асосий шакллари бўлиб, стационар ва кўчма хизмат кўрсатиш ҳисобланади.

Стационар хизмат кўрсатишни бажариш учун истеъмолчилардан буюртмаларни моделлар уйлари, мода уйлари, ателе ва устахоналарда қабул қилишга асосланган.

Кўчма хизмат кўрсатиш буюртмаларни қабул қилиш ва уларни эгаларига беришни истеъмолчи кўрсатган жойларда беришни, маҳсулотларни таъмирлаш ва тикишни-стационар шароитда амалга оширишни кўзда тутди.

Кийим-кечак ва оёқ кийимини таъмирлаш ва тайёрлаш бўйича сервис ташкилотлари ташриф буюрувчиларни қабул қилиш учун бинолар ва ишлаб чиқариш биноларига эгадирлар. Улар жумласига:

- матоларни бичиш цехлари;
- тикиш ва таъмирлаш бўйича цех;
- хом-ашё ва матолар, таъмирланган ва тикилган матоларни сақлаш

учун омборлар.

Ташриф буюрувчиларни қабул қилиш учун бино-бу буюртмаларни қабул қилиш ва тайёр маҳсулотларни қлчаш салонидир. Ушбу салон витриналар, маҳсулот намуналари ва қлчаш кабиналари билан жиҳозланган бўлиши лозим.

Маҳсулотларни таъмирлаш ва тикиш учун ихтисослаштирилган ишлаб чиқариш-технологик асбоб-ускуна ва инструментлардан фойдаланади. Улар жумласига, тикув машиналари, тўқув машиналари, матоларни бичиш учун столлар, қайчилар, ўлчаш инструментлари, кийим-кечакни лоиҳалаштириш дастурига эга бўлган шахсий компьютерлар, дазмоллаш машиналари ва ҳокозолар киради.

Кийим-кечак оёқ кийимини тайёрлаш учун буюртмачи билан келишилган ҳолда буюртмачининг ёки хизмат бажарувчисининг материалларидан фойдаланилади.

Истеъмолчи ёки хизмат бажарувчиси материали бўлиб ҳисобланган табиий мўйналарни таъмирлаш ёки ундан маҳсулот тикиш бўйича ишларни



бажариш тўғрисида шартнома имзоланишида, мўйна ярим фабрикатлар ва териларга корхона ва буюртмачи вакилининг иштирокида белги қўйилади.

Сервис фаолияти ўз ичига қуйидагиларни олади:

- истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш (маҳсулотларни тайёрлаш ёки уни таъмирлашга буюртма олиш, ярим фабрикатлар ва буюртмаларни ўлчаш, буюртмани бериш, истеъмолчи билан ҳисоб-китоб қилиш);

- хизматни бажариш (кийим-кечак ва оёқ кийимини тайёрлаш, тикиш, тўқишнинг технологик жараёни).

Маҳсулотларни таъмирлаш бўйича хизматлар истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш ва маҳсулотларни тадқиқот қилишни ўз ичига олади.

Кийим-кечак ва оёқ кийимини таъмирлашга қабул қилишда қабул қилувчи маҳсулотнинг нуқсонларини кўздан кечиради, нуқсонлар сабабларини таҳлил қилади ва шартнома (квитанция) тузади. Унда маҳсулот номи ва нуқсонлари қайд этилади. Кейин маҳсулот таъмирлаш цехига тушади, нуқсонлар бартараф этилгандан сўнг таъмирланган маҳсулот истеъмолчига берилади.

Истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш жумладан, кийим-кечак ва оёқ кийимини тикиш бўйича буюртмаларни қабул қилувчи амалга оширади. У буюртмачи эҳтиёжи, бўлғуси маҳсулотни эксплуатация қилиш тавсифи ва шароитларини ўрганади.

Моделлар уйи, модалар уйлари каби олий разряддаги ателеларда истеъмолчилар билан юқори малакали бўлган ходимлар-дипломли рассом-моделерлар ишлашадилар. Улар истеъмолчиларга маҳсулот модели ва материалларини танлаш бўйича керакли маслаҳатлар беришадилар.

Контакт зонасида истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш ўз ичига нусхаларни тақдим этиш, албом ва журналлардаги моделларни намоиш этиш кийим-кечак ва оёқ кийимини намоиш этишларини олади. Истеъмолчиларнинг хохишларига моделлари ўзгартиришлар киритилади. Истеъмолчилар буюртмаларига кўра якка тартибдаги маҳсулотларни лоихалаштиришда кийим-кечак ва оёқ кийимини

лоихалаштиришнинг амалий дастурни шахсий компьютерлардан фойдаланилади. Таёрлангандан кейин таёр маҳсулотлар сифат назоратига тутилади ва ўлчанишдан ўтилади. Агарда маҳсулот сифат талабларига, шартнома шартларига ва истеъмолчи талабларига мос келадиган бўлса, хизматларга ҳақ тўланади ва истеъмолчига берилади.

Тайёр маҳсулот ташқи кўриниши, фигурага ўтириши, размерга, инструктор қарорлар ва бадий безатилиши бўйича шартномада кўрсатилган истеъмолчининг яққа тартибдаги хусусиятларига, унинг хоҳишларига мос келиши шарт.

Истеъмолчига топширилиши лозим бўлган тайёр маҳсулотлар этикетка ва маркировка ленталарига эга бўлиши лозим. Этикеткада бажарувчининг фирмали номи ва юридик манзили акс эттирилган бўлиши керак.

Ўлчаб кўриш назоратида шартномада кўрсатилган, истеъмолчиларнинг талабларини инобатга олган ҳолда тикилган ва таъмирланган маҳсулотларнинг норматив ҳужжатлар талабларига мос келиши текширилади. Агарда ушбу назоратда алоҳида кўрсаткичларнинг норматив ҳужжатлар талабига мос келмаслиги аниқланса, мос келмасликлар бартараф этилиши учун маҳсулот қайтарилади.

Фуқороларга тегишли бўлган транспорт воситаларини таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш (енгил автомобиллар ва мотоцикллар ва ҳокозолар) сервис марказларида, транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш станцияларида амалга оширилади. Сервис марказлари ва станциялари таъмирлаш ва транспорт воситалари ишини диагностика қилиш учун асбоб-ускуналари билан жиҳозланмоқдалар.

Республикамиз дунёда автомобил ишлаб чиқарувчи давлатлар қаторидан жой эгаллаганлиги туфайли, турли русумдаги ишлаб чиқарилаётган автомобиллар сони йил сайин ортиб бормоқда ва ушбу турдаги хизматлар сони ва турлари ҳам кенгайиб бормоқда

Транспорт воситаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича сервис фаолияти наряд-буюртма, квитанция ва шартномалар асосида амалга оширилади.

Транспорт воситаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш пайтида истеъмолчиларга қулайликларни таъминловчи қўшимча хизмат сифатида, айрим сервис ташкилотлари оммавий овқатланиш хизматлари ва дам олиш хоналарини таклиф этишадилар.

Эҳтиёт қисмлар ва комплекслаштирувчи деталларга ҳақ тўлаш, томонларнинг келишуви холда шартнома шартларига мос равишда амалга оширилади. Яъни тўлиқ ёки қисман (қисимларга бўлиб, тўлиқ ёки кредит). Хизматлар кўрсатишга харажатлар сметаси ҳам тузилиши мумкин.

Таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш боъекти бўлиб, истеъмолчининг автотранспорт воситаси ҳисобланади.

Сервис фаолияти қуйидагиларни ўз ичига олади:

- истеъмолчига хизмат кўрсатиш (транспорт воситасини қабул қилиш ва расмийлаштириш, таъмирланган транспорт воситасини истеъмолчига бериш, истеъмолчилар билан ҳисоб-китоб қилиш);

- хизматни бажаришнинг технологик жараёни (таъмирлаш ва технологик ҳисоб-китоб бўйича ишларни бажариш ёки маҳсулотни тайёрлаш).

Автотранспорт воситаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича хизматларнинг бевосита ижросиси бўлиб таъмирлаш бўйича мастерлар (автомеханиклар, автослесарлар, электриклар), бўёқчилар ҳисобланишадилар.

Сервис ташкилотлари ташриф буюрувчиларни қабул қилиш учун салон, маъмурий бўлинмалар учун бинолар ва автосервиснинг асосий майдонини эгаллайдиган ишлаб чиқариш биноларига эгалик қилишадилар.

Ишлаб чиқариш бинолари таркибига қуйидагилар киради:

- кузов ишлари цехи;

- бўяш ишлари цехи;

- кузовни коррозияга қарши қайта ишлаш цехи;
- электр таъминотини таъмирлаш бўйича цехи;
- двигателларни таъмирлаш бўйича цех;
- автомобилларнинг юриш қисмини таъмирлаш цехи;
- вулканизация ва ғилдираклар шиналарини ўрнатиш бўйича цех;
- носозликларни диагностика қилиш бўйича лаборатория;
- автомобилларни ювиш жойи;
- ёқилғи қуйиш (колонкалари) шаҳобчалари.

Хизмат кўрсатиш зонаси қуйидагилардан ташкил топади:

- ташриф буюрувчиларни қабул қилиш салони;
- кутиш хонаси ва кафе;
- эҳтиёт қисимлари билан савдо қиладиган савдо шаҳобчаси.

Маиший машиналар ва асбоблар, соатлар, радио апаратуралар, телевизорлар, магнитофонлар, мусиқа марказлари, маҳсулотларни тамирлаш ва техник хизмат кўрсатиш истеъмолчиларга истеъмолда бўлган маҳсулотларнинг истеъмол хусусиятларини тиклаш имкониятлари таъмирлайди ёки уларнинг якка тартибдаги буютмаси бўйича яратилган янги маҳсулотларни харид қилиш имконини беради.

### **3. Ижтимоий-маданий хизматлар.**

Ижтимоий-маданий хизматлар ўз ичига жуда кўп сонли хизматларни олади, улар ичида асосий ўринни сайёҳлик ва экскурсион, санитария-соғломлаштириш хизматлари эгаллайди.

Сайёҳлик ва экскурсион хизматлар.

Сайёҳлик ва экскурсион хизматлари кўрсатиш бўйича сервис хизматлари, жозибатор геоиклимий шароитлари мавжуд бўлган жойлар ва сайёҳат жараёнида истеъмолчиларга дам олишлари учун имкониятлар билан таъминлайди.

Сайёҳлик-бу фуқороларнинг ўзларининг доимий яшаш жойларидан, соғломлаштириш, ўрганиш, касбий иш юзасидан, спорт ёки бошқа мақсадларда вақтинчалик чиқишларидир (сайёҳатлари).

Сайёҳ бўлиб соғломлаштириш, ўрганиш, касбий иш юзасидан, спорт ёки бошқа мақсадларда давлатга (жойга) вақтинчалик (24 соатдан 6 ойгача ёки бир оқшом тунаш) ташриф буюрувчи фуқоро ҳисобланади.

Экскурсия-бу фуқороларнинг ўзларининг доимий яшаш жойларидан, соғломлаштириш, ўрганиш, касбий иш юзасидан, спорт ёки бошқа мақсадларда, вақтинчалик ташриф буюриладиган давлатда (жойда) 24 соатдан кам ва тунашсиз давр моъайнида вақтинчалик чиқишлари (сайёҳатлари).

Экскурсант бўлиб соғломлаштириш, ўрганиш, касбий иш юзасидан, спорт ёки бошқа мақсадларда 24 соатдан кам ва тунашсиз давлатга (жойга) вақтинчалик ташриф буюрувчи фуқоро ҳисобланади.

Сайёҳлик хизматлари истеъмолчиларга турли хилдаги турларни таклиф этади:

- соғломлаштириш (курортда дам олиш ва даволаниш тавсифидаги соғломлаштириш гуруҳлари);
- ўрганиш (экскурсия дастурли турлар-музейларга ташриф буюриш, диққатга сазовор жойларни кўриш, маданий чора-тадбирларда иштирок этиш);
- касбий-иш (мажлислар, конференциялар, конгресслар, савдо ярмаркалари ва кўрғазмалар ишларида қатнашиш, концерт, маърузаларда чиқиш қилиш, касбий чора-тадбирларда қатнашиш, шартномаларни тузиш бўйича музокараларда иштирок этиш, ўрганиш ва тадқиқот фаолиятларида, махсус курсларда қатнашиш ва ҳокозолар);
- спорт турлари (нопрофессионал спорт турлари бўлиб ҳисобланган пиёда, от, сув, чанғи, велосипед, сув ости сузиш ва бошқа сув спорти, балиқ овлаш, ов ва бошқаларда, шунингдек спорт мусобақаларида қатнашиш мақсадида тақдим этилган турлар);

- диний (хаж мақсадларида, диний тадбирларда иштирок этиш, азиз жойларга ташриф буюриш маршрутлари). .

Фойдаланиладиган транспорт воситаларига боғлиқ ҳолда сайёҳлик шакллари авиасайёҳлик, автобус, темир йўл, автомобил ва денгиз сайёҳлигига бўлинади.

Йилнинг вақтига боғлиқ ҳолда қишки ва ёзги сайёҳлик фарқланади. Сайёҳлик хизматларига талаб, йил давомидаги мавсумий ўзгаришларга боғлиқ. Максимал даражада ташрифлар амалга ошириладиган вақт сайёҳлик мавсуми деб аталади, ташриф буюришлар камайган давр эса мавсум ўртаси деб номланади. Турли ҳудудлардаги сайёҳлик мавсуми бир бирига мос келмайди.

Халқаро сайёҳликда сайёҳни жўнатувчи ва уни қабул қилувчи томонлар мавжуд.

Жўнатувчи томон-бу сайёҳ ва қабул қилувчи томон билан тузилган шартномалар асосида ҳаракат қиладиган сайёҳларни уларнинг вақтинчалик ташриф буюрадиган давлатга (жойга) йўналтириладиган ташкилот ёки яқка тартибдаги тадбиркор.

қабул қилувчи томон-бу сайёҳ ва жўнатувчи томон билан тузилган шартномалар асосида, давлатга (жойга) вақтинчалик ташриф буюрувчи сайёҳларни қабул қилувчи ташкилот ёки яқка тартибдаги тадбиркор.

Сайёҳлик ички, кировчи, чикувчи, мустақилларга бўлинади.

Ички сайёҳлик - бу ушбу давлатда доимий равишда яшовчи шахсларнинг, давлат ҳудудидаги сайёҳатлари.

Кировчи сайёҳлик - бу шахсларнинг бошқа давлатга сайёҳатлари.

Чикувчи сайёҳлик - бу ушбу давлатда доимий равишда яшамайдиган шахсларнинг давлат ҳудудидаги сайёҳатлари

Мустақил сайёҳлик - бу сайёҳлар томонидан тақдим этилган, ҳаракатнинг актив усулларида фойдаланилган сайёҳатлар.

Сервис фаолияти доирасида ташкилотлар сайёҳлик-экскурсион хизмат кўрсатишни таклиф этишадилар. Улар аҳоли ва чет эл фуқороларининг

сайёҳлик ва экскурсион хизматларга бўлган талабларининг қондирилишига йўналтирилган.

Истеъмолчиларга таклиф этилаётган хизматлар комплекси сайёҳлик маҳсулоти деб номланади. Сайёҳлик маҳсулоти сифатида сайёҳлик тури намоён бўлади. Сайёҳлик маҳсулотини истеъмолчиларга туроператорлар ва турагентлар сотишадилар.

Сервис фаолияти қуйидаги турдаги хизматларни кўрсатишни ўз ичига олади:

- туроператорнинг ички, кирувчи, чиқувчи сайёҳликни тақдим этиш бўйича хизматлари;
- турагент хизматлари;
- мустақил сайёҳликдаги хизматлар;
- экскурсион хизматлар.

Сайёҳлик хизмати - бу ташкилотлар ёки якка тартибдаги тадбиркорларнинг, сайёҳларнинг турни ёки унинг алоҳида таркибларини тақдим этиш ва амалга ошириш эҳтиёжларини қондириш бўйича фаолиятларининг натижасидир.

Экскурсион хизмат - бу экскурсион хизмат ёки алоҳида экскурсияларнинг дастурларини ишлаб чиқариш ва жорий этиш, экскурсияларни тақдим этиш ва амалга оширишни қўшган ҳолда, сайёҳларнинг (экскурсантларнинг) ўрганишга қизиқишларини қондириш бўйича сайёҳлик хизмати.

Сайёҳлик ва экскурсион хизматларни амалга ошириш бўйича фаолиятни туроператорлар ва турагентлар бажарадилар.

Туроператор - бу лицензия асосида турни шакллантириш, силжитиш ва амалга ошириш бўйича фаолиятни олиб боровчи ташкилот ёки якка тартибдаги тадбиркор.

Турагент - бу лицензия асосида турни силжитиш ва сотиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ташкилот ёки якка тартибдаги тадбиркор.

Сайёҳлик сайёҳатлари ва экскурсиялар, сайёҳат маршрути бўйича тақдим этилади, унга мос келган ҳолда сайёҳлар турли географик пунктлар ва жойларга ташриф буюришадилар.

Сайёҳлик сайёҳатлари, хизматлар турлари ва хизмат кўрсатиш шароитлари, сайёҳат дастурида кўрсатилади. Сайёҳат маршрутида сайёҳга тақдим этиладиган хизматлар, уларнинг вақти тўғрисида батафсил ахборотни ўз ичига олади.

Сайёҳлик хизматлари туроператор ёки турагент билан сайёҳ ўртасида тузиладиган шартнома асосида кўрсатилади. Турга ҳақ тўлашни тасдиқловчи ҳужжат бўлиб сайёҳлик путевкаси ҳисобланади. Тур таркибига кирувчи хизматлардан сайёҳнинг фойдаланиш ҳуқуқини ўрнатувчи ва уларнинг кўрсатилганлигини тасдиқловчи ҳужжат бўлиб, сайёҳлик ва ваучери ҳисобланади.

Туроператор ва турагентлар турли давомийликдаги турларни ташкил этишадилар.

Бир кунлик сайёҳатлар 3 соат, 3-5 соат, 6-8 соат, 9-11 соат, 12 ва ундан кўпроқ соат.

Бир кундан кўпроқ сайёҳатлар 1 дан 3 суткагача, 4 дан 7 суткагача, 8 дан 28 суткагача, 29 дан 91 суткагача, 92 дан 365 суткагача тақдим этилиши мумкин.

Узоқ давом этадиган сайёҳатлар, одатда транспорт ва экскурсия хизматлари билан қўшилади.

Туроператор ва турагентнинг алоҳида хизматлари қуйидагиларни қўшиши мумкин:

- сайёҳларнинг яшашини тақдим этиш бўйича хизматлар;
- сайёҳларга овқатланишни тақдим этиш бўйича хизматлар;
- сайёҳларни турли хил транспорт воситаларида ташишни тақдим этиш бўйича хизматлар;
- спорт, хордиқ чиқариш, ўрганиш, экскурсион соғломлаштириш ва бошқа чора-тадбирларни тақдим этиш бўйича хизматлар;



- гид таржимонлар хизматлари.

Мустақл сайёхликдаги хизматлар ўз ичига қўидагиларни қўшиши мумкин:

- ахборот материалларини, сайёхлик схемаларини тақдим ётиш, маршрутлар, табиий тўсиқлар, обеклар ва бошқаларнинг ёзилиши;
- сайёхликни тақдим этиш , сайёхлик маршрутларида хавсизликни тамирлаш масалаларни ўз ичига олувчи консалтинг хизматлари;
- сайёхлик маршрутларида хавсизликни тамирлаш бўйича воситачилик хизматлари;
- сайёхлик кўникмалари асосларига ўрганиш.

Экскурсион хизматлар экскурсияларни тақдим этиш ва экскурсаводлар хизматларини ўз ичига олиши мумкин.

Сайёхларга хизмат кўрсатиш доирасида, уларга трансфер тақдим этилиши мумкин.

Трансфер-сайёхни келадиган жойидан, вақтинчалик бўладиган жойга жойлаштириш ва ўз яшаш жойига етказиш учун ташиш бўйича хизмат, шунингдек сайёхат дастурида кўзда тутиладиган вақтинчалик бўладиган давлат (жой) ҳудудидаги ҳар қандай қушимча ташишлар. Ташувчи сифатида турли хил транспорт воситалари ёрдамида сайёхларга ташиш бўйича хизматлар тақдим этувчи ташкилот ёки яқка тартибдаги тадбиркор бўлиши мумкин.

### **Санатория-соғломлаштириш хизматлари.**

Санатория-соғломлаштириш хизматларини тақдим этиш бўйича сервис фаолияти истеъмолчиларга дунёнинг энг қулай рекреацион зоналарида дам олиш ва соғлиқларини тиклаш имкониятларини тамирлайди.

Санатория соғломлаштириш хизматларига эҳтиёж турлари ҳудудлардаги иқлимий шароитларнинг инсон соғлиғига ижобий тасирини исботлаб берган тиббиётнинг ривожланиши орқали вужудга келади.

Курорт - бу иқлимий шифобахш ресурсларга эга бўлган инфро тузилма объектларини қўшган ҳолда уларни эксплуатация қилиш учун зарур бўлган

бино ва қурилмаларга эга бўлган, ўзлаштирилган ва даволаш-профилактика мақсадларида фойдаланиладиган алоҳида қўриқланадиган табиат ҳудуди.

Табиат-даволаш ресурсларига минерал сувлар, даволовчи балчиқлар, шифобахш иқлим, касалликларни даволаш ва профилактика қилиш, дам олишни ташкил этиш мақсадлари учун зарур бўлган, фойдаланилаётган қолган табиий объектлар ва шароитлар киради.

Санатория-соғломлаштириш хизматлар бир-бирларига ўзаро монан хизматлар комплексида ифодаланилади:

- яшаш бўйича;
- санаторияларда даволаниш бўйича;
- санатория профилакторияларда;
- пансионатларда даволаниш билан;
- курорт поликлиникаларида;
- балнеологик даволаниш хоналарида;
- йул давомида фаолият юритадиган балчиқ билан даволаш жайларида.

Санатория соғломлаштириш хизматлари санаториялар, санатория-профилакторияларда, пансионатларда, балнеологик даволаш хоналарида тақдим этилади.

Санаторий - бу қўлай табиий шароитлардан фойдаланилган ҳолда, инсонларнинг даволанишлари ва дам олишлари учун муассаса.

Пансионат - бу инсонларнинг яшаш ва дам олишларига мўлжалланган муассаса (меҳмонхона).

Балнеологик даволаниш хона бу минерал табиий манбалардаги сувлардан фойдаланилган ҳолда инсонларнинг даволанишлари ва дам олишлари учун муассаса.

Санатория соғломлаштириш хизматларининг истеъмоли мавсумий тавсифга эга. Ушбу турдаги хизматларнинг истеъмолига катта тасирини уларнинг баҳолари ва хизмат қўрсатиладиган жойгача йўл нархи қўрсатилади.

Санатория-соғломлаштириш хизматларини кўрсатувчи ташкилоти истеъмолчиларига қўшимча хизматлар билан ҳам таъминлашадилар улар жумласига:

- тиббий;
- транспорт;
- сарторошхона;
- тозалаш бўйича хизматлар;
- кимёвий тозалаш ва кирханалар хизматлари;
- прокат ва ижара бўйича хизматлар;
- оммавий овқатланиш хизматлари.

Оммавий овқатланиш хизматлари санаторияларда ресторан ва ошхоналарда таклиф этилади. Кўпчилик санаторийлар, пансионатлар ва дам олиш уйларида чакана савдо хизматлари тақдим этилади. Ташриф буюрувчиларга кундалик эҳтиёж моллари, шахсий қулайлик ва гигиена учун товарлар, кийим, совғалар, китоблар ва даврий нашриёт маҳсулотлари таклиф этилади.

Дам олувчиларга таклиф этилаётган хизматлар турлари таркибига, ижтимоий-маданий хизматлар ҳам киради:

- видео фильмларни кўриш;
- биллиард, ўйин автоматлари хизмат турлари.

Санатория-соғломлаштириш хизматларини тақдим этиш путевкалар асосида амалга оширилади. Дам олиш давомийлиги 12 дан 24 суткагача ташкил этилади.

Меҳмонхона хизматлари иш хизмат сафарлари, дам олиш ва бошқа ҳолатларда инсонларнинг вақтинчалик яшашлари учун шароитлар яратади.

Асосий хизмат бўлиб, инсонларнинг вақтинчалик яшашларини таъминлаш бўйича хизмат ҳисобланади.

Меҳмонхона хизматлари меҳмонхона объектлари (меҳмонхоналар) базасида тақдим этилади. Яъни инсонларнинг вақтинчалик яшашлари учун махсус мослаштирилган турли типдаги ва турлардаги бинолар.

Меҳмонхона хизматларини тақдим этиш бўйича фаолият Ўзбекистон Республикасида меҳмонхона хизматларини тақлим этиш бўйича қоидалар билан тартибга солинади.

Белгиланишига кўра меҳмонхоналар 5 типга бўлинади:

- дам олувчилар учун меҳмонхоналар;
- шаҳар ташқарисидаги сайёҳлик меҳмонхоналари;
- курорт меҳмонхоналари;
- пансионатлар;
- мотеллар.

Дам олувчилар учун меҳмонхоналар дам олаётган инсонлар учун мўлжалланган. Бундай меҳмонхоналар, қулай тиббий шароитларга эга бўлган аҳоли пунктларида (денгиз, дарё, кўл, ўрмон массивлари) ёки меморий-тарихий обидаларга, маданий марказлар мавжуд жойларда жойлашади.

Сайёҳлар учун меҳмонхоналар темир йўл ёки автомобилларда сайёҳат қилувчи инсонларга кундузги ва кечки вақтда дам олишлари ва вақтинчалик бўлишларини таъминлайди. Сайёҳлик меҳмонхоналари автотранспорт магистраллари, аэродромлар, темир йўл вокзаллари ёнида жойлашади.

Мотеллар сайёҳлар ва автосайёҳларнинг автотўхташлари ва вақтинчалик яшашларини таъминлайди. Мотелларда автосервис хизматлари кўрсатилиши мумкин. Мотел ўз ичига меҳмонхона ва автотўхташ жойини олади. Автотўхташ жойи размери, мотелнинг жойлаштириш имкониятларига боғлиқ бўлади.

Курорт меҳмонхоналари вақтинчалик яшашни таъминлайди ва санаторий-соғломлаштириш хизматларини тақлим этади. Меҳмонхоналар қулай табиий-иқлимий шароитларга эга бўлган курорт жойларда жойлашади.

Сервис фаолияти муҳмонхона хизмат кўрсатиш технологиясига асосланади.

Меҳмонхона хизмат кўрсатиш технологияси-ташриф буюрувчиларга жойлаштириш хизматларини тақдим этиш бўйича операциялар ва жараёнлар

йиғиндиси, меҳмонхоналар бинолари, қурилмалари, асбоб-ускуналаридан рационал фойдаланиш услубларининг тизимидир.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Хизматлар қайси гуруҳларга бўлинади?
2. Моддий хизматлар деганда нима назарда тутилади?
3. Белгиланишига кўра меҳмонхоналар нечта типга бўлинади?
4. Санатория-соғломлаштириш хизматларини кўрсатувчи ташкилоти истеъмолчиларига қўшимча хизматларни келтиринг?

### **Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:**

1. Э.С.Файзиев «Сервис тизими фаолияти асослари» Ўқув кўлланма. Самарқанд. «Зарафшон» нашриёти Д.К, 2010
2. Э.С. Файзиев Сервис соҳасининг иқтисодиётдаги ўрни. Рисола Сам.И.С.И, 2007 й
3. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолари ва уларнинг ечимлари. Монография. Проф. М.Қ.Пардаев, проф., Ҳ.Н.Мусаевлар таҳрири остида. Т.: «Иқтисод-молия», 2008
4. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
5. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

### **3.2. Ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш шакллари**

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари ўз фаолиятини бошлашидан олдин уни қандай турда ташкил этиш ва қандай қилиб бозорга кириш вазифаларини ўз олдларига қўйишади. Ҳар қандай фаолиятни бошлашдан аввал унинг моҳияти ва хусусиятларини чуқур ўрганиш талаб этилади.

#### **Режа:**

1. Сервис корхона ва ташкилотларида ишлаб чиқариш соҳасининг ўзига хос хусусиятлари.

2. Сервис соҳаси корхоналарида истеъмолчилар билан шартномалар тузиш хусусиятлари.

### **1. Сервис корхона ва ташкилотларида ишлаб чиқариш соҳасининг ўзига хос хусусиятлари.**

Сервис фаолиятининг турлари асосан айрим нормаларни кўзда тутди.

Улар жумласига қуйидагилар киради:

- сервиснинг қулайлиги (хизматлар ўз вақтида, истеъмолчиларга маъқул бўладиган ва керакли жойда тақдим этилиши лозим);
- ишлаб чиқаришнинг сервисга кафолатланган мос келиши (яъни истеъмолчи «ўз ўзинга ўзинг хизмат кўрсат» шароитига қўйилмаслиги лозим);
- сервиснинг ахборот қайтими (сервис ахборотиغا корхона раҳбарлари, менежерлари, маркетинглариди диққат билан қулоқ солишлари лозим).

Сервис тизимининг функционал белгиланишидан келиб чиққан холда қуйидаги вазифаларни ифодалаш мумкин:

- мумкин бўлган истеъмолчиларни улар томонидан ушбу корхона маҳсулотларини харид қилишларидан олдин консултация ўтказиш. Бу истеъмолчиларнинг онгли равишдаги танловини енгиллаштиради;
- истеъмолчини у томонидан харид қиладиган маҳсулотларини самарали ва бехатар эксплуатация қилишга тайёрлаш;
- истеъмолчига маҳсулотдан тўғри фойдаланишга ёрдам берадиган зарурий техник ҳужжатларни бериш;
- мумкин бўлган истеъмолчига маҳсулотни намоиш қилиш пайтида, у томонидан воз кечишнинг олдини олиш мақсадида, маҳсулотни сотишдан олдин тайёрлаш;
- йўлда бузилишнинг минимал эҳтимолида маҳсулотни эксплуатация жойига етказиш;

- маҳсулотни эксплуатация жойида иш ҳолатига келтириш ва истеъмолчига унинг ҳаракатини намоиш этиш;
- маҳсулотнинг истеъмолчи ихтиёрида бўлинадиган тўлиқ муддати давомида эксплуатацияга тўлиқ тайёргарлигини таъминлаш;
- эҳтиёт қисимларни оператив равишда таъминлаш, уларни ишлаб чиқарувчилар билан яқин алоқаларни ўрнатиш;
- маҳсулотларни истеъмолчилар томонидан эксплуатация қилиниши тўғрисида (уларнинг мулоҳазалари, таклифлари, шикоятлари) маълумот тўплаш ва уни системалаштириш;
- тўпланган маълумотлар таҳлили натижалари бўйича истеъмол қилинаётган маҳсулотларни такомиллаштириш ва модернизация қилишда қатнашиш;
- рақобатчиларнинг сервис фаолиятлари тўғрисида маълумот тўплаш ва уларни системалаштириш;
- корхона маркетинг хизматига бозорлар, истеъмолчилар ва товарларни таҳлил қилиш ва баҳолашда ёрдам бериш;
- «сиз бизнинг товарни харид қиласиз ва ундан фойдаланасиз, биз қолган барча нарсаларни қиламиз» принципи бўйича доимий истеъмолчилар сегментини шакллантириш.

Сервис хизмат кўрсатиш бўйича фаолият мазмунига кўра интеллектуал хизматлар кенг тарқалиб бормоқда. Бу ўз навбатида сервисни бир неча турларга бўлишни асослади:

- дағал сервис. У ўз ичига товар ҳаракатининг белгиланган параметрлар, тўхтамасдан ишлаши ва иш қобилиятини қўллаб-қувватлашга боғлиқ бўлган барча хизматларни ўз ичига олади;
- юмшоқ сервис. Якка тартиблаштириш билан боғлиқ бўлган интеллектуал хизматларнинг барча комплексларини ўз ичига олади, яъни истеъмолчида конкрет шароитда бўлган товарни самарали эксплуатация қилиш ёки товарнинг фойдалилик соҳаларини кенгайтириш;

- тўғри сервис-харид қилинган товарни эксплуатация қилиш билан бевосита боғлиқ бўлган хизматлар комплекси;

- қия (билвосита) сервис-харид қилинган товарга бевосита алоқаси бўлмаган, лекин хариддорнинг хизмат кўрсатувчи фирмага бўлган ишончини ўрнатишга имконият яратади. Бу ўз навбатида фирмага муваффақият келтиради;

- диллерлик сервиси. Чет эл фирмаси-ишлаб чиқарувчиси билан маиший техникага кафолатланган техник хизмат кўрсатиш ва ушбу типдаги (моделдаги) маиший техникани таъмирлаш бўйича маълум доирадаги хизматларни бажариш учун тузилган тўғри шартнома. Шу тариқа сервис маркази билан шартномага қўл қўйиб, фирма-ишлаб чиқаривчи унга маиший техникага тез ва сифатли хизмат кўрсатиш учун барча зарурий нарсаларни тақдим этади:

- норматив-техник хужжатларнинг қисқача тавсифини, харакат принципи, синов методикасини ва ҳокозоларни;

- махсус технологик асбоб-ускуна ва диагностик назорат-ўлчов ускуналарни таъминланаётган техниканинг барча турлари учун эҳтиёт қисимларини;

- ишлаб чиқарилаётган ва таъминланаётган маиший техниканинг янги, замонавий типлари ва моделларини ўзлаштириш ва техник хизмат кўрсатиш учун сервис марказлари мутахассисларини ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малака оширишини ўтказиши.

Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг катта шаҳарларида диллерлик сервиси юқори потенциалга, кўпроқ ривожланиш истиқболларига эга, чунки у оддий истеъмолчи талаби ва таклифига яхши мўлжалланган.

## **2. Сервис соҳаси корхоналарида истеъмолчилар билан шартномалар тузиш хусусиятлари.**



Сервис ташкилотлари (базарувчи) истеъмолчига (буюртмачига) хизмат кўрсатиш (ишларни бажариш) шартномасига асосан хизмат кўрсатади. Ушбу шартнома ёзма шаклда (квитанция ёки бошқа хужжат) расмийлаштирилади.

Шартномада (квитанцияда) қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

- хизматларни базарувчи ташкилотнинг (якка тартибдаги тадбиркор учун фамилия, исми, шарифи, давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида маълумот) фирмали номланиши (номланиши) ва жойлашиши (юримдик манзили);

- хизмат тури;

- хизмат бахоси;

- материаллар (буюмлар)нинг аниқ номи, таърифи ва бахоси. Бу шундай ҳолатда содир бўладики, агарда хизмат базарувчи материалларидан ёки истеъмолчи материалларидан (буюмидан) тайёрланадиган бўлса;

- истеъмолчи томонидан хизматлар бахосини тўлиқ тўланганлиги тўғрисида белги ёки хужжатларни расмийлаштириш пайтида олдиндан қисман тўлаш (аванс);

- қабул қилиш ва буюртмани бажариш муддатлари;

- иш натижаларига қафолатланган муддатлар;

- кўрсатилган хизматларнинг ўзига хослиги билан боғлиқ бўлган қолган зарурий маълумотлар;

- буюртмани қабул қилган шахснинг амали, унинг имзоси, шунингдек буюртмани топширган истеъмолчининг имзоси.

Шартноманинг бир нусхаси хизмат базарувчиси томонидан истеъмолчига берилади.

Истеъмолчининг қатнашган ҳолдаги бажарган хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартнома касса чеки, чиптаси ва хокозолар йўли билан расмийлаштирилиши мумкин.

Хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномани тасдиқловчи хужжат йўқолган бўлса, истеъмолчининг шахсини тасдиқловчи паспорт ёки бошқа

хужжат тақдим этилиши, ва у томонидан ёзилган ёзма ариза асосида хизматлар кўрсатилади.

Хизматларни кўрсатиш учун олдиндан берилган буюртма хужжатини тузиш (буюртма ёки квитанция) орқали расмийлаштирилади. Олдиндан берилган буюртмалар сервис ташкилоти ходими томонидан шахсан истеъмолчидан, телефон бўйича, почта ва электрон почта орқалт қабул қилинади.

Сервис ташкилоти (бажарувчи) хизматни шартнома шартларига таалуқли равишда бажаради. Хизмат сифати шартномада кўрсатилган сифатга мос келиши лозим. Агарда шартномада хизмат сифати кўрилмайдиган бўлса, сервис фирмаси ушбу мақсадларга тўғри келадиган ва одатда фойдаланиладиган ушбу турдаги хизматни кўрсатишга мажбур. Агарда истеъмолчи шартномани тузиш пайтида бажарувчига хизмат кўрсатишнинг аниқ мақсадлари ҳақида хабардор қилса, бажарувчи ушбу мақсадларга мос келадиган хизматларни бажаришга мажбур. Агарда Ўзбекистон Республикаси қонуни ёки норматив, ҳуқуқий хужжатларда хизмат сифатига мажбурий талаблар кўзда тутилган бўлса, унда тақдим қилинаётган хизмат ушбу талабларга мос келиши лозим.

Сервис ташкилоти (бажарувчи) хизматни истеъмолчисига у билан келишган вақтда кўрсатишга мажбур.

Хизматни бажариш муддатлари шартномада кўрсатилган муддатларга мос келиши лозим. Шартномада хизмат кўрсатишнинг ҳақиқий муддати ҳақида белги қўйилади. Истеъмолчининг уйида хизмат кўрсатишда, сервис ташкилоти ўзининг сервис бўйича мутахассисини истеъмолчи билан келишилган вақтда келишини таъминлайди. Буюртмани бажариш учун материаллар белгиланган талабларга мос келиши лозим ва у таалуқли хужжат билан (сертификат, мос келиш декларацияси) тасдиқланиши лозим.

қуйидагилар аниқланган ҳолатларда сервис (хизмат бажарувчиси) истеъмолчини огоҳлантириши зарур ва хизмат кўрсатишни унинг кўрсатмаларигача тўхтатишга мажбур:

- истеъмолчи томонидан бажарувчига берилган материаллар, асбоб- ускуна, техник хужжатлар ёки қайта ишлаш учун буюмнинг яроқсизлиги ва паст сифатли бўлганида;

- ишлар (хизмат кўрсатиш) ни бажариш услуги тўғрисида истеъмолчи кўрсатмаларидан кейин ҳам, унинг учун мумкин бўлган нохушликлар вужудга келган бўлса;

- бажарилаётган ишнинг натижасига салбий таъсир кўрсатадиган ёки уни ўз вақтида тугаллашга имкон бермайдиган, бажарувчига боғлиқ бўлмаган бошқа шароитларнинг мавжудлигида. .

Агарда истеъмолчи, ўз вақтида ва асосланган огохлантиришларга қарамасдан, яроқли бўлмаган ва паст сифатли материалларни, асбоб- ускуналарни, техник хужжатларни ёки бажарувчига берилган буюмни алмаштирмаса, ишларни бажариш (хизмат кўрсатиш) усули бўйича кўрсатмаларни ўзгартирмаса, ундан ташқари буюм яроқлилигининг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ҳолатларни бартараф этиш учун зарурий чора- тадбирларни қўллаган, сервис ташкилоти (бажарувчи) ишларни бажариш (хизмат кўрсатиш) шартномасини бекор қилиши ва уни бекор қилишда унга етказилган зарарни қоплашни талаб қилиши мумкин.

Агарда иш тўлиқ ёки қисман истеъмолчи материалда бажарилган бўлса, бажарувчи ушбу материалнинг (буюмнинг) сақланишига ва ундан тўғри фойдаланишга жавоб беради. Иш тугагандан сўнг, бажарувчи истеъмолчига материал харажатлари тўғрисида ҳисобот бериши ва қолган материални қайтариши лозим, ёки истеъмолчининг розилиги билан бажарувчида қолган фойдаланилмаган материал ҳисобига иш баҳосини камайтириши мумкин.

Агарда истеъмолчидан қабул қилинган материал (буюм) тўлиқ ёки қисман йўқотилган ёки бузилган бўлса, сервис ташкилоти (бажарувчи) уч кунлик муддат ичида худди шундай сифатдаги ва ўхшаш материалга (буюмга) алмаштириши ва истеъмолчининг хоҳишига кўра ўхшаш материал (буюм) дан керакли муддатда маҳсулот тайёрлаши лозим. Худди шундай

сифатдаги ва ўхшаш материал (буюм) бўлмаган тақдирда, истеъмолчига йўқотилган (бузилган) материал (буюм) нинг икки баробар баҳосини тўлаши, шунингдек истеъмолчи кўрган зарарларни қоплаши лозим. Бажарувчи истеъмолчидан қабул қилиб олган материал (буюм) нинг тўлиқ ёки қисман йўқотилиши (бузилиши) учун жавобгарликдан озод бўлади, қачонки тўлиқ ёки қисман (бузилиш) йўқотишга олиб келиши мумкин бўлган материалнинг (буюмнинг) алоҳида хусусиятлари тўғрисида истеъмолчини огохлантирган бўлса. Истеъмолчи томонидан материалнинг (буюмнинг) ўзига хос хусусиятларини билмаслиги, уни жавобгарликдан озод қилмайди.

Истеъмолчи унга ишни топширилганга қадар хоҳлаган пайтда ишларни бажариш тўғрисидаги шартноманинг бажарилишидан воз кечиши мумкин. Бундай ҳолатда у сервис ташкилотига белгиланган баҳонинг бир қисмини тўлайди, яъни муносиб равишда шартноманинг бажарилишини тўхтатиш бўйича хабар бергунча берилган ишларнинг қисми учун.

Истеъмолчи шунингдек бажарувчига шартномани бажариш мақсадида ушбу пайтгача қилинган харажатларни қоплаши лозим, агарда улар бажарилган иш баҳосининг кўрсатилган қисмига кирмаса.

Истеъмолчи хизматлар кўрсатиш бўйича шартноманинг бажарилишидан воз кечиши мумкин, қачонки у бажарувчига ҳақиқий етказилган харажатларни тўлаган бўлса.

Истеъмолчи шартномада кўрсатилган муддатларда бажарувчининг иштирокида бажарилган ишни (унинг натижасини) кўздан кечиришга мажбур. Иш натижасини ёмонлаштирадиган ёки ишдаги қолган камчиликлар туфайли шартномадан четланиш ҳолати аниқланганда, истеъмолчи зудлик билан бу ҳақида бажарувчига билдириши лозим. Акс эттирилган камчиликлар акт ёки бошқа қабул қилишни тасдиқлайдиган ҳужжатларда ёзилиши лозим.

Истеъмолчи томонидан бажарилган иш (хизмат) натижаларини олишга келмаслик ёки қабул қилишдан бош тортиши ҳолатларида, сервис ташкилоти истеъмолчини ёзма равишда огохлантириши ва ушбу огохлантиришдан икки

ой ўтгач иш натижасини қулай нархда сотиши мумкин. Бажарувчи томонидан барча тўловларни ажратиб ташлаган ҳолдаги, сотишдан келиб тушган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Фуқоролик Кодексида кўзда тутилган тартибда депозит рақамига ўтказилади.

Хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш) бўйича шартномадаги мажбуриятларни бажармаслик ёки керакли даражада бажармаслик учун сервис ташкилоти Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ва шартномада кўзда тутилган жавобгарликка эгадир.

Кўрсатилган хизматларда камчиликлар аниқланган ҳолатларда истеъмолчи ўз хохишига кўра сервис ташкилотидан қуйидагиларни талаб қилишга ҳақлидир:

- кўрсатилган хизматлардаги камчиликларни пулсиз бартараф этишни;
- кўрсатилган хизмат баҳосини таалуқли равишда камайтириш;
- ўхшаш материалдан ва бир хил сифатдаги бошқа буюмни пулсиз тайёрлашни ёки ишни қайтадан бошлашни. Шу билан бирга истеъмолчи бажарувчи томонидан унга берилган буюмни қайтаришга мажбур;
- кўрсатилган хизматлардаги камчиликларни ўз кучи билан ёки учинчи шахс томонидан бартараф этиш учун сарфланган харажатларнинг қопланишини.

Истеъмолчи хизмат кўрсатиш бўйича шартномани бузишга ва етказилган зарарни тўлиқ қоплашни талаб қилишга ҳақли, қачонки сервис ташкилоти ишловчилари томонидан шартномада кўрсатилган муддатда камчиликлар бартараф этилган бўлмаса.

Истеъмолчи хизмат кўрсатиш бўйича шартномани бузиши мумкин, агарда у томонидан кўрсатилган хизматда жиддий камчиликлар бўлса ёки шартнома шартларидан жиддий четланиш аниқланган бўлса. Ундан ташқари истеъмолчи кўрсатилган хизматдаги камчиликлар орқали етказилган зарарларни тўлиқ қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Зарарлар истеъмолчининг таалуқли талабларини қондириш учун белгиланган муддатларда қопланади.

Истемочи ишни қабул қилгандан сўнг, шартномадан четланиш ёки оддий қабул қилиш услубида (яширин камчиликлар) аниқлаш имкони бўлмаган, шу жумладан бажарувчи томонидан атайин яширилган четланишларни аниқласа, бу ҳақда бажарувчини хабардор қилиши лозим.

Истеъмолчи кўрсатилган хизматдаги камчиликлар билан боғлиқ бўлган талабларни кафолат муддати давомида талаб қилиши мумкин. Агарда ушбу кафолат бўлмаса, кўрсатилган хизматлар қабул қилинган кундан бошлаб, икки йил давомида. Ушбу камчиликлар қурилиш ёки бошқа кўчмас мулкда аниқланса, беш йил давомида талаб қилиш мумкин.

Сервис ташкилоти кафолат муддати белгиланмаган хизматдаги камчиликлар учун жавоб беради, қачонки ушбу камчиликлар у томонидан хизматни қабул қилишгача вужудга келганини ва бошқа сабабларни исботлай олса.

Кафолат муддати ўрнатилган хизматларга нисбатан сервис ташкилоти (бажарувчи) унинг камчиликлари учун жавоб беради, агарда истеъмолчи томонидан хизмат натижасида фойдаланиш қоидаларини бузиш натижасида ушбу камчиликлар хизмат қабул қилингандан сўнг содир бўлганлигини ва учинчи шахслар ҳаракатлари борлигини исботлай олмаса.

Агарда кафолат муддати икки йилдан (кўчмас мулк учун беш йил) кам муддатни ташкил этса ва истеъмолчи томонидан хизматлар камчилиги кафолат муддатидадан кейин, лекин икки йил (кўчмас мулк учун беш йил) доирасида аниқланган бўлса, истеъмолчи сервис ташкилотига даво талабларини қўйишга ҳақлидир, агарда исботласа, ушбу камчиликлар у томонидан хизмат натижасини қабул қилгангача вужудга келганлигини ёеи ушбу пайтгача пайдо бўлган бошқа сабабларни.

Агарда сервис ташкилоти (бажарувчи) хизматлар кўрсатиш муддатларини бузса, ёки хизмат ўз вақтида кўрсатилмаслиги аниқ бўлса, истеъмолчи ўз хохишига кўра бажарувчига янги муддат белгилаши, тўғри

келадиган нархларда хизмат кўрсатишни учинчи шахсларга топшириши, уни ўз кучи билан бажариши ва бажарувчидан етказилган зарарнинг қопланишини талаб қилишга ёки хизмат кўрсатиш бўйича шартномани бекор қилишга ҳақлидир.

Истеъмолчи шунингдек хизмат кўрсатиш муддатларининг бузилиши сабабли унга етказилган зарарларнинг тўлиқ қопланишини талаб қилишга ҳақли. Хизмат кўрсатиш белгиланган муддатларининг ёки истеъмолчи томонидан белгиланган янги муддатларнинг бузилиши ҳолатида, сервис ташкилоти (бажарувчи) истеъмолчига ҳар бир ўтиб кетган кун (соат, агарда муддат соатда белгиланган бўлса) учун хизмат кўрсатиш баҳосининг уч фоизи, агарда хизмат кўрсатиш баҳоси шартномада белгиланмаган бўлса, буюртма умумий баҳосининг уч фоизи миқдорида неустойка тўлайди.

Истеъмолчи ва бажарувчи ўртасида хизматлар кўрсатиш бўйича тузиладиган шартномада неустойканинг юқори фоизи белгиланиши мумкин.

Хизмат кўрсатиш бўйича шартнома бекор қилинганда, бажарувчи хизмат кўрсатиш жараёнида вужудга келган ўз харажатларининг қопланишини, шунингдек кўрсатилган хизматлар учун тўловни талаб қилишга ҳақли эмас, истесно сифатида фақат шундай ҳолатдаки, агарда истеъмолчи кўрсатилган хизматларни қабул қилса.

Ўз материалдан фойдаланилган ҳолда хизматларни бажарувчи сервис ташкилоти (бажарувчи) унинг сифати учун фуқоролик қонунчилигига таалуқли равишда керакли даражада сифати бўлмаган товарлар учун сотувчи жавобгарлиги қоидалари бўйича жавоб беради. Бажарувчи томонидан истеъмолчи талабларини қондиришнинг тартиби ва муддатлари, шунингдек ушбу муддатларнинг бузилиши бўйича жавобгарлик Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги қонуни билан тартибга солинади.

Истеъмолчи сервис ташкилоти (бажарувчи) билан келишилган муддатлар ва тартибларда кўрсатилган хизматларга ҳақ тўлашга мажбур.

Кўрсатилган хизматлар учун истеъмолчи билан ҳисоб- китобларда бажарувчи истеъмолчига уларнинг тўловини тасдиқловчи ҳужжат беради (касса чеки, счет ва бошқалар).

Ўзбекистон Республикасида хизматларни тақдим этиш қоидалари ва уларга талаблар Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги қонунида, алоҳида хизмат турларини кўрсатиш қоидалари хизмат турлари учун стандартлар ва бошқаларда акс эттирилади.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Ишлаб чиқариш билан хизмат кўрсатишни биргаликда олиб боришнинг маъқул жиҳатларини келтиринг?
2. Сервис фаолиятининг турларининг айрим нормалар қайсилари?
3. Кўрсатилган хизматларда камчиликлар аниқланган ҳолатларда истеъмолчи ўз хохишига кўра сервис ташкилотидан нималарни талаб этишга ҳақли?

### **Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:**

1. Э.С.Файзиев «Сервис тизими фаолияти асослари» Ўқув кўлланма. Самарқанд. «Зарафшон» нашриёти Д.К, 2010
2. Э.С. Файзиев Сервис соҳасининг иқтисодиётдаги ўрни. Рисола Сам.И.С.И, 2007 й
3. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолари ва уларнинг ечимлари. Монография. Проф. М.Қ.Пардаев, проф., Ҳ.Н.Мусаевлар таҳрири остида. Т.: «Иқтисод-молия», 2008
4. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
5. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

**Мавзу 4. Сервис фаолиятининг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлиги**



Иқтисодий фаолиятни бошлашда самарадорлик кўрсаткичларига алоҳида эътибор бериш муҳимдир. Мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш ҳозирги бозор шароитида ҳар бир корхона раҳбарининг олидида турган асосий вазифалардан биридир.

#### **4.1. Сервис соҳасида самарадорликнинг моҳияти ва аҳамияти**

Номоддий фаолиятда самарадорлик кўрсаткичларини кўтариш учун асосий эътиборни истеъмолчилар эҳтиёжлари ва диди туради. Айнан шу сабабли сервис хизматларини кўрсатувчи корхона ва ташкилотларда истеъмолчиларга бўлган эътиборни кучайтириш ҳамда улар истаган хизматни ташкил этиш лозим.

##### **Режа:**

1. Сервис соҳасининг иқтисодий моҳияти.
2. Сервис соҳасида самарадорликнинг мазмуни ва аҳамияти.
3. Корхонанинг сервис фаолияти самарадорлиги кўрсаткичлари.

#### **1. Сервис соҳасининг иқтисодий моҳияти.**

Хизмат кўрсатиш соҳаси халқ хўжалик комплексининг таркибий қисми бўлиб ҳисобланади, иқтисодий муносабатларнинг умумий тизимида қатнашади ва мавжуд жамиятда ҳаракат қиладиган умумий иқтисодий қонунларга бўйсинади. Тармоқларнинг халқаро таснифида уч секторни ажратиш қабул қилинган: бирламчи (қишлоқ хўжалиги, казиб олиш саноати), иккиламчи (қайта ишлаш саноати), ва учламчи (хизмат кўрсатиш соҳаси ёки ижтимоий соҳа)

Биринчидан маҳсулотлар белгиланиши бирлиги нуқтаи назаридан хизмат соҳаси маҳсулоти - қийин ва қарама- қарши тушинчадир. Истеъмол фондини кўпайтиришга йўналтирилган хизматлар ижтимоий соҳа маҳсулоти сифатида кўрилиши мумкин.

Иккинчидан, истеъмол қилинадиган ресурслар хилма хиллиги нуктаи назаридан ушбу ўхшашлик « номоддий маҳсулотлар» истеъмол қилинадиган ресурслардаги ўхшашлик харажатларнинг ўз структурасида ҳам намоён бўлади, улар бир биридан кескин фарқ қилади. Жумладан амортизацияни кўшган ҳолдаги моддий харажатлар театрларда 13,3%, циркларда 17,0%, концерт ташкилотларида 3,5%, паркларда 20,3%, саноатда 82,8%, қурилишда 64,8%.

Учинчидан кадрлар таркибининг ўзига хос белгисига кўра хизмат кўрсатиш соҳасида бу биринчи навбатда шунда намоён бўладики, ундаги асосий ишловчилар ўрта ва олий маълумотли мутахассислар ҳисобланади.

Сервис фаолияти иқтисодий актив фаолиятнинг бир тури бўлиб, бозор муносабатлари шароитида турли хил хизматлар кўрсатиш билан шуғулланади. Ушбу фаолият хизмат кўрсатишнинг ихтисослаштирилган структуралари орқали амалга оширилади, улар ўз навбатида ушбу тизимнинг субъектлари ҳисобланади. Мавжуд субъектлар ижтимоий эҳтиёжларнинг миқёси ва мазмунини баҳолаш орқали барча хохловчиларга ўз хизматларини таклиф этади ва уларни қондиришга ҳаракат қилади.

Сервис тизимида қарашли бўлган субъектлар жумласига тадбиркорлар ёки сервис ташкилотларининг жамоалари киради. Юқорида қайт қилинган ташкилотлар қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин:

- ихтисослаштирилган фирмалар - масалан сайёҳлик, меҳмонхона, даволаш;
- ихтисослаштирилган корхоналар, савдо, транспорт, таъмирлаш ва бошқалар;
- бюро, идоралар - юридик, ахборот, реклама, турар жой.
- муассасалар - қонунни қўриқлаш ва маданият муассасалари бўлиб ҳисобланадиган милиция бўлимлари, театрлар, музейлар, кутубхоналар;

- ташкилотлар - банк, суғурта, кўриқлаш ва ҳокозолар.

Инсонларнинг бир - бирларига беғараз ва ихтиёрий хизмат кўрсатишларидан фарқли равишда сервис фаолияти субъектлари фаолияти тўлиқ ёки қисман бозор айрбошлашлари принципларига асосланади. Жумладан, хизмат кўрсатиш соҳасидаги бизнес тўлиқ тижорат принциплари асосида амалга оширилади. Бу ерда шуни таъкидлаш жоизки, кўпчилик Давлат муассасалари аҳолига хизмат кўрсатишни аралаш асосида амалга оширади, яъни қисман тижорат асосида, қисман ижтимоий неъматларни беғараз қайта тақсимлаш механизми базасида. Умумий ҳолатда сервис фаолияти аҳолининг кенг маънодаги ижтимоий ва яқка тартибдаги эҳтиёжларини қодириш имкониятини беради, ва шу билан бир қаторда ҳозирги турдаги иқтисодий ва ижтимоий муносабатларни самарали ривожлантиради.

Юқорида қайт қилинганлардан шундай хулоса келиб чиқадики, айрбошланинг бозор муносабатлари доирасида ҳаракат қилиб, сервис фаолияти ушбу муносабатлар билан тартибга солинади, уларнинг талабларига таалуқли равишда шаклланади. Лекин сервис бўйича фаннинг дастлабки даврларида хизмат кўрсатишда меҳнат тавсифи бозордан ташқари элементларга бой эди.

Хизмат кўрсатиш бўйича меҳнат, саноат, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришдагидан фарқ қилади. Яъни моддий ишлаб чиқариш соҳасида ишчи физик материаллар шаклини ўзгартиради ёки биологик ресурслар билан иш олиб боради. Саноат ёки қишлоқ хўжалик маҳсулотларини яратиш борасида инсон, катта энергия сарфлайди. Ушбу сарфни ҳисоблаш ва иш ҳақи тарзида қоплаш мумкин. Ушбу жараёнда ишловчи қандайдир дастлабки материални қайта шакллантиради ва охириги натижада товар мақомига эга бўлган янги хом-ашё ёки маҳсулот олади. Олинган маҳсулотлар шакл, оғирлик, ҳажм ва бошқаларга эга бўлади, шунингдек маълум қиймат ифодасига ҳам.

Хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнат бошқачароқ тавсифга эга. Бу ерда ишловчи авваламбор инсон, унинг эҳтиёжлари ва хохишлари билан дуч келади. Хизматлар ўраб турган атроф муҳитда, инсон қиёфаси ёки унинг онгида конструктив ўзгаришларни амалга оширади, ушбу ўзгаришлар предмет - буюмли тавсифда аниқ ифодаланмайди. Масалан сартарош меҳнати, почталион хизматлари, ўқитувчи меҳнатининг ижтимоий - ижобий самара беришини ҳеч ким инкор этмайди. Лекин хизматлар ишлаб чиқувчилари ва истеъмолчилари ҳаракат қиладиган ҳолат, уларнинг ўзаро ҳаракатларисиз амалга ошмайди. Бу сервис фаолиятида у ёки бу томоннинг ўзаро қатнашишининг муҳимлигидан далолат беради.

Шундай қилиб, хизматларни амалга ошира туриб, сервис хизматчиси конкрет буюмларнинг жуда нозик хусусиятлари билан тўқнашади, шунингдек ижтимоий алоқалар, инсонларнинг руҳияти ва онги билан ҳам. Бундай ҳолатда унинг меҳнатини ўраб турган ҳақиқатга унинг таъсири натижасида бир шаклдан иккинчисига ўтиши ва унинг натижасида хўжалик амалиётининг ўзи қандай ўзгариши нуқтаи назаридан унинг меҳнатини ҳисоблаш ва баҳолаш осон иш эмас. Хизматлар ишлаб чиқаришда қабул қилинган харажатлар ўз тавсифи ва структурасига кўра, шунингдек объектив сифатлар бўйича қийинроқ бўлиб ҳисобланади. Бу ўз навбатида уларнинг натижавийлигига баҳо беришни қийинлаштиради.

Шу билан бирга хизматлар билан боғлиқ меҳнат ўзининг бозор баҳосига эга. Ҳозирги шароитда иқтисодчилар сервис фаолиятининг мамлакатнинг миллий бойлигини кўпайтиришда кўшган ҳиссасини ҳисоблаш ва аниқлашнинг уддасидан мувоффақиятли чиқишмоқдалар. Бунда уларга давлат статистикаси ёрдам бермоқда.

Охирги йиллар мобайнида республикаимиз статистикаси ҳисобга олишнинг аниқроқ усулларига ўтмоқда. Лекин бу ерда шуни таъкидлаш лозимки, республикаимиз статистика маълумотларида фақат пуллик хизматлар ҳажми кўрсатилган холос. Алоҳида сервис тизими бўйича

маълумотлар келтирилмаган. Бу ўз навбатида сервис фаолиятининг охири иқтисодий самарасини аниқлашни қийинлаштиради. Натижада тадқиқотчилар сон кўрсаткичлари эмас, билвосита маълумотлар асосида сифат баҳосини беришга ҳаракат қилишмоқдалар.

Сервис фаолиятининг ўзига хос тавсифдаги иқтисодий ҳолатлигини белгиловчи хизматлар аломатлари қуйидагилардан иборат:

- хизматлар кўрсатиш жараёни ўзига хос фаолиятдан ташкил топади унда ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларига хос бўлади. Ушбу фаолиятнинг натижаси бўлиб, истеъмолчи учун аҳамиятли бўлган фойда, неъматлар, манфаат беради ва у хизматлар ишлаб чиқарувчиси меҳнатига бозор баҳосида ҳақ тўлайди.

- кўрсатилаётган хизматлар ҳис қилиб бўлмайдиган, буюм тавсифида бўлмайди, лекин уларни ишлаб чиқиш учун одатда моддий ресурслар, техника ва махсус асбоб - ускуна зарур.

- уларни тақдим этиш бошланишига қадар хизматлар мавжуд бўлмайди, уларни сақлаш, тахлаш мумкин эмас. Хизматларни ишлаб чиқиш жараёни уларни истеъмол қилиш жараёни билан бир вақтда бошланади.

- истеъмолчи кўпчилик ҳолатларда хизматлар кўрсатиш жараёнида бевосита қатнашади. Қатор хизматларда истеъмолчининг қатнашиши шарт эмас; истеъмолчи хизмат кўрсатишнинг маълум босқичида пайдо бўлиши мумкин, лекин у албатта пайдо бўлиши лозим, чунки усиз хизматлар ўзининг яқунловчи тавсифига эга бўлмайди.

- хизматлар истеъмолчиси уларнинг мулк эгасига айланиши мумкин эмас. Лекин бу хизмат кўрсатиладиган буюмларга таалуқли эмас. Масалан тикилган костюм, таъмирланган телевизор ва ҳокозолар.

- хизмат кўрсатиш - бу фаолият, шунинг учун харидор унга пул тўлагунга қадар олдиндан баҳоланиши мумкин эмас.

- конкрет хизмат конкрет истеъмол баҳосини, фақат ушбу йўналишдаги маълум вақтдагина олиши мумкин. Бу ўз навбатида унинг бозорда алмаштирилиш имкониятларини кескин чегаралайди. Шу сабабли хизматларга бўлган талаб кескин ўзгариш тавсифига эга.

Юқорида қайт қилинган жиҳатларнинг барчаси хизматлар ва сервис фаолиятини иқтисодий активликнинг алоҳида шакли сифатида кўрсатади. У хизматлар ишлаб чиқарувчилардан, моҳирлик, ҳаётий тажриба, тадбиркорлик, инсонлар билан муроаса қилишни талаб этади. Истеъмолчилар билан доимий равишда ўзаро ҳаракат қилиш асосида ишлаб чиқарувчилар меҳнат ва ўзларини тутиш услубларини ўзлаштирадидилар. Бу ўз навбатида уларга оммавий хизмат кўрсатишни амалга ошириш имконини беради, албатта гуруҳ ёки яқка тартибдаги эҳтиёжларни инобатга олган ҳолда.

Шу билан бирга турли хил хизматлар бир бирларига нисбатан ўзаро бир бирини тўлдирувчи тавсифга эгадирлар, бусиз ҳозирги шароитдаги сервис фаолияти мумкин бўлмайди. Масалан, метрода транспорт хизматларини кўрсатиш, доимий равишда электр токи билан таъминлаш (энергетиклар хизматлари), ахборот хизматлари (вагонларда станция номларини айтиш, схемаларни кўрсатиш), тиббий хизматлар (тиббий пунктлар), савдо хизматлари (турли хил киосклар) кабилар билан биргаликда таъминланади.

Сервис фаолияти субъектлари бир бирлари билан ўзаро муносабатда бўлиб, ўз ўзларининг активлигини ошириш эвазига сервис маҳсулотларини яратишадилар. Сервис маҳсулоти аниқ хизматга қараганда қийин ва кенг ҳажмли ҳолатдир. Ушбу маҳсулот қуйидаги жуда муҳим таркиблардан ташкил топади:

- мавжуд хизматлар хилма хиллиги (конкрет сервис корхонаси ва аралаш корхоналар ишловчилари) алоқадор сервис фаолияти барча субъектларининг меҳнати;

- маҳсулотни яратишга жалб қилинган ёрдамчи механизмлар, техник асбоб - ускуналарнинг ҳаракат қилиши;

- хизматларда фойдаланиладиган моддий буюмлар, предметлар, товарлар.

Бир қатор сервис маҳсулотларини ишлаб чиқишда табиат ресурслари (масалан сайёҳликда, санатория даволанишда), меҳнат билан яратилган объектлар (экскурсион хизматларда) дан фойдаланилади. Уларсиз инсонларнинг ўзига хос талабларини қондириб бўлмайди. Сервис маҳсулотини юзага келтириш чоғида муҳим аҳамиятни сезиш мумкин бўлмайдиган хизматлар таркибий қисимлари эгаллайди. Улар жумласига: истеъмолчига нисбатан фирмада яратилган умумий муҳит, хизмат кўрсатаётган конкрет ишловчининг кайфияти, хизмат кўрсатиш залидаги саранжомлик ва бошқалар киради. Ушбу барча тутқич бермайдиган нозик фарқлар конкрет корхонанинг сервис маҳсулотини шакллантиради.

Умумий ҳолда сервис маҳсулоти сервис фаолиятининг комплекс табиатини акс эттиради, шунингдек унинг турли йўналиш ва турларининг ўзаро бир бирларини тўлдирувчи тавсифини ҳам.

Турли хил сервис маҳсулотлари нафақат ташкилотлар ва фирмалар даражасида, балки тармоқ, ҳудуд ва миллий халқ хўжалиги даражасида ҳам вужудга келиши мумкин. Масалан миллий сайёҳлик маҳсулоти. Ушбу маҳсулотни яратишда бир қанча тармоқлар бевосита иштирок этишадилар.

## **2. Сервис соҳасида самарадорликнинг мазмуни ва аҳамияти.**

**Ишлаб чиқариш самарадорлиги** ҳар бир корхона фаолиятининг энг асосий вазифаси ҳисобланади. У хўжалик юритишнинг сифат ва миқдор кўрсаткичларини, шунингдек, буюмлашган ва жонли меҳнат харажатлари ҳамда олинган натижалар ўртасидаги муносабатни ифодалайди.

Афсуски, бозор шароитларида “самарадорлик” тушунчаси, гарчи, даромад олиш, харажатларни камайтириш, меҳнат самарадорлигининг ўсиши, фонд қайтими, рентабеллик ва ҳоказолар самарадорлик табиатига мос келиб, бозор иқтисодиёти талабларига зид келмасада, баҳо, фойда, даромад, харажат каби тушунчаларга қараганда кам қўлланилмоқда. Самарали ишлаш дегани ўз моҳиятига кўра, мўлжалланган (режалаштирилган) фойдани олиш, ноишлаб чиқариш харажатлари ва йўқотишларни камайтириш, ишлаб чиқариш қувватлари ва ишчи кучидан яхшироқ фойдаланиш, меҳнат самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини яхшилашни англатади.

“Самара”, “самарадорлик”, “ ижтимоий-иқтисодий самарадорлик” каби тушунчаларнинг орасидаги фарқни англаб олиш зарур.

**Самара** – бу, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (иш, хизмат), фойда ва даромад ҳажмини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаришни камайтириш ёки умуман, йўқ қилиш билан боғлиқ бўлган корхона фаолиятининг ижобий натижаларидир. Бу ютуқлар натурал шаклда *ишлаб чиқариш самарасини*, пул шаклида эса *иқтисодий самарани* тавсифлайди.

**Самарадорлик**, аввало, корхона фаолиятининг сифат жиҳатларини тавсифловчи тушунчадир. У “самара” тоифасидан келиб чиқади ҳамда унга қараганда мураккаб ва комплекс тавсифга эга.

Самарадорлик чора сифатида кўплаб техник, иқтисодий, лойиҳа ва хўжалик қарорларини аввалдан белгилаб беради. Корхона ўзининг хўжалик, илмий-техник ва инвестицион сиёсатини белгилашда самарадорликдан келиб чиқади.

**Иқтисодий самарадорлик** самарадорликка қараганда бир мунча тор маънони англатади. У қабул қилинаётган қарорларнинг хўжалик юритишда мақсадга мувофиқлигини тавсифлайди ҳамда барча ҳолларда самаранинг



унга эришиш учун кетган харажатлар(ишлаб чиқариш ресурслари)га нисбати сифатида аниқланади. Харажатлар қанчалик кам бўлса (маҳсулот сифатига таъсир қилмаган ҳолда), самара шунчалик ортади, демак, иқтисодий самарадорлик ҳам ортади.

**Ижтимоий-иқтисодий самарадорлик** ишлаб чиқариш самарадорлигини меҳнат шароитларини, унинг ижодкорлик мазмунини бойитиш, ақлий ва жисмоний меҳнат ўртасидаги фарқни йўқотишни инобатга олган ҳолда тавсифлайди. Ижтимоий-иқтисодий самарадорлик бир вақтнинг ўзида, ишлаб чиқариш самарадорлигини кучайтириш, корxonанинг муваффақиятли фаолият юритиши, шахснинг ҳар томонлама ривожланиши ва унинг барча қобилиятларидан фойдаланишнинг сабаб ва натижаси ҳисобланади. Бевосита ижтимоий самара, ходимларнинг билим ва малакаси, тажриба ва маданиятининг ўсиши, аҳоли соғлиғининг яхшиланиши ва умр кўришининг узайишида акс эттирилади.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги ижтимоий самарадорликка нисбатан бирламчи ҳисобланади: иқтисодий ютуқлар корxonанинг ижтимоий муаммоларини ҳал қилишга ёрдамлашади. Масалан, фойданинг ўсиши, жамғармаларнинг ортиши корxонага ижтимоий вазифалар доирасини кенгайтириш ва уларни ҳал қилиш имконини беради.

Бироқ самарадорлик ва унинг асосий кўрсаткичи - фойда (даромад) ўз-ўзидан, автоматик равишда юзага келмайди. Турли корxonаларда самарадорликка эришиш учун мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари ва бошқа хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда, турли восита ва йўллардан фойдаланилади. Бунда вақт омили, яъни самарадорликка қисқа ёки узок муддатларда эришишни мўлжаллаш, асосий роллардан бирини ўйнайди. Масалан, корxона олаётган фойдасини қисқа вақт мобайнида маҳсулот сифатини яхшилашни маблағ билан таъминлаш, ишлаб чиқаришни қайта қуроллантириш ва модернизация қилиш, ходимлар малакасини оширишга ажратилаётган маблағларни камайтириш йўли билан кўпайтириши мумкин.

Узоқ муддатли режаларда эса бу, фойданинг камайишига ва ҳаттоки корxonанинг бозордаги ўрнини йўқотиши натижасида банкротга учрашига олиб келиши мумкин.

Хорижий фирма ва корxonалар ўз фаолиятларида самарадорликка эришиш учун ишлаб чиқариш техника ва технологияларига эътиборни кучайтиришдан ташқари, маҳсулот сифатини ошириш ва уни реклама қилишга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Масалан, Япониянинг “Омрон” фирмаси ўзига “Барчанинг яхши ҳаёти, яхши дунё учун” деган иборани шиор қилиб олган. Американинг “Катерпиллер” компаниясининг шиори “Дунёнинг ҳар бир бурчагида 48 соат хизмат кўрсатиш” бўлса, “Рибок” фирмаси “Яхши баҳодаги нарх” иборасини шиор қилиб олган. Бундай мисоллардан яна бир нечтасини келтириб ўтиш мумкин.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқадики, самара ва самарадорлик қотиб қолган категориялар қаторига кирмайди ҳамда фақатгина пул кўринишида ўлчанмайди. Самарадорлик ва сифатли меҳнат туфайли корхона *биринчидан*, ўзининг иқтисодий барқарорлиги ва бозордаги рақобатчиликка бардош беришини таъминлайди, *иккинчидан*, ўз имиджини яхшилайти ва ҳамкорлар билан алоқаларини мустаҳкамлайди, *учинчидан*, ходимларнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳволини яхшилайти. Демак, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўллари кидириш, харажат ва натижаларни тўғри солиштириш, мулкчилик шакли, қайси тармоққа тегишлилиги, ҳудудий жойлашиши ва фаолият туридан қатъи назар, ҳар бир корхона учун муҳим вазифа ҳисобланади.

### **3. Корxonанинг сервис фаолияти самарадорлиги кўрсаткичлари.**

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш – корхона раҳбариятининг доимий вазифасидир. Бу вазифани ечиш амалиётда қуйидаги омиллар билан боғлиқ бўлади:

- \* бозор талабларига жавоб берувчи юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда энг кам харажатлар билан ишлаб чиқаришнинг максимал ҳажмини таъминловчи, оптимал ишлаб чиқариш жараёнини танлаш;
- \* истеъмолчилар талабини қондиришга йўналтирилган маҳсулотни сотиш ва юқори даромад (фойда) олиш;
- \* айланма воситаларни тежаш имкониятини яратувчи оптимал ишлаб чиқариш заҳираларини яратиш.

Хўжалик самарадорлигини ошириш омилларининг юқорида санаб ўтилган ҳар бири, фаолият юритишнинг турли шакл ва кўринишлари ёрдамида, ишлаб чиқариш самарадорлиги асосида ётувчи харажатлар ва ресурсларнинг ўзаро алоқасини инобатга олган ҳолда амалга оширилади.

Хўжалик самарадорлигини баҳолаш, корхонада фойдаланиладиган ресурс турлари бўйича амалга оширилиши ва миқдор жиҳатидан ўлчаниши мумкин. Масалан, *ишчи кучидан* фойдаланиш самарадорлигини меҳнат унумдорлиги ва маҳсулотнинг меҳнат сиғими кўрсаткичлари ёрдамида қуйидаги формула асосида баҳолаш мумкин:

$$ПТ = \frac{Q}{Ч}$$

Бу ерда:

ПТ - меҳнат унумдорлиги;

Q - маҳсулот ҳажми қиймат кўринишида;

Ч - ишловчилар (ишчилар) сони.

Маҳсулотнинг меҳнат сиғими меҳнат унумдорлигига тескари катталиқ бўлиб, сарфланган меҳнат миқдорининг ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига нисбати сифатида аниқланади:

$$T = \frac{Ч}{Q}$$

*Меҳнат қуроллари*(асосий фондлар)дан фойдаланиш самарадорлиги маҳсулотнинг фонд сиғими ва фонд қайтими кўрсаткичлари ёрдамида аниқланади. Бунда фонд қайтими корхона асосий фондларининг бир бирлигига тўғри келувчи ишлаб чиқарилган маҳсулотни англатса, фонд сиғими эса фонд қайтимига тескари катталиқ бўлиб, янги асосий фондларни ташкил қилиш учун зарур бўлган капитал қўйилмаларни аниқлаш вазифасини бажаради.

Фонд қайтими ( $f_o$ ) ва фонд сиғимини ( $f_e$ ) аниқлаш формуласи қуйидагича:

$$f_o = \frac{Q}{\Phi}$$

Бу ерда:

Q - маҳсулот ҳажми, қиймат пул кўринишида;

Φ – асосий ишлаб чиқариш фондлари қиймати.

$$f_e = \frac{\Phi}{Q}$$

Фонд қайтими қанчалик юқори ва фонд сиғими қанчалик паст бўлса, ишлаб чиқариш ва меҳнат қуролларидан фойдаланиш самарадорлиги шунчалик юқори бўлади ва аксинча. Машина ва ускуналардан унумли фойдаланиш, ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш ҳамда ходимлар малакасини ошириш, фонд қайтимини кўпайтиришнинг муҳим захираси ҳисобланади.

Меҳнат қуролларидан фойдаланиш самарадорлиги, маҳсулотларнинг материал сиғими ёрдамида сарфланган хом ашё, материал, ёқилғи, энергия ва

меҳнат предметларининг умумий қийматини ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига нисбати орқали аниқланади. Унинг формуласи қуйидагича:

$$m = \frac{M}{Q}$$

Бу ерда:

$m$  - маҳсулотларнинг материал сиғими;

$M$  - маҳсулот ишлаб чиқариш учун кетган моддий харажатларнинг умумий миқдори пул кўринишида;

$Q$  - ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми, қиймат кўринишида.

Маҳсулотнинг материал сиғими қанчалик паст бўлса, ишлаб чиқариш самарадорлиги шунчалик юқори бўлади. Бироқ маҳсулот материал сиғимини камайтириш, унинг сифатини пасайтириш ёки технология норма ва қоидаларини бузиш ҳисобига амалга оширилмаслиги лозим. Материал сиғимининг бу тарзда камайтилиши иқтисодий жиноят ҳисобланади ва қонунга асосан жазога тортилади.

Бозор шароитларида корхона хўжалик фаолияти самарадорлигининг умумлаштирувчи ёки мезон кўрсаткичи сифатида рентабеллик ёки капиталнинг даромадлилигини қабул қилиш мумкин. Бу кўрсаткич қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$R = \frac{\Pi}{A} * 100$$

Бу ерда:

$R$  - рентабеллик, хўжалик фаолиятининг натижасини фойда шаклида кўрсатади ва фоизларда ўлчанади;

$\Pi$  - корхонанинг баланс фойдаси;

А - авансланган капитал(асосий ва айланма).

Нисбатнинг катталашини меҳнат, молия, технология ва моддий ресурсларидан унумлироқ фойдаланишни англатади. Чунки айнан улар ишлаб чиқариш ҳажми ва харажатлари, маҳсулот баҳосига таъсир ўтказди. Хўжалик фаолияти минимал харажатлар билан юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилган жойларда самаралироқ бўлади.

Корхона рентабеллигини аниқлашда баъзида корхона олган умумий фойда эмас, балки маҳсулот таннархини пасайтириш ҳисобига олинувчи фойда улушидан фойдаланилади. Бундай ёндашув корхонани ишлаб чиқариш маҳсулдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш қувватларидан тежамкорлик билан рационал тарзда фойдаланиш, натижада эса маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланувчи барча харажатларни камайитиришга йўналтирилган чора-тадбирлар сари чорлайди. Юқорида келтирилган хўжалик самарадорлигини баҳолаш усуллари ва кўрсаткичларидан ташқари бугунги кунда амалиётда Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулк Қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган корхоналарнинг иқтисодий ночорлик белгиларини аниқлаш учун мезонлар тизими ҳам қўлланилади. Уларнинг қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- \* тўлов қобилияти коэффиценти ( $K_{пл}$ );
- \* хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффиценти ( $K_{сс}$ );
- \* молиявий мустақиллик коэффиценти ( $K_{фн}$ );
- \* хусусий айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффиценти ( $K_{ос}$ );

Бу кўрсаткичлар бир қарашда маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасига, демак, ишлаб чиқариш самарадорлигига алоқаси йўқдай туюлади. Аслида эса айнан улар орқали корхонанинг самарали фаолиятини англатувчи иқтисодий ва молиявий барқарорлик акс эттирилади. Бундан ташқари, маҳсулотнинг материал сифими, фонд қайтими, меҳнат унумдорлиги ва рентабеллик кўрсаткичлари, ишлаб чиқаришни режалаштириш ва таҳлил қилишда

қўлланса, мезонлар тизими ёрдамида эса корхоналар ўзларининг фаолият юритиш қобилиятини кўрсатади ҳамда турли хил муаммоли вазиятларда хўжалик судларида ўз манфаатларини ҳимоя қилади.

**Тўлов қобилияти коэффиценти** ( $K_{пл}$ ) корхонанинг дебиторлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш ҳамда тайёр маҳсулот ва бошқа моддий воситаларини сотишнинг қулай шароитларда сотиш орқали баҳоланадиган тўлиқ имкониятларини кўрсатади. У қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_{пл} = \frac{A_2 - П_{дз}}{П_2 - Д_{зк}}$$

Бу ерда:

$A_2$  – айланма активлар (ишлаб чиқариш заҳиралари, тайёр маҳсулот, пул маблағлари, дебиторлик қарзлари ва ҳоказолар);

$П_2$  – мажбуриятлар (қисқа муддатли қарзлар, қисқа муддатли кредитлар, бюджет олдидаги қарзлар, кредиторлик қарзлари ва ҳоказо);

$П_{дз}$  – муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзлари;

$Д_{зк}$  – узоқ муддатли қарз ва кредитлар.

**Хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффиценти** ( $K_{сс}$ ) уларнинг шаклланиш манбаларини инобатга олган ҳолда, пул маблағлари билан таъминланганлик даражасини аниқлайди. У қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_{сс} = \frac{П_1}{П_2 - Д_{зк}}$$

Бу ерда:

$\Pi_1$  – хусусий маблағлар манбалари (Низом жамғармаси, қўшилган капитал, тақсимланмаган фойда ва ҳоказо).

**Молиявий мустақиллик коэффиценти** ( $K_{\text{фн}}$ ) корхона молиявий мустақиллигининг камайиши (кўпайиши), келажакда молиявий қийинчиликларга учраш хавфининг кучайиши (пасайиши) ҳақида маълумот беради ҳамда корхона ўз мажбуриятлари олдида жавоб беришининг кафолатларини белгилаб беради. У қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_{\text{фн}} = \frac{\Pi_1}{ИБ}$$

Бу ерда:

ИБ - корхона баланси активи ёки пасивининг якуни.

**Хусусий айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффиценти** ( $K_{\text{ос}}$ ) корxonанинг барқарор ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини юритиш учун зарур бўлган айланма воситалар мавжудлигини тавсифлайди. Шунингдек у, корхона эгалари ва кредиторлар манфаатларидаги муносабатларни ҳам акс эттиради. Мазкур коэффицент қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_{\text{ос}} = \frac{\Pi_1 - A_1}{A_2}$$

Бу ерда:

$A_1$  – узоқ муддатли активлар (асосий воситалар, капитал қўйилмалар, номоддий активлар ва ҳоказо).

Кўрсаткичлар тизимини тайёрлаган муаллифлар томонидан корxonанинг тўловга қобилиятлиги ёки ночорлигини аниқловчи параметрлар белгилаб берилган. Масалан, тўлов қобилияти коэффиценти ҳамда хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффиценти 2 дан кичик бўлса



( $K_{пл} < 2$ ;  $K_{сс} < 2$ ), молиявий мустақиллик коэффиценти 0,5 дан кичик бўлса ( $K_{фн} < 0,5$ ), хусусий айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффиценти 0,1 дан кичик бўлса ( $K_{ос} < 0,1$ ) корхоналар ночор деб топилади. Корхона ночорлиги, демак, хўжалик фаолиятининг самарасизлиги тўғрисидаги якуний қарор, ночорлик параметрларининг умумий суммаси 4,6 дан кичик бўлган ҳолда қабул қилинади.

Хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш жуда ҳам мураккаб жараён бўлиб, бунинг ҳамма учун тўғри келувчи ягона йўли мавжуд эмас. ҳар бир корхона бу масалани ечишда ўз имкониятлари ва юзага келган иқтисодий шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда ҳаракат қилади. Бироқ барча ҳолларда ҳам самарадорликнинг асосида **фойдани максималлаштириш** ёки **харажатларни минималлаштириш** ётади.

*Шартли мисол келтириб ўтамиз.* Айтайлик, корхонанинг 10 млн сўм миқдорида маблағи бўлиб, бу маблағларни ишлаб чиқаришни кенгайтиришга сарфлаш мўлжалланган. ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, корхона 10 млн сўм сарф қилганда қўшимча 11 млн сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаради, яъни фойда 1 млн сўмни ёки қўшилган капиталнинг 10 % қисмини ташкил қилади.

Агарда корхона ушба маблағни банкка йилига 12 %ли депозит ҳисобига қўйганида, фоизлар учун 1,2 млн сўм фойда олган бўлар эди. Демак, муқобил харажатларни ҳисоблаганда корхона 0,2 млн сўм миқдоридаги қўлдан чиқариб юборилган фойдани ҳам ҳисобга олиши лозим. Бироқ ишга бундай ёндашишнинг, бугунги бозор муносабатлари шароитларида кенг тарқалган бундай усулида, яъни энг кўп фойдага эга бўлиш тамойили асосидаги усулда, корхона фойдани максимал даражага чиқарсада, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга эриша олмайди. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш эса, барчага маълум бўлганидек, иқтисодиётнинг ривожланиши учун энг муҳим талаблардан бири ҳисобланади.

## **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Самарадорлик нима?
2. Сервис корхоналарида самарадорлик кўрсаткичлари нимада намоён бўлади?
3. Молиявий мустақиллик деганда нима тушунилади?

## **Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:**

1. Э.С.Файзиев «Сервис тизими фаолияти асослари» Ўқув кўлланма. Самарқанд. «Зарафшон» нашриёти Д.К, 2010
2. Э.С. Файзиев Сервис соҳасининг иқтисодиётдаги ўрни. Рисола Сам.И.С.И, 2007 й
3. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолари ва уларнинг ечимлари. Монография. Проф. М.Қ.Пардаев, проф., Ҳ.Н.Мусаевлар таҳрири остида. Т.: «Иқтисод-молия», 2008
4. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

## **4.2. Сервис соҳасида самарадорликнинг меъзон ва кўрсаткичлари**

Хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш корхоналари томонидан кўрсатилаётган хизматларни таҳлил қилиш ва камчиликларни вақтида бартараф этиш зарур. Хизмат кўрсатишни тўғри йўлга қуйиш мақсадида самарадорлик меъзонлари ва кўрсаткичларини аниқлаш ҳамда ҳисоб-китобларни доимий равишда олиб боришни талаб этилади.

### **Режа:**

1. Сервис соҳасидаги ижтимоий самарадорлик кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш йўллари.
2. Сервис корхона ва ташкилотларида самарадорликни оширишнинг асосий йўллари.

## **1. Сервис соҳасидаги ижтимоий самарадорлик кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш йўллари.**

Сервис ташкилотининг доимий равишда ўзгариб боровчи бозор муносабатлари шароитларида барқарор иқтисодий ривожланиши сервис фаолиятининг самарадорлиги таҳлилига асосланади.

Сервис фаолияти кўрсаткичларини системали таҳлил қилиш куйидагиларга имкон беради:

- ташкилотнинг сервис фаолияти натижавийлигини тезда баҳолаш;
- конкрет турдаги тақдим этилаётган хизматлар бўйича олинadиган фойдага таъсир этувчи омилларни ўз вақтида аниқлаш;
- харажатларни (муомила харажатларини) ва уларнинг тенденцияларини аниқлаш. У ўз навбатида хизматлар баҳосини аниқлаш ва рентабелликни ҳисоблаш учун зарур;
- сервис фаолияти самарадорлигини ошириш ва фойда олишнинг оптимал йўлларини топиш.

Сервис ташкилоти иши самарадорлигининг муҳим кўрсаткичи бўлиб фойда ҳисобланади. У сервис ташкилоти фаолият натижалари бўлган тақдим этилаётган хизматлар ҳажми структураси, меҳнат унумдорлиги, харажатлар даражаси, ноишлаб чиқариш харажатлари ва йўқотишларнинг мавжудлиги ва ҳокозоларни акс эттиради. Олинган фойданинг миқдоридан асосий фондлар ва айланма маблағларнинг кўпайиши, ишловчиларни моддий рағбатлантириш, солиқлар тўлаш ва бошқалар боғлиқ бўлади. Фойданинг мавжудлиги шундан далолат берадики, сервис ташкилотлари харажатлари истеъмолчиларга хизмат кўрсатишдан олинган даромадлар ҳисобига тўлиқ қопланади. Сервис ташкилотининг фойдаси унинг барча даромадлари ва харажатлари ўртасидаги фарқ тарзида ҳисобланади. Хизматлар кўрсатишдан олинadиган фойда (операцион ёки ялпи фойда) солиқ тўлашгача ва солиқ тўлангандан кейин (соф фойда) фарқланади.

Солиқ тўлашдан кейинги фойда (соф фойда) бошқа режалаштирилмаган фойда ва харажатларни инобатга олган ҳолда ҳисобланади. Режалаштирилган харажатларга солиқ тўловлари, режалаштирилмаган харажатларга шартларнинг бузилганлиги учун тўланадиган жарималар, пеня ва неустойкалар, ҳамда оператив фойда суммасини камайтирадиган умидсиз қарзлардан кечиш бўйича харажатлар ва бошқа харажатлар киради. Режалаштирилмаган даромадларга турли ташкилотлардан олинган жарималар, пенялар ва неустойкалар, товар-моддий қийматлар қолдиқлари, даво муддати ўтганлиги сабабли кредитор қарзлардан кечиш ва бошқалар киради.

Хизмат кўрсатишдан олинган фойда истеъмолчиларга хизмат кўрсатишдан олинган тушум ва ушбу хизматлар таннархи ўртасидаги фарқ тарзида аниқланади.

$$Фх = Туш х - Тан х ,$$

бу ерда  $Фх$  - хизмат кўрсатишдан олинган фойда;

$Туш х$  - хизмат кўрсатишдан тушум суммаси;

$Тан х$  - хизматлар таннархи.

Хизматлар кўрсатишдан олинадиган фойда турли омиллар таъсирида бўлади. Улар жумласига: кўрсатилаётган хизматлар ҳажмининг ўзгариши, кўрсатилаётган хизматлар структурасининг (турларининг) ўзгариши, хизматлар баҳоларининг ўзгариши, материаллар, тарифлар, ишчи кучи баҳоларининг ўзгариши ва хоказолар киради.

Фойданинг умумий ўзгариши:

$$\Delta \Phi_x = \Phi_{x_1} - \Phi_{x_0},$$

бу ерда  $\Phi_{x_1}$  - ҳисобот йилида хизматлар кўрсатишдан олинган

фойда;

$\Phi_{x_0}$  - ўтган даврда хизматлар кўрсатишдан олинган

фойда.

Кўрсатилаётган хизматлар бахолари ўзгаришининг фойдага таъсири  
ҳисоб- китоблари:

$$\Delta \Phi_{xb} = \sum (B_1 \times K_{x_1}) - \sum (B_0 \times K_{x_1})$$

бу ерда  $\Delta \Phi_{xb}$  - кўрсатилаётган хизматлар бахолари ўзгариши

ҳисобига фойда ҳажмининг ўзгариши;

$B_1$  -ҳисобот йилидаги хизматлар бахоси;

$B_0$  - ўтган йилдаги хизматлар бахоси;

$K_{x_1}$  - ҳисобот даврида кўрсатилган хизматлар сони.

$\sum (B_1 \times K_{x_1})$  - ҳисобот йилида ҳисобот бахолари бўйича

хизматлар кўрсатиш;

$\sum (B_0 \times K_{x_1})$ -ҳисобот йилида ўтган давр (базис) бахолари

бўйича хизмат кўрсатиш.

Кўрсатилаётган хизматлар ҳажмидаги ўзгаришнинг фойдага таъсири  
ҳисоб- китоблари:

$$\Delta\Phi_{x_k} = \Phi_{x_0} \times K_1 - \Phi_{x_0} = \Phi_{x_0} (K_1 - 1),$$

бу ерда  $\Delta\Phi_{x_k}$  - фойда миқдорининг кўрсатилаётган хизматлар сони (ҳажми) ҳисобига ўзгариши;

$K_1$  - кўрсатилаётган хизматлар ҳажмининг ошиш

Коэффициенти;

$$K_1 = \frac{T_{x_1}}{T_{x_0}},$$

бу ерда  $T_{x_1}$  - жорий даврда кўрсатилган хизматлар таннархи ўтган (базис) даври баҳолари бўйича;

$T_{x_0}$  - ўтган даврда кўрсатилган хизматлар таннархи ўтган (базис) даври баҳолари бўйича.

Кўрсатилаётган хизматлар структурасидаги ўзгаришларнинг фойдага таъсири ҳисоб- китоблари :

$$\Delta\Phi_{x.c.} = \Phi_{x.o.} * (K_2 - K_1)$$

бу ерда  $\Delta\Phi_{x.c.}$  - фойда миқдорининг кўрсатилаётган хизмат-

лар структурасининг ўзгариши ҳисобига  
ўзгариши;

$K_2$  - сотиш нархларида баҳолаш бўйича кўрсатила-  
ётган хизматлар ҳажмининг ошиш коэффи-  
циенти.

$$K_2 = \frac{T_{x_1}}{T_{x_0}},$$

бу ерда  $T_{x_1}$  - ўтган (базис) нархларидаги ҳақиқий тушум;

$T_{x_0}$  - ўтган (базис) давридаги тушум.

Кўрсатилаётган хизматлар таннархини камайтириш ҳисобига  
тежамнинг фойдага таъсири ҳисоб-китоблари:

$$\Delta \Phi_{x.t.} = T_{x_1} - T_{x_0}$$

бу ерда  $\Delta \Phi_{x.t.}$  - фойда ҳажмининг кўрсатилаётган хизмат-  
лар таннархини камайтириш ҳисобига  
ўзгариши.

Худди шу йўл билан фойдага материаллар, меҳнат ресурслари ва бошқа баҳоларнинг таъсирини ҳисоблаш мумкин.

Фойданинг умумий ўзгариши турли омиллар таъсири натижасида фойдадаги ўзгаришлардан ташкил топади.

$$\Delta\Phi_x = \Delta\Phi_{x.б.} + \Delta\Phi_{x.х.} + \Delta\Phi_{x.с.} + \Delta\Phi_{x.т.} + \dots + \Delta\Phi_{x.oi.}$$

бу ерда  $\Delta\Phi_{x.oi.}$  - I омилининг таъсири ҳисобига фойданинг.

ўзгариши.

Рентабеллик кўрсаткичлари ташкилотнинг умумий ҳолдаги иш самарадорлигини, фаолиятнинг турли йўналишларининг (ишлаб чиқариш, тадбиркорлик, сармоя) даромадлилигини тавсифлайди. У фойдага қараганда ташкилотнинг ҳисобот йилида фаолиятнинг охирги натижаларини тўлароқ акс эттиради, чунки уларнинг даражалари самаранинг мавжуд ёки фойдаланилаётган ресурсларга нисбатини кўрсатади.

Рентабеллик кўрсаткичлари бир неча гуруҳлар бўйича ҳисобланади:

1. Хизматлар кўрсатиш учун харажатларнинг қопланишини тавсифловчи кўрсаткичлар.
2. Сотиш фойдалилигини тавсифловчи кўрсаткичлар.
3. Капитал даромадлилигини тавсифловчи кўрсаткичлар.

Ишлаб чиқариш фаолияти рентабеллиги (харажатларнинг қопланиши) - ялпи (хизматларни сотишдан олинган фойда), соф фойда ёки тушумнинг, кўрсатилган хизматлар бўйича харажатлар суммасига нисбати:

$\Phi_x$

$C\Phi$



$$P_x = \frac{\text{-----}}{T_x} \quad \text{ёки} \quad P_x = \frac{\text{-----}}{T_x}$$

бу ерда  $P_x$  - харажатлар рентабеллиги

СФ - соф фойда.

У хизматлар кўрсатишга сарфланган ҳар бир сўмдан ташкилот қанча фойда олишини кўрсатади.

Ушбу кўрсаткич сервис ташкилоти бўйича умумий ҳолда, шунингдек унинг алоҳида структурали бўлимлари ва кўрсатилаётган хизмат турлари бўйича ҳам ҳисоблаш мумкин.

Сотиш (оборот) рентабеллиги- хизматни сотишдан олинган фойда ёки соф фойданинг олинган тушум суммасига нисбати

$$P_c = \frac{\text{Фх}}{\text{Туш.х}} \quad \text{ёки} \quad P_c = \frac{\text{СФ}}{\text{Туш.х}}$$

бу ерда  $P_c$  - сотиш рентабеллиги.

Ушбу кўрсаткич тадбиркорлик фаолиятининг самарадорлигини тавсифлайди, яъни сервис ташкилоти ҳар бир сўмлик сотишдан қанча фойда олади. У жами ташкилот бўйича ва алоҳида хизмат турлари бўйича ҳисобланиши мумкин.

Капитал рентабеллиги (даромадлилиги) - солиқ тўлашга қадар фойданинг (ялпи, соф) капиталнинг ўрта йиллик қийматига ёки унинг таркибий қисимларига (хусусий, қарзга олинган, асосий оборот капитали) нисбати.

$$R_k = \frac{\text{Фх}}{K} \quad \text{ёки} \quad R_k = \frac{\text{СФ}}{K} \quad \text{ёки} \quad R_k = \frac{\text{Фс.т.}}{K}$$

Бу ерда -  $R_k$  - капитал рентабеллиги

Фс.т. - солиқ тўлагунча фойда

$K$  - капиталнинг (асосий, айланма, унинг алоҳида элементлари) ўрта йиллик қиймати.

Ушбу кўсаткичлар ҳар бир сўмлик капитал қийматидан олинадиган фойда миқдорини тавсифлайди.

## **2. Сервис корхона ва ташкилотларида самарадорликни оширишнинг асосий йўллари.**

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, хўжалик юриштишнинг бозор тизими ҳамда ҳар қандай даврнинг муҳим талабидир. Самарадорлик исталган корхонанинг иқтисодий барқарорлиги ва фаолият юриштиш қобилятини акс эттиради. ҳар қандай ишда, жумладан, корхоналар фаолиятида самарадорликнинг, ижобий натижаларнинг мавжуд бўлмаслигини, образли қилиб айтганда, оворагарчилик, вақт, куч ва ресурсларни йўқотиш билан изоҳлаш мумкин.

Фан-техника тараққиёти корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлиб келган ва ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Мазкур омилдан қуйидаги йўллар билан фойдаланиш мумкин:

\* ишлаб чиқариш ва меҳнатни механизациялаштириш, автоматлаштириш ҳамда комплекс равишдаги механизациялаштириш;

\* асосий технологик жараёнларни роботлаштириш;

\* прогрессив, меҳнат ҳамда ресурсларни тежашга йўналтирилган технологик жараёнларни амалиётга киритиш ва улардан кенг фойдаланиш;

\* хом ашё ва материаллар (меҳнат предметлари) замонавий турларини яратиш ва улардан фойдаланиш;

\* ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, режалаштириш ва бошқариш жараёнларида замонавий ахборот технологияларидан, ҳисоблаш техникасидан фойдаланиш;

\* ишлаб чиқариш ва меҳнатни илмий ташкил қилиш.

Амалиётда фан-техника тараққиётининг, жумладан, унинг таркибий қисмларининг аҳамияти ва ролини инкор қилувчи ёки тушунмовчи корхонани топиш амримаҳол. Бироқ ушбу омилни амалга ошириш учун фақатгина ҳоҳиш ва истакларнинг ўзигина етарли эмас. Бунинг учун *биринчидан*, фан-техника тараққиётининг айна пайтда зарур бўлган йўналишларини излаш ва аниқлаш, *иккинчидан*, пул маблағларини ва бошқа зарур бўлган ресурслар (инвестициялар) излаб топиш, *учинчидан*, замонавий илмий-техникавий ишламаларга ихтисослашган илмий-тадқиқот институтлари, конструкторлик, технологик ва бошқа илмий муассасалар билан керакли алоқаларни “боғлаш”, *тўртинчидан*, ўз илмий-техникавий мақсадларининг самаралилигини ҳисоблаб чиқиш талаб қилинади.

Фан-техника тараққиёти сўнгги пайтларгача эволюцион равишда ривожланиб келмоқда эди. Асосий эътибор амалдаги технологияларни такомиллаштириш, машина ва ускуналарни қисман замонавийлаштиришга

қаратилган эди. Бундай чора-тадбирлар маълум бир чекланган натижаларга олиб келарди.

Янги техникаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга киритишдан манфаатдорлик талаб даражасида эмасди. Ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг хорижий прогрессив технологиялари “эксплуаторлик белгиси” сифатида, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва механизациялаштириш эса ишсизликнинг асоси сифатида қабул қилинар эди. Хориж тажрибаларига капиталистик тажриба деб қараларди ҳамда бу тажрибаларнинг кенг тарқалишига йўл қўйилмас эди.

Бозор муносабатлари шаклланаётган ҳозирги шароитларда, чуқур сифат ўзгаришлари, тамойиллари янги технологиялар ва сўнги авлод техникасига ўтиш, иқтисодиётнинг барча тармоқларини фан ва техниканинг энг янги ютуқлари асосида қайта қуроллантириш зарур. Шу билан бир қаторда олимлар, конструкторлар, муҳандис ва ишчиларнинг ижодий руҳда меҳнат қилишлари учун иқтисодий ва ижтимоий манфаатдорликни яратиш муҳим аҳамият касб этади. Масалан, Япония корхона ва фирмаларида ижодий гуруҳлар, сифат гуруҳлари ташкил қилинган, яъни фан-техника тараққиёти билан узвий боғлиқ бўлмиш университетлар, илмий марказ ва лабораториялар билан алоқалар ривожлантирилмоқда. Япониянинг бугунги кунда роботлар ҳамда замонавий техника ва технологияларнинг бошқа турларини яратишда биринчи ўринларда туриши ҳам бежиз эмас.

Корхоналар ишлаб чиқариш фаолиятининг самарадорлигини оширишда *ташкилий-иқтисодий омиллар*, жумладан, бошқарув ҳам муҳим ўринга эга. Уларнинг аҳмияти ишлаб чиқариш миқёсининг ўсиши ва хўжалик алоқаларининг мураккаблашиши билан ортиб боради. Бу омиллар қаторига биринчи ўринда, оқилона ишлаб чиқариш шакллари яратиш ва мавжудларини такомиллаштириш - концентрация, ихтисослаштириш, кооперация ва комбинация қилишни киритиш мумкин.

*Бошқарувда* эса, бошқариш, режалаштириш, иқтисодий рағбатлантиришнинг усул ва шакллари, яъни корхона фаолиятининг бутун хўжалик механизми такомиллаштиришда ифодаланади. Корхона раҳбарининг иш стили ва усуллари фан-техника тараққиёти ва бозор иқтисодиётига мос келиши зарур. Масалан, корхона директори билими, тажрибаси ва профессионал малакасига кўра, оддий ходимлар ва бўлинма (хизмат) раҳбарларидан юқори туриши лозим. Акс ҳолда у жамоани керакли тарзда бошқара олиши ҳамда муваффақиятга эришиши ва имиджга эга бўлиши қийин.

*Режалаштиришда* режаларнинг баланслаштирилиши, кўрсаткичлар тизимини оптимал шакллантириш, режалаштирилаётган мақсадлар ресурслар билан таъминланиши муҳим аҳамият касб этади. Бу эса ўз навбатида корхонадаги иқтисодий фаолиятни кучайтиришни, режалаштириш ва иқтисодий ҳисоб-китобларни ҳамда замонавий компьютер техникаси ва унинг режа иқтисодий ҳисоб-китобларини амалга оширишдаги имкониятларини яхши билувчи, саводли ва малакали иқтисодчиларни танлашни талаб қилади.

Корхона фаолиятининг самарали бўлишида *ишлаб чиқаришни интенсифлаштириш*, ишлаб чиқарилаётган *маҳсулотларнинг тури ва сифатини ошириш* ҳамда жаҳон стандартлари даражасига етказиш, *корхонанинг ишлаб чиқариш тузилмасини яхшилаш* каби омиллар ҳам муҳим ўринни эгаллайди. Бунга эса замонавий машина ва асбоб-ускуналар, замонавий технологиялар, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг илғор усулларидан фойдаланиш орқали эришилади.

Албатта, юқорида келтириб ўтилган омилларни амалга ошириш маълум бир ресурслар ва вақт сарфлашни талаб қилади. Бироқ бу муаммоларнинг моҳияти ва аҳамиятини ўзгартирмайди. Амалиёт шуни кўрсатадики, замон билан ҳамнафас ҳолда ҳаракат қилувчи, барча фаолият турларида тежамкорликка риоя этувчи, ўз салоҳиятидан унумлироқ

фойдаланувчи, замонавий фан ва техника ютуқларига таянувчи корхона ўзининг бугунги кундаги муваффақиятларидан ташқари, келажакда ҳам муваффақиятларга эришишини, жумладан, бозордаги ўз ўрни ва рақобатчилик муҳитида қулай аҳволда бўлишини таъминлайди.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

5. Ижтимоий самарадорлик нима?
6. Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари?
7. Сервис фаолияти кўрсаткичларини системали нималарни таҳлил қилиш имконини беради?
- 8.

### **Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:**

1. Э.С.Файзиев «Сервис тизими фаолияти асослари» Ўқув қўлланма. Самарқанд. «Зарафшон» нашриёти Д.К, 2010
2. Э.С. Файзиев Сервис соҳасининг иқтисодиётдаги ўрни. Рисола Сам.И.С.И, 2007 й
3. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолари ва уларнинг ечимлари. Монография. Проф. М.Қ.Пардаев, проф., Ҳ.Н.Мусаевлар таҳрири остида. Т.: «Иқтисод-молия», 2008
4. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

### **Мавзу 5. Сервис соҳасида тадбиркорлик фаолияти ва кичик бизнес**

Бугунги кунда кичик бизнес субъектлари мамлакат иқтисодиётининг асосий негизи ҳисобланмоқда. Бундай корхоналарни ташкил этиш ва қисқа давр мобайнида иқтисодий самарага эришиш учун барча шароитлар мавжуд. Республикамиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун барча томонлама шароитлар ҳамда қулайлик яратилмоқда.

#### **5.1. Сервис соҳасида тадбиркорлик ва кичик бизнес фаолиятини ташкил**

**ЭТИШ**

Бугунги кунда республикамиз ҳудудларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ошиб бормоқда. Улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ортиши истеъмолчилар учун барча қулайликларни келтирмоқда.

**Режа:**

1. Сервис соҳасида тадбиркорлик ва кичик бизнес фаолиятини ташкил этишнинг моҳияти.
2. Сервис корхоналари. Якка тартибдаги сервис тадбиркорлари.
3. Сервис тадбиркорининг иш технологиялари.

**1. Сервис соҳасида тадбиркорлик ва кичик бизнес фаолиятини ташкил этишнинг моҳияти**

Маҳсулотларнинг якка тартиблаштиришнинг муоммоси. Замонавий иқтисодиётда маҳсулотларнинг диверсификацияси ва дифференциаллашуви шунчалик тез суъратларда амалга ошириладики, у «ассортимент портлаши» деган ном олишга улгурди. Ушбу «ассортимент портлаши» ишлаб чиқарилган товарлар номенклатурасини кескин оширади. Ривожланган иқтисодиётда 60 млн. га яқин маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Ушбу соннинг ичида ўз ўрнини, масалан, резина сақичлари эгаллайди (уларнинг 1000 дан ортиқ сорти ишлаб чиқилади). Ниманидир чайнашни замонавий европаликлар майя хиндуларидан ўзлаштириб олганликлари аниқланган. Лекин Т. Адамс деган инсон 1871 йилда резинкали сақични ишлаб чиқарувчи машинани патентлаштирди ва унинг оммавий ишлаб чиқаришини ташкил этди.

Маҳсулот турлари сонининг кенгайиши ва уларнинг сифатини ошириш тенденцияси, ишлаб чиқаришни классик ташкил этилишини ўзгартириш заруриятига олиб келди. Ҳозирги шароитда янги маҳсулотни электрон моделлаштириш ва электрон «синаш» тизимлари актив равишда ишлаб

чиқарилмоқда ва жорий қилинмоқда. Шу билан бирга янги маҳсулотни электрон моделлашнинг перспектив тизимлари лоиҳалаштирилган маҳсулотни «қараб» реал шароитларда эксплуатация қилишни текшириш имконини беради (яъни кибермаконда виртуал ҳақиқатда). Ишлаб чиқаришга дастлаб маҳсулотни компьютер, телевизор экранида «яратиш», сўнгра вертуал ҳақиқатда «чиниқтириш» ва маҳсулотни мақуллашдан сўнг, унинг буюртмаси «симлар» орқали тайёрлаш учун завод-автоматга бериш имконини яратадиган реал воситалар ва имкониятлар жорий этилмоқда.

**Сотишлар стратегиясидаги ўзгаришлар.** Компания-гигантлар (монополиялар), муваффақиятида маркетинг катта рол ўйнаган ва ўйнайди. Лекин унинг воситалари ёрдамида сотишларни рағбатлантириш соҳасидаги муоммолар амалий жиҳатдан ҳал этилмайдиган бўлиб бормоқда. Вужудга келган ҳолатдан чиқишнинг йўли бўлиб, ихтисослаштирилган корхоналар дистрибютерлар ва диллерларни яратишни ўз ичига оладиган маҳсулотларни тарқатишнинг қийин тизимларини тузиш ҳисобланади. Аммо ушбу корхоналар ҳамма вақт ҳам асосий фирма балансида бўлишлари ва бозорга фақат унинг маҳсулотларини силжитишларининг имкони бўлмайди. Ундан ташқари дистрибютерлар ва диллерлар танлаш «кенглиги» нуқтаи назаридан миждозларнинг хохишларини максимал даражада қондириш мақсадида рақобатчи гигант компаниялар маҳсулотларини бир жойга тўплашадилар. Шунинг учун маҳсулотларни бозорга силжитиш учун ҳаракат қилинаётганда, компания жуда кўп сонли буғинларга суянишга мажбур бўлади. Ушбу буғинлар ичида асосий ўринни тадбиркор-сотувчи (қайта сотувчи тадбиркор) эгаллай бошлади.

**Сервис тадбиркори.** Маҳсулот ўзи ҳақида гапириши ёки сотишни рағбатлантириши мумкин эмас. Замонавий иқтисодиётнинг кўпчилик маҳсулотлари қийин таркиб ва ҳаракат принципларига эгадирлар. Бундай маҳсулотларни системага бирлаштириш, системали яхлитликка эришиш ва қўшимча иқтисодий самара олишга имкон беради. Тадбиркор-сотувчи



дастлабки маҳсулот қийматини қўшимча оширади ва унинг асосида (масалан блок модуллар) конкрет фойдаланувчи учун конкрет системани қуради. Шу билан бирга сервис тадбиркори ўз малакаси орқали, буюртмачига ноёб хизматлар кўрсата бориб, бир фирма маҳсулотларига боғланиб қолмайди. Унинг ўз келгуси система учун, ҳатто бир нусхадаги алоҳида блок модулларини яратиши ва ишлаб чиқаришга буюртма бериши мумкин.

Шу нарсани таъкидлаш лозимки, маркетингда ҳар қандай товарга (жойлашган хизмат) сифатида қаралади. Истеъмолчи товарни унга эгалик қилиш мақсадида эмас, балки ундан самарали фойдаланиш мақсадида харид қилади. Лекин замонавий қийин маҳсулотдан турлича фойдаланиш мумкин. қийин ҳисоблаш техникаларини ишлаб чиқарувчилар алам билан шундай ҳазиллашадилар: «Биз «лайнерлар» қурамиз, улар эса (фойдаланувчилар) уларда картошка ташишадилар». Сервис тадбиркори ўз фаолиятини ушбу келишмовчиликларни бартараф этишга қаратиши лозим. Яъни у мақсадли йўналтирилган товарларнинг дастлабки тўплами асосида, конкрет шароитларда қўллаш орқали сезиларли самара олиш мумкин бўлган системани қуради. Бу ерда масала кўпчилик компаниялар меҳнати йўналтирилган абстракт истеъмолчига (мижозга, буюртмачига) эмас, балки конкрет истеъмолчининг (буюртмачининг, мижознинг) техник-иқтисодий самарадорлиги нуқтаи назаридан кўрилиши лозим.

Ҳозирги кунда истеъмолчи (мижоз, буюртмачи) кўпинча бор нарсага қониқади холос, бошқа нарсалар унга қийин ва самарасиз ва шу сабабли кераксиз кўринади. Мустақил воситачи-маслаҳатчи сифатида сервис тадбиркори, ўз касбий тажрибаси нуқтаи назаридан буюртмачи (мижоз, истеъмолчи) муоммоларини кўра олиши ва уларни самаралироқ ечиш йўллариини таклиф этиши лозим. Бу ерда ўта муҳим бўлиб, маҳсулотни фақат сотиш эмас, балки айнан мижознинг муоммоларини ечиш ҳисобланади.

## **2. Сервис корхоналари. Якка тартибдаги сервис тадбиркорлари**

Сервис иқтисодиёти жамият ва иқтисодиётнинг ривожланишидаги қонуният босқичи сифатида. Сервис иқтисодиёти диверсификацияга, ундан сўнг бир типдаги маҳсулотларни оммавий ишлаб чиқаришдан воз кечилганда маҳсулотнинг дифференциаллаштиришга ўтишнинг қонуният босқичига айланиб бормоқда. «Саҳнада» стандарт «туғалланмаган маҳсулот» пайдо бўлмоқда ва кенг жой эгалламоқда. Яқка тартибдаги буюртма ва ижтимоий-этик маркетинг ишлаб чиқарувчи, истеъмолчи ва жамият манфаатлари монандлигининг асоси бўлиб бормоқда. Сервис иқтисодиётидаги ҳар қандай қорхонанинг мазмуни-бу истеъмолчиларни яратишдир.

Замонавий иқтисодиётнинг иқтисодий парадигмаси - уч гуруҳ масалаларини ечиш учун стратегик маркетингга ўтишдир:

- ушбу бизнес (қорхона) маҳсулотларининг (хизматларининг) истеъмолчиси ким?
- истеъмолчи учун маҳсулотлар (хизматлар) қимматлилиги нимада?
- конкрет истеъмолчи томонидан олинган маҳсулотлар (хизматлар) қимматлилиги вақт бўйича қандай ўзгаради?

Маҳсулот таклифи талабни вужудга келтириши мумкин, лекин энг асосийси, бундай таклифни қандай амалга ошириш лозим. Шу сабабли таклиф шундай шаклда тақдим этилиши лозимки, инсон унга муносабат билдиришни хоҳласин. Бунинг натижаси сифатида инсоннинг конкрет ҳолатда ўзини тутиш хусусиятларини билиш лозим. Эҳтимол тесқариси ҳам бўлиши мумкин, яъни талаб таклифни вужудга келтиради. Реал ҳаётда талаб ва таклифга ушбу икки ёндошиш бир вақтнинг ўзида ишлаши лозим.

Сервис тадбиркорларининг ҳозирги давр иқтисодиётидаги ўрни. Ҳозирги давр иқтисодиёти структурасидаги юқори «поғонани» катта монополия (корпорациялар, молия-саноат гуруҳлари, трансмиллий корпорациялар), пастгисини эса кичик тадбиркорлик (бизнес) қорхоналари тақдим этадилар. Биринчиларнинг сони кўп эмас (маълум рейтингларда қайт

этиладиган 1000 га яқин компаниялар). Кичик тадбиркорлик (бизнес) корхоналарининг сони, ривожланган давлатларда жуда катта рақамни тақдим этади (масалан АҚШда уларнинг сони 20 млн га яқин). Шу билан бирга характерли хусусият кўзда ташланадики, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий даражаси хўжалик юритувчи субъектлар сони билан тўғридан тўғри боғлиқдир. Бундай ҳолат стандарт маҳсулотнинг конкрет истеъмолчиларнинг талабларига самарали «мослашиши», истеъмолчилар вазифаларини самарали ечиш билан изоҳланади.

Юқорида қайт қилинганлардан шундай хулоса қилиш мумкинки меҳнат тақсимоти ихтисослашиш самараси намоён бўлмоқда.

### **3. Сервис тадбиркорининг иш технологиялари**

Фирмали стил тадбиркор (тадбиркорлик фирмаси) жозибадор имиджини (образини) яратишнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади. Адабиётда қўйидаги таъриф берилади: «фирмали стил-бу товарлар (хизматлар), фирмалардан чиқувчи барча маълумотлар, унинг ички ва ташқи жихозланишининг визуал ва маъноли бирлигини таъминловчи рагли, график, сўзлик, типографик, дизайнерлик доимий элементларнинг тўпламидир».

Фирмали стилини яратиш имконини беради:

- бозорда рақобатчилар томонидан таклиф этилаётган ўхшаш маҳсулотлар (хизматлар) умумий массивидан конкрет сервис тадбиркорнинг маҳсулотини (хизматини) ажратиш;
- кам харажатлар билан бозорда сотиш учун маҳсулотларни таклиф этиш;
- истеъмолчиларга сервис тадбиркори маҳсулотлари рекламасининг таъсирини кучайтириш.

Фирма стилининг асосий элементларига қўйидагилар киради:

- товар белгиси;

- логатив (фирманинг шрифтли ёзуви);
- слоган (фирманинг шиори);
- фирмали ранг;
- фирманинг шрифтлар комплекти ва ҳокозо.

Жумладан фирма стилига фирма ичидаги стантандарлар комплекти киради. Масалан «Макдоналдс» овқатланиш корхоналари учун-бу хизмат кўрсатиш маданияти, шу жумладан ходимлар хушмуомилалиги, биноларнинг тозаллиги, таомларни олиш тезлиги ва ҳокозолар.

Тадбиркорнинг (тадбиркорлик фирмасининг) фирмали стилининг асосий элементи-бу савдо белгисидир. Унинг белгиланиши-мижозларнинг хотирасида корхонанинг шартли белгисини сақлаб қолишга ёрдам беришдир. Ушбу белгилар қулай талаффуз қилинадиган сўз ёки маъноли график ишорада бўлади. Тадбиркорлик фирмасининг савдо белгиси ўзининг маҳсулотларини (хизматлари) сифатининг ишончли кафолати бўлиб хизмат қилишга мўлжалланган ва ёдда қоладиган реклама ҳисобланади.

Савдо белгиси қонун билан ҳимояланади ва гувоҳнома билан тастиқланади.

«Фирмали стил» ибораси билан бир қаторда хозрги шароитда синоним сифатида «бренд» (инглиз тилидан « brand»-тамға) иборасидан кенг фойдаланилмоқда. Буни шундай изоҳлаш мумкинки, сервис тадбиркори фаолиятидаги бренднинг асосий белгиланиши-қадимги даврлардагидек хунарманднинг шахсий тамғаси ролини бажаришдир.

Бренд фаннинг иштирокидаги хизматлар, ахборот технологияларини ишлаб чиқариш ва сотишда ҳам яқка тартибдаги истеъмолчилар, ҳам корпоратив буюртмачилар билан ишлашда муҳим ҳисобланади. Бренд-бу «ўраш машинасидир». Брендда тадбиркорлик хиссиёти, фаолият маданияти ва бошқалар бир жойда тўпланади.

Бренд ёрдамида ўз маҳсулотларига нисбатан мижозларнинг ишончи ва хурматини қозониш мумкин. Ҳозирги кунда бренд кўпчилик ҳолатларда тадбиркорнинг иш ҳаётини белгилайди. Кўпчилик ҳолатларда эса, фойдага караганда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Фойда тадбиркорлик фаолиятининг ноёб тавсифи бўлиб ҳисобланади. Ҳақиқатда, мижоз сервис тадбиркоридан маҳсулотни харид қилаётган пайтда, уни тадбиркор фойдаси умуман қизиқтирмаси керак.

Бозор муносабатлари шароитида айнан бренд (фарқланиш) рақобат афзалликларини беради. Брендни ишлаб чиқаришда тадбиркорлик фаолиятининг келажагини инобатга олиш лозим.

Тадбиркор ўз ишини кенгайтиришда бренддан фойдаланишни ўрганиши лозим. Бренд-бу бошқарув инструменти дир ва ундан корxonани самарали бошқаришда фойдаланиш керак. Бренд ходимларнинг ақли ва юраги, туйғулари ва хиссиётларига таъсир кўрсатиши лозим. Бренд қадриятларнинг рамзий маъносини ифодалайди, уларга инсонлар ишонади ва бу катта аҳамият касб этади. Ҳозирги шароитда сервис тадбиркори фақат янги, прогрессив технологиялардан фойдаланган ҳолда рақобатчилардан ўзиб кетиши мумкин. Интеллектуал мулк сифатидаги савдо белгисини химоя қилиш учун тадбиркор кўйидагиларни билиши зарурдир:

- 1.тадбиркорлик субъекти фаолиятининг оригинал сўзли фирмани номланишини;
- 2.эмблемани (тасвирий элементини);
- 3.логотипни (сўзини ва тасвирий элементлар комбинатциясини);
- 4.комбинатциянинг шиори бўлган слоганни (қисқача жумлани);
- 5.товарнинг оригинал ўралишини.

**Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Сервис тадбиркори ким?
2. Сотиш хизматларининг замонавий кўриниши?
3. Замонавий иқтисодиётнинг иқтисодий парадигмаси нима?

### **Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:**

1. Э.С.Файзиев «Сервис тизими фаолияти асослари» Ўқув қўлланма. Самарқанд. «Зарафшон» нашриёти Д.К, 2010
2. Э.С. Файзиев Сервис соҳасининг иқтисодиётдаги ўрни. Рисола Сам.И.С.И, 2007 й
3. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолари ва уларнинг ечимлари. Монография. Проф. М.Қ.Пардаев, проф., Ҳ.Н.Мусаевлар таҳрири остида. Т.: «Иқтисод-молия», 2008
4. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
5. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

### **5.2. Сервис тадбиркори ишини мувоффақиятли ташкил этиш**

“Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонунга асосан, иқтисодиётимизда хўжалик фаолиятининг оилавий корхоналар шаклидаги халқимиз менталитети ва анъаналарига тўлиқ мос келадиган янги ташкилий-ҳуқуқий шакли жорий этилди. Уларга кенг имтиёзлар, преференция ва кафолатлар берилди.

#### **Режа:**

1. Тадбиркорлик – аҳоли фаровонлигини оширишда асосий омил.
2. Оилавий тадбиркорликни шаклланиши ва ривожланишининг илмий-назарий асослари

### **1.Тадбиркорлик – аҳоли фаровонлигини оширишда асосий омил**

Ҳозирги замон бозор иқтисодиётида одамларимизнинг тафаккури, дунёқараши, ҳаётга бўлган муносабати тубдан ўзгарди. Оиласининг

фаровонлиги ҳамда турмуш даражаси, энг аввало, ўзига боғлиқ эканлигини тушуниб етишди. Шу сабабдан ҳам уларнинг аксарияти тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишмоқда.

Мамлакатимизда тадбиркорликнинг жадал ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу асосда аҳолининг бандлиги ва фаровонлигини ошириш муаммоларини ҳал этиш социал-иқтисодий сиёсатнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. “... биз фақат фаол тадбиркорлик, тинимсиз меҳнат ва интилиш орқали тараққиётга, фаровон ҳаётга эриша оламиз”<sup>31</sup>.

Тан олиш керакки, мамлакатимизни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши тадбиркорлик субъектлари фаолиятида туб ўзгаришлар юз беришига замин яратди.

Иқтисодиётга оид манбаларда тадбиркорлик тушунчасига турли хил таърифлар берилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасида: “Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкӣ жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолият”<sup>32</sup>, дейилган.

Б.Ю.Ходиев ва Ш.Ш. Шодмоновлар муаллифлигида ёзилган “Иқтисодиёт назарияси” дарслигида: “...тадбиркорлик **фаолияти шакли, тури ва соҳасидан қатъий назар фойда олиш ва уни кўпайтириш мақсадида амалга ошириладиган иқтисодий фаолиятдир**”<sup>33</sup>, деган таъриф берилган.

“Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси”нинг 8-томида “тадбиркорлик” атамаси хусусида: “**Тадбиркорлик** капитал сарфлаб товар ва хизматлар

---

<sup>31</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.//Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабрь.

<sup>32</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни, 2000 йил 25 май,

<sup>33</sup> Xodiyev B.Y., Shodmonov Sh.Sh. .Iqtisodiyot nazariyasi: Darslik. – Т.: “Barkamol fayz media”, 2017, 277 bet.

яратиш билан фойда топишга қаратилган иқтисодий фаолият, бизнеснинг асосий тури; Тадбиркорлик мулкчилик субъектларининг фойда олиш мақсадида таваккал қилиб ва мулкий жавобгарлиги асосида амалдаги қонунлар доирасида ташаббус билан иқтисодий фаолият кўрсатишдир”<sup>34</sup>, дейилган.

Келтирилган ушбу таърифлардан кўриниб турибдики, тадбиркорликка “даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолият”, “фойда олиш нуқтаи-назаридан юритилувчи фаолият”, “фойда топишга қаратилган иқтисодий фаолият”, деб қаралган. Бизнеснинг назаримизда, ушбу таърифлар тадбиркорлик фаолиятининг мазмун-моҳиятини тўлиқ очиб бермайди. Бунда энг муҳим жиҳат “истеъмолчилар талабининг қондирилиши” деган тушунча эътибордан четда қолган.

Ҳозирги замон бозор иқтисодиётида истеъмолчи қирол. Унинг хоҳиш истаги барча тадбиркорларни ҳаракатга келтиради. Тадбиркор қачон фойда кўради? Қачонким, у тақдим этаётган товар (хизмат)лар истеъмолчиларнинг талабини қондиргандан сўнггина фойда кўради.

Шу сабабли тадбиркорлик категориясига таъриф берилганда истеъмолчилар нуқтаи назаридан қаралса мақсадга мувофиқ бўлади.

Юқорида келтирилган фикрлар ва ёндашувларни умумлаштирган ҳолда, биз, тадбиркорлик тушунчасига қуйидаги таърифни беришни лозим топдик: тадбиркорлик –бу таваккалчилик ва ташаббускорлик ҳамда ўз мулкий жавобгарлиги остида истеъмолчилар талабини қондириш орқали фойда топишга қаратилган иқтисодий фаолиятдир.

Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасида қайд этилганидек: “Тадбиркорлик фаолияти субъектлари (тадбиркорлик

---

<sup>34</sup>Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 8-т. Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат нашриёти, 2004, 224 бет.



субъектлари) белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслардир”<sup>35</sup>.

Жисмоний шахслар – бу Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари, шунингдек, фуқаролиги бўлмаган шахслардир.

Юридик шахслар – бу истемолчилар талабини қондириш орқали фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган хўжалик юритувчи субъект<sup>36</sup>.

Булардан ташқари тадбиркорлик фаолияти билан давлат ҳам шуғулланиши мумкин. У алоҳида субъект сифатида бевосита ўз номидан, шунингдек, унинг номидан маъмурий-худудий тузилмалар ёки давлат органлари иштирок этишлари мумкин.

Қонунининг 4-моддасига кўра: “Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно), уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши қонун ҳужжатларида ман этилган бошқа шахслар тадбиркорлик фаолиятининг субъектлари бўлиши мумкин эмас”<sup>37</sup>

Мамлакатимизда ҳар бир фуқаронинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун барча иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилган. Бунинг натижасида Ўзбекистонда тадбиркорлик сезиларли даражада ривожланмоқда, уларнинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни беқиёс ортиб бормоқда.

## 1.1-жадвал

### **Ўзбекистон иқтисодиёт тармоқлари бўйича рўйхатдан ўтган корхоналар ва ташкилотлар сони таҳлили**<sup>38</sup>

<sup>35</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни, 2000 йил 25 май,

<sup>36</sup> Юридик шахслар фойда олишни мақсад қилиб олмаган ташкилот(тижоратчи бўлмаган ташкилот). Бундай ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси, чет эл ёки аралаш(қўшма)корхоналар шаклида ҳам бўлиши мумкин.

<sup>37</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни, 2000 йил 25 май,

<sup>38</sup> Ўзбекистон рақамларда (статистик тўплам). –Т.: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, 2017,106бет; О‘zbekistonraqamlarda (statistikto‘plam). –Т.: О‘zbekistonRespublikasiDavlatstatistikaqo‘mitasi, 2018,106бет,

(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

(1 январ ҳолатига; мингта)

	2016 йил	2017 йил	2018 йил	Ўзгариш, 2018 йил	
				2016 йилга нисбатан, %	2017 йилга нисбатан, %
Жами	278,5	285,3	300,2	107,8	105,2
Шу жумладан:					
қишлоқ, балиқ ва ўрмон хўжалиги	19,5	20,0	22,6	115,9	113,0
саноат	44,9	46,0	51,4	114,5	111,7
қурилиш	23,3	23,8	25,5	109,4	107,1
савдо	66,3	67,1	67,4	101,7	100,4
ташиш ва сақлаш	10,6	11,5	12,5	117,9	108,7
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	15,6	16,5	18,2	116,7	110,3
ахборот ва алоқа	7,0	6,9	6,8	97,1	98:
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	8,2	8,4	6,0	73,2	71,4
бошқа турлар	83,0	85,1	89,8	108,2	105,5

1.1-жадвал маълумотлари далолат берадики, мамлакатимизда, ўрганилаётган даврда, иқтисодиёт тармоқлари бўйича рўйхатдан ўтган корхоналар ва ташкилотлар сони 21,7 мингтага ёки 7,8 фоизга кўпайган. Энг юқори ўсиш қишлоқ, балиқ ва ўрмон хўжалиги, саноат, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, ташиш ва сақлаш, қурилиш тармоқларида кўзатилади. Бу даврда ахборот ва алоқа, сағлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш тармоқларида тадбиркорлик субъектлари сони маълум даражада қисқарган.

---

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар иқтисодий ривожланиш суръатларини узлуксиз ошириб бориш, макроиқтисодий мувозанатни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим ўрин тутаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилгандир.

Бугунги кунда, Ўзбекистонда тадбиркорликнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик шакли етакчи ўринни эгалаб турибди.

1.2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, иқтисодиёт тармоқлари бўйича рўйхатдан ўтган кичик корхоналар ва микрофирмалар сони 2018 йил бошида 2016 йил бошига нисбатан 16381 тага ёки 7,2 фоизга кўпайган.

Ўрганилаётган даврда, рўйхатдан ўтган кичик корхоналар ва микрофирмалар таркибида, юқори ўсиш – қишлоқ, балиқ ва ўрмон хўжалиги, саноат, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, ташиш ва сақлаш, қурилиш тармоқларида рўй берган. Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш тармоғида рўйхатдан ўтган кичик корхоналар ва микрофирмалар сони 2018 йил бошида 2016 йил бошига нисбатан 23,5 фоизга қисқарган бўлсада, 2017 йил бошига нисбатан 18,8 фоизга ўсган. Ахборот ва алоқа тармоғи бўйича рўйхатдан ўтган кичик корхоналар ва микрофирмалар сони пасайиш тенденциясига эга.

## 1.2-жадвал

**Ўзбекистонда иқтисодий фаоият турлари бўйича рўйхатдан ўтган кичик корхоналар ва микрофирмалар сони таҳлили<sup>39</sup>**  
**( фермер ва деҳқон хўжаликларисиз; йил бошига; бирлик)**

---

<sup>39</sup>О‘zbekistonda kichiktadbirkorlik. –Т.: О‘zbekistonRespublikasiDavlatstatistikaqo‘mitasi, 2018, 55bet,

	2016 йил	2017 йил	2018 йил	Ўзгариш, 2018 йил	
				2016 йилга нисбатан, %	2017 йилга нисбатан, %
Жами	225 998	225 560	242 379	107,2	107,5
Шу жумладан: :					
қишлоқ, ўрмон ва балиқ  хўжалиги	19 161	19 596	22 062	115,1	112,6
саноат	44 218	45 339	50 741	114,8	111,9
қурилиш	23 022	23 536	25 208	109,5	107,1
савдо	65 688	66 497	66 865	101,8	100,6
ташиш ва сақлаш	10 189	11199	12 287	120,6	109,7
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	15 460	16 365	18 037	116,7	110,2
ахборот ва алоқа	6 991	6 681	6 518	93,2	97,6
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни кўрсатиш	5 897	3 800	4 514	76,5	118,8
бошқа турлари	35 372	32 547	36 147	102,2	111,1

Одатда бирон бир соҳа ёки тармоқнинг иқтисодий ўсиши, унинг мамлакат ялпи ички маҳсулотигадаги ҳамда бошқа турли кўрсаткичлардаги улушининг ортиши орқали ўлчанади. Худди шундай ёндашувни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига нисбатан ҳам қўллаш мумкин.

### 1.3-жадвал

#### Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётнинг асосий турларидаги улуши таҳлили<sup>40</sup>

<sup>40</sup> O'zbekistonda kichiktadbirkorlik. –Т.: O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasi, 2018,19 bet,

(фоизда)

	2015 йил	2016 йил	2017 йил	Ўзгариш (+,-)	
				2017 йил 2015 йилга нисбатан	2017 йил 2016 йилга нисбатан
Ялпи ички маҳсулот	54,5	57,3	54,9	+0,4	-2,4
Саноат	40,6	45,3	41,2	+0,6	-4,1
Қишлоқ хўжалиги	98,1	98,2	99,0	+0,9	+0,8
Инвестициялар	35,8	37,0	34,8	-1,0	-2,2
Қурилиш	66,7	66,9	64,8	-1,9	-2,1
Савдо	87,1	89,6	88,4	+1,2	-1,2
Жами хизматлари	57,8	61,4	58,3	+0,5	-3,1
Юк ташиш	53,7	54,2	53,7	-	-0,5
Йўловчи ташиш	87,3	88,8	90,1	+2,8	+1,3
Бандлик	77,9	78,2	78,0	+0,1	-0,2
Экспорт	27,0	26,0	27,2	+0,2	+1,2
Импорт	44,5	46,8	50,2	+5,7	+3,4

1.3-жадвалда келтирилган таҳлилий маълумотлар далолат берадики, Ўзбекистон иқтисодиётининг аксарият турларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик етакчилик қилмоқда. Бугунги кунда республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг қишлоқ хўжалиги, йўловчи ташиш ва савдодаги улуши энг юқори ҳисобланади

Айни пайтда, иқтисодиётнинг айрим турлари бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши 2017 йили 2016 йилга нисбатан маълум бир даражада пасайган. Аммо, уларнинг иқтисодиётнинг айрим турлари бўйича улуши 2017 йили 2015 йилга нисбатан сезиларли

даражада ўсган. Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2017 йили 2015 йилга нисбатан 0,4 фоизга кўпайган. Уларнинг иқтисодий банд аҳоли сонидagi улуши 0,1 фоизга ортган.

Шунингдек, ўрганилаётган даврда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг мамлакат умумий экспорти ва импортидаги улушларининг ўсиш тенденциясига эга эканлигини кузатиш мумкин.

Бугунги кунда инвестицияларнинг 1/3 дан кўпроқ қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига йўналтирилмоқда. Бироқ, уларнинг улуши, 2017 йили 2015 ва 2016 йилларга нисбатан, мос равишда, 1,0–2, фоизга камайган,

Мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ривожланишида курилиш ва пардозлаш материаллари, асбоб-ускуналар, машинасозлик эҳтиёт қисмлари ва ускуналари, электротехника, кимё, фармацевтика маҳсулотлари, истеъмол товарларининг кўплаб турларини ишлаб чиқариш ва бошқалар – юқори потенциалга эга соҳалар ҳисобланади.

Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодий ҳаётига қўшадиган ҳиссасининг оширилишини, кичик саноат зоналарининг яратилишини, инвестицион муҳит ва рақобат муҳитини яхшиланишини, кичик бизнес билан давлат-хусусий шерикчилиги доирасида давлат харидлари ҳажмининг кенгайтирилишини, йирик ва кичик корхоналар ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг мустаҳкамланишини –, инновация жараёнларига тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш орқали кўришимиз мумкин.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, етарли экспорт салоҳиятига эга бўлган, бироқ айни пайтда янада ривожланиш учун етарли даражада капиталга эга бўлмаган муваффақиятли ва истиқболли кичик корхоналарни молиявий қўллаб қувватлаш катта аҳамиятга эга. Табиийки, бундай чора-тадбирлар кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасида кўпроқ иш ўрнини яратишга, жаҳон бозорига кириш имкониятларини оширишга ёрдам бериб, мамлакатнинг

экспорт салоҳиятини оширишга ва аҳоли даромадларини ошишига имкон яратади.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг турли тармоқ ва соҳаларида хўжалик фаолияти юритувчи субъект мавжуд бўлиб, 2018 йил 1 январь ҳолатига, уларнинг 80,7 фоизини<sup>41</sup> кичик корхоналар ҳамда микрофирмалар (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) ташкил этади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг қайси бирлари йирик ёки кичик бизнесга мансублиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги “Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармониغا Президентнинг 2003 йил 30 августдаги Фармони билан киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 октябрда 439-сон қарори билан тасдиқланган “Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар классификацияси”да белгилаб берилган. Бунда иккита белги асосий мезон қилиб олинган: корхона қайси тармоқга мансублиги ва ундаги ишловчилар сони.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектлар таркибида кичик бизнес субъектлари салмоқли ҳиссани ташкил этаётган бўлсада, миллий иқтисодиётда йирик корхоналарнинг роли беқиёс. Чунки, хўжалик юритувчи субъектлар фойдаланишадиган ишлаб чиқариш воситалари (машина, ускуна ва ҳоказолар)нинг аксарият қисми йирик корхоналарда тайёрланади.

Йирик корхоналарда, биринчидан, фан-техника ютуқларини ҳаётга татбиқ этиш асосида юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти мавжуд, иккинчидан, янги маҳсулот турларини ихтиро этиш нуқтаи назаридан, илмий-қидирув лабораториялари фаолиятини йўлга қўйиш мумкин. Бу йўсиндаги ишлар, табиийки, мамлакатда фан-техника

---

<sup>41</sup> Муаллиф томонидан ҳисобланди. Қаранг: O‘zbekiston raqamlarda (statistik to‘plam). –T.: O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasi, 2018,106, 108 betlar.

таракқиётининг ривожланишига йўл очиб беради. Шунингдек, хорижий корхона ва фирмалар билан алоқа ўрнатишда ҳам йирик корхоналарнинг салоҳияти юқоридир.

Шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунидакичиқ тадбиркорлик субъектлари, яқка тартибдаги тадбиркорлик, жисмоний шахсларнинг юридик шахс ташкил этмаган ҳолда биргаликдаги тадбиркорлик фаолияти хусусида алоҳида моддалар бўлсада, ўрта ва йирик бизнес субъектлари тўғрисида бирор-бир қоида йўқ. Ҳолбуки, ўрта ва йирик бизнес субъектлари тадбиркорлик фаолиятининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, ўрта ва йирик бизнес субъектлари бўйича мезонларни ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунига ўрта ва йирик бизнес субъектлари фаолиятини тавсифлайдиган қоидаларни киритиш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг тадбиркорлик фаолияти – ижарага бериш ёки қайта сотиш орқали даромад кўриш мақсадида узок муддатли активларни харид қилиш, фонд бозорида корхоналар акцияларини, шунингдек, давлатнинг ҳамда корпоратив типидаги қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш каби турли йўналишларда ҳам намоён бўлмоқда. Табиийки, буларнинг барчаси аҳоли даромадларининг кўпайишига ва унинг турмуш фаровонлигининг ошишига олиб келади (1.4-жадвал).

#### 1.4-жадвал

#### Ўзбекистон аҳолисининг умумий даромадлари таркиби<sup>42</sup>

(фоизда)

Йиллар	Умумий	шу жумладан:
--------	--------	--------------

<sup>42</sup>Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, 2017, 49-50 бетлар;  
O‘zbekiston hududlarining yillik statistika to‘plami. T.: O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasi, 2017, 49-50 betlar;



	даромадлар	бирламчи даромадлар				Трансферт <sup>43</sup> -лардан даромадлар
		ишлаб чиқаришдан олинган даромадлар		мол-мулкдан олинган даромадлар		
		меҳнат фаолиятдан олинган даромадлар	шахсий истеъмол учун ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадлар			
2015	100,0	72,8	2,3	3,1	21,8	
2016	100,0	74,3	2,4	3,8	19,5	
2017	100,0	68,5	2,2	4,1	25,2	

1.4-жадвал маълумотларига кўра, аҳолининг бирламчи даромадлари таркибида ишлаб чиқаришдан олинган даромадларнинг ҳиссаси пасайиш тенденциясига эга: меҳнат фаолиятдан олинган даромадлар 2017 йили 2015 йилга нисбатан 4,4 фоизга, шахсий истемол учун ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадлар эса 0,1 пунктга камайган. Айни пайтда, мол-мулкдан ва трансфертдан олинган даромадлар, мос равишда, 1,0 ва 3,4 фоизга ўсган.

Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг ошиб бориши шароитида, аҳолининг мол-мулкдан олинган даромадлари, унинг умумий даромадлари ҳажмининг ўзгаришига таъсири сезиларли даражада эмас. Бундай ҳолат мамлакатда ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш ва ривожлантириш борасида муҳим ишларни амалга ошириш заруриятини туғдиради.

Аҳоли даромадини оширишнинг ҳамда мамлакатда инвестицион жараёнларни молиялаштиришнинг муҳим манбаларидан бири аҳолининг бўш маблағларини банкларда аккумуляция қилиш ва уларни инвестицияларга

<sup>43</sup> Аҳолига пенсия, стипендия, нафақа, товон пули ва бошқа социал тўловларни молиялаштириш учун давлат бюджетидан ажратилган маблағлар. .

трансформация этиш ҳисобланади. Бу соҳада қилиниши керак бўлган асосий масала аҳолининг банкларга бўлган ишончини ошириш ва депозитларининг юқори ликвидлигини таъминлаш ҳисобланади. Чунки, ўтган асрнинг 90-нчи йилларида аҳолининг банклардаги депозитлари кескин қадрсизланди ва уларнинг банкларга нисбатан ишончлари йўқолди. Худди шундай фикрни 1992 йили аҳоли ўртасида жойлаштирилган давлат заёмларига нисбатан ҳам билдириш мумкин.

Республикада инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга аҳоли маблағларини кенг жалб этиш учун иқтисодий шарт-шароитларни янада яхшилаш механизмларини такомиллаштириш долзарб масала ҳисобланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида таъкидланганидек: “Иқтисодиётни ривожлантиришда аҳоли қўлида тўпланган маблағларни инвестиция шаклида ҳаракатга келтириш, одамларда тадбиркорлик ҳиссини кучайтириш муҳим вазифаларимиздан биридир”<sup>44</sup>.

Аҳоли маблағларини иқтисодиётдаги турли инвестиция объектларига йўналтириш ва шу орқали унинг даромадларини ошириш бўйича сезиларли натижага эришиш учун таъсирчан механизмларни жорий этиш зарур бўлади.

Бизнинг фикримизча, аҳолининг банкларга бўлган ишончини ошириш учун биринчи галда, улар депозитларининг қадрсизланиш хатари тижорат банклари зиммасида эканлигини Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунида белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Мамлакат мустақиллигининг дастлабки ўн йиллиги ичида қишлоқ аҳолисининг пай бадаллари эвазига шаклланган ва аҳолига савдо ҳамда бошқа турдаги хизматларни кўрсатиб келган нодавлат ташкилоти – матлубот

---

<sup>44</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.// Халқ сўзи, 2018 йил 28 декабрь.

кооперациясига бўлган номақбул муносабатлар, уни барбод қилди. Натижада, унга аъзо бўлиб кирган қишлоқ аҳолиси ўз мулкидан мосуво бўлди. Бу, табиийки, ҳозирги замон бозор иқтисодиётида: “Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли”, деган тамойилга зиддир. Амалдаги қонунларга кўра хусусий мулк дахлсиз ҳисобланади.

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, улар мол-мулкининг дахлсизлигини таъминлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида”ги ПФ–5780-сон Фармонида муҳим ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Унда барча даражадаги маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги энг муҳим вазифалари этиб белгиланган.

Ушбу Фармонда, шунингдек, аҳолини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, барқарор ривожланаётган тадбиркорлик субъектлари сонини янада кўпайтириш бўйича тизимли чоралар кўриш, шунингдек, ўз фаолиятини вақтинча тўхтатган тадбиркорлар билан ишлашни кучайтириш зарурлиги қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги ПФ–5780-сон Фармонининг мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда шуни қайд этиш лозимки, қишлоқ аҳолисини сифатли ва арзон нархларда истеъмол товарлари билан таъминлаш, оила хўжаликларида етиштирилган ортиқча қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш (заготовка қилиш), мулкдорлар синфини кенгайтириш мақсадида пай асосида матлубот кооперативларини қайта тиклаш бугунги куннинг ўта долзарб масалалрдан бири ҳисобланади.

Маълумки, мамлакатимиз аҳолисининг аксарият қисми қишлоқ жойларида истиқомат қилишади. Бироқ, бу жойларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиш даражаси шаҳар жойларига нисбатан анча паст. Шу сабабдан қишлоқ жойларида тадбиркорликни янада ривожлантириш учун тадбиркорлик билан шуғулланувчи ва шуғулланиш истаги бор шахсларга бизнесни юритишда асқатадиган (молия, маркетинг, ахборот технологиялари ва бошқа) муҳим масалалар бўйича бепул ўқув семинарларини ташкил этиш, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини юритишда тўсиқ бўлаётган инфраструктуравий (ичимлик суви, газ, электр энергияси таъминоти, канализация) муаммоларини бартараф этиш учун маҳаллий ҳокимият вакилларининг ишини жонлантириш мақсадга мувофиқдир.

Юқорида келтирилган хулосалар ва уларнинг ечими бўйича берилган таклифларни амалда қўллаш, бизнинг фикримизча, мамлакатимизда тадбиркорликнинг янада ривожланишига ва аҳоли фаровонлигининг ошишига ижобий таъсир этади.

## 2. Оилавий тадбиркорликни шаклланиши ва ривожланишининг илмий-назарий асослари

Оилавий тадбиркорликни ижтимоий-иқтисодий моҳиятини очиб бериш ва унга бўлган назарий қарашларни шакллантириш учун оила<sup>45</sup>, уй хўжалиги<sup>46</sup>, оила хўжалиги<sup>47</sup> ва хонадон хўжалиги<sup>48</sup> каби тушунчаларни тадқиқ қилиш муҳим услубий аҳамият касб этади. Чунки ушбу категориялар оилавий тадбиркорликнинг илк шаклланиш ва ривожланиш босқичларини ифода этади. Ушбу тушунчалар бир-биридан фарқланиши билан, уларнинг ҳар учаласи ҳам оилалар фаолиятини таҳлил қилиш билан боғлиқ жараён эканлиги олдинги ишларимизда асослаб берилган эди<sup>49</sup>.

Оилани ижтимоий–иқтисодий категория ҳамда иқтисодий муносабатларнинг асосий субъекти сифатида тадқиқ этиш, ғарб иқтисодий таълимотида кўп йиллар олдин бошланганлигини қайд этиш мумкин.

Фикримизча, бугунги кунда “оилавий тадбиркорлик” тушунчасига албатта “уй хўжалиги” ва “оила хўжалиги” тушунчаларининг таърифларини қараб чиқмоқ лозимдир. Чунки, “оила хўжалиги”, “уй хўжалиги” ва “оилавий тадбиркорлик” тушунчалари (категориялари) тўғрисидаги дунёқараш ғарб иқтисодий қарашлари таъсири остида ва бошқа томондан иқтисодиётнинг таркибий ўзгариши ва тарихий тажрибалардан келиб чиққан ҳолда, иқтисодий муносабатларнинг асосий субъекти сифатида шаклланмоқда.

---

<sup>45</sup> Ўлмасов А. Оила иқтисоди. Тошкент - “Меҳнат” – 1998.; Ё.Абдуллаев. Макроиқтисодий статистика: 100 савол ва жавоб. – Т.: Меҳнат, 1998 й. 164-Бет.; Зверева Н.В. Экономический подход в исследованиях семьи в современных условиях // Вестник МГУ. Сер.6. Экономика. 1994. N 6, стр.38.; Шумпетер Й. Теория экономического развития. – М.: Мысль 1982, стр. 159.;

<sup>46</sup> Беркинов Б.Б. Уй хўжалиги иқтисодиёти. (Ўқув қўлланма).- Т.: “Fan va texnologiya”, 2014, 132 бет. Жеребин В., Красыльникова Т. Домашние хозяйства в переходной экономике//Вопросы статистики. 1998. № 1, стр.3.; Капелюшников Р. Занятость в домашних хозяйствах населения.//Вопросы экономики. 2005. №7.99 бет.;

<sup>47</sup> Пардаев М.Қ. Оила хўжалиги иқтисодиёти ва тадбиркорлиги. Самарқанд 2001й.; Мамадвалиев Т. Оилавий хўжаликларни шаклланиши ва уларни ривожлантириш. Иқтисод фанлари бўйича ҳимоя қилинган диссертациялар ҳақида қисқача маълумот (1992-2001 йиллар). -Т. 2001, 227 бет.; Шодиева Г. Оила хўжалиги мулки ва даромадини ошириш йўллари. // Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. -Т., 1999 .

<sup>48</sup> Вахобов А. Хонадон ва иқтисод.//Фан ва турмуш. № 1, 2000 й., Разумнова И.И. Семейный и домашний бизнес: опыт США // США. Канада: Экономика. Политика. Культура.2001.N 1, стр.105-118.

<sup>49</sup> Кувондиков Ш.О. Хизмат соҳаларида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари. И.ф.н. диссертация автореферати. -Самарқанд, 2008, 8-9 бет.

Бироқ, бу иқтисодий тушунчаларни ҳар бирининг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан моҳияти ҳозиргача тўлалигича ёритилган эмас. Бу тушунчаларга нисбатан турлича қарашлар мавжуд.

Дастлабки уй хўжаликлари таракқиёти давомида А.Смитнинг мулоҳазалари диққатга сазовордир. А.Смит омилларнинг сифат жиҳатларига, уларнинг ишлатилишига аҳамият беради, пировард натижада уй хўжаликларининг даромади ва истеъмол имкониятларини шакллантиради.<sup>50</sup>

Ф.Энгельс<sup>51</sup>, ўзининг “Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши” номли асарида оила – биргаликдаги иқтисодий фаолият юритишнинг асоси эканлигини асослаб беради. Унда у турли хил турдаги оилаларни таҳлил қилиб, оила ва аёлларнинг аҳволи, тарихий ўзгаришларини бошидан кечиргани, бу ўзгаришлар ўз навбатида ишлаб чиқариш усулининг ривожини, айниқса, мулкчилик шакллари билан белгиланганлигини кўрсатишга ҳаракат қилади. У оила ривожини ибтидоий жамоадан то XIX асрнинг охиригача чорагигача иқтисоднинг ривожланиши асносида баён қилади.

А.Чаяновнинг “Крестьян хўжаликларини ташкил этиш” номли асарида оилавий хўжаликлар тузилиши, уларнинг турли даражадаги маҳсулот ишлаб чиқариш қобилияти ва ривожланишига таъсир этувчи омиллар чуқур таҳлил этилган. Унинг фикрича, хўжалик юритувчи оилаларнинг энг муҳим жиҳати шундаки, улар ҳеч қандай ёлланма меҳнатга асосланмасдан оилаларнинг ўз кучига таяниб хўжалик юритишидир, улар ҳам истеъмолчи хўжалиқдир, чунки улар ўз олдига даромад олиш эмас, балки оиланинг моддий эҳтиёжини қондиришни мақсад қилиб қўяди.<sup>52</sup>

Ноклассик йўналиш доирасида 1992 йил Нобел мукофоти лауреати Г. Беккернинг ишлари катта қизиқиш уйғотади. Унинг асарларида оилада меҳнат тақсимоти оила хўжалигининг ишлаб чиқариш вазифалари, оила даромадларининг тақсимланишини гендер нуқтаи назаридан тадқиқ этишда

---

<sup>50</sup> Смит А. Исследование о природе и причинах богатств народов. . – М.: Соц.экгиз, 1962, стр 332.

<sup>51</sup> Ф.Энгельс. Происхождение семьи, частной собственности и государства. – К.Маркс и Ф.Энгельс. Т.21, стр 23-178.

<sup>52</sup> Н.Зверева. А.В.Чаянов о размере семьи и крестьянского домохозяйства //Вестник статистики, 1991, №7, стр. 47.

муҳим аҳамият касб этади. Оила бозордаги товар ва хизматларни фақат истеъмол қилувчи эмас, балки ишлаб чиқарувчи сифатида намоён этадиган “Янги уй хўжалиги назарияси” (Г. Беккер, Дж. Минсер, К. Ланкастер) 60 – йилларнинг ўрталарида пайдо бўлди.

Дж.М Кейнс<sup>53</sup>, ўз тадқиқотларида ресурсларни асосий етказиб берувчи ва харажат қилувчи гуруҳ сифатида уй хўжаликларининг иқтисодиётдаги иккиламчи ролини ўрганишни мўлжаллайди. Уй хўжаликларининг даромадлари, истеъмол ва жамғариш хулқи, уларнинг давлат билан ўзаро алоқадорлиги, хўжалик юритишнинг ўзгарувчан шароитга мослашишини кўриб чиқади.

Кўришиб турибдики оилавий тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари узоқ йиллардан буён иқтисодий назария фанининг предмети бўлиб келган. Тадқиқот объектининг мурракаблиги ва хилма-хиллиги туфайли ушбу муаммоларни турли методологик ёндашувлар асосида тадқиқ этиш босқичи давом этмоқда. Бунда ноанъанавий методологик ёндашувларни қўллаш зарурлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, оилавий тадбиркорлик жуда кўплаб ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида муҳим рол ўйнаб, иқтисодиёт ва бошқарувга оид тадқиқотларда машҳур мавзу ҳисобланади. Бу борада айрим хорижий тадқиқотчилар оилавий бизнес тушунчасини тадқиқ қилиб, унинг оилавий бўлмаган бизнес билан фарқли жиҳатларини очиб беришган<sup>54</sup>. Бир қатор муаллифлар оилавий фирмаларнинг ўзига хос бозор стратегияларини ҳисобга олиб ёндошади<sup>55</sup>. Шунингдек, баъзи тадқиқотлар оилавий бизнесни

---

<sup>53</sup> Кейнс Дж. Общая теория занятости процента и денег. –М.: Прогресс. 1948, стр 238-240;

<sup>54</sup> Бархатова Н. М. (1999). Семейный бизнес и семьи в бизнесе // ЭКО, № 2 (<http://ecotrends.ru/subscribe/1841-2014-03-06-10-13-03>); Волков Д. А. (2011). Стадии и жизненные циклы развития семейного бизнеса // Российское предпринимательство, Вып. 2, стр 11-16.; Черницкий А. (2007). Семейный бизнес, или как работает с родственниками // Наша власть. Дела и лица, Вып. 6. ([http://nashavlast.ru/article\\_description/64/223.html](http://nashavlast.ru/article_description/64/223.html)); Anderson R. C. and Reeb D. M. (2003). Founding-family ownership and firm performance: Evidence from the S&P 500 // Journal of Finance, Vol.58 No. 3, pp. 1301-1328.

<sup>55</sup> Королев В. А. (2007). Российский собственник на 20 летнем горизонте: структура собственности, роль семьи и корпоративное управление // Российский журнал менеджмента, № 5 (3), стр 145-174.; Aldrich, H. E., & Cliff, J. E. (2003). The pervasive effects of family on entrepreneurship: Toward a family embeddedness perspective. Journal of Business Venturing, 18(5), 573–596.; Kelly, E. L., Kossek, E. E., Hammer, L. B., Durham, M., Bray, J., Chermack, K., et al. (2008). 7 Getting there from here: Research on the effects of Work-Family initiatives on Work-Family conflict and business outcomes. The Academy of Management Annals, 2(1), 305–349.

ташқил этиш, унда молиявий қарорларни қабул қилишнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишга қаратилган бўлиб, мазкур ишларни оилавий бизнес соҳасида олиб борилган тадқиқотлар ичида муҳим йўналишлар сифатида ажратиб кўрсатиш мумкин.

Бу борада Анна Мотилска-Кузманинг “The financial decisions of family businesses” номли мақоласида оилавий фирмаларда молиявий қарорларни қабул қилиш жараёнидаги вазиятлар, тенденциялар ва истиқболли тадқиқот йўналишлари ўрганилган. Ушбу мақолада оилавий бизнесга бўлган қизиқишнинг ўсиб бориши билан молиявий қарорларни қабул қилиш соҳасидаги тадқиқотларнинг камлиги таъкидланиб, оилавий фирмаларда молиявий қарорлар қабул қилиш жараёнини кенг қамровли кўриб чиқиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратади. Оилавий фирмаларда молиявий қарорлар қабул қилишга қаратилган тадқиқотларнинг катта қисми сармоя тузилишига қаратилганлигига қарамасдан, улар оилавий бизнеснинг ушбу соҳада қандай ишлаши ҳақидаги саволларга аниқ жавоб беролмайди. Бундан ташқари, инвестициявий қарорлар ва дивидендлар сиёсати аниқ ишлаб чиқилмаганлигини асослайди<sup>56</sup>.

Суҳаил Султан ўзининг “Analyzing organizational performance of family and non-family businesses using the HPO framework” номли тадқиқот иши оилавий ва нооилавий бизнеснинг ташкилий ва меҳнат фаолиятини қиёсий таҳлил қилишга бағишланган. Тадқиқотда дунёдаги кўпгина бизнеслар оилаларга тегишли эканлиги ва унинг бошқа мулк турига асосланган корхоналардан фарқ қилишини таҳлил этади. Шунингдек тадқиқот ишида бизнеснинг қайси тури яхшироқ?, оилавий бизнес эгаси бўлиш ёки оила аъзоси бўлишми? каби саволларга жавоб беришга ҳаракат қилади. Бу борада қайси турдаги бизнесга эга бўлиш ва ишлаш юқори самара беришини муаллифлик нуқтаи назаридан баҳолайди. Оилавий бизнеснинг оилавий

---

<sup>56</sup> Anna Motylska-Kuzma, (2017) "The financial decisions of family businesses", Journal of Family Business Management, Vol. 7 Issue: 3, pp.351-373



муносабатларга эга бўлмаган фирмалар билан таққосланганда, бу тадқиқотлар қарама-қарши натижалар кўрсатганлигини таъкидлайди<sup>57</sup>.

Илмий манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, оилавий тадбиркорлик тушунчасига ҳозиргача ягона таъриф берилмаган. Тадқиқотчилар оилавий тадбиркорликнинг моҳиятини унинг муаян бир оилага тегишлилиги, оила бошлиғи томонидан бошқарилиши ва унинг аъзолари меҳнат жараёнини ташкил этишини бош асос қилиб олган ҳолда, ўз таърифларини берганлар (2.1-жадвал).

## 2.1-жадвал

### Оилавий тадбиркорликга оид тадқиқотларнинг қиёсий таҳлили

Муаллифлар	Оилавий тадбиркорлик тушунчасига берилган таъриф	Тадқиқ этилган асосий ғоялар
Бархатова Н.М	Оила бошлиғи томонидан ташкил этилган ва унда оила аъзолари турли лавозимларда ишлайдиган бизнес тури	оилавий бизнесини ташкил этиш ва ривожлантириш муаммолари; оила бошлиғининг ўз тадбиркорлик фаолиятига қариндошларини жалб этиши; бизнесда оиланинг роли; оилавий бизнесини юритишда уни ташкил этувчиларнинг оила аъзолари ва бошқа ходимлар билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари; оилавий бизнеснинг оилавий бўлмаган бизнесга нисбатан афзалликлари ва камчиликларининг қиёсий таҳлили
Черницкий А	Соҳиби оилавий бизнес деб ҳисоблайдиган бизнес тури	Оилавий бизнеснинг таърифи; оилавий бизнесининг ўзига хос хусусиятлари; оила бизнесини юритишда уни тасисчиси билан оила аъзолари ва бошқа ходимлар ўртасидаги ўзаро муносабатлардаги муаммолар; оилавий бизнеснинг оилавий бўлмаган бошқа турдаги корхоналар билан таққослаганда унинг афзалликлари ва камчиликларининг қиёсий таҳлили
Королев В. А.	Тадбиркорликнинг бир тури бўлиб, унинг фаолиятида оила аъзолари иштирок этадиган хусусий ёки шериклик компанияси	Оилавий бизнеснинг асосий тушунчалари мажмуасини ишлаб чиқиш; компания турларини таснифлаш; оилавий бизнеснинг стратегик бошқаруви; корпоратив бошқаруви; мерос масалалари; стейкхолдер ёндошуви; Россияда оилавий бизнесининг хусусиятлари
Волков Д. А.	Муваффақият мезони молиявий кўрсаткичлардан иборат бўлмаган, оила	Оилавий бизнес тушунчаси таърифи; оилавий компанияларнинг корпорациялардан афзаллик жихатларини

<sup>57</sup> Suhail Sultan, Andre de Waal, Robert Goedegebuure, (2017) "Analyzing organizational performance of family and non-family businesses using the HPO framework", Journal of Family Business Management, Vol. 7 No.3, pp.242-255.

	томонидан "бир одам бошқаруви"ни назарда тутадиган компания ривожланишининг маълум бир босқичи.	аниқлаш; оилавий бизнеснинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш; оилавий бизнеснинг ривожланиш босқичлари ва ҳаётий циклини таҳлил қилиш.
Календжян С.О, Волков Д. А.	Мавжуд эмас	оилавий тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари ва истиқболлари; узлуксизлиги ва бизнес мероси; оилавий бизнесни ташкил қилиш ва бошқаришнинг ўзига хос хусусиятларини эмпирик тадқиқоти; оилавий бизнес кадриятлари; оила идораси
Чуа Ж. Х., Чрисман Ж. Ж., Шарма П. [34]	Раҳбарлиги ва бошқаруви бир оиланинг аъзолари ёки кўп сонли оилалар томонидан бошқариладиган, бизнесни ривожлантириш концепциясини шакллантириш ва амалга ошириш учун потенциал турғунликни таъминлаш мақсадида амалга ошириладиган бизнес бўлиб, оиланинг бир неча авлодлари учун барқарорликни таъминлайди	Россияда капитал эгаларининг эмпирик тадқиқотлари; асосий кадриятлар; оилавий кадриятлар; шахсий кадриятлар, капитал эгаларининг кадриятлар қиёфаси; бизнес ва фаровонликнинг авлоддан авлодга ўтиши; кадриятлар ва дунёқарашларни авлоддан авлодга ўтиши; оила ва бизнес ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик стратегияси; хайрия ва ижтимоий масъулият
Пардаев М.К. Курбанов З.Н	Оилавий мулкка асосланган оила аъзолари иштирок этадиган тадбиркорлик фаолияти	оила даромадларини ошириш ва фаровонлигини таъминлаш масалалари тадқиқ этилган.
Шодиева Г.М	оилавий мулкка асосланган, оила аъзолари иштирок этадиган ва маълум даражада даромад (фойда) олишни кўзлаб қилинадиган фаолиятга айтилади	Оила ва оила хўжалиги тушунчасини ижтимоий-иқтисодий моҳиятининг қиёсий таҳлили; оила хўжалиги мулки ва даромадларини ошириш ва ундан самарали фойдаланиш муаммолари;

**Манба:** муалиф томонидан илмий манбалар таҳлили асосида тузилган

Кўриниб турибдики оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга оид назариялар бир неча йўналишларда амалга оширилиб, ўзига хос ёндошувларни талаб этади. Бундай мураккаб жараёнларни чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш эндиликда ноанъанавий методологик концепциялар, масалага ўзгача ёндошиш тамойилларини кашф этиш заруратини тақозо этмоқда. Муаммоларни бартараф этишга янги илм соҳаси сифатидаги синергетик ёндошув принциплари бу жараёнларни тадқиқ этишда муҳим аҳамият касб этиб, унинг методологик имкониятларидан кенг фойдаланиш заруратини юзага келтирмоқда. Синергетика методларини тадбиркорлик соҳасида

қўлланиши унинг ривожига катта хисса қўшиб, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва юритиш жараёнининг ҳам “синергетиклиги”, яъни, ўзини-ўзи ташкил этиш хусусияти тўғрисидаги ғояларни исботлайди.

Синергетика тушунчаси (юнонча “synergetikos” – “ҳамкорлик”, “ҳамдўстлик”, “биргаликда ҳаракат”) маъноларини англатади [2]. Синергетиканинг энг муҳим жиҳати шундаки, у ўз-ўзини бошқарувчи тизимларда фаолият кўрсатаётган тадқиқотчи-олимлар ишларини маълум бир йўналишда бирлаштиришга хизмат қилишидир. Ёки бошқача айтганда синергетика мураккаб тизимларни, ўзини-ўзи ташкил этиш ҳодисаларини ўрганаётган билим соҳаларига талукли бўлган, универсал методологик парадигма бўлиб, ўрганилаётган предмет ва объектга ягона фанлараро ёндошувни намоён қилади. Шундай экан, 1-жадвалдаги оилавий тадбиркорликга берилган таърифлар, ёндошувлар ҳамда тадқиқ этилган бош муаммо ва назарияларни қиёсий таҳлил қилиш асосида уларни қуйидаги гуруҳларга ажратиб тизимлаштириш мумкин:

- оилавий тадбиркорликнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, унинг ривожланиш босқичлари ва ҳаётий циклини таҳлил қилиш;
- бизнесда оиланинг роли, оила ва бизнес ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик стратегиялари ҳамда оилавий корхона бошлиғининг оила аъзолари ва бошқа ходимлар билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари;
- оилавий бизнеснинг оилавий бўлмаган бизнесга нисбатан афзалликлари ва камчиликларининг қиёсий таҳлили;
- оилавий бизнесни бошқариш, бизнеснинг авлоддан авлодга ўтиши ва мерос масалалари;
- оилавий тадбиркорлик даромадлари ва мулкани кўпайтириш ҳамда бандликни ошириш муаммоларини тадқиқ этишга қаратилган тадқиқотлар.

Оилавий тадбиркорликга оид тадқиқотларни ўрганиш ва қиёсий таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

- оилавий тадбиркорликнинг ривожланиши унинг рақобатбардошлиги ва рақобатдаги устунлиги билан шартланган;

- оилавий тадбиркорликнинг рақобатдаги устунлиги юқори бизнес - маданият мавжуд бўлганда намоён бўлади;

- оилавий тадбиркорликнинг муваффақиятга эришишида "оилавий капитал" ёки "оилавий активлар" зарурий шарт бўлиб, оила аъзоларининг бизнесдаги иштироки эса бизнес - маданиятнинг улкан имкониятлар манбаи хисобланади;

- оилавий тадбиркорликнинг узлуксизлигини таъминлаш, кейинги авлод иштирокини зарурат этади.

Шуни таъкидлаш жоизки, кўп сонли илмий тадқиқотларга қарамай, оилавий тадбиркорлик назариясини қуйидаги йўналишларда кенгайтириш ва ривожлантириш мақсадга мувофиқ келади:

**Биринчидан**, оилавий тадбиркорлик муҳим ижтимоий-иқтисодий категория ҳамда ҳаётий зарурат сифатида қўшимча ривожлантирувчи таснифлаш тизимига эҳтиёж сезмоқда.

**Иккинчидан**, тадқиқот натижаларига асосланиб шундай хулоса қилиш мумкинки, оилавий бизнеснинг моҳиятини аниқлашда ҳамон қарама-қарши фикрлар учрамоқда.

**Учинчидан**, кўп сонли тадқиқотларда оилавий бизнесда ташқи аъзолари ва раҳбарининг (оиладан ташқари) роли масаласи тадқиқот методологиясидан четда қолиб, тадқиқот натижаларини синергетика тамойиллари асосида маълум бир йўналишда бирлаштириш ёки умумлаштиришда қийинчиликларни туғдирмоқда.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Оилавий тадбиркорлик ва хусусий тадбиркорликнинг фарқи?
2. Кичик бизнес субъектларининг иқтисодиётда тутган ўрни?
3. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун қандай қулайликлар мавжуд?

### **Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўлмасов А. Оила иқтисоди. Тошкент - “Меҳнат” – 1998.; Ё.Абдуллаев. Макроиқтисодий статистика: 100 савол ва жавоб. – Т.: Меҳнат, 1998 й. 164-Бет.; Зверева Н.В. Экономический подход в исследованиях семьи в современных условиях // Вестник МГУ. Сер.6. Экономика. 1994. N 6, стр.38.; Шумпетер Й.Теория экономического развития. – М.: Мысль 1982, стр. 159.;

2. <sup>1</sup> Беркинов Б.Б. Уй хўжалиги иқтисодиёти. (Ўқув қўлланма).- Т.: “Fan va texnologiya”, 2014, 132 бет. Жеребин В., Красыльникова Т. Домашние хозяйства в переходной экономике//Вопросы статистики. 1998. № 1, стр.3.; Капелюшников Р. Занятость в домашних хозяйствах населения.//Вопросы экономики. 2005. №7.99 бет.;

3. <sup>1</sup> Пардаев М.Қ. Оила хўжалиги иқтисодиёти ва тадбиркорлиги. Самарқанд 2001й.; Мамадвалиев Т. Оилавий хўжаликларни шаклланиши ва уларни ривожлантириш. Иқтисод фанлари бўйича ҳимоя қилинган диссертациялар ҳақида қисқача маълумот (1992-2001 йиллар). -Т. 2001, 227 бет.; Шодиева Г. Оила хўжалиги мулки ва даромадини ошириш йўллари. // Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. -Т., 1999 .

## **Мавзу 6. Сервис корхона ва ташкилотларининг асосий фондлари ва ишлаб чиқариш қувватлари**

Корхоналарда фаолиятни тўғри ташкил этишдан қатъий назар, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш мақсадида уларни амортизациясини коплаб туриш, эскирган асосий фондлар қийматини янгилаш ёки умуман модернизациялашга алоҳида эътибор бериш лозим.

### **6.1. Сервис корхона ва ташкилотларининг асосий фондлари.**

Ҳар бир корхона фаолияти асосий воситалар билан ифодаланади. Уларни ўз вақтида модернизация қилиш ва ўз вақтида уларнинг қийматини

янгилаб туриш зарур. Сифатли хизмат кўрсатиш ёки ишлаб чиқариш учун замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш лозим.

**Режа:**

1. Сервис корхона ва ташкилотларидаги асосий воситалар турлари ва уларнинг таснифи.
2. Сервис корхоналарида асосий фондлар амортизацияси ва уни ҳисоблаш усули.

**1. Сервис корхона ва ташкилотларидаги асосий воситалар турлари ва уларнинг таснифи.**

Замонавий иқтисодиёт фани **асосий фондларни** маълум бир истеъмол қиймати кўринишида ижтимоий меҳнат асосида яратилувчи, ишлаб чиқаришнинг моддий-буюмлашган материал омиллари қаторига киритади. Ҳозирги бозор шароитларида корхона кучи ва воситалари ёрдамида яратилган асосий фондлар ишлаб чиқариш қувватларини шакллантириш ва улардан фойдаланишга фаол равишда таъсир кўрсатувчи мулк ҳисобланади. Бутун халқ хўжалиги миқёсида асосий фондлар мамлакатнинг миллий бойлигини ташкил қилади.

*Асосий фондлар корхона ишлаб чиқариш воситаларининг бир қисми бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнида узоқ вақт иштирок этади ва ўзининг натурал-моддий ҳолатини йўқотмайди ҳамда ўз қийматини тайёрланаётган маҳсулотларга қисмлаб ўтказиб беради. Асосий фондлар қийматини тайёрланаётган маҳсулотга ўтказиш жараёни амортизация деб, ушбу жараёнда тўпланган маблағлар эса *амортизация ажратмалари* деб аталади.*

Иқтисодий мақсадларига кўра, асосий фондлар ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фондларига тақсимланади. Ишлаб чиқариш асосий фондлари ўз моҳиятига кўра, корхонанинг ишлаб чиқариш потенциалини ташкил қилиб, уларнинг таркибига қуйидагилар киради:

- \* ишлаб чиқариш бинолари ва иншоатлари;
- \* узатиш қурилмалари;
- \* қувват машиналари ва ускуналари;
- \* ишчи машиналар ва ускуналар;
- \* транспорт воситалари;
- \* ўлчов ва тартибга солиш асбоблари ва қурилмалари;
- \* фойдаланиш муддати бир йилдан кам бўлмаган ва қонунчиликда белгилаб қўйилган қийматлардаги асбоблар ва ишлаб чиқариш инвентари.

Асосий ишлаб чиқариш фондлари ишлаб чиқаришда банд бўлган барча мутахассис ва ходимлар сони билан биргаликда, **корхонанинг ишлаб чиқариш аппарати** деб аталади.

**Ноишлаб чиқариш асосий фондлари** *корхона асосий фондларининг ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этмайдиган қисми бўлиб, шу сабабли ўз қийматини тайёр маҳсулотга ўтказмайди.* Булар қаторига асосан корхона балансида турувчи тураржой (уй-жой фонди), ошхона, профилактория, клуб, болалар боғчаси ва яслилар, спорт-соғломлаштириш ва бошқа объектлар киритилади. Маданий-маиший ва соғломлаштириш йўналишидаги ноишлаб чиқариш асосий фондлари ишлаб чиқариш асосий фондлари билан фойдаланиш муддати, натурал шаклнинг сақланиши, ўз қийматини секин-аста йўқотиши каби кўп жиҳатлари билан ўхшашдир.

Меҳнат предметига ўтказувчи таъсирига кўра, асосий ишлаб чиқариш фондлари **актив** ва **пассив** турларга бўлинади. Асосий ишлаб чиқариш фондларининг пассив турига бино ва иншоатлар, актив турига эса қувват машина ва ускуналари, ишчи машина ва ускуналар, транспорт воситалари, технологик линиялар, яъни бирон-бир турдаги маҳсулот яратишда фойдаланилувчи меҳнат куруллари киритилади.

Корхонанинг актив асосий ишлаб чиқариш фондлари энг ҳаракатчан ва аҳамиятли ҳисобланади. Фан-техника тараққиёти давомида кўплаб корхоналарда актив ишлаб чиқариш фондларининг салмоғи ортади, уларнинг

таркиби ва кўриниши ўзгаради, асосий фондлар гуруҳ ва турларининг маънавий эскириш туфайли алмашилиш суръати тезлашади.

Ишлаб чиқариш миқёсининг ўсиши ва бошқа ижобий ўзгаришлар шароитларида, баъзан корхонанинг асосий фондлари, жумладан, ишчи машиналар ва ускуналар, ишлаб чиқариш бинолари, қурилмалар ва ҳоказолар етмай қолади. Бундай ҳоллар рўй берганда корхона шартнома асосида ўзига керакли бўлган асосий фондларни ёллайди ва улар ижарага олинган ҳисобланади. Ижарага берувчи ва ижарага олувчи ўртасида юзага келувчи мулк муносабатлари **лизинг** деб аталади (ингл. Lease - ижара).

Асосий фондларнинг умумий ҳажмида алоҳида гуруҳларининг қиймат бўйича ўзаро нисбати *асосий фондларнинг турлар бўйича тузилмасини* акс эттиради ҳамда амалиётда фоизларда ўлчанади. Корхона асосий ишлаб чиқариш фондлари тузилмасининг, биринчи ўринда унинг актив қисмини - машина ва асбоб-ускуналарни кўпайтиришга йўналтирилган такомиллаштиришдан манфаатдор бўлиши лозим. Уларнинг улуши қанчалик юқори бўлса, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар миқдори шунчалик катта бўлади ва аксинча.

Корхона асосий фондларининг турлар бўйича тузилмаси, кўп жиҳатдан капитал қўйилмаларнинг технологик тузилмаси орқали, жумладан, уларнинг янги қурилиш ва қайта таъмирлаш, амалдаги ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва қайта қуроллантириш билан аввалдан белгилаб қўйилган бўлади. Асосий фондларнинг турлар бўйича тузилмасига ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрация қилиш даражаси ҳам катта таъсир ўтказиши. Йирик корхоналар, ишлаб чиқаришни фондлар билан таъминлашда ва фан-техника тараққиёти ютуқларидан кенг фойдаланишда кичик ва ўрта корхоналарга қараганда кўпроқ имкониятга эга. Бироқ кичик корхоналар ҳаракатчанроқ, уларнинг бошқаруви мослашувчанроқ бўлиб, натижада ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта қуроллантириш осонроқ кечади.



«Корхона иқтисодиёти»га **эксплуатация қилинаётган асосий фондларнинг ёши**, биринчи ўринда машина ва асбоб-ускуналарнинг ёши катта таъсир кўрсатади. ҳозирги пайтда машина ва саноат ускуналарини ёш бўйича гуруҳлашда тахминан қуйидаги муддатлардан келиб чиқилади: 5 йилгача, 5 йилдан 10 йилгача, 10 йилдан 15 йилгача, 15 йилдан 20 йилгача, 20 йилдан 25 йилгача ва ҳоказо. Машина ва ускуналарнинг эксплуатация муддати қанчалик юқори бўлса, корхонанинг ишлаб чиқариш қувватлари шунчалик паст бўлади, маҳсулотлар сифати пасаяди, бекор туриб қолиш ва талофатлар кўпаяди ҳамда аксинча. Бундан ташқари, корхона асбоб-ускуналаридан узоқ вақт мобайнида фойдаланилганида таъмирлаш учун ҳам кўп харажатлар сарфланади.

## **2. Сервис корхоналарида асосий фондлар амортизацияси ва уни ҳисоблаш усули.**

Хўжалик амалиётида асосий фондлар натурал ва қиймат кўринишида ҳисобга олинади. Агар асосий фондларни *натурал баҳолаш*-ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта қуроллантириш ва замонавийлаштириш масалаларини ҳал қилиш, асбоб-ускуналарни таъмирлаш учун уларнинг гуруҳ ва турлари бўйича графиклар тузиш, шунингдек, таъмирлаш воситаларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш имконини берса, *қиймат бўйича баҳолаш* эса, асосий фондларни қайта ишлаб чиқаришни режалаштириш, уларнинг мавжуд ҳажмини аниқлаш, амортизация ҳажмини белгилаш, асосий фондлар ва ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини таҳлил қилиш ва ҳоказоларда муҳим аҳамият касб этади.

Асосий фондларни баҳолашнинг қуйидаги усуллари мавжуд: **бошланғич қиймат бўйича** - асосий воситаларни яратиш ёки сотиб олиш учун сарфланган харажатлар мажмуидан иборат бўлиб, асосий фондлар ёки уларнинг алоҳида қисмларини фойдаланишга топшириш учун яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ бўлган-уларни келтириш, ўрнатиш каби харажатларни ҳисобга олган ҳолда юзага келувчи қиймат.

Масалан, битта машина ёки ускунанинг бошланғич қиймати – бу, корхонанинг мазкур машина ёки ускунани маълум бир санада сотиб олган ва бу ҳақда бухгалтерия ҳужжатларида қайд қилинган сотиб олиш нархидир.

**Тикланиш қиймати бўйича** - асосий фондлар ёки уларнинг бирон-бир қисмини (бинолар, қурилмалар, машиналар, ишлаб чиқариш ускуналари ва хоказо) ҳозирги пайтдаги инфляция ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда баҳолаш. Баҳолашнинг бу усули объектнинг ҳозирги пайтдаги қайта ишлаб чиқариш даврида қанча туришини кўрсатади. Корхона асосий фондларининг тикланиш қиймати, тафтиш ва инвентаризация пайтида, мамлакат миқёсида ва давлат чора-тадбири сифатида эса, асосий фондларни қайта баҳолаш пайтида амалга оширилади.

**Қолдиқ қиймати бўйича** - асосий фондларнинг эскиришини инобатга олган ҳолда, бирламчи ва қайта тиклаш қийматлари ўртасидаги фарқ кўринишидаги баҳолашдир. Бошқача қилиб айтганда, бу асосий фондларнинг ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга ҳали ўтказилмаган қисмидир. Корхоналар томонидан фойдаланилмайдиган ҳамда ҳисобдан чиқариш ёки сотиб юбориш мўлжалланган асосий фондлар ҳам, кўпинча қолдиқ қиймати бўйича, мазкур хўжалик йилидаги нархларда баҳоланади.

Иқтисодиётнинг глобаллашуви ҳамда ҳисоб ва ҳисоботларнинг мукамаллашуви, жумладан, миллий ҳисоб стандартларининг жаҳон стандартлари талаблари даражасига келтирилиши туфайли, гарчи асосий воситалар, асосий фондларнинг пул кўринишидаги ифодаси сифатида аввалдан қўлланиб келган бўлсада, ҳаётимизга “асосий капитал”, “асосий воситалар” каби атамалар эндиликда кенг равишда кириб келмоқда.

ҳозирги кунда амалиётда асосий воситаларнинг корхона баланси ва ҳисоботларида акс эттирилувчи (яъни, бошланғич, белгиланган тартибда ўтказилувчи қайта баҳолашдан кейин эса тикланиш), ҳисобга олиш қиймати **баланс қиймати** деб аталади. Бундан асосий воситаларнинг қолдиқ

қийматини асосий воситаларнинг баланс қийматидан эскириш суммасини айириб ташлаш ёрдамида топиш мумкинлиги англашалади.

Қабул қилинган баҳолаш усули ва корхона балансида акс эттирилувчи бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари асосида, **корхона асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қиймати** ( $\Phi_{cp}$ ) белгиланиб, у қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$\Phi_{\text{ьр}} = \Phi_{\text{н}} + \frac{\Phi_{\text{п}}T_1 - \Phi_{\text{в}}T_2}{12} ;$$

Бу ерда:

$\Phi_{\text{н}}$  – асосий ишлаб чиқариш фондларининг йил бошидаги қиймати;

$\Phi_{\text{п}}$  – йил давомида келиб тушган (фойдаланишга топширилган) асосий ишлаб чиқариш фондлари қиймати;

$\Phi_{\text{в}}$  – йил давомида ишлаб чиқаришдан чиқарилган (йўқ қилинган) асосий фондлар қиймати;

$T_1$ - фойдаланишга топширилувчи асосий ишлаб чиқариш фондлари амалда бўлувчи ўртача муддати (ойларда), қабул қилингандан кейинги ойдан бошлаб;

$T_2$  – ишлаб чиқаришдан чиқарилган (йўқ қилинган) асосий ишлаб чиқариш фондлари фойдаланилмайдиган ўртача муддат (ойлар) чиқарилган ойдан то йил охиригача).

Асосий фондларни бошланғич ёки тикланиш қиймати бўйича баҳолашдан ташқари эскириш суммаси ҳам ҳисобга олинади. Асосий фондлар жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскириши мумкин.

*Жисмоний (моддий) эскириш* асосий фондларнинг бирламчи хислатларини ишлаб чиқаришда фойдаланиш ва табиий эскириш натижасида йўқотишдан юзага келади. У асосан бир хилда кечмайди ҳамда кўп жиҳатдан

иқлимнинг таъсири, асосий фондлардан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиш, жумладан, ходимларнинг малакасига ҳам боғлиқ бўлади.

Жисмоний эскиришни (ИФ) қуйидаги формула асосида ҳисоблаб топиш мумкин:

$$ИФ = \frac{T_{\phi}}{T_n} \times 100; \quad \text{ёки} \quad ИФ = \frac{И}{П_c} \times 100.$$

Бу ерда:

$T_{\phi}$  - асосий фондларнинг ҳақиқий хизмат қилувчи муддати;

$T_n$  - асосий фондлар хизмат қилиши керак бўлган норматив муддат;

И - ҳисобланган амортизация суммаси (эскириш суммаси);

$П_c$  – асосий фондларнинг бошланғич(қайта ташкил қилиш) қиймати.

*Маънавий эскириш* - асосий фондларнинг қадрсизланиши ёки техник жиҳатдан муддатидан аввал иш қобилиятини йўқотилишидир. У икки шаклда юзага келади: биринчи шаклда асосий фондлар уларнинг ишлаб чиқариш қийматлари пасайиши натижасида қадрсизланса, иккинчи шаклда асосий фондларнинг қадрсизланиши янги, фан-техника тараққиёти таъсири остида, янада самаралироқ фондларнинг пайдо бўлиши натижасида рўй беради. Асосий фондлар маънавий эскиришининг юқорида келтирилган шаклларини қуйидаги тарзда аниқлаш мумкин:

$$ИМ_1 = \frac{П - В}{П} \times 100;$$

$$ИМ_2 = \frac{П_n - П_c}{П_n} \times 100.$$

Бу ерда:

П - асосий фондларнинг тўлиқ бошланғич қиймати;

В - асосий фондларнинг тикланиш қиймати;

П<sub>н</sub>- янги техниканинг унумдорлиги.

Асосий фондларни қайта ишлаб чиқариш, яъни жисмоний ва маънавий жихатдан эскирган асосий фондларнинг ўрнини иқтисодий тўлдириш учун корхона бу воситалар қийматидан *амортизация ажратмаларни* айириб ташлайди ҳамда бу ажратмалар кейинчалик харажатлар сифатида маҳсулот таннарихига киритилади.

Амортизация ажратмалари қуйидаги формула асосида аниқланувчи амортизация нормалари (Н<sub>а</sub>) асосида амалга оширилади:

$$H_a = \frac{A}{P} * 100$$

Бу ерда:

А - амортизация ажратмалари;

П - асосий фондларнинг тўлиқ бошланғич қиймати.

Йиллик амортизация ажратмалари (АО) миқдори қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$A = \frac{P + P_k + M - O}{T}$$

Бу ерда:

Р<sub>к</sub> – асосий фондлар хизмат қилган муддат давомида капитал таъмирлашга сарфланган харажатлар;

М - ускуна, машина ва қурилмаларни, улар хизмат қилган давр мобайнида модернизация қилишга сарфланган харажатлар;

О - асосий фондларнинг қолдиқ (ликвидацион) қиймати;

Т - асосий фондларнинг хизмат қилиш муддати, йил.

Амалда амортизация маблағлари асосий фондларни тўлиқ қайта тиклаш (реновация), капитал таъмирлаш ва ускуналарни модернизация қилиш учун алоҳида равишда йўналтирилади. Бундан келиб чиққан ҳолда амортизация нормаси икки қисмдан - фондларни реновация қилиш ( $H_B$ ) ҳамда капитал таъмирлаш ва модернизация қилиш ( $H_P$ ) учун ажратилувчи маблағдан иборат бўлади.

Биринчи ҳолда амортизация нормаси қуйидаги формула:

$$H_{\epsilon} = \frac{П - О}{ТП} \times 100;$$

иккинчи ҳолда эса:

$$H_P = \frac{P_{\kappa} + M}{ТП}$$

асосида аниқланади

Ишлаб чиқариш жараёнида асосий фондлар аста-секинлик билан эскириши сабабли, уларнинг иш қобилиятини таъмирлаш орқали тиклаш зарурияти туғилади. Ўз вақтида таъмирлаш асосий фондлар муддатидан олдин ишдан чиқишининг олдини олади ҳамда уларнинг хизмат қилиш муддати ва унумдорлигини оширади. Асосий фондларни таъмирлаш капитал, ўрта ва жорий турларга бўлинади. Бино ва иншоотларни таъмирлаш ўз мазмуни, талаб қилинувчи муддат ва маблағларга кўра, машина ва ускуналарни таъмирлашдан фарқ қилади.

Масалан, машина ва асбоб-ускуналарни **капитал таъмирлашда** улар тўлиқ қисмларга бўлинади ва эскирган қисмлар алмаштирилади. Ускуналарни икки марта капитал таъмирлаш орасидаги муддат *таъмирлаш цикли* деб аталади. Машина ва ускуналар, қоидага кўра, махсус заводларда таъмирланади.

**Ўртача таъмирлаш** техник мазмуни, мураккаблиги, бажариладиган иш ҳажми ва даврийлигига кўра, капитал таъмирлашдан фарқ қилади ҳамда сарфланувчи маблағ, вақт ва кучни нисбатан камроқ талаб этади. Жорий таъмирлаш каби у ҳам машина ёки ускунадан фойдаланувчи корхонанинг ўзида амалга оширилиши мумкин.

**Жорий таъмирлашда** асосан асбоб-ускуналар тозаланади, мойланади, текширилади, майда камчиликлари бартараф қилинади, яъни ускуналарнинг фойдаланишга доимий тайёрлиги таъминланади.

Такрор ишлаб чиқариш циклида асосий фондларни яратиш жараёни корхонадан ташқарида амалга оширилади ҳамда асосан қурилиш соҳаси, машинасозлик, асбобсозлик ҳамда асосий фондларни яратиш билан шуғулланувчи бошқа соҳалар билан боғлиқ бўлади. Асосий воситаларни такрор ишлаб чиқаришнинг қолган босқичлари корхона ҳудудида амалга оширилади. Бироқ барча ҳолларда ҳам асосий фондларни такрор ишлаб чиқариш туфайли корхоналар ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ҳамда ривожланиб бораётган бозор муносабатлари шароитларида иқтисодий ва техник барқарорликка эришишларини таъминлайди.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Асосий фонд тушунчаси?
2. Хизмат кўрсатиш корхоналарининг асосий фондларига мисол келтиринг?
3. Асосий фондларни модернизациялашнинг аҳамияти?

### **Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:**

1. Э.С.Файзиев «Сервис тизими фаолияти асослари» Ўқув қўлланма. Самарқанд. «Зарафшон» нашриёти Д.К, 2010
2. Э.С. Файзиев Сервис соҳасининг иқтисодиётдаги ўрни. Рисола Сам.И.С.И, 2007 й
3. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолари ва уларнинг ечимлари. Монография. Проф. М.Қ.Пардаев, проф., Ҳ.Н.Мусаевлар таҳрири остида. Т.: «Иқтисод-молия», 2008
4. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
5. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

## **6.2. Корхона ва ташкилотларининг ишлаб чиқариш қувватлари**

Бугунги кунда корхоналар ўз ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ ва самарали фойдаланмаётган ҳолатлари кузатилмоқда. Бу эса ўз навтида уларнинг самарали фаолият юритишларига тўсқинлик қиладиган сабаблардандир. Ушбу мавзуда, корхона фондларидан самарали фойдаланиш мақсадида айрим мавжуд муаммолар ҳақида тушунча берилган.

### **Режа:**

1. Ишлаб чиқариш қуввати тушунчаси ва уни ҳисоблаш усуллари.
2. Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳолати ва яхшилаш йўналишлари.

### **1. Ишлаб чиқариш қуввати тушунчаси ва уни ҳисоблаш усуллари.**

Асосий ишлаб чиқариш фондлари ҳажми ва улардан фойдаланиш даражаси корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати катталигини белгилайди. У ишлаб чиқариш дастурини асослашда катта роль ўйнайди ҳамда корхонанинг белгиланган номенклатура ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича потенциал имкониятларини тавсифлайди.

Бундан келиб чиқадиги, **ишлаб чиқариш қуввати** – бу, маълум бир вақт давомида илғор технологиялардан фойдаланиш, ишлаб чиқариш ва



меҳнатни ташкил қилишнинг илғор шароитларида ишлаб чиқариш мумкин бўлган маҳсулотларнинг максимал даражасидир. У қоидага кўра, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмининг натурал кўринишда, ушбу корxonанинг ихтисослашганлиги ва маҳсулотнинг алоҳида турлари ўртасидаги ўзаро нисбатига кўра аниқланади.

Корxonанинг ишлаб чиқариш қуввати илғор (асосий) цехлар қуввати билан, цехлар қуввати бош участкалар қуввати билан, участкалар қуввати эса бош ускуналар қувватига асосан аниқланади. Корxона ишлаб чиқариш қуввати катталигини белгилаб берувчи кўрсаткичлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- \* ускуналар таркиби ва турлар бўйича сони;
- \* ускуна, агрегат ва дастгоҳлардан фойдаланишнинг техник-иқтисодий норма (норматив) лари;
- \* ускуналарнинг ишлаш вақти фонди;
- \* ишчилар сони;
- \* ишлаб чиқарилаётган маҳсулот номенклатураси ва ассортименти (турлари ва хилма-хиллиги).

Корxона ишлаб чиқариш қувватининг *бошланғич* (йил бошида), *якуний* (йил охирида), *ўртача* йиллик ҳамда *лойиҳа қуввати* турлари мавжуд. Лойиҳа қуввати қурилиш лойиҳасида кўзда тутилган бўлади. Қайта тиклаш, кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириш давомида лойиҳа қуввати катталаштирилиши мумкин. Шу сабабли амалиётда лойиҳа қуввати кўпинча корxonанинг амалдаги қуввати билан солиштирилади. Корxonанинг амалдаги қуввати корxона ишлаб чиқариш дастурини тайёрлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Корxона ишлаб чиқариш қувватини аниқлашда заҳирадаги ускуналардан ташқари, барча ўрнатилган ускуналар ҳисобга олинади. Баъзи бир цехларда (йиғув, қуюв ва бошқа цехларда) ишлаб чиқариш қуввати ишлаб чиқариш майдонларига асосан ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш қувватини аниқлашда маҳсулот бирлигига сарфланувчи вақт нормаси ёки ҳар бир ускунанинг унумдорлик нормалари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар илғор ҳамда прогрессив бўлиши талаб қилинади.

Корхона бош бўғинининг (асосий цехининг) ишлаб чиқариш қуввати қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$M = \frac{n \times \Phi_{\text{макс}}}{M_t}$$

Бу ерда:

$M$  - цех ёки участканинг қабул қилинган ўлчов бирлигидаги ишлаб чиқариш қуввати;

$n$  - цех ёки участкадаги илғор ускуналар сони;

$\Phi_{\text{макс}}$  – бош ускунадан фойдаланиш мумкин бўлган максимал муддат, соат;

$M_t$  – бош ускунада маҳсулот тайёрлашнинг прогрессив меҳнат сиғими, соат.

Амалиётда ишлаб чиқариш қуввати ва ускуналарнинг юкланишини ҳисоблашда баъзида хатолар, улар ўртасидаги фарқни сезмаслик ҳоллари ҳам учраб туради. Корхона қуввати асосий ишлаб чиқариш фондлари, янги техника ва аниқланган захиралардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин бўлган максимал даражани тавсифлайди, ускуналарнинг юкланишни ҳисоблаш натижалари эса, ушбу қувватлардан режадаги даврда фойдаланишнинг даражасини аниқлайди.

Демак, улар ўртасидаги принципиал фарқ шундаки, биринчи ҳолатда корхона ишлаб чиқариши мумкин бўлган маҳсулотларнинг максимал

даражаси аниқланса, иккинчи ҳолда мазкур давр мобайнида ускуналардан қанчалик фойдаланилиши аниқланади.

Ишлаб чиқариш дастурининг корхонада мавжуд бўлган қувватларга мос келишини аниқлаш учун, *ўртача йиллик ишлаб чиқариш қуввати* ҳисоблаб топилади. Уни ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$M_{\text{ыр.йил}} = M_n + \frac{M_v \times n_1}{12} - \frac{M_l \times n_2}{12}$$

Бу ерда:

$M_{\text{ўр.йил}}$  – корхонанинг ўртача йиллик қуввати;

$M_n$  – корхонанинг йил бошидаги қуввати;

$M_v$  – йил мобайнида киритилувчи қуввати;

$M_l$  – йил давомида ишлаб чиқаришдан чиқарилувчи (йўқ қилинувчи) қувват;

$n_1$  ,  $n_2$  – ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишдан ёки тугатилган ишлаб чиқариш қувватлари йўқ қилингандан то йил охиригача ўтган тўлиқ ойлар сони.

Асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишни яхшилаш билан боғлиқ бўлган мазкур чора-тадбирлар, кўпинча ишлаб чиқариш қувватлари балансини тузиш йўли билан амалга оширилиб, корхонанинг ишлаб чиқариш қувватлари ва уларни таъминлаш манбаларига бўлган эҳтиёжи аниқланади.

## **2. Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳолати ва яхшилаш йўналишлари.**

Асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишнинг турли хил кўрсаткичлари мавжуд бўлиб, уларни шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин:

**биринчи гуруҳ** - *умумлаштирувчи* ва *қиймат* кўрсаткичлари бўлиб, улар асосий фондларнинг турли гуруҳларини динамика ва статикада баҳолаш, таҳлил қилиш, захираларни аниқлаш ва башорат қилиш имконини яратади. Бундай кўрсаткичларга фонд қайтими, фонд сиғими, фонд рентабеллиги ва бошқаларни киритиш мумкин.

**иккинчи гуруҳ** - *хусусий* ва *натурал* кўрсаткичлар бўлиб, кўпроқ асосий ишлаб чиқариш фондларининг фаол қисми - ишчилар, машина ва асбоб-ускуналардан фойдаланиш билан боғлиқ.

Кўрсаткичларнинг бу гуруҳи таркибига қуйидагилар киради:

- \* асосий ишлаб чиқариш фондлари(машина ва асбоб-ускуналар)дан экстенсив фойдаланиш коэффициенти, улардан вақт бўйича фойдаланганлик даражасини акс эттиради;
- \* асосий ишлаб чиқариш фондлари(машина ва асбоб-ускуналар)дан интенсив фойдаланиш коэффициенти, улардан қувват бўйича фойдаланганлик (унумдорлик) даражасини акс эттиради;
- \* асосий ишлаб чиқариш фондларидан интеграл фойдаланиш коэффициенти, барча экстенсив ва интенсив омиллардан биргаликда фойдаланишни ҳисобга олади.

Кўрсатилган кўрсаткичларнинг ҳар бири амалиётда мустақил маънога эга бўлиб, турли мақсадларга эришиш учун фойдаланилади. Масалан, асосий ишлаб чиқариш фондларидан вақт бўйича қандай фойдаланилганлигини (экстенсив фойдаланиш) баҳолаш асбоб-ускуналарнинг сменалик коэффициенти, ускуналарни коэффициенти, смена давомида ускуналарнинг бекор туриб қолиши, ускуналардан сменаларда фойдаланиш коэффициенти каби кўрсаткичлар қўлланилади.

Асбоб-ускуналардан экстенсив фойдаланиш коэффициенти мазкур ускуналардан амалда ҳақиқий фойдаланилган вақтнинг улардан режа бўйича фойдаланиш муддатига нисбати орқали аниқланади.

$$K_{\text{экс}} = \frac{t_{\text{хак}}}{t_{\text{реж}}}$$

Бу ерда:

$t_{\text{хак}}$  – ускуналардан ҳақиқий фойдаланилган вақт, соатлар;

$t_{\text{реж}}$  – ускуналарнинг нормага асосан фойдаланиш муддати, соатлар.

Мисол. Агар 8 соатлик смена мобайнида таъмирлаш учун 1 соат режалаштирилиб, амалда 5 соат сарфланган бўлса, у ҳолда экстенсив фойдаланиш коэффициенти 0,71 ( $5/(8-1)$ ) ни ташкил қилади. Бу эса асбоб-ускуналардан смена давомида фақат 71 % фойдаланилганлигини англатади.

Корхоналарда бундай ускуналарнинг бир эмас, бир нечта – ўнта ёки юзтасидан фойдаланилади. Шу муносабат билан ускуналарнинг сменалик коэффициенти - сутка давомида машина-сменаларнинг ўрнатилган ускуналарнинг умумий сони ёки ишчи ўринларига нисбатини аниқлаш зарурияти туғилади. Бу ҳолда сменалик коэффициенти қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$K_{\text{см}} = \frac{МС}{КО}$$

Бу ерда:

МС - сутка давомида ҳақиқий ишланган машина-сменалар йиғиндиси;

Ко - ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг умумий сони.

Мисол. Корхонада 200 дона металл қирқувчи станок сутка мобайнида 360 машина-смена, 60 та темир пресслловчи станок 50 машина-смена, 40 та куёв станоклари эса 30 машина-смена ишлаган. Ушбу ҳолда барча станоклардан фойдаланишнинг сменалилик коэффициенти қуйидагича топилади:

$$K_{см} = \frac{360 + 50 + 30}{200 + 60 + 40} = 1,47$$

Ускуналарнинг сменалилик коэффициентини аниқлашнинг яна бир йўли бўлиб, унга кўра корхоналарнинг бир эмас, икки ёки уч сменада ишлаши ва бунда ускуналарнинг барчасидан ҳам тўлиқ фойдаланилмаслиги кўзда тутилади. Масалан, цехда 270 дона ускуна ўрнатилган бўлиб, биринчи сменада улардан 200 таси, иккинчи сменада эса 190 таси ишлаган. Бу ҳолда ускуналарнинг сменалилик коэффициенти 1,44  $(200+190)/270$  ни ташкил қилади.

**Ускуналарни юкланиш коэффициенти** ҳам ускуналардан вақт бўйича фойдаланишни тавсифлайди. Сменалилик коэффициентидан фарқли равишда, у маҳсулотнинг меҳнат сиғимини ҳисобга олади. У мазкур ускунада тайёрланган барча маҳсулотлар меҳнат сиғимининг унинг ишлаш вақти фондига нисбати орқали аниқланади. Мазкур мисолда ушбу коэффициент қуйидагича бўлади:

$$K_{юк} = \frac{1,44}{2} = 0,72$$

Корхонада асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишни тўлиқ баҳолаш учун экстенсив кўрсаткичлардан ташқари, уларнинг қувват бўйича юкланиш табиатини ўрганиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу ерда юқорида айтиб ўтилганидек, технологик ускуналар амалдаги унумдорлигининг, яъни техник асосланган прогрессив унумдорликнинг

норматив унумдорликка нисбати асосида, яъни **ускуналардан интенсив фойдаланиш коэффициентидан** фойдаланиш, уни қуйидаги формула бўйича ҳисоблаш мумкин:

$$K_{\text{инт}} = \frac{V_{\text{ф}}}{V_{\text{н}}};$$

Бу ерда:  $V_{\text{ф}}$  – вақт бирлигида ускунада ишлаб чиқарилган ҳақақий маҳсулот миқдори;

$V_{\text{н}}$  – вақт бирлигида ускунада техник жиҳатдан асосланган маҳсулот ишлаб чиқариш нормаси.

Мисол. Паспорт маълумотлари бўйича дастгоҳда бир соатда 100 та деталь яшаш мумкин, амалда эса шу вақт ичида фақат 80 та деталь тайёрланди. У ҳолда  $K_{\text{инт}} \approx 0,8$  (80:100), яъни дастгоҳдан қувват бўйича фойдаланиш 80 фоизни ташкил қилди.

**Ускунадан интеграл фойдаланиш коэффициенти** ускунадан экстенсив ва интенсив фойдаланиш коэффициентларининг кўпайтмаси орқали аниқланиб, унинг вақт ва қувват бўйича банд бўлишини (фойдаланилишини) комплекс характерлайди.

Бизнинг мисолимизда  $K_{\text{экс}} \approx 0,71$  ва  $K_{\text{инт}} \approx 0,8$  бўлганлиги туфайли, ускунадан интеграл фойдаланиш коэффициенти қуйидагига тенг бўлади:

$$K_{\text{интегр.}} = K_{\text{экс}} * K_{\text{инт}} = 0,71 * 0,8 = 0,57$$

Корхонанинг асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишнинг умумий ва қиймат кўрсаткичлари нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда, аввало **фонд қайтими** ҳақида тўхталиб ўтиш керак. У асосий фондлар бирлигига (қиймати бўйича) тўғри келган маҳсулот ишлаб чиқаришни характерлайди.

У маҳсулот сотишдан тушган бир йиллик тушумнинг (В) асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қийматига нисбати сифатида аниқланади:

$$\Phi_k = \frac{B}{\Phi_c}$$

Маҳсулотнинг фонд сифими - фонд қайтимига тескари қиймат бўлиб, қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$\Phi_c = \frac{\Phi_{\text{ьр}}}{B}$$

Фонд сифими капитал қўйилмалари (инвестициялар)ни тежаш ёки қўпайтириш билан узвий равишда боғлиқ бўлади. Масалан, маҳсулот фонд сифими пасайиб, унинг ишлаб чиқариш ҳажми доимий ёки ўсувчи бўлганда асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш шароитлари яхшиланади, демак, капитал қўйилмаларини тежаш учун имконият туғилади. Уни топиш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\mathcal{E}_k = \Phi_e \times B$$

Бу ерда:

$\mathcal{E}_k$  – капитал қўйилмаларни тежаш, сўм;

$\Phi_e$  – ҳисобот йилида маҳсулот фонд сифимининг ўтган йилдагига нисбатан ўзгариши, сўм.

Ҳар бир корхона ўз тасарруфидаги асосий ишлаб чиқариш фондларидан иложи борича унумли фойдаланишга интилиши лозим. Бунга фондларни иш билан таъминлашни яхшилаш туфайли ишлаб чиқариш ва маҳсулотларни сотиш ҳажмини ошириш, нисбий харажатларни камайтириш, фойдани оширишдан ташқари асосий фондларда жамиятнинг ўтмишда нарса ҳолига айланган меҳнати мужассамланганлиги ҳам зарурият туғдиради.



Корхона асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишни яхшилашнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- смена давомида ускуналар бекор туриб қолишини қисқартириш ва унинг олдини олиш;
- ускуналарнинг сменалик коэффициентини ошириш;
- бекор турувчи ускуналарни қисқартириш ва тугатиш;
- таъмирлаш ва профилактика тадбирларини ўз вақтида ва сифатли равишда амалга ошириш;
- ускуналарни эксплуатация қилувчи ходимларнинг малакасини ошириш;
- ишлаб чиқаришни ташкил этишни ва ресурслар билан таъминлашни яхшилаш.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Ишлаб чиқариш қуввати нима?
2. Корхона асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишни яхшилашнинг асосий йўналишлари?
3. Корхона ишлаб чиқариш қувватининг қандай турлари мавжуд?

### **Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:**

1. Э.С.Файзиев «Сервис тизими фаолияти асослари» Ўқув кўлланма. Самарқанд. «Зарафшон» нашриёти Д.К, 2010
2. Э.С. Файзиев Сервис соҳасининг иқтисодиётдаги ўрни. Рисола Сам.И.С.И, 2007 й
3. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолари ва уларнинг ечимлари. Монография. Проф. М.Қ.Пардаев, проф., Ҳ.Н.Мусаевлар таҳрири остида. Т.: «Иқтисод-молия», 2008
4. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

## **Мавзу 7. Сервис корхона ва ташкилотларининг айланма фондлари ва айланма маблағлари**

Ушбу мавзуда сервис корхоналарининг айланма маблағлари ва айланма фондлари ҳақида кенг тушунчалар ёритилган. Ҳозирги кунда улардан оқилона фойдаланиш йўллари келтирилган бўлиб, фаолият давомида мавжуд муаммоларни ҳал этишнинг назарий ва амалий жиҳатлари ёритилган.

### **7.1. Сервис корхона ва ташкилотларидаги капитал қўйилмалар**

Маълумки ресурслар чегараланган, улардан оқилона фойдаланиш ҳар бир тадбиркорнинг асосий вазифаларидан биридир. Айниқса, бугунги кунда ушбу масалага жиддий қараш лозим. Замонимиз иқтисодчи олимлари томонидан ушбу масалага доир кўплаб қарашлар мавжуд, уларни таҳлил қилиш ва тежамкорлик, оқилона фойдаланиш йўлларини аниқлаш ҳақида келтирилган маълумотларни кўриб чиқамиз.

#### **Режа:**

1. Сервис корхоналарида айланма фондлар ва айланма маблағлар тушунчаси. Уларнинг таркиби ва тузилиши.
2. Сервис корхона ва ташкилотларининг айланма маблағларга бўлган талабни аниқлаш.

### **1. Сервис корхоналарида айланма фондлар ва айланма маблағлар тушунчаси. Уларнинг таркиби ва тузилиши.**

Корхоналар ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил қилишда меҳнат куруллари (асосий фондлар) ва ишчи кучидан ташқари, **айланма маблағларга** ҳам эга бўлишлари зарур. Айланма маблағлар ишлаб чиқаришнинг айланма фондлари ва муомала фондларини ташкил қилишга мўлжалланган пул маблағларидан иборат. Айланма маблағлар, қоидага кўра,

корхонанинг ҳисоб рақамида нақд пул кўринишида жамғарилади. ҳар бир корхонанинг айланма маблағлари асосий фондларнинг техник ҳолати ва маҳсулот ишлаб чиқариш дастури билан боғлиқ. Корхона қанчалик катта ва унинг ишлаб чиқараётган маҳсулотлари турлари кўп бўлса, айланма маблағлар шунчалик кўп талаб қилинади. Айланма маблағлар ишлаб чиқариш ва унинг узлуксизлигини таъминлашнинг моддий асоси ҳисобланади.

“Айланма маблағлар” атамасидан ташқари “айланма капитал” ибораси ҳам кўп қўлланилиб, асосан иқтисодий назария ва хўжалик юритишнинг хорижий тажрибасидан олинади. Моҳиятига кўра, **айланма капитал** корхона ишлаб чиқариш капиталининг бир қисми бўлиб, унинг қиймати ишлаб чиқаришнинг ҳар бир циклида ишлаб чиқарилган маҳсулотга ўтказилади ҳамда ушбу товарни сотгандан сўнг корхонага қайтарилади. Айланма капитал кўпинча корхонанинг пул маблағлари ҳисобланувчи ёки ишлаб чиқариш жараёнида пул маблағларига айлантирилувчи ҳаракатчан активлари қаторига киритилади.

Иқтисодий табиати, бажарувчи вазифалари ва ишлаб чиқариш жараёнидаги ўрнига кўра, “айланма маблағлар” ва “айланма капитал” ўртасида сезиларли фарқ йўқ. Корхона доимий капиталининг таркибий қисми сифатида улар хом ашё, ёқилғи, энергия ресурслари, ёрдамчи ва бошқа материалларда юзага келади, шунингдек, ишчи кучларини ёллаш ва уларнинг меҳнатига ҳақ тўлашга бўнак (аванс) тариқасида берилади. Айланма маблағларга бўлган қўшимча талаб банклардан олинadиган кредитлар ҳисобига қопланади.

Бозор иқтисодиёти шароитларида корхоналарнинг айланма маблағларга етарли тарзда эга бўлиши уларнинг нормал фаолият юритиши гарови ҳисобланади. Шунинг ҳам унутмаслик зарурки, ишлаб чиқараётган маҳсулот бирлигига сарфланувчи хом ашё, материал, ёқилғи ва энергия миқдори маҳсулот сифатига таъсир кўрсатмаган ҳолда қанчалик кам бўлса,

маҳсулот шунчалик арзонлашади ҳамда айланма маблағлар камроқ сарфланиб, улардан фойдаланиш самарадорлиги юқори бўлади.

Корхоналарнинг айланма маблағлари айланма фондлари ва муомала фондларига тақсимланади. Бундай тақсимлаш уларнинг моддий–буюмлашган тузилишидан ташқари, ишлаб чиқариш жараёни ва умуман, корхонанинг иқтисодий фаолиятидаги иштироки асосида амалга оширилади. Бундан ташқари, тақсимлаш режалаштиришни ташкил қилишда ҳамда корхонанинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларида айланма маблағларга бўлган эҳтиёжини аниқлашда катта роль ўйнайди.

**Айланма ишлаб чиқариш фондлари**–корхона ишлаб чиқариш фондларининг бир қисми бўлиб, битта ишлаб чиқариш цикли давомида сарфланади ҳамда натурал шаклини ўзгартириб, ўз қийматини тўлиғича тайёр маҳсулот таннархига ўтказади. Шу сабабли айланма ишлаб чиқариш фондлари ишлаб чиқариш жараёнининг мажбурий элементи ва ишлаб чиқариш харажатларининг асосий қисми ҳисобланади.

Корхона айланма ишлаб чиқариш фондлари қаторига хом ашё ва материаллар захираси, ярим тайёр маҳсулотлар, ёқилғи ва энергетика ресурслари, қадоклаш ва ўров материаллари, эҳтиёт қисмлар, тугалланмаган ишлаб чиқариш ва келажакдаги харажатларни киритиш мумкин. Режалаштириш, системали ҳисоб ва ҳисоботни ташкил қилиш учун қулайлик яратиш мақсадида айланма ишлаб чиқариш фондлари уч гуруҳга бўлинади:

- \* ишлаб чиқариш заҳиралари;
- \* тугалланмаган ишлаб чиқариш ва корхонада тайёрланган ярим тайёр маҳсулотлар;
- \* келгуси давр харажатлари.

**Муомала фондлари** корхонанинг тайёр маҳсулот захирасини яратиш учун мўлжалланган пул маблағлари, шунингдек, чек ва векселлар, акциядорларнинг қарзлари, турли хил дебиторлик қарзлари, банк ва

кассаларнинг ҳисоб рақамларидаги маблағлардан иборат бўлади. Муомала фондлари ва айланма ишлаб чиқариш фондлари мажмуаси, корхонанинг айланма маблағлари(капитали)ни ташкил қилади.

Ишлаб чиқаришда банд бўлган айланма маблағлар катталигини белгиловчи асосий омиллар – бу, маҳсулот тайёрлашнинг ишлаб чиқариш цикли узунлиги, меҳнатни ташкил қилиш, техника ва технологиянинг ривожланиш даражаси, меҳнат предметлари ва қуролларидан фойдаланиш нормаларидир. Айланма маблағлар катталиги, шунингдек, маҳсулотларни сотиш шароитлари, таъминот ва маҳсулотни сотиш тизимини ташкил қилиш даражаси билан ҳам боғлиқ бўлади.

Юқорида келтирилган ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда шунини айтиш мумкинки, айланма маблағлардан қуйидаги ҳолларда фойдаланилади:

- хом ашё, материал, эҳтиёт қисмлар ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил қилишда зарур бўлган бошқа меҳнат предметлари;
- ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинувчи электр энергияси, ёқилғи каби ресурслар учун ҳақ тўлаш;
- корхонани ташкил этиш ва фаолият юритиш даврида ойлик иш ҳақи тўланиши;
- солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш.

Бозор муносабатлари ва деярли барча ресурслар тақчиллиги шароитларида айланма маблағлар, биринчи ўринда моддий ресурслардан рационал фойдаланиш ва уларни шакллантириш заҳираларини излаб топиш ҳар бир корхона олдида турган муҳим вазифа ҳисобланади. Бунда **заҳира** деганда, моддий ва пул ресурсларини яхшилашнинг юзага келган ёки юзага келаётган, лекин ҳали фойдаланилмаган (тўлиқ ёки қисман) имкониятларини тушуниш лозим.

Бу заҳиралар келиб чиқиши ва фойдаланилишига кўра халқ хўжалигига ва тармоқларга тегишли ёки тармоқлараро, ишлаб чиқариш ичидаги ( завод,

цех ва ҳоказо) турларига бўлинади. «Корхона иқтисодиёти»да **ички ишлаб чиқариш захиралари** - ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил қилиш ҳамда техника ва технологияни такомиллаштириш, маҳсулотларнинг янги ва янада мукамал турларини ўзлаштириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш билан бевосита боғлиқ бўлган моддий ресурслардан фойдаланишни яхшилаш имкониятлари, катта аҳамият касб этади. Захиралар шунингдек, моддий ресурсларни сарфлашни нормаллаштириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг меҳнат сиғимини камайтириш, меҳнатни ташкил қилишнинг рационал усуллари қўллаш натижасида ҳам аниқланади. Қисқача айтганда ҳар бир корхона, айниқса, йирик ва машинасозлик корхоналари ҳамда уларга яқин бўлган корхоналар, моддий ва пул ресурсларидан, яъни хусусий капитал ва бошқа активлардан рационал фойдаланиш бўйича пухта ишлаб чиқилган чора-тадбирлар мажмуасига эга бўлиши зарур.

Ресурслардан самарали фойдаланишнинг техник-ишлаб чиқариш йўналишлари қаторига, бирламчи хом ашёни ишлаб чиқаришда фойдаланишга сифатли равишда тайёрлаш, машина ва ускуналар конструкциясини такомиллаштириш, хом ашё, материал, ёқилғиларнинг тежамкор турларидан фойдаланиш, ишлаб чиқариш чиқитларини камайтирувчи ҳамда иккиламчи ресурслардан максимал даражада фойдаланиш ва барча турдаги йўқотишларнинг олдини олишни таъминловчи янги техника ва технологияларни жорий қилишни киритиш мумкин.

Ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий йўналишлари қаторига, маҳсулотлар материал сиғимини режалаштириш ва нормалаштиришнинг илмий даражасини ошириш, ресурсларни сарфлашнинг техник жиҳатдан асослаб берилган норма ва нормативларини ишлаб чиқиш, “эски” ва “янги” маҳсулот ишлаб чиқариш ўртасида прогрессив пропорцияларни белгилаш, меҳнатни ташкил қилишнинг самарали

усулларини рағбатлантириш билан боғлиқ бўлган чора-тадбирлар киритилади.

Айланма маблағлар ва уларнинг таркибий қисмларидан самарали фойдаланишнинг асосий йўналишлари иш жойларида (бригада, цех ва ишлаб чиқариш участкаларида) битта миқдордаги хом ашё ва материаллардан тайёрланувчи якуний маҳсулотларни кўпайтиришдадир. У ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан таъминлаш, ходимларнинг малакаси, моддий-техника таъминоти, моддий ресурслар заҳираларини сарфлаш нормаларига боғлиқ бўлади.

## **2. Сервис корхона ва ташкилотларининг айланма маблағларга бўлган талабини аниқлаш.**

Шаклланиш манбаига кўра, айланма маблағлар хусусий ва қарзга олинган турларга бўлинади.

**Хусусий айланма маблағлар** доимо корхона ихтиёрида бўлиб, хусусий ресурслар, асосан фойда ҳисобига шаклланади. Корхонанинг хусусий айланма маблағлари қаторига иш ҳақи бўйича қарзлар, таъминотчилар ёки ҳамкорлар қарзлари, буюртмачиларнинг тайёрланган маҳсулот учун тўлаган пуллари кабиларни киритиш мумкин. Бу маблағлар хусусий маблағларга тенглаштирилган маблағлар ёки корхонанинг барқарор пассивлари деб аталади.

**Қарзга олинган айланма маблағлар** доимо ҳаракатда бўлмайди ҳамда корхонанинг маҳсулотларни сотишдаги қийинчиликлар, моддий-товар бойликлар билан таъминлаш, маҳсулот ишлаб чиқариш дастурини ошириб бажариш ва бошқа вақтинчалик эҳтиёжларни қоплаш учун фойдаланилади. Улар қаторига банк кредитлари, кредиторлик қарзлари (тижорат кредитлари) ва бошқа пассивларни киритиш мумкин.

Айланма маблағларни бошқариш маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнининг узлуксизлигини таъминлашда айланма маблағлардан иложи

борича камроқ фойдаланишда ифодаланади. Бу эса корхона айланма маблағлари айланишининг барча босқичларида мос равишда минимал, лекин етарли тарзда рационал тақсимланиши зарурлигини англатади. Бу вазифа ўз навбатида моддий ресурслар заҳиралари ва харажатларини нормалаштириш туфайли муваффақиятли амалга оширилмоқда.

**Айланма маблағларни нормалаштириш** корxonанинг узлуксиз ишлаши таъминлайдиган моддий бойлик ва бошқа ресурсларнинг минимал, лекин етарли заҳираларини шакллантириш учун зарур бўлган пул маблағларини аниқлашда ифодаланади. У ички заҳираларни аниқлаш, ишлаб чиқариш цикли давомийлигини қисқартириш ва тайёр маҳсулотни тезроқ сотиш имкон яратади.

Бироқ амалиётда корxonаларнинг барча айланма маблағлари ҳам нормалаштирилмайди. Шу сабабли айланма маблағлар нормалаштирилувчи ва нормалаштирилмайдиган турларга тақсимланади ва улар ҳозирги бозор муносабатлари шароитларида ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Нормалаштирилувчи айланма маблағлар қаторига корхона омборларидаги ишлаб чиқариш заҳиралари (хом ашё, материаллар, ёқилғи, унчалик қиммат бўлмаган предметлар ва жиҳозлар), тугалланмаган ишлаб чиқариш, келгуси давр харажатлари ва омбордаги тайёр маҳсулотлар киритилади.

Нормалаштирилмайдиган айланма маблағлар, бу – харидорларга бериб юборилган тайёр маҳсулот ёки товарлар, ҳисоб рақамидаги пул маблағларидир.

Корxonалар фаолиятида барча айланма маблағлар салмоғида 70-80%ни ташкил қилувчи нормалаштирилувчи айланма маблағлар асосий ўрин тутади. Айланма маблағларни нормалаштириш тежамкорлик режимига риоя қилиш ва ресурслардан оқилона фойдаланиш имконини яратади.

**Назорат ва муҳокама учун саволлар:**



1. Айланма маблағ нима?
2. Сервис корхоналарида айланма фондларнинг таркибига нималар киради?
3. Айланма маблағларни нормалаштириш деганда нимани тушунаси?

#### **Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:**

1. Э.С.Файзиев «Сервис тизими фаолияти асослари» Ўқув қўлланма. Самарқанд. «Зарафшон» нашриёти Д.К, 2010
2. Э.С. Файзиев Сервис соҳасининг иқтисодиётдаги ўрни. Рисола Сам.И.С.И, 2007 й
3. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолари ва уларнинг ечимлари. Монография. Проф. М.Қ.Пардаев, проф., Ҳ.Н.Мусаевлар таҳрири остида. Т.: «Иқтисод-молия», 2008
4. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
5. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

#### **7.2. Айланма фондлар ва айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари**

Корхона айланма маблағларини нормалаштириш тадбирлари ишлаб чиқариш заҳираларини нормалаштириш, шунингдек, тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг оптимал катталиги, тайёр маҳсулот қолдиқлари ва келгуси давр харажатларини аниқлаш билан боғлиқ вазифаларни ечишга олиб келади.

#### **Режа:**

1. Айланма маблағларни баҳолаш кўрсаткичлари.
2. Сервис корхона ва ташкилларида айланма фондлар ва айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари.

#### **1. Айланма маблағларни баҳолаш кўрсаткичлари.**

Ресурсларни нормалаштириш жараёнида айланма маблағларнинг норма ва нормативлари белгиланади.

Айланма маблағларнинг нормаси, корхона моддий-товар бойликларининг минимал захираларини тавсифлайди ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бирлигига тўғри келувчи пул ўлчовида, захира кунлари ва захира нормаларида ҳисобланади.

Айланма маблағларнинг нормативи айланма маблағлар нормасини, нормаси аниқланган кўрсаткичга кўпайтиришни ифодалайди ҳамда қоидага кўра, пул кўринишида ўлчанади. У қуйидаги формула асосида ҳисобланиши мумкин:

$$N_{\text{ай.м}} \cdot K_{\text{ич.з}} \cdot K_{\text{т.ич}} \cdot K_{\text{т.м}}$$

Бу ерда:

$N_{\text{ич.з}}$  - ишлаб чиқарилган захиралар нормаси;

$N_{\text{т.ич}}$  – тугалланмаган ишлаб чиқариш нормаси;

$N_{\text{т.м}}$  - тайёр маҳсулот нормаси.

Айланма маблағларни нормалаштириш ва айниқса, моддий ресурсларни сарфлаш нормаларини белгилашда қуйидаги тамойилларга амал қилиш лозим:

- \* нормаларнинг прогрессивлиги ва динамиклиги;
- \* нормаларнинг иқтисодий ва ишлаб чиқариш–техникавий жиҳатдан асосланганлиги;
- \* хом ашё, материал, ёқилғи, электр энергияси ва бошқа ресурслар ўлчамини тўғри танлаш;
- \* чиқит ва йўқотишларнинг олдини олиш;

\* эскирган нормаларни қайта кўриб чиқиш ҳамда уларни фан-техника тараққиёти ютуқларига мос ҳолга келтириш.

Моддий ва бошқа ресурсларни нормалаштиришда бир неча усуллар қўлланилади. Амалиётда қуйидаги усуллар кўпроқ учрайди:

1. Ўтган йиллар давомида амалда сарфланган ресурслар тўғрисидаги ҳисобот маълумотларини ўрганиш ҳамда бир неча йиллар давомида рўй берган пасайишларни ҳисоблашга асосланувчи статистика-тажриба усули.

2. Лаборатория тажрибаларига асосан яратилган ҳамда инструментлар ва ёрдамчи материаллар сарфланиши нормасини аниқлашда қўлланилувчи - лаборатория–техникавий усули.

3. Юзага келган ишлаб чиқариш шароитларидан ташқари бошқа корхоналарнинг илғор тажрибалари ва ютуқларини ҳам ҳисобга олиш имконини берувчи, моддий ресурслардан фойдаланишни нормалаштиришнинг мукамалроқ усули ҳисобланувчи – ҳисоб-таҳлилий усули.

Корхона айланма маблағларини нормалаштириш тадбирлари ишлаб чиқариш захираларини нормалаштириш, шунингдек, тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг оптимал катталиги, тайёр маҳсулот қолдиқлари ва келгуси давр харажатларини аниқлаш билан боғлиқ вазифаларни ечишга олиб келади.

**Ишлаб чиқариш захираларини нормалаштириш**, корхонанинг узлуксиз фаолият юритишини таъминлаш мақсадида амалга оширилади. Агар ишлаб чиқариш захиралари нормативлардан паст бўлса, ишлаб чиқариш жараёнининг издан чиқиши, ишчи кучи ва ускуналарнинг бекор туриб қолиши, корхонанинг ишлаб чиқариш ва иқтисодий кўрсаткичлари пасайишига олиб келиши мумкин. Шу билан бир пайтда, ишлаб чиқариш захираларининг белгиланган норма ва нормативлардан ошиб кетишига ҳам йўл қўймаслик керак, чунки бу маблағларнинг “музлаб” қолишига ва натижада корхона ва давлатнинг зарар кўришига олиб келади.

Ишлаб чиқариш захиралари жорий, суғурта (кафолатли), тайёрлов (технологик) ва мавсумий турларга бўлинади.

**Жорий захира** – бу, материаллар етказиб бериш оралиғида ишлаб чиқаришни моддий ресурслар билан таъминлаш учун зарур бўлган захирадир. Жорий захиралар материал етказиб бериш даври, оралиғи ҳамда хом ашё ва бошқа материалларнинг суткалик сарфланишига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади.

**Мисол.** Нон комбинати бир суткада 10 тонна ун сарфлайди, тегирмондан эса бир ойда бир марта ун қабул қилади. Яъни етказиб бериш оралиғи 30 кунни ташкил қилади. Демак, уннинг максимал даражадаги жорий захираси 300 (10x30) тоннани, ўртача жорий захираси 150 (10x30:2) тоннани, ун ҳар ўн кунда етказиб берилгандаги минимал жорий захираси эса 50 (10x10:2) тоннани ташкил қилади.

Шу тариқа жорий захиралар ҳажми кўп жиҳатдан етказиб бериш оралиғига боғлиқ бўлади: оралиқ қанчалик кичик бўлса, захира шунчалик кам бўлади. Бундан келиб чиққан ҳолда жорий захира миқдорини қуйидаги формула асосида топиш мумкин:

$$Z_{\max} \text{ қ } M_{\text{ўр}} \times T_{\text{т.ц}}$$

Бу ерда:

$M_{\text{ўр}}$  – ушбу материалдан ўртача суткалик фойдаланиш миқдори (Т., дона);

$T_{\text{т.ц}}$  – етказиб бериш оралиғи ёки таъминот цикли, кунлар.

**Суғурта (кафолат) захирасидан** таъминотда юзага келиши мумкин бўлган узилишлар ёки кўзда тутилмаган ҳолатларда фойдаланиш мўлжалланади. Кўпинча суғурта захирасининг миқдори жорий захира

нормасининг 50% миқдорида белгиланади ҳамда қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$Z_{\text{стр}} \text{ қ } M_{\text{ўр}} \times (T_1 \text{ Қ } T_2 \text{ Қ } T_3 \text{ Қ } T_4)$$

Бу ерда:

$T_1$  – материални юклаш учун кетадиган вақт;

$T_2$  – материаллар йўлда бўладиган вақт;

$T_3$  – материалларни омборга қабул қилиш вақти;

$T_4$  – материалларни фойдаланишга тайёрлаш вақти.

Суғурта заҳираси омборда жорий заҳира билан биргаликда сақланади ҳамда ундан умуман фарқ қилмасида, алоҳида ҳисобга олинади ва фақат корхона раҳбариятининг руҳсати билангина сарфланади.

**Тайёрлов (технологик) заҳирасидан** хом ашё ва материалларни ишлаб чиқаришга киритиш учун тайёр ҳолга келтиришда фойдаланилади. Бундай заҳиралар ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари ва технологияларига эга бўлган корхоналардагина яратилади. Бундай корхоналар қаторига ёғ-мой комбинати, ёғочни қайта ишлаш корхонаси кабиларни киритиш мумкин. Мазкур ҳолларда тайёрлов заҳираси миқдори тайёрлов технологияси ва операцияларига мос ҳолда нормага солинади.

**Мавсумий заҳиралар** асосан учта сабабга кўра юзага келади: биринчидан, хом ашё тайёрлашнинг мавсумийлиги; иккинчидан, уни истеъмол қилишнинг мавсумийлиги; учинчидан, материалларни етказиб беришнинг мавсумийлиги. Мавсумий заҳиралар ҳажми худди жорий заҳиралар ҳажми каби, ўртача бир суткада истеъмол қилиш ва мавсумий заҳиралар яратилиши лозим бўлган вақтга асосан аниқланади.

Ишлаб чиқариш заҳираларини нормалаштириш, ишлаб чиқаришда қўлланилувчи ҳар бир меҳнат предмети (хом ашё ва материаллар, ёрдамчи

материаллар ва бошқалар) учун алоҳида амалга оширилади ҳамда бу ўз навбатида ишлаб чиқариш захираларини яратишда айланма маблағларга бўлган эҳтиёжни аниқлашга асос бўлиб хизмат қилади.

### **Тугалланмаган ишлаб чиқаришни нормалаштириш.**

Тугалланмаган ишлаб чиқариш бўйича айланма маблағлар нормативини аниқлаш корхона фаолиятидаги энг мураккаб ва кўп меҳнат талаб қилувчи жараён ҳисобланади. Тугалланмаган ишлаб чиқариш сифатида ишлаб чиқаришнинг турли босқичларида - хом ашёни техник назорат бўлими (ТНБ) томонидан қабул қилишдан то тайёр маҳсулот омборига топширгунга қадар ишлов берилаётган маҳсулотларни кўрсатиши мумкин.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш бўйича айланма маблағлар нормативи миқдори қуйидагиларга боғлиқ бўлади:

1.Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми.

2.Маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланувчи жорий харажатлар, яъни таннарх.

3.Хом ашё ва материалларни ишлаб чиқаришга киритиш вақтидан то тайёр маҳсулот чиқишигача бўлган ишлаб чиқариш циклининг давомийлиги. Ишлаб чиқариш циклининг давомийлигини топишда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$T_{ич.ц} = t_{техн} + t_{контр} + t_{транс} + t_{тан}$$

Бу ерда:

$t_{техн}$  - маҳсулот ишлаб чиқаришдаги барча операцияларга сарфланувчи вақти;

$t_{тан}$  - операциялар оралиғидаги вақт (танаффуслар);

$t_{транс}$  — транспортда ташиш вақти;

$t_{\text{контр}}$  - маҳсулотни йиғиш, қабул қилиш ва ТНБга топшириш вақти.

Тугалланмаган ишлаб чиқаришга жалб қилинган айланма маблағларнинг ўсиши хом ашё ва материалларни ишлаб чиқаришга киритиш билан бошланади ҳамда ишлаб чиқариш цикли якунида (тайёр маҳсулот омборга топширилганда) энг юқори нуқтасига чиқади. Тугалланмаган ишлаб чиқариш нормативини ҳисоблашда ишлаб чиқариш цикли кунларда белгиланади ҳамда бунда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$H_{\text{т.ич}} \text{ қ } M_{\text{к}} \times T_{\text{ич.ц}} \times K_{\text{х.ў}}$$

Бу ерда:

$M_{\text{к}}$  - ўртача бир кунлик харажатлар, сўмларда;

$T_{\text{ич.ц}}$  - ишлаб чиқариш цикли давомийлиги, кунларда;

$K_{\text{х.ў}}$  - харажатларнинг ўсиш коэффициенти.

Харажатларнинг ўсиш коэффициенти асосий материаллар ( $M_{\text{а}}$ ) тўлик қийматда олинувчи катталиқ сифатида ҳисобланади. Ишлаб чиқариш харажатлари ( $M_{\text{ич}}$ ) бутун ишлаб чиқариш цикли мобайнида бир хил суратда ўсиб боради ҳамда 50% қийматда ҳисобга олинади:

$$K_{\text{нз}} \text{ қ } (M_{\text{а}} \text{ қ } 0,5M_{\text{ич}}) : C$$

Бу ерда:

$C$  - маҳсулот бирлигининг режадаги таннархи.

Агар кейинги харажатлар ( $M_{\text{ич}}$ ) бир хил сурат билан ўзгармаса, у ҳолда ўсиш коэффициенти қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_{\text{х.ў}} \text{ қ } (M_{\text{а}} \text{ қ } k \cdot C_{\text{яф}} \text{ қ } k \cdot C_{\text{бут}} \text{ қ } 0,5M_{\text{ич}}) : C$$

Бу ерда:

к, к – ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи қисмларни мос равишда пасайтирувчи коэффициентлари;

$C_{яф}$  - ярим тайёр маҳсулотлар қиймати;

$C_{бут}$  - бутловчи қисмлар қиймати.

Пасайтирувчи коэффициентлар ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи қисмларга ишлов берилган кунларнинг ишлаб чиқариш цикли давомийлигига нисбатини ифодалайди. Масалан, агар ишлаб чиқариш цикли 20 кун бўлиб, бутловчи қисмлар 8 кун давомида ишлаб чиқаришда бўлган бўлса, пасайтирувчи коэффициент 0,4 (8:20) га тенг бўлади.

**Тайёр маҳсулот қолдиқларини нормалаштириш.** Ишлаб чиқариш жараёни тугаллангандан сўнг меҳнат предметлари тайёр маҳсулот кўринишида муомалага киритилади.

Айланма маблағларнинг тайёр маҳсулотга айланиш нормативи миқдори, ўртача бир суткалик ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг (таннархи бўйича) айланма маблағларнинг кунлардаги тайёр маҳсулот нормасига сифатида, яъни тайёр маҳсулотнинг корхона омборида сақланиш муддати сифатида аниқланади:

$$Г_n \text{ қ } В : Т \times Н_{Т,М}$$

Бу ерда:

$Г_n$  – тайёр маҳсулот нормативи;

$В$  - режалаштирилган даврда режадаги таннарх бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулот;

$Н_{Тн}$  – тайёр маҳсулотлардаги айланма маблағлар захиралари нормаси, кунларда;

$Т$  - режадаги даврда календар кунлар миқдори.



Тайёр маҳсулотнинг омборда сақланиш муддати тайёр маҳсулотни транспортировка қилиш ва сотишга боғлиқ бўлади. Айланма маблағларнинг ушбу нормасидаги кунлар сони маҳсулотни тайёрлаш, юклаш, ҳужжатларни тайёрлаш ва уларни банкка топшириш учун зарур бўлган кунлардан иборат бўлади.

**Келгуси давр харажатларни нормалаштириш.** Ўсиб бораётган фан-техника тараққиёти суръатлари айланма маблағларнинг келгуси давр харажатлари аҳамиятини оширмоқда. Бу харажатлар корхонанинг махсус бухгалтерия ҳисобида учта манба: янги техникани ўзлаштириш фонди (агар корхонада шундай фонд мавжуд бўлса), банк кредити ва фойда (харажатларни маҳсулот таннархига киритиш йўли билан) ҳисобига йиғилади. Айланма маблағларнинг келгуси давр харажатлари ( $H_{кд}$ ) нормасини ҳисоблашда қуйидаги формулага амал қилинади:

$$H_{кд} = P \cdot Q \cdot P_{ич} \cdot Q \cdot P_{т}$$

Бу ерда:

$P$  - йил бошида келгуси давр харажатлари учун сарфланиши мўлжалланган маблағлар миқдори (бухгалтерия ҳисоботи бўйича);

$P_{ич}$  - режадаги йилда лойиҳа-сметаларда кўзда тутилган ишлаб чиқариш харажатлари;

$P_{т}$  - ўзлаштирилаётган маҳсулот таннархига киритилувчи ҳамда сметаларда кўзда тутилувчи ёки махсус манбалар ҳисобига қопланувчи харажатлар.

Алоҳида элементлар бўйича айланма маблағлар харажатлари нормалари аниқлангандан сўнг, айланма маблағларга бўлган умумий эҳтиёжлар (норматив) миқдори ҳисобланади. Корхона айланма маблағларига бўлган умумий эҳтиёж, ишлаб чиқариш заҳиралари (хом ашё ва асосий материаллар, ёрдамчи материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар, харид

килинувчи маҳсулотлар, қадоқлаш ва ўров материаллари, ёқилғи ва ҳоказолар), тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот ва келгуси давр харажатларидан иборат бўлади.

## **2. Сервис корхона ва ташкилтиларида айланма фондлар ва айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари.**

Айланма маблағлар айланишини тезлаштириш нафақат корхона учун, балки бутун халқ хўжалиги учун ҳам катта аҳамият касб этади. У ресурсларнинг нисбий озод қилиниши, ижтимоий харажатларнинг камайтирилишига кўмаклашади ва иқтисодий режалаштириш суръатини оширади.

Корхона айланма маблағларидан самарали фойдаланиш учта асосий кўрсаткични тавсифлайди:

- 1) айланиш коэффиценти;
- 2) айланма маблағларнинг юкланиш коэффиценти;
- 3) воситаларнинг бир марта айланиши давомийлиги.

**Айланиш коэффиценти** корхона айланма маблағларининг маълум бир вақт (йил, чорак) давомида амалга оширувчи айланишини тавсифлайди ёки айланма маблағларнинг ҳар 1 сўмига тўғри келувчи сотилган маҳсулотларни кўрсатади. У қуйидаги формула асосида ҳисоблаб топилади:

$$K_a \text{ қ } P_m : C_a$$

Бу ерда:

$P_m$  – сотилган маҳсулот ҳажми, пул ўлчовида;

$C_a$  – айланма маблағларнинг ўртача қолдиқ ҳажми, пул ўлчовида (айланма маблағлар нормативи).

Мисол. Корхонанинг бир йил мобайнида сотилган маҳсулотлари ҳажми 800 млн сўмни ташкил қилади. Бу ҳолда айланма маблағлар нормаси 200 млн сўмни ташкил қилади. Демак  $K_a$  қ 4,4 (880:200).

**Айланма маблағларни юкланиш коэффиценти** айланиш коэффицентиға тескари бўлган қийматдир. У сотилган ҳар 1 сўм маҳсулотға сарфланган айланма маблағларни тавсифлайди ҳамда қуйидаги формула асосида ҳисоблаб топилади:

$$K_{\text{ю}} \text{ қ } C_a : P_m$$

**Бир марта айланиш давомийлиги** кунларда ўлчанади ҳамда шу даврдаги кунлар сонини айланиш коэффицентиға нисбати орқали қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$T_{\text{қД}} : K_a$$

Бу ерда:

Д - шу даврдаги кунлар сони (360, 90).

Айланма маблағларнинг тўлиқ айланиш муддати қанчалик кичик ёки бу айланишлар сони қанчалик кўп бўлса, айланма маблағлар шунчалик кам талаб қилинади ва аксинча, айланма маблағлар қанчалик тез айланишда бўлса, шунчалик самарали ишлатилади.

Бугунги кунда айланма маблағларда, айниқса, корхоналарнинг моддий-товар бойликларида банд бўлган йирик миқдордаги пул маблағлари уларнинг тўлиқ сақланишиға эътибор қаратиш, улардан мақсадларға мувофиқ ва самарали фойдаланиш, шунингдек, уларнинг айланишини тезлаштиришни талаб қилади. Корхоналар олдиға кўйилган вазифаларни бажариш қуйидагиларни амалға оширишни талаб қилади:

- \* фан-техника тараққиёти ютуқларини кенг қўллаш;
- \* ишлаб чиқаришнинг барча жараёнларида илмий жиҳатдан асосланган норма ва нормативлар тизимини яратиш;
- \* корхоналарни узоқ муддатли хўжалик алоқалари юритишга ўтказиш ва кооперация қилишни ривожлантириш;
- \* маҳсулотлар, молиявий, моддий ва куч-қувват ресурсларининг сифат балансини тузиш;
- \* бошқариш тизимини ташкил этишнинг ва рағбатлантиришнинг оптимал шакллари қўллаш.

**Мутлақ озод қилиш** корxonанинг айланма маблағларга бўлган эҳтиёжини камайтиришни тавсифлайди ҳамда мавжуд ресурслардан рационал фойдаланишга оид турли ташкилий-техник чора-тадбирлар ҳисобига амалга оширилади.

**Мисол.** Корхона айланма маблағларининг ўртача миқдори 2000 йилда 100 млн сўмни ташкил қилади. 2001 йилда ишлаб чиқариш ҳажмини ўзгартирмаган ҳолда 90 млн сўм миқдорида эҳтиёж режалаштирилмоқда. Бу ҳолда асосий воситаларнинг мутлақ озод қилиниши 10 млн сўмни ташкил қилади.

**Нисбий озод қилиш** айланма маблағлари ҳажмининг ўзгариши ҳамда сотилган маҳсулот ҳажмининг ўзгаришини акс эттиради. Уни аниқлаш учун ҳисобот йилида айланма маблағларга эҳтиёжни, маҳсулотни мазкур давр мобайнида сотиш бўйича ҳақиқий айланиш ҳамда ўтган даврдаги айланишни (кунларда) инобатга олган ҳолда ҳисоблаш зарур. Улар ўртасидаги фарқ озод қилинган воситалар миқдорини беради.

**Мисол.** Корхонада 1999 йилда сотилган маҳсулот қиймати 360 млн сўмни, 2000 йилда эса 400 млн сўмни ташкил қилган. Айланма маблағларнинг ўртача қолдиғи 1999 йилда 100 млн сўм, 2000 йилда эса 95 млн сўмни ташкил қилган. Айланиш муддати 1999 йилда 100 кун ( $100 \times 360 : 360$ ). 2000 йилда айланма маблағларга эҳтиёж 111 млн сўм

(400x100:360). 1999 йилда айланма маблағларнинг ўртача қолдиғи 95 млн сўмни ташкил қилганини ҳисобга оладиган бўлсак, воситаларнинг нисбий озод қилиниши 16 млн сўмни (111 - 95) ташкил этади.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Айланма маблағларни баҳолаш нима учун керак?
2. Айланма маблағ нима?
3. Айланма маблағларнинг нормаси?

### **Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:**

1. Э.С.Файзиев «Сервис тизими фаолияти асослари» Ўқув қўлланма. Самарқанд. «Зарафшон» нашриёти Д.К, 2010
2. Э.С. Файзиев Сервис соҳасининг иқтисодиётдаги ўрни. Рисола Сам.И.С.И, 2007 й
3. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолари ва уларнинг ечимлари. Монография. Проф. М.Қ.Пардаев, проф., Ҳ.Н.Мусаевлар таҳрири остида. Т.: «Иқтисод-молия», 2008
4. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
5. [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)

## **Мавзу 8. Сервис корхона ва ташкилотларида ишлаб чиқаришни ҳамда маркетинг хизматларини режалаштириш**

Ҳар бир фаолиятни бошлашдан олдин тадбиркор ёки ишбилармон ўз олдига мақсад ва вазифаларни белгилаб олиши зарур. Бу жараёнда, тадбиркорлар режа ва башоратлар билан дуч келадилар. Ушбу мавзуда сервис хизматларини кўрсатаётган корхоналарнинг режалари ҳақида кенг тушунчалар берилган,

### **8.1. Сервис корхоналари фаолиятини режалаштиришнинг моҳияти ва аҳамияти**

Ҳар қандай фаолиятни бошлашдан олдин унинг натижасини олдиндан башорат қилиш ва аста-секинлик билан бозорга кириш ва рақобат муҳитида қийинчиликларга дуч келган пайтда, уларни қандай қилиб енгиш кераклигини билиб қуйиш зарур. Айниқса, бугунги рақобат муҳитининг ривожланиши ва иқтисодий фаол корхоналарнинг ортиши натижасида бозорда режаларсиз ўз ўрнини сақлаб қолиш қийин кечади.

### **Режа:**

1. Хизматларни сотиш режасининг тузилиши.
2. Сотиш режасининг асосий вазифалари.

### **1. Хизматларни сотиш режасининг тузилиши.**

Хўжалик юритишнинг бозор тизимида хос бўлган иқтисодий муносабатлар ривожланишнинг ноаниқлиги, корхона иқтисодиёти ривожланишининг мос келувчи йўналишларини ишлаб чиқиш заруриятини белгилаб беради. Бу вазифа амалда режалаштириш ва башорат қилиш ёрдамида амалга оширилади.

**Башарот** – бу, корхона, объект ёки ҳодисанинг келажакдаги аҳволи ва уларни амалга ошириш вариантлари ва муддати тўғрисидаги илмий жиҳатдан асосланган мулоҳазадир. Башоратларни ишлаб чиқиш жараёни башорат қилиш, яъни келажакни ҳозирги пайтдан келиб чиққан ҳолда олдиндан кўра билиш деб аталади.

Корхона ҳамда бутун иқтисодиёт миқёсида башорат қилишнинг объектлари сифатида иқтисодий, ижтимоий, фан-техника ва бошқа жараён ва ҳодисаларни кўрсатиш мумкин. Корхоналар фаолиятида **иқтисодий башоратлар** алоҳида ва етакчи ўрин эгаллайди. Уларнинг асосий вазифалари қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: ривожланиш мақсадларини белгилаш, оптимал йўналишлар ва уларга эришиш воситаларини излаб топиш, ресурсларни ва қўйилган вазифаларни бажариш

муддатларини белгилаш, корхона ривожланишига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган чеклашларни аниқлаш.

**Режалаштириш** – қарор қабул қилишнинг узлуксиз бир жараёни бўлиб, бу жараён давомида корхона фаолияти ва ривожланишининг мақсад ва вазифалари атрофда рўй бераётган ўзгаришларни инобатга олган ҳолда вақт бўйича аниқланади ва белгиланади ҳамда уларни амалга ошириш учун ресурслар аниқланади. Мазмунига кўра, режалаштириш техник-иқтисодий ва тезкор-ишлаб чиқариш турларига бўлинади.

**Техник-иқтисодий режалаштириш** корхона фаолиятининг барча (иқтисодий, техник, ижтимоий ва ҳоказо) жиҳатларини қамраб олувчи режалаштириш тури бўлиб, асосан бир йилга мўлжалланган иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш режаси шаклида амалга оширилади. Мазкур режалаштириш турининг соддалаштирилган кўриниши кўпинча корхона фаолиятининг йиллик режаси деб аталади.

**Тезкор – ишлаб чиқариш режалаштириш** техник-иқтисодий режалаштиришнинг давоми бўлиб, корхона фаолияти йиллик режасини янада қисқароқ муддатга - сутка, ўн кунлик, ойга бўлиб муайянлаштириш билан тавсифланади. Тезкор-ишлаб чиқариш режалаштириш-календарь режалаштириш ва диспетчерлашдан иборат бўлади.

**Календарь режалаштиришда** корхона йиллик режасида ва биринчи ўринда ишлаб чиқариш дастури(маҳсулот тайёрлаш режаси)ни ўн кунлик, ҳафта, кун ва смена бўйича аниқлаштириш ҳамда бу кўрсаткичларни бажарувчиларга етказиш кўзда тутилган.

**Диспетчерлаштириш** ойлик, ўн кунлик, кунлик сутка-сменалик режаларни бажаришни тезкор бошқаришда ифодаланади.

Шуни қайд қилиш керакки, юқорида кўрсатиб ўтилган режалаштириш турлари асосан машинасозлик, самолётсозлик, автомобильсозлик каби соҳаларнинг йирик ва баъзи ҳолларда ўрта корхоналари учун хосдир. Гарчи,

бизнес-режа ҳозирги кунда “оммавий” бўлиб йирик ва ўрта корхоналарда қўллансада, асосан ишлаб чиқариш ҳажми катта бўлмаган ҳамда ходимлар сони 100 кишигача бўлган кичик корхона ва микрофирмалар бизнес-режалар асосида фаолият юритади.

Яна бир муҳим нарсани айтиб ўтиш лозим. ҳозирги пайтда иқтисодиётга оид бўлган адабиётларда режалаштиришга нисбатан **стратегик, узоқ муддатли, қисқа муддатли ва жорий режалаштириш** каби тушунчалар қўлланмоқда. Уларнинг ҳар бири ўз шакли, кўрсаткичларни ишлаб чиқиш ва ҳисоблаш усулларига эга.

**Стратегик режалаштириш** хўжалик юритишнинг бозор тизимидагина вужудга келиб, 10-15 йиллик даврни ўз ичига олади. У корхона раҳбариятининг масъулиятли вазифаси ҳисобланади ҳамда ривожланишнинг устивор йўналишларини топиш ва бозорда юзага келиши мумкин бўлган талабни инobatга олган ҳолда ресурс билан таъминлашга қаратилган.

Стратегик режалаштириш асосида яқин 3-5 йилга мўлжалланган **узоқ муддатли режалаштириш** амалга оширилади. У корхона фаолиятининг ишлаб чиқариш, сотиш, харажатлар, молия каби турларини ўз ичига олади ҳамда ўз мазмуни ва мақсадли функцияларига кўра, стратегик режалаштиришдан фарқ қилмайди.

**Қисқа муддатли режалаштиришда** корхона фаолияти ва ривожланиши 1-3 йилга мўлжаллаб режалаштирилади. Унинг ўзига хослиги шундаки, биринчи йил кўрсаткичлари ҳар чоракда, иккинчи ва учинчи йил кўрсаткичлари эса ҳар ярим йил ёки бир йилда аниқлаштирилади ва тўғрилашлар киритилиб борилади. Бунинг мақсади сифатида эса, режа кўрсаткичларининг иқтисодий муҳит, бозор ва фан-техника тараққиётида юз бераётган ўзгаришларни тўлароқ акс эттиришга интилишни кўрсатиш мумкин.



Бозор муносабатларида рақобатчиликни кучайтириш ҳамда хўжалик юритиш ва ҳаётий жараёнлар динамикаси ҳисобига *жорий режалаштириш* амалга оширилиб, унга чоракларга бўлинган йиллик режалар асос қилиб олинади. Ушбу режалар қоидага кўра, ўзгарувчан бўлиб, жорий йилнинг биринчи уч ойи учун *қатъий, ҳаётий кўрсаткичлар* белгиланиб, кейинги тўққиз ой давомида уларга тўғрилашлар (корректировка) киритилади. Улар қисқа муддатли режаларга қараганда, айниқса, ишлаб чиқариш ҳаракати ва моддий-товар бойликлари захираси, баҳони шакллантириш қисмида янада аниқроқ ҳисобланади. Умуман олганда, корхонанинг турли бўлим ва хизматлари вазифалари бундай режаларда ўзаро боғланади.

Режалаштиришнинг исталган тури корхона фаолиятининг бирон-бир жиҳатини акс эттирувчи, умумий ва хусусий, сифат ва миқдор кўрсаткичларига асосланади.

*Умумий ва умумлаштирувчи кўрсаткичлар* корхонада ишлаб чиқариш ривожланишининг йўналиши ва даражасини акс эттиради. Бундай кўрсаткичлар қаторига ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми, меҳнат, таннарх ва жамғармалар бўйича кўрсаткичларни киритиш мумкин.

*Хусусий кўрсаткичлар* умумлаштирувчи кўрсаткичлар асосини ташкил қилувчи алоҳида элементларни, масалан, материал, ёқилғи, энергия ва шу қабиларнинг маҳсулот таннархидаги салмоғини тавсифлайди. Шунингдек, бу кўрсаткичлар асосий кўрсаткичлар даражасига таъсир ўтказувчи алоҳида омилларни ҳам тавсифлаб беради. Масалан, ёрдам кўрсатувчи ишчилар салмоғининг меҳнат, ишлаб чиқариши даражасига таъсири; асбоб-ускуналарни иш билан таъминлаш коэффициентининг ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми ва корхона ишлаб чиқариш дастурининг бажарилишига таъсири; хом ашё ва материаллардан фойдаланиш коэффициентининг маҳсулот таннархи пасайишига таъсири ва ҳоказолар.

Умумлаштирувчи ҳамда хусусий кўрсаткичлар иккита категорияга - миқдор (абсолют) ва сифат (нисбий) категорияларига бўлиниши мумкин.

**Миқдор кўрсаткичлари** корxonанинг ишлаб чиқариш ва хўжалик юритиш фаолиятини ҳажм ўлчамида изоҳлайди. Бундай кўрсаткичлар каторига ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар миқдори, ишлаётган ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди, машина ва асбоб-ускуналар парки, ишлаб чиқариш дастурини амалга ошириш учун зарур бўлган материаллар миқдори, цех ҳамда иш жойлари сони ва ҳоказоларни киритиш мумкин.

**Сифат кўрсаткичлари** корxonанинг ишлаб чиқариш фаолиятидаги ўзгаришларни нисбий катталиклар: меҳнат маҳсулдорлигининг ўсиши, маҳсулот таннархининг базис даврга (ёки режа ҳисоботида) нисбатан фоизларда камайиши, маҳсулотнинг тўлиқ таннархига нисбатан фоизларда даромад ҳажми, корxона рентабеллик даражасининг ўсиши ва шу кабилар ёрдамида тавсифлайди.

Сифат кўрсаткичлари аксари ҳолларда пул қийматида ифодаланиши сабабли, корxonаларнинг хўжалик фаолиятини режалаштириш ва таҳлил қилиш амалиётида асосий ва айланма фондлар, асбоб-ускуналар, сарфланаётган ёқилғи, энергия ва бошқа материаллар каби **қиймат кўрсаткичларидан** фойдаланилади. Қиймат кўрсаткичлари корxона фаолиятида қўлланилувчи турли хилдаги воситаларни статика ва динамикада таққослаш имконини беради. Бундан ташқари, солиқлар ва турли хил тўловлар ҳамда корxона даромади фоизлардан ташқари пул кўринишида ҳам ўлчанади.

Корxона фаолиятини режалаштириш корxона ва унинг бўлинмалари фаолиятини таҳлил қилишдан бошланишини айтиб ўтиш муҳим. Мазкур таҳлил давомида режанинг сифат, миқдор ва қиймат кўрсаткичлари бўйича бажарилишига баҳо берилади ҳамда талофат ва йўқотишлар аниқланиб, корxона фаолиятини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

Айнан шу чора-тадбирлар ва янги мақсадлардан келиб чиққан ҳолда жорий режалаштириш амалга оширилади ҳамда янги режа даврига корхона фаолияти режалари ишлаб чиқилади.

## **2. Сотиш режасининг асосий вазифалари.**

**Режалаштириш услубияти** – бу иқтисодиётни бошқаришнинг турли бўғинларида, жумладан, корхоналарни бошқаришда режаларни ишлаб чиқиш усуллари мажмуасидир. Аввалги режали иқтисодиёт шароитларида у аввало режа органларининг, ҳам собиқ иттифоқ миқёсида, ҳам алоҳида республикалар миқёсида амал қилган *иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш бўйича услубий кўрсатмаларга* таянар эди. Иқтисодиётнинг муҳим соҳа ва тармоқларини жорий ва истиқболли режалаштириш ушбу кўрсатмалар асосида амалга оширилади.

Мазкур ҳолатда режалаштириш услубиятига кўра, “юқоридан пастга” тамойили асосида назорат рақамлари, лимит ва нормативлар туширилар, кейин эса “пастдан юқорига” тамойили асосида, яъни корхоналардан юқори турувчи органларга қайта узатилар эди. “Юқори” даражада режа кўрсаткичлари йириклашган тавсифли бўлса, корхоналар миқёсида эса ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳолда муайян ва деталли тавсифга эга бўлади. Режалаштиришда ушбу тизимнинг камчилиги шунда эдики, деярли ҳар бир корхонанинг фаолият режаси мажбурий тарзда “юқоридан” тасдиқланиши зарур эди. Бусиз режа ўз реаллигини йўқотар эди.

Бозор иқтисодиёти шароитларида корхоналар ўз фаолиятини режалаштиришни мустақил равишда амалга оширади. Бироқ бу режалаштиришнинг текшириб кўрилган ва фойдали усулларидан воз кечишни англамайди. Бугунги шароитларда ҳам корхоналар фаолиятини режалаштириш-техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар, прогрессив норма ва нормативлар, иқтисодий таҳлил, муқобил вариантларни танлашга асосланади.

Режалаштиришнинг энг кўп тарқалган усуллари каторига қуйидагиларни: баланс, норматив, иқтисодий-математик, статистик, омиллар бўйича, кўп вариантли ҳисоб-китоб усули кабиларни киритиш мумкин. Режаларнинг асосланганлик даражасини оширувчи ва уларни тезда амалга оширилишига хизмат қилувчи, шунингдек, таваккалчилик ва вужудга келиши мумкин бўлган талофатларни камайтирувчи усул энг самарали усул ҳисобланади.

ҳозирги пайтда *баланс усули*нинг аҳамияти ошиб бормоқда. Ушбу усулнинг моҳияти, ўзаро алоқада бўлган кўрсаткичларни солиштириш билан ифодаланади. Баланс усули асосида корxonанинг ишлаб чиқариш воситалари, ишчи кучи, ишлаб чиқариш қувватига бўлган талаблари ва уларнинг манбалари аниқланади. Бундан келиб чиққан ҳолда *моддий баланс, ишлаб чиқариш қувватлари баланси, ишчи кучи баланси, иш вақти баланси, қиймат балансини* ажратиб кўрсатиш мумкин. Баланслар, қоидага кўра, эҳтиёжлар ва уларга мос келувчи ресурсларнинг мавжудлиги ёки манбаларини ўз ичига олувчи, ўзаро мослашувчи жадвал шаклида тузилади.

Баланс усули *норматив усули* билан биргаликда қўлланади. Норматив усулида ресурсларни сарфлашнинг йўл қўйиш мумкин бўлган энг юқори ва энг қуйи чегаралари аниқланади. Бунда ишлаб чиқаришни режалаштириш ва ташкил этишда норма ва норматив каби тушунчалардан фойдаланилади.

**Норма** (меъёр) – бу, белгиланган сифатдаги маҳсулот бирлиги (иш, хизмат) тайёрлаш учун сарфланувчи хом ашё, материал, ёқилғи, энергия ва бошқа ресурслардан фойдаланишнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган максимал ёки минимал чегарасидир. Агар ресурслардан фойдаланиш нормаларини камайтириш маҳсулот сифатининг пасайишига ёки белгиланган стандартлар талабларининг бузилишига олиб келадиган бўлса, у ҳолда бу нормаларни камайтириш мумкин эмас.

**Норматив** – бу, нисбий катталиқ бўлиб, асосан фоизлар ёки коэффицентлар ёрдамида акс эттирилади. У меҳнат воситалари ва предметларидан фойдаланиш даражасини, уларнинг ҳар бир майдон бирлиги, оғирлик бирлиги, ҳажм бирлигига сарфланишини тавсифлаб беради. Масалан, асосий фондларнинг бирлик қийматига маҳсулот ишлаб чиқариш (фонд қайтими), сутнинг мойлилик, винонинг спиртлилик даражаси (фоизларда), автомашинанинг босиб ўтган йўли, автомобиль шинасининг эксплуатацияси ва ҳоказо.

Норма ва нормативлар прогрессив тавсифга эга бўлиши, яъни уларни ишлаб чиқишда замонавий фан, техника ва технология ривожланишининг даражаси, меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланиш ҳамда илғор корхоналарнинг тажрибаларини ҳисобга олиш зарур. Шунингдек, улар доимий равишда қайта кўриб чиқилиши, эскирган норма ва нормативлар янги, хўжалиқ ҳаёти ва давр талабларига жавоб берувчи норма ва нормативлар билан алмаштирилиши лозим.

Норма ва нормативлар қуйидаги асосий гуруҳлар асосида ишлаб чиқилади:

\* **тирик меҳнат харажати нормалари** (маҳсулот бириликгига сарфланувчи иш вақти нормаси, вақт бириликгига ишлаб чиқариш нормаси, хизмат кўрсатиш нормаси, миқдор нормативи);

\* **моддий харажат нормалари** (хом ашё, материал, ёқилғи, энергия, бутловчи қисмлар);

\* **ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш нормативлари** (ишлаб чиқариш циклининг давомийлиги, тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳажми, ишлаб чиқариш заҳиралари ва ҳоказо);

\* **меҳнат воситаларидан фойдаланиш нормалари** (машиналар, асбоб-ускуналар, механизмлар, қурилмалар);

**\* *корхона, цех, асбоб-ускуналарнинг лойиҳа қувватига чиқиш вақти нормалари.***

Кўриниб турибдики, режалаштириш жуда мураккаб ва меҳнат талаб қилувчи жараён бўлиб, корхона фаолиятининг ресурслар харажатини нормалаштиришдан то маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилишгача барча кўрсаткичларини инобатга олади. Режалаштиришнинг ***асосий вазифалари*** куйидагилар:

- \* мақсадни белгилаш;
- \* корхона фаолиятининг турли хил йўналишлари, айниқса, халқ хўжалиги ва аҳоли учун зарур бўлган масулот ишлаб чиқаришнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини асослаб бериш;
- \* зарурий моддий-техника асосини шакллантириш;
- \* молиялаштириш манбаларини аниқлаш;
- \* якуний натижаларнинг ижобий бўлишига эришиш.

Амалиётда бу вазифаларни корхона директори ёки иқтисодий-режалаш хизматининг ўзи бажармайди ёки бажариши лозим эмас. Бунда бутун жамоа, айниқса, агар бу корхона акциядорлик жамияти шаклида фаолият кўрсатаётган бўлса, иштирок этиши зарур. Афсуски, корхона ходимлари кўпинча “раҳбарга кўпроқ нарса кўринади” тамойили асосида ишлайдилар ва яхшироқ натижаларга эришиш учун ташаббускорлик кўрсатмайдилар. Тажрибалар эса корхона муаммоларини ҳал қилиш барча ходимлар, жумладан, ишчиларга ҳам бўлган ҳолдагина бу корхоналар гуллаб-яшнаши мумкинлигини кўрсатади.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Башорат нима?
2. Режалар нимага тузилади?
3. Сервис корхоналари ва ишлаб чиқариш корхоналари режаларининг фарқи?

### **Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:**

1. Э.С.Файзиев «Сервис тизими фаолияти асослари» Ўқув қўлланма. Самарқанд. «Зарафшон» нашриёти Д.К, 2010
2. Э.С. Файзиев Сервис соҳасининг иқтисодиётдаги ўрни. Рисола Сам.И.С.И, 2007 й
3. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолари ва уларнинг ечимлари. Монография. Проф. М.Қ.Пардаев, проф., Ҳ.Н.Мусаевлар таҳрири остида. Т.: «Иқтисод-молия», 2008
4. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
5. [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)

### **8.2. Сервис корхоналари фаолиятини режалаштириш тартиби ва қоидалари.**

Режалаштириш давомида маълум бир принцип ва қоидаларга риоя қилиш зарур. Режалаштириш жараёнини қанчалик мукамал ўйлаб қўйилса, шунчалик қўйилган мақсадга аниқлик билан ва самарали эришиш мумкин. Айниқса, Режалаштиришнинг илмийлиги, корхона ва ташкилотларнинг узоқ вақт мобайнида фаолият олиб боришларини таъминлайди.

#### **Режа:**

1. Сервис корхона ва ташкилотлари ишлаб чиқариш дастурини режалаштириш схемаси.
2. Сервис корхоналарида тузиладиган бизнес режанинг вазифалари ва функциялари.

### **1. Сервис корхона ва ташкилотлари ишлаб чиқариш дастурини режалаштириш схемаси.**

Бугунги кунда бозор иқтисодиёти корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятини режалаштириш ва рационал бошқариш тизими ҳамда максимал равишда қулай шароитларни яратмоқда. Бундай шароитларда режалаштириш бозор иқтисодиёти ва бозор муносабатларининг барча имкониятларидан фойдаланишга хизмат қилиши лозим. Корхона фаолиятини умуман эмас, балки ҳар бир муайян ҳолдаги вазифаларни ҳал қилишга йўналтирган ҳолда режалаштириш зарур. Бунинг учун режалаштиришнинг илмийлик, комплекслик, узлуксизлик, оптималлик, мослашувчанлик каби тамойилларига таяниш зарур.

Корхона, айниқса, агар у йирик бўлса, асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи цехлардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири фақат ўзига хос бўлган вазифани бажаради ва шунга мос ҳолда фаолиятни режалаштириш ва тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятига эга бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда *етақчи бўгинни ажратиб кўрсатиш* режалаштиришнинг асосий тамойилларидан бири бўлиб хизмат қилади. Бунда корхонанинг асосий ишлаб чиқариш вазифалари бажарилишини таъминловчи бўлинмасини ривожлантиришга кўпроқ эътибор қаратилади. Масалан, бундай бўгин сифатида машинасозлик заводида йиғув цехи, тўқимачилик комбинатида йигирув ва тўқув цехлари, қандолатчилик фабрикасида тайёр масулот цехини кўрсатиш мумкин.

Етақчи бўгинни ажратиб кўрсатиш корхонанинг барча бўлинмаларини биргаликда комплекс равишда ривожлантиришни кўзда тутати. Чунки бусиз режалаштириш бир томонлама бўлиб қолиши ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этишда “тор жойлар” ва диспропорциянинг вужудга келишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли корхона фаолиятининг иқтисодий-ишлаб чиқариш режаси кўрсаткичлари ва бўлимларининг ўзаро алоқада бўлишини ҳамда комплекс режалаштиришни таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Бу ерда ҳам режалаштиришнинг баланс усули катта аҳамиятга эга.



Режалаштиришнинг яна бир муҳим тамойили **илмийлик** бўлиб, у аввало тайёрланаётган режалар ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш дастурларига, шунингдек, фан-техника тараққиёти талаблари, рақобатчилик ва бозор талабларини ҳисобга олишга асосланади. Режалаштиришнинг илмийлиги, жонли меҳнат ва маҳсулотга айланган меҳнат харажатларининг энг кам миқдорида иложи борича юқори натижаларга эришишга, шунингдек, корхона ходимлари манфаатдорлигини оширишга кўмаклашади.

**Комплекслилик** тамойили ишлаб чиқаришни, биринчидан, замон ва маконда, иккинчидан, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг горизонтал ва вертикалида, учинчидан, ишлаб чиқаришнинг ресурс асосларини таъминлашда, тўртинчидан, ишлаб чиқаришдаги “тор жойларни” ҳисобга олиш ва уларни йўқотиш чора-тадбирларида, бешинчидан, ходимларнинг ўз меҳнатлари натижасидан моддий ва маънавий қониқишида, олтинчидан, корхонанинг мўлжалланаётган даромад ёки фойда олишини амалга оширишни кўзда тутаяди.

**Пропорционаллик** нафақат ишлаб чиқаришни режалаштиришда, балки ишлаб чиқаришни бошқаришда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Зарур пропорцияларга амал қилиш ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучининг цехлар ва иш жойлари бўйича ҳамда ишлаб чиқариш босқичларида тўғри тақсимланишига ва улардан тўғри фойдаланишга кўмаклашади. Пропорцияларга амал қилмаслик эса, аксинча, ишлаб чиқаришнинг баъзи участкаларда кучайиб, бошқаларида пасайишига, яъни диспропорцияларнинг вужудга келишига ҳамда корхоналарнинг норитмик тарзда фаолият юритишига сабаб бўлади. Зарурий пропорционалликни таъминлашда ишлаб чиқаришни ташкил этишни техник-иқтисодий нормалаштириш катта роль ўйнайди.

**Режалаштиришнинг узлуксизлиги** ишлаб чиқаришни ва умуман, корхона фаолиятини ташкил этишнинг муҳим тамойили ҳисобланади. Бу тамойил амалда жорий режаларнинг истиқболдаги режалар билан,

истикболдаги режаларнинг эса башоратлар (прогноз) билан боғлиқ бўлишида ўз аксини топади. Бошқача қилиб айтганда, режалаштириш қисқа муддатли тавсифга эга бўлган индикатив режа табиатига мос келмовчи, январдан мартгача ёки мартдан декабргача, яъни “...дан” “...гача” тамойили асосида амалга оширилмаслиги лозим. Режалаштиришнинг “...дан” “...гача” тамойилини инкор қилганда биз аввало вақт бўйича режалаштириш узилишининг олдини олишни кўзда тутамиз. Масалан, ўша индикатив режа ўз давомига эга бўлиши, яъни корхона ўз фаолитини январь-март ойларига режалаштирганда кейинги даврларда юзага келиши мумкин бўлган вазифаларни ҳам, албатта, бозор конъюнктураси, истеъмолчилар манфаати ва ишлаб чиқариш ҳолатларининг ўзгаришини кўзда тутиши лозим. Бу вазифа асосан йил давомида амалга оширилувчи режаларни аниқлаштириш ва муайянлаштириш йўли билан бажарилади.

**Оптимальлик** ҳам режалаштириш тамойиллари қаторига киради. Режалар барча ишлаб чиқариш ресурсларидан чиқитлар ва йўлдош маҳсулотлардан кенг фойдаланишни инобатга олган ҳолда иложи борича рационал ва унумли фойдаланишни таъминлаши ҳамда юқори натижаларга эришиш учун энг самарали йўлларни танлаши керак.

Режалаштиришнинг оптималлигига иқтисодий-математик усуллар ва электрон ҳисоблаш машиналарини қўллаш, режаларнинг бир нечта вариантларини ишлаб чиқиш ёрдамида эришилади. Кўп вариантлик энг тежамкор режа варианты ёки корхона фаолияти дастурини танлашга имкон яратади.

**Мослашувчанлик** режалаштиришнинг бозор шароитларидаги муҳим тамойили ҳисобланади. У ишлаб чиқариш режаларига ўз вақтида ўзгартиришлар киритиш, истеъмолчилар ва харидорлар талабларини ҳисобга олиш, ишлаб чиқаришнинг юзага келиши мумкин бўлган пасайиши ва инқирозларнинг олдини олишга ёрдам беради. “Корхоналар тўғрисида”ги

конун ишлаб чиқаришни режалаштиришда ушбу тамойилни амалга ошириш учун зарур бўлган шароитларни яратади.

Бироқ ҳеч қандай тамойил, жумладан, юқорида санаб ўтилган тамойиллар ҳам, ўзидан-ўзи, яъни шу тамойиллар учунгина керак эмас. Агар амалиётда қўлланмаса бу тамойиллар фақат қоғозда қолиб кетиши ёки оддий чақириқ бўлиб қолиши мумкин. Шу сабабли корхона раҳбарининг режалаштириш жараёнини, аниқроғи, режанинг бажарилиши ҳамда режалаштиришнинг белгиланган ва бошқа тамойиллари қандай акс эттирилганлигини **назорат қилиши** муҳим аҳамият касб этади. Назорат керакли натижаларга эришиш, юзага келиши мумкин бўлган диспропорцияларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш, шунингдек, захираларни аниқлаш ва улардан фойдаланиш йўллари белгилашга имкон берди.

## **2. Сервис корхоналарида тузиладиган бизнес режанинг вазифалари ва функциялари.**

**Тадбиркорлик** - корхоналар хўжалик юритиш фаолиятининг узлуксиз қисми бўлиб, фойда (даромад) олиш ва уни кўпайтиришга қаратилган бўлади. Корхоналар ҳаётида у, боқибеғамликка берилиш, турғунлик ва исрофгарчиликни инкор қилишни англатади. Корхона раҳбари ёки мутахассис тадбиркорлик ва ташаббускорлик “руҳига” эга бўлмаса, демак, у бўш ёки ёмон ходим, хизматда белгиланган соатларни ўтказиб ўтирувчи шахс ҳисобланади. Аксинча, тадбиркорлик ва ташаббускорлик “руҳига” эга бўлган мутахассис ёки мансабдор шахслар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва ривожлантириш, меҳнат сифатини кўтариш ва корхонанинг оладиган даромадларини кўпайтириш йўллари излаб топадилар.

Тадбиркорликни кўпинча муайян шахсга “боғлаб қўядилар” ҳамда бу шахсни тадбиркор ёки бизнесмен деб атайдилар. Бундан ташқари бир гуруҳ шахслардан ташкил топувчи жамоа тадбиркорлиги ҳам мавжуд. Бу ҳолатни жамоа бизнеси ёки жамоа тадбиркорлиги деб аташ мумкин.

Агар якка шахс индивидуал тарзда ёки кичик бир жамоа воситачилик, олди-сотди, маслаҳат ва бошқа хизматлар билан шуғулланса, у ҳолда бизнес-режа талаб қилинмайди. Бошқа ҳолларда **бизнес-режа** янги корхона ташкил қилиш ёки бирон-бир тижорат лойиҳасини амалга ошириш учун мўлжалланаётган асосланган хатти-ҳаракатларни ўз ичига олувчи ҳужжат ҳисобланади. Унинг асосий вазифаси, корхонага ўз имкониятларини баҳолаш, бозордаги истиқболни, зарурий харажатларни аниқлаш, корхона фаолиятининг биринчи йилларида “сув остидаги тошлар”ни аниқлаш ҳамда мазкур фаолият турининг фойдали ёки зарарли эканлигини баҳолаш кўрсаткичлари ёрдамида ҳисоблашга ёрдам беришда деб белгиланади.

Бизнес-режани тайёрлаш натижасида *«Ишни нимадан бошлаш керак?»*; *«Самарали ишлаб чиқаришни қандай ташкил қилиш лозим?»* *«Биринчи фойда ёки даромад қачон олинади?»*, *«Инвесторлар ва кредиторлар билан қачон ҳисоб-китоб қилиш мумкин?»*, *«Юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарни қандай камайтириш мумкин?»*, *«Рақобатчилар билан курашда қандай чоралардан фойдаланиш мумкин?»* каби саволларга жавоб олинади.

Бизнес-режани тузишда қуйидаги шартларга алоҳида эътибор қаратиш зарур:

\* бизнес-режа профессионал ва шу билан бир пайтда содда, бажариш учун тушунарли ва осон бўлиши лозим;

\* бизнес-режа инвестор ёки бошқа манфаатдор шахс ўзига керакли маълумотларни қидириб топиши учун бўлимларга (БОБларга) бўлиниши лозим;

\* бизнес-режани тайёрлашда корхонанинг бош раҳбари албатта қатнашиши шарт, чунки инвестор, банк ёки бошқа молия идораси корхона раҳбари қатнашмаганлиги ёки бошқа шахсга топширилганлиги ҳақида хабар топса, бизнес-режанинг ишончлилигига шубҳа уйғониши мумкин;

\* бизнес-режанинг объектив баҳоланишига эришиш керак, яъни унда хатолар ва нотўғри ҳисоб-китоблар бўлмаслиги лозим;

\* бизнес-режанинг тарқатиб юборилмаслигини назорат қилиш зарур, чунки унда бизнес тўғрисидаги махфий маълумотлар жой олган бўлади.

Режаларнинг ҳар бир тури каби, бизнес-режа ҳам, бўлим ва кўрсаткичлардан иборат бўлади. Ўнтагача бўлимни ўз ичига олувчи бизнес-режа мазмуни ва тузилишига кўра, энг мақбул ҳисобланади. Мавжуд адабиётларда қуйидаги бўлимларни ўз ичига олувчи бизнес-режалар таклиф қилинади:

1. Танланган бизнес концепцияси.
2. ҳозирги пайтдаги ҳолат (мақсад, вазифа ва ниятлар).
3. Ташкил қилинаётган корхона ва унинг маҳсулот ҳамда хизматлари тавсифномаси.
4. Бошқарув (менеджмент).
5. Бозор тадқиқоти ва таҳлили.
6. Маркетинг ҳаракатлари режаси.
7. Ишлаб чиқариш режаси.
8. Таваккалчиликни баҳолаш.
9. Молиявий режа.
10. Бизнес-лойиҳанинг самарадорлиги.

Танланган бизнес йўналишининг концепциясини тузишда унинг рақобатбардошлиги (сифат, нарх, истеъмолчига етказиб бериш шакли, тайёрлаш технологияси ва ҳоказо); маблағларга бўлган эҳтиёжлар; ўзига жалб қилишнинг асосланганлиги(таклиф қилинаётган маҳсулотнинг бошқа

маҳсулотлардан афзалликлари, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг қайси босқичда эканлиги ва ҳоказо)га катта эътибор қаратиш лозим.

**Концепцияда** танланган товар бозоридаги аҳвол; корxonанинг танланган бизнес соҳасидаги кучли ва кучсиз томонлари; бошқа бозорга чиқиш имкониятлари; бозорга таъсир ўтказувчи қонунчилик, сиёсат, демографик ҳолат каби омиллар акс эттирилади. Бундан ташқари концепция баҳонинг ўзгариши, инфляциянинг ўсиши, капитал олиб чиқиш ёки маҳсулот олиб киришни чекловчи қонун ҳужжатларини қабул қилиниши каби шароитларда, маҳсулотни сотишни кўпайтириш учун зарур бўлган чоратadbирларни ҳам ўз ичига олади. Ушбу бўлим танланган бизнес йўналиши мақсадлари ва ниятларининг шаклланиши билан яқунланади.

**Корхона, унинг маҳсулот ва хизматлари тавсифномаси** бўлимида корxonанинг жойлашган манзили, бозорга чиқиш шакли, бозордаги улуши, асосий рақобатчилари ва уларнинг кучли томонлари, технология даражаси ва харажатлар таҳлили акс эттирилади.

Мулкчилик шакли, ходимларнинг малакаси, ташқи муҳит билан муносабатлар **“Бошқарув”** бўлимида кўрсатилади.

**“Бозор тадқиқоти ва таҳлили”** бўлимида танланган бозор асослаб берилади, харидорларни корхона маҳсулотларига жалб этувчи рақобатчилик усуллари ҳамда бозорда баҳони шакллантириш ва ҳоказолар кўриб чиқилади.

**Маркетинг режасининг** асосий вазифаси корxonанинг бозордаги имкониятларига баҳо беришдadir. Маркетинг режасининг асосий элементлари сифатида товарларни тарқатиш тизими, баҳони шакллантириш, реклама, савдони рағбатлантириш усуллари, сотилгандан кейинги хизмат кўрсатишни ташкил қилиш, корхона (фирма) ва унинг маҳсулотлари ҳақида жамоатчилик фикрини шакллантириш кабиларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

**“Ишлаб чиқариш режаси”** потенциал харидорларга керакли маҳсулотлар ҳажмини ўз вақтида ишлаб чиқариш имкониятининг

мавжудлигини кўрсатади. Мазкур бўлимда қуйидагилар ўз аксини топади: янги ташкил қилинган ёки фаолият юритаётган корхонада товар ишлаб чиқариш жойи; бунинг учун зарур бўлган ишлаб чиқариш қувватлари ва уларнинг ўсиш истиқболлари; хом ашё ва материал етказиб берувчилар; ишлаб чиқариш кооперацияси; ишлаб чиқариш оқимлари тизимини тузиш; сифатни назорат қилиш жараёни; фойдаланиладиган стандартлар; вужудга келиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш харажатлари.

**“Таваккалчилик ва суғурталашни баҳолаш”** бўлими икки қисмга бўлинади. Биринчи қисмда таваккалчиликнинг барча турлари (ёнғин, zilzila, солиқни бошқаришдаги ўзгаришлар ва валюта курсининг тебраниши) олдиндан ҳисоблаб чиқилади. Иккинчи қисмда эса таваккалчилик хавфининг олдини олиш, яъни таваккалчилик ва зарарларни қисқартириш чора-тадбирлари кўрсатилади, шунингдек, таваккалчилик хавфидан суғурталаш дастури амалга оширилади.

**Молиявий режа** бизнес-режанинг яқунловчи бўлими бўлиб, корхона фаолиятининг натижаларини тавсифлайди. У қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

- \* савдо ҳажмининг башорати;
- \* пул даромадлари ва харажатлари баланси;
- \* фойда ва зарар бўйича режа.

Мазкур режанинг кўрсаткичлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- \* товарларни сотишдан тушган даромад;
- \* ишлаб чиқариш харажатлари;
- \* савдодан тушган умумий фойда;
- \* соф фойда;
- \* корхона актив ва пассивининг солиштирма баланси;
- \* зарарсизликка эришиш графиги.

Шунингдек, мазкур бўлимда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ёки кегайтириш учун маблағ жалб қилиш режалари ҳам ифодаланади. Бўлимда корхонанинг моливий барқарорлиги ёки ночорлигини аниқлаш имконини берувчи махсус кўрсаткичлар ҳисоб-китоби ҳам келтирилади.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Молиявий режаларнинг кўрсаткичларига нималар киради?
2. Ишлаб чиқариш режасининг бошқа режалардан фарқи?
3. Режалаштиришнинг узлуксизлиги деганда нимани тушунаси?
4. Режалаштириш тамойиллари?

### **Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:**

1. Э.С.Файзиев «Сервис тизими фаолияти асослари» Ўқув кўлланма. Самарқанд. «Зарафшон» нашриёти Д.К, 2010
2. Э.С. Файзиев Сервис соҳасининг иқтисодиётдаги ўрни. Рисола Сам.И.С.И, 2007 й
3. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолари ва уларнинг ечимлари. Монография. Проф. М.Қ.Пардаев, проф., Ҳ.Н.Мусаевлар таҳрири остида. Т.: «Иқтисод-молия», 2008
4. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
5. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

## **Мавзу 9. Сервис соҳаси ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш**

Қандай фаолияти бўлишидан қатъий назар ҳар бир бажарилган иш учун ҳақ тўланиши зарур. Меҳнат ҳақи, инсон ҳаётининг эҳтиёжларини қондира олиши мақсадида тўланади. Меҳнат ресурсларидан тўғри фойдаланиш ва уларни ўз вақтида бажарган ишларини меҳнат ҳақи билан қоплаб туриш лозим.

### **9.1. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва асослари**



Ишчи ходимлар томонидан бажарилаётган ишларни қўллаб қувватлаш мақсадида уларни ижтимоий муҳофаза қилиб туриш лозим. Бундан ташқари, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида уларни меҳнат таътиллари билан таъминлаб туриш керак.

### **Режа:**

1. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти.
2. Сервис соҳаси корхоналарида ишловчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш шакллари.
3. Рағбатлантириш тўловлари. Иш ҳақига қўшимчалар.
4. Сервис соҳаси корхона ва ташкилотларида иш ҳақи кўрсаткичларини таҳлил қилиш, режалаштириш тартиби.

### **1. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти.**

Корхоналарда меҳнатга ҳақ тўлашни оқилона ташкил қилиш ходимлар фаолиятини рағбатлантириш, тайёр маҳсулот ва меҳнат бозорида рақобатчиликни, рентабелликни ва маҳсулотларнинг даромадлигини таъминлаши лозим. Меҳнатга ҳақ тўлашни оқилона ташкил этишдан мақсад—унинг ҳажми ва ходимнинг корхона хўжалик фаолиятига меҳнат фаолиятида қўшган ҳиссасига мос келишини таъминлаш, яъни меҳнат ўлчами ва истеъмол ўлчами ўртасидаги мутаносибликни таъминлашдир.

**Иш ҳақи** - ҳар бир ходимнинг сарфлаган меҳнати миқдори ва сифатига мос равишда тақсимланувчи ва ходим тасарруфига пул шаклида келиб тушувчи миллий даромаднинг бир қисмидир. Иш ҳақи—бу меҳнат учун мукофотдир.

**Ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш** ишлаб чиқариш жараёнига жалб қилинган меҳнат ресурсларининг баҳосидир. Бошқача қилиб айтганда, иш ҳақи – бу, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг корхона ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш учун сарфланувчи қисмидир.

Иш ҳақининг *номинал* ва *реал* турлари мавжуд.

**Номинал иш ҳақи**—бу ходимнинг маълум бир вақт мобайнида бажарган меҳнати учун ҳисобланган ва тўланган иш ҳақидир.

**Реал иш ҳақи**—номинал иш ҳақига сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдори; реал иш ҳақи – бу, номинал иш ҳақининг “истеъмол қобилияти”дир.

Корхоналарда иш ҳақи соҳасидаги сиёсатни ишлаб чиқиш ва уни ташкил этишда қуйидаги тамойилларни инобатга олиш зарур:

\*адолатлилиқ, яъни бир хил меҳнат учун бир хил ҳақ тўлаш;

\*бажарилаётган ишнинг мураккаблиги ва меҳнат малакаси даражасини ҳисобга олиш;

\*меҳнатнинг зарарли шароитлари ва оғир жисмоний меҳнатни ҳисобга олиш;

\*сифатли, сидиқидилдан меҳнат қилишни рағбатлантириш, йўл қўйилган йўқотишлар ёки ўз мажбуриятларига масъулиятсиз ёндашишни моддий жазолаш;

\*меҳнат унумдорлиги суръатини ўртача иш ҳақининг ўсиш суръатларига нисбатан тезроқ ўстириш;

\*иш ҳақи миқдорини инфляция суръатларига мос равишда мувофиқлаштириш;

\*меҳнатга ҳақ тўлашнинг корхона эҳтиёжларига тўлиқ жавоб берувчи илғор шакл ва тизимларини қўллаш.

Замонавий шароитларда корхоналарда меҳнатга ҳақ тўлашнинг турли тизим ва шакллари қўлланилиб, улардан энг кўп тарқалганлари сифатида ишбай ва вақтбай усулни кўрсатиш мумкин.

**Меҳнатга ишбай ҳақ тўлаш** ишлаб чиқарилган маҳсулот (бажарилган иш, кўрсатилган хизмат) учун тўланадиган ҳақни англатади.

Корхоналарда кўпинча фақат ишбай эмас, балки ишбай-мукофотли ҳақ тўлашдан фойдаланилади.

**Меҳнатга ишбай-мукофотли ҳақ тўлашда** ишчи бажарган ишига ҳақ олишдан ташқари, мукофотга ҳам эга бўлади. Мукофот асосан маълум бир кўрсаткичларга эришиш - маҳсулот ишлаб чиқариш режасини бажариш, маҳсулот сифатини ошириш, хом ашё ва материалларни тежаш ва шу кабилар учун берилади.

**Меҳнатга вақтбай ҳақ тўлаш** тариф тизимида кўзда тутилувчи ишлаб берилган вақт - календарь вақт эмас, балки норматив вақт учун тўланадиган ҳақни англатади.

**Вақтбай-мукофотли ҳақ тўлашда** ишчи ишлаб берган вақтига ҳақ олишдан ташқари, ушбу иш ҳақига маълум бир фоиз ҳисобида мукофот ҳам олади.

**Меҳнатга аккорд ҳақ тўлаш тизими** меҳнатга ишбай ҳақ тўлашнинг бир тури бўлиб, унинг моҳиятига кўра, бунда бажарилиши керак бўлган ишларни муддатини кўрсатган ҳолда баҳолаш амалга оширилади.

Корхонада қуйидаги ҳолларда аккорд ҳақ тўлаш тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

\*корхона бирон-бир буюртмани ўз вақтида бажара олмаса ва бунинг учун шартномага асосан йирик миқдорда жарима тўлайдиган бўлса;

\*корхонанинг тўхтаб қолишига сабаб бўлувчи фавқулодда вазиятлар (ёнғин, сел, zilзила, сув тошқини ёки жиддий сабабларга кўра асосий технологик линияларнинг ишдан чиқиш ҳоллари) рўй берганда;

\*алоҳида ишларни бажаришга ўта зарурат туғилганда ёки корхонада янги асбоб-ускуналар ишга туширилганда.

Кўпчилик корхоналарда иш ҳақини ҳисоблаш тариф тизими, айниқса унинг тариф ставкаси ва тариф сеткалари каби элементлари асосида амалга оширилади.

**Тариф ставкаси**—турли гуруҳ ва категориядаги ишчиларнинг вақт бирлигидаги меҳнати учун тўланувчи ҳақнинг мутлақ (абсолют) ўлчамидир. Минимал тариф ставкаси ёки биринчи разрядли ставка бошланғич ҳисобланади. У энг оддий меҳнат турига тўланувчи ҳақ даражасини белгилаб беради.

Тариф сеткалари меҳнатга ҳақ тўлашдаги мутаносибликларни малака даражасини ҳисобга олган ҳолда, белгилаш учун хизмат қилади. У тариф разрядлари ва уларга мос келувчи тариф коэффициентлари йиғиндисини ифодалайди. Тариф коэффициентининг энг паст разряди бирга тенг деб олинади. Ундан кейинги тариф разрядлари мос келувчи тариф ставкалари биринчи разрядли тариф ставкасидан неча марта катта бўлишини кўрсатади.

Кадрлар, меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақи ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган тушунчалар ҳисобланади. ҳар бир корхонада меҳнат ва иш ҳақи бўйича режа тузилиб, унинг мақсадлари ишчи кучидан фойдаланишни яхшилаш заҳираларини топиш ва бу асосда меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган бўлиши лозим. Бу режаларга кўра меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати ўртача иш ҳақи суратларидан тезроқ ўсиши лозим.

## **2. Сервис соҳаси корхоналарида ишловчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш шакллари.**

Жаҳон амалиётида иш ҳақини ҳисоб китоб қилиш учун тан олинган иш ҳақи шакли ва тизими яратилган.

Иш ҳақи қуйидаги икки шаклдан иборат:

- вақтбой иш ҳақи;
- ишбой иш ҳақи:

Иш ҳақи икки ҳил тизимда, яъни тарифли ва тарифсиз тизимда амал қилади.

Вақтдой иш ҳақи оддий вақтбой (соат, кун, хафта, ой) ва вақтбой – мукофатлитизимларга бўлинади.

Ишбой иш ҳақи эса оддий (бевосита) ишбой, ишбой-мукофатли, билвосита-ишбой, аккорд тизимларига бўлинади.

Юқоридагилар ҳаммаси таърифли тизимга киради.

Булардан ташқари тарифсиз тизим ҳам қўлланилади.

Иш ҳақи шакллари ва тизимларини қуйидаги чизмада ифода этамиз.

Иш ҳақини ташкиллаштириш хўжалик субъектларида қуйидаги элементлар (кўрсаткичлар)ни ишлаб чиқариш (шакллантириш, ҳисоблаш, тасдиқлаш) билан амалга оширилади:

биринчидан, меҳнатни нормаллаштириш;

иккинчидан, тариф тизимини аниқлаш;

учинчидан, иш ҳақини муқобил шакли ва тизимини танлаш;

тўртинчидан, иш ҳақи фондини шакллантириш;

бешинчидан, моддий рағбатлантириш турларини белгилаш.

Меҳнатни нормаллаштириш меҳнат сифатини ва умумий натижага индивидуал шахсларни ҳиссаисни аниқлаш воситаси сифатида хизмат қилади. Меҳнатни самарадорлигини ошириш ҳамда иш ҳақини оқилона белгилаш, уни ташкил қилиш учун илмий асосланган меҳнат нормаси ва нормативларини ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эга. Норма ва нормативлар орқали меҳнат ва иш ҳақи кўрсаткичларини чуқур тадқиқот қилиш, прогнозлаш ва режалаштириш осонлашди.

Бозор иқтисодиёти шароитида норма ва нормативлар меҳнатни одилона, адолатли ва ва ҳаққона баҳолашни таъминлайди. Бу эса ўз вақтида корхона, ташкилот ва бошқаларда жамоани жипслашишига, меҳнат унумдорлигини ва самарадорлигини оширишга олиб келади.

Савдода меҳнатни нормалаштириш орқали сотиб олувчиларга хизмат кўрсатиш (бир сотувчи бирон даврга нечта сотиб олувчига хизмат қилиш) мумкинлиги нормасини, сотувчилар, раҳбарлар, мутахасислар ва ёрдамчи ходимлар рационал сонини ва бошқа кўрсаткичларни аниқлаш мумкин.

Иш ҳақини ташкил қилишнинг асосини тариф тизими ташкил қилади.

Биз юқорида келтирганимиздек Ўзбекистон Республикасида ҳам иш ҳақи тизими тарифли ва тарифсиз иш ҳақи тизимларидан фарқланади.

Тариф тизими – нормативлар мажмуаси бўлиб, улар асосида иш ҳақини дифференциациялаш таъминланади. Иш ҳақини дифференциациялаш меҳнатни мураккаблиги, шарт шароити, табиий-климатик шароити, меҳнатни интенсивлиги уни тавсифини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Тариф тизимини қуйидаги норматив хужжатлардан таркиб топади:

— тарифий-малакавий маълумотнома. Ушбу маълумотнома норматив хужжат ҳисобланиб, ишчи ва ишчига, чавозимга қўйиладиган талабларни малакавий таснифини белгилайди. Унда ишчига ёки ишни бажариш учун зарур бўлган билим, кўникмалар ва ҳар хил профессия, малакага таълуқли ишлар туркуми тарифланади;

— тарифий – малакавий маълумотнома ишчилар малакаси даражасини ва тариф разрядини белгилайди;

— тариф ставкаси, иш вақтини ўлчов бирлигига тўланадиган иш ҳақи миқдорини пулдаги ифодаси.

Ишчиларга иш ҳақи тўлашда иш вақти ўлчов бирлигида (соат, кун, ой) ишлаб чиқарилган маҳсулот (хизмат) учун тўланадиган иш ҳақи миқдори белгиланади. Раҳбарлар, мутахасислар, хизматчилар, ёрдамчи хизматчилар ва айрим нормалаштириш мумкин бўлмаган ишларни бажарувчилар учун тариф ставкада лавозим орқали белгиланади;

### **3. Рағбатлантириш тўловлари. Иш ҳақиға қўшимчалар.**

Сервис корхона ва ташкилотларида иш ҳақи тўловларидан ташқари рағбатлантириш тўловлари мавжуд.

Рағбатлантириш тўловлари – бу сервис соҳасидаги ишчи ва хизматчиларга, муҳим топшириқларни бажарганликлари, ишни сифатли амалга оширганликлари, иш вақтидан ташқари пайтда ишлаганлиги, юқори малакаси, корхонага ката фойда келтирганлиги, кўп йиллик самарали ишлаганлиги ва бошқа фойдали иш фаолиятлари учун мукофот ёки қўшимча тарзда бериладиган иш ҳақларига айтилади.

Рағбатлантириш тўловлари сервис корхона ва ташкилотлари ишнинг даромадлари ката кичиклигига қараб ой, квартал, йил якунлари билан берилади. Бериладиган қўшимча иш ҳақи ва муносабатлар ҳар ой, чорак, йил якуни билан берилиши мумкин.

Бунда сервис корхона ва ташкилотларининг ойлик, чораклик, йиллик бизнес режаларини бажарганлиги, юқори даромад, фойда олганлигини инобатга олиб берилади.

Сервис корхона ва ташкилот раҳбари ой, чорак, йил якуни билан ходимларни рағбатлантириш ҳақида қарор чиқаради.

Ҳар бир ходимнинг сервис корхонасига юқори фойда олишида қўшган ҳиссасига қараб рағбатлантириш тўловлари тўланади.

Сервис корхона ва ташкилотларининг ходимларни қўшимча ҳақи ва мукофот тўлаш шартлари ишлаб чиқилиб алоҳида қарор билан тасдиқланиши керак.

Бу шартларни корхонада ишловчи ҳар бир ходимга етказилган юўлиши ва уларнинг билиши лозим. Рағбатлантириш тўловларини амалга оширилганда, ҳар бир ходимнинг корхонанинг юқори фойда олишида қўшган хиссаси, меҳнат интизомига риоя қилиши, топшириқларни бажариши, юқори малакаси, хатоларга йўл қўймаганлиги, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариши ва бошқа жараёнлар ижобатга олинади.

Агар ходим ўтган давр мобайнида бирорта хатога йўл қўйса, корхона раҳбари томонидан рағбатлантириш тўловлари берилмаслиги мумкин. Бу ҳақида корхона раҳбари рағбатлантириш тўлови берилмайдиган шахс тўғрисида алоҳида қарор қабул қилади.

Акциядорлик жамиятларида, акцияларга бериладиган қўшимча тўловлар, йил якуни билан олинган фойдага қараб бир марта тўланади.

Акцияларга бериладиган қўшимча тўловлар, акциядорларнинг умумий йиғилишида йил якуни билан кўриб чиқилади ва бу ҳақида қарор қабул қилади. Акцияларга бериладиган қўшимча фоиз тўловлари, уларнинг ҳажмига қараб тенг улушларда тўланади.

Бундан ташқари сервис корхона ва ташкилотларида рағбатлантириш фондлари ташкил қилинади.

Бу фондлардан айрим муҳлати бўлиб қолган ходимларга бир ёки икки ойлик миқдорларида ёрдам йўллари ҳам берилиши мумкин. Кўп йиллик самарали ишлаганлиги учун, корхонанинг айрим ходимларига, уларни рағбатлантириш мақсадида бир йилда бир марта тўланади.

Бу ҳақида корхонада алоҳида рағбатлантириш шартлари ишлаб ишлаб чиқилиб у қарор билан расмийлаштирилади.



#### **4. Сервис соҳаси корхона ва ташкилотларида иш ҳақи кўрсаткичларини таҳлил қилиш, режалаштириш тартиби.**

Иш ҳақини режалаштириш сервис корхона ишчилари сони, унинг даромади, олинаётган фойдаси, маҳсулот ҳажми билан чамбарчас боғлиқ. Ҳар бир сервис корхонаси йил бошида иш ҳақи фондини ўзининг бизнес режасида ишлаб чиқади.

Иш ҳақини режалаштиришда ходимлар сони, бир ойлик иш ҳақи миқдори ва йиллик иш ҳақи миқдори кўрсатилади. Иш ҳақининг миқдори корхонанинг даромади, олаётган фойдасига боғлиқ.

Масалан: «Сухробжон» автомобиллар сервис хизмат кўрсатувчи устахонаси, автошиналарни ямаш, мой қуйиш, узатувчи қисмларни таъмирлаш, электр узатгичларни таъмирлаш, мотор қисмларини таъмирлаш билан шуғулланади.

Сервис корхонасида 8 киши ишлайди. Шундан 2 кишига 120 минг сўм, 2 кишига 100 минг сўмдан, 4 кишига 80 минг сўмдан ойлик иш ҳақини бизнес режасига киритилган. Шу тариқа ойлик иш ҳақи фонди. 760 минг сўмни ташкил қилади. Корхонанинг йиллик иш ҳақи фонди  $760 \times 12 = 9120$  минг сўмни ташкил қилади. Ушбу ҳисоб билан 2007 йил учун корхонанинг иш ҳақи фондини режалаштирган. Агар корхона даромади режага нибатан баланд бўлса уларнинг иш ҳақи ҳам юқори бўлади.

Корхонада ишловчи ходимлар сони, унинг ишлаб чиқараётган маҳсулот ҳажмига боғлиқ. Корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми қанчалик катта бўлса, ишчилар сони ҳам шунча кўп бўлади.

Ўз навбатида иш ҳақи ҳажми ҳам корхона маҳсулотининг миқдорига боғлиқ. Ишчилар сони қанчалик кўп бўлса, иш ҳақи фонди шунчалик катта бўлади. Корхона раҳбари, олинаётган даромадга қараб, иш ҳақи миқдорини кўпайтириши ва камайитириши мумкин.

**Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Меҳнат муҳофазаси.
2. Рағбатлантириш тўловларига нималар киради?
3. Тариф тизими нима?

### **Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:**

1. Э.С.Файзиев «Сервис тизими фаолияти асослари» Ўқув қўлланма. Самарқанд. «Зарафшон» нашриёти Д.К, 2010
2. Э.С. Файзиев Сервис соҳасининг иқтисодиётдаги ўрни. Рисола Сам.И.С.И, 2007 й
3. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолари ва уларнинг ечимлари. Монография. Проф. М.Қ.Пардаев, проф., Ҳ.Н.Мусаевлар таҳрири остида. Т.: «Иқтисод-молия», 2008
4. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
5. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

## **9.2. Сервис корхоналарида кадрлар сиёсати**

Сервис корхоналарида доимий равишда истеъмолчиларга эътибор катта бўлади. Чунки, ходимларнинг ўзларини тутиши ва ҳушмуомилалиги корхоналар фаолиятига таъсири катта бўлади. Шу мақсадда ҳар бир корхона ходимларининг малакасига катта эътибор берилади. Айнан шунинг учун ҳам, ушбу мавзуда кадрлар сиёсатига доир маълумотлар кенг берилган.

### **Режа:**

1. Кадрлар сиёсати ва унинг сервис хизматлари тараққиётидаги роли
2. Кадрлар, уларнинг таркиби ва тузилиши
3. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш

## **1. Кадрлар сиёсати ва унинг сервис хизматлари тараққиётидаги роли**

Сервис соҳасида нафақат меҳнат қуроллари ва меҳнат буюмлари (ишлаб чиқариш воситалари), балки кадрлар ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Айнан кадрлар ишлаб чиқаришни бошқарадилар, жорий ва истиқболга тегишли режалаштиришни ва башорат қилишни амалга оширадилар, ишлаб чиқариш воситалари ва молиявий ресурсларни ҳаракатга келтирадилар. Кадрларнинг билими, илми, касбий маҳорати қанчалик юқори бўлса, саноат фаолиятининг ишлаб чиқариш — иқтисодий параметрлари шунчалик юксак бўлади. Демак, саноат ишлаб чиқаришининг аҳволи, ҳолати, ривожининг кадрлар потенциали билан белгиланади.

Шу ерда «потенциал» атамасининг маъносини тушунтириб ўтиш керак, чунки бу тушунча бозор иқтисодиёти шароитида жуда кўп ишлатилади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «потенциал» сўзи латинча «potentia» сўзидан олинганлиги ва имконият, куч-қудрат, яширин имкониятлар маъноларини билдириши таъкидланган. Одатда бу атамада мавжуд бўлган ва сафарбар этилиши, ҳаракатга келтирилиши, маълум мақсадларга эришиш учун фойдаланилиши мумкин бўлган воситалар, захиралар ва манбалар ҳам изоҳланиши мумкин.

Кадрлар потенциали - бу, меҳнат захираси ёки имкониятидир. У жамият меҳнат потенциалининг таркибий қисми ҳисобланади. Унда меҳнат ресурсларининг умумий сони ва таркиби, маълумот даражаси, профессионал кўникмаси ва ишлаб чиқаришнинг у ёки бу соҳасида меҳнат килиш қобилияти акс этади.

Сервис хизмат кўрсатишнинг муваффақияти пировард натижада раҳбар кадрларнинг етуқлигига, билим ва илмининг даражасига, иш малакаси ҳамда ташкилотчилик қобилиятига, уларни тўғри танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашга боғлиқдир.

Хизмат кўрсатиш фаолиятининг ҳар қандай соҳасида, шу жумладан, хизмат кўрсатиш тармоғида ҳам натижалилик, самарадорлик кўп жиҳатдан ўрта бўғин кадрларга боғлиқ. Улар раҳбарларнинг энг кўп сонли категорияси бўлиб, ишлаб чиқаришга ҳаммадан яқинроқ турадилар. Шу боисдан республикада ўрта бўғин кадрларга алоҳида аҳамият берилади.

Кадрлар сиёсатининг мазмуни, уни амалга оширишда амал қилинадиган бир қатор тамойиллар мустақилликка эришилгандан кейин бутунлай ўзгарди. Кадрлар ишининг усуллари, шакллари, бу ишга ёндашишнинг сиёсий ва ташкилий раҳбарлик усуллари ҳақидаги қоидалар қайтадан ишлаб чиқилди.

Мамлакатимизда XXI аср кадрлари ўсиб етишмоқда. Улар иқтисодий, ижтимоий ва фан-техника тараққиётининг энг мураккаб муаммоларини ҳал этишга қодирдирлар.

## **2. Кадрлар, уларнинг таркиби ва тузилиши**

Кадрлар (ходимлар) — бу муайян касбни эгаллаш бўйича тайёргарликни ўтган, амалий тажриба ва меҳнат қўникмасига эга, ишлаб чиқариш соҳасида иш билан банд бўлган кишилардир.

Кадрларга бўлган талабни аниқлаш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, улардан оқилона фойдаланиш, кадрларнинг меҳнати бўйича режалаштириш ва ҳисобга олиш ва бошқа йўналишлар билан мужассамлаштириш учун ходимларни гуруҳларга ажратиш, яъни таснифлаш зарур.

Сервис хизмат кўрсатиш, хўжалик фаолиятида қатнашишига қараб саноат тармоғида банд бўлган барча кадрлар икки гуруҳга бўлинади:

- саноат ишлаб чиқариши ходимлари;
- носаноат ишлаб чиқариши ходимлари;

Маҳсулот ишлаб чиқариш доирасида банд бўлган ходимларнинг барчаси саноат ишлаб чиқариши ходимлари гуруҳига киради. Саноат ишлаб чиқариши ходимлари, ўз навбатида, бажарадиган функциясининг тавсифига қараб қуйидаги категорияларга бўлинади:

- 1.Ишчи ходимлар;
- 2.Муҳандис-техник ходимлар;
- 3.Хизматчилар;

4.Иш бажарувчи кичик ходимлар;

5.Қоровуллар ва ўт ўчирувчилар, яъни корхонани қўриқлайдиган ва ёнғиндан муҳофаза қилувчи ходимлар.

Саноат ишлаб чиқариши ходимларнинг энг муҳим ва жуда кўп қисми ишчилар бўлиб, улар маҳсулот ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш)да бевосита қатнашадилар, жиҳозларни таъмирлайдилар, меҳнат буюмлари ва тайёр маҳсулотни бир ердан иккинчи жойга ташийдилар ва ниҳоят таъмирлаш - қуриш ишларини бажарадилар.

Ишчилардан кейинги ўринда муҳандис-техник ходимлар туради ва улар раҳбар ходимлар ҳисобланади. Уларга директорлар, бошқарувчилар, уларнинг муовинлари, бош мутахассислар, хизмат кўрсатиш бўлимларининг раҳбарлари киради.

Хизматчилар категориясига ҳужжатларни тайёрловчи, уларни расмийлаштирувчи, ҳисоб ва назорат ишларини бажарувчи, хўжалик хизматини бажарувчи (агентлар, кассирлар, иш юритувчилар, котибалар, статистлар ва бошқа)лар киради.

Тармоқ ва корхона фаолиятини режалаштириш ва таҳлил этишда, айниқса, меҳнат унумдорлигини ҳисоблаш, ўртача иш ҳақини, кадрлар кўнимсизлигини аниқлаш учун ходимларнинг ўртача сони кўрсаткичи кўп ишлатилади.

Кадрлар салоҳиятини миқдорий баҳолаш билан биргаликда уларни сифат жиҳатдан ҳам тавсифлаш керак бўлади. Бу жиҳатлар ходимларнинг профессионал ва малакавий фазилатлари билан белгиланади. Бу борада, биринчи ўринда «мутахассислик», «иқтисослик», «малака» деган тушунчалар юзага келади.

Мутахассислик — бу, маълум бир ёки бир неча турдаги ишларни амалга ошириш учун инсонга зарур бўлган билимлар ва малакалар йиғиндиси. Масалан, иқтисодчи, маркетинг, воситачи, молиячи, бухгалтер ёки техника соҳасида — муҳандис, механик, энергетик ва ҳ.к.лар

Ихтисос — инсоннинг ҳосил қилган билимлар ва амалий кўникмалари мажмуи. Ихтисос кишига ҳаётнинг моддий ва маънавий соҳасида муайян ишни бажариш имкониятини беради.

Малака — муайян мутахассислик ва ихтисослик бўйича мураккаб ишни бажариш учун зарур бўлган билим ва илм ҳамда меҳнат кўникмасининг даражасидир. Кадрларнинг малака даражасини баҳолаш учун ўртача коэффициент ва ўртача тариф коэффициенти разряди белгиланади.

Янгидан-янги ишлаб чиқариш соҳалари вужудга келиши, фан ва техниканинг ривожини, иш, шу жумладан, бир технологик жараённинг бошқа жараёнга алмашилиши билан бошқарув, режалаштириш, ташкил этиш, такомиллашуви билан янги мутахассисликлар касб ва ихтисослар юзага келади, эскирганлари барҳам топади.

Кадрлар илмини ўрганиш назариясида «Кадрлар тузилмаси» деган тушунча мавжуд. Масалан, корхона ходимлари умумий сонини 100 фоиз деб олсак, ишчилар 75 фоизни, муҳандис-техник ходимлар 12 фоизни, хизматчилар 8 фоизни, бошқа ходимлар эса 5 фоизни ташкил этиши мумкин. Бу мисолдан кўришиб турибдики, ходимлар категориялари, яъни уларнинг таркибий қисмлари ўртасидаги нисбат уларнинг тузилмасини, яъни структурасини ифодалайди.

Кадрлар таркиби ва структураси фақат корхоналарда эмас, балки тармоқларда ҳам бир-биридан фарқ қилиши мумкин. Бу тармоқнинг мураккаблилигига, корхона (фирма)нинг катта-кичиклигига, техникавий ва технологик жиҳатдан қуролланганлигига, ишчи-хизматчиларнинг билими ва илм даражасига, меҳнат кўникмасига, соҳанинг ҳамкорлик муносабатлари ривожланганлигига ва бошқа қатор хусусиятларга боғлиқ.

### **3. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш**

Сервис корхоналарида кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш мутахассисларнинг билим ва илм даражасини кўтариш, касб

маҳорати ва кўникмаларини янгилаш ҳамда чуқурлаштиришга қаратилган. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тармоқ ва корхоналарда бу борада олиб борилган фаолият натижаларига кўра, давлат томонидан тасдиқланган намунадаги гувоҳнома ёки сертификат топширилади.

Сервис корхоналарида кадрлар малакасини ошириш ҳамда уларни қайта тайёрлаш тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш учун қуйидагилар зарур:

- кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизими фаолиятида янгича таркиб, мазмун ҳамда бу тизимни бошқаришни шакллантириш;
- юқори малакали ўқитувчи - мутахассис кадрлар тайёрлаш ва соҳани улар билан тўлдириб боришни таъминлаш;
- кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимининг бу соҳада рақобатга асосланган муҳитини шакллантириш ва самарали фаолият олиб боришни таъминловчи норматив базасини яратиш;
- кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасаларини давлат аттестацияси ва аккредитациясидан ўтказиш тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;
- иқтисодиётнинг давлат ва нодавлат секторлари, мулкчиликнинг турли шаклидаги ташкилот ва муассасаларнинг талаб-эҳтиёжларига мувофиқ кадрлар ва мутахассисларни илдам қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни таъминловчи давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ташкил этиш ва ривожлантиришга кўмаклашиш;
- профессионал тренингнинг илғор технология ва ускуналарини, шунингдек, мураккаб, фан ютуқларини талаб қилувчи технология жараёнлари имитаторларини ишлаб чиқиш, яратиш ва амалий ўзлаштириб олиш.

Кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимида ҳалқаро ҳамкорлик алоҳида аҳамият касб этади. Бу муаммони ҳал этиш учун ҳамкорликнинг

халқаро-хуқуқий базаси яратилиши, унинг устувор йўналишлари рўёбга чиқиши, халқаро таълим тизимлари ривожлантирилиши, мутахассислар алмашиши кенгайиши керак.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Давлатнинг кадрлар сиёсати: моҳияти, аҳамияти ва мазмуни.
2. Сервис соҳаси ва кадрлар. Уларни гуруҳларга бўлиш.
3. Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва уларни тарбиялаш.
4. Кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш.
5. Кадрлар сонини башорат қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш муаммолари.

### **Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:**

1. Э.С.Файзиев «Сервис тизими фаолияти асослари» Ўқув қўлланма. Самарқанд. «Зарафшон» нашриёти Д.К, 2010
2. Э.С. Файзиев Сервис соҳасининг иқтисодиётдаги ўрни. Рисола Сам.И.С.И, 2007 й
3. Хизмат қўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолари ва уларнинг ечимлари. Монография. Проф. М.Қ.Пардаев, проф., Ҳ.Н.Мусаевлар таҳрири остида. Т.: «Иқтисод-молия», 2008
4. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
5. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

## **Мавзу 10. Сервис соҳаси фан-техника тараққиёти ва инвестиция жараёнларини амалга ошириш**

Бугунги кунда ҳар бир соҳага инвестицияларни жалб қилишга эътибор катта бўлиб, сервис соҳасини ривожлантиришда инвестициялардан фойдаланиш, айниқса чет эл инвестицияларини республикамиз корхоналарига жалб қилиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

### **10.1. Инвестициялар ва уларнинг сервис корхоналаридаги ўрни**



Инвестициялар нафақат корхоналар, балки мамлакат миқёсида ҳам катта аҳамиятга эгадир. Корхоналар мамлакат иқтисодий механизмининг бир қисмидир, уларга жалб қилинган инвестициялар уларнинг ривожланишига туртки бўлиб хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида давлат механизмининг маълум бир қисмини модернизациялашга, ривожлантиришга хизмат қилади.

**Режа:**

1. Инвестиция тушунчаси ва таснифи. Инвестицияларнинг сервис корхоналари ва ташкилотларини ривожлантиришдаги ўрни.
2. Сервис корхоналарида инвестицион стратегия.

**1. Инвестиция тушунчаси ва таснифи. Инвестицияларнинг сервис корхоналари ва ташкилотларини ривожлантиришдаги ўрни.**

Корхоналар хўжалик юритиш ва ишлаб чиқариш фаолиятининг муҳим жиҳатларидан бири ишлаб чиқариш ва иқтисодий салоҳиятни ривожлантириш ва сақлаб қолишдир. Корхоналарнинг бу йўналишдаги фаолияти инвестицион фаолият деб аталади ҳамда “Инвестицион фаолият тўғрисида” ги Қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

*Инвестициялар* – корхоналар ва халқ хўжалиги миқёсида янги ишлаб чиқариш корхоналари яратиш ёки мавжуд корхоналарни замонавийлаштириш, илғор техника ва технологияларни ўзлаштириш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва фойда (даромад) олишни кўпайтириш мақсадида узоқ муддатли маблағлар киритилишидир. Инвестициялар ижтимоий ишлаб чиқариш тузилмасини яхшилаш, ишлаб чиқаришдаги номуносибликларини бартараф қилиш ва истеъмол бозорини таъминлашда алоҳида эътиборга эга.

Инвестицияларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш, мамлакат ва хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион сиёсати асосида амалга оширилади. Бу сиёсат биринчидан, капитал қўйилмаларнинг устивор йўналишларини, иккинчидан, ишлаб чиқариш кучларини тўғри жойлаштириш ва ривожлантириш, учинчидан, фан-техник тараққиёти ва бутун иқтисодиётнинг ривожланишини белгилаб беради. Инвестицияларнинг “хўжайини” сифатида корхоналарнинг ўзидан ташқари, давлатни, маҳаллий ҳокимият идоралари ва хусусий тадбиркорларни кўрсатиш мумкин.

Кўпинча инвестиция деганда капитал қўйилмалар кўзда тутилади, бу нарса инвестициялар табиатини инкор қилмайди ва уларнинг моҳиятини нотўғри акс эттирмайди. Инвестициялар, бозор иқтисодиётидаги бошқа, жумладан, бизнес, рақобатчилик, ишбилармонлик тушунчалари каби, маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтилаётган бугунги кунларда хўжалик юритиш назарияси ва амалиётида ўз ўрнини топмоқда. Шу билан бирга, “капитал қўйилмалар” атамасининг ўз изоҳлари ҳам мавжуд.

**Капитал қўйилмалар** асосий фондларни қайта тиклаш ва ўстириш учун сарфланувчи моддий, меҳнат ва пул ресурсларидир. Улар асосан бир вақтнинг ўзида амалга ошириладиган характерга эга бўлиб, ишлаб чиқариш харажатлари ёки маҳсулот таннархи шаклидаги, жорий харажатлардан фарқ қилади. Капитал қўйилмалар мақсадли характерга эга бўлади ҳамда ходимларга мукофот тўлаш, хизмат сафари (командировка) харажатлари ва хоказоларга сарфланиши мумкин эмас.

**Молиявий инвестициялар** қимматбаҳо қоғозлар, акция ва облигациялар сотиб олиш, пул маблағларини банкларга фоиз олиш мақсадида депозит ҳисоб рақамларига қўйиш билан ифодаланади.

**Реал инвестициялар** пул маблағларини капитал қурилиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтиришга киритишни ифодалайди. Реал

инвестициялар корхона, тармоқ ва бутун халқ хўжалигининг куч-қувватини белгилаб беради.

Инвестициялар аввалдан ўйлаб кўрилган мақсад ва биринчи ўринда инвестицион лойиҳа асосида корхона ишлаб чиқариш потенциалини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш вазифасини бажаради.

**Инвестиция лойиҳаси** капитални корхонани унинг ишлаб чиқариш қуввати ва бошқа сифат кўрсаткичларини кучайтириш мақсадида ривожлантириш ва кенгайтиришга киритишни режалаштириш ва амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар мажмуасидир. Инвестиция лойиҳасини тайёрлаш ва амалга ошириш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- \* инвестициявий ғоя(фикр)ни шакллантириш;
- \* ғоянинг дастлабки асосланиши;
- \* лойиҳада кўзда тутилган техник қарорнинг таҳлили;
- \* сертификат талабларининг бажарилишини текшириш;
- \* инвестиция лойиҳаси бўйича давлат бошқарув идоралари билан келишув юзага келтириш;
- \* ахборот меморандумини тайёрлаш.

Юқорида кўрсатилганларни амалга оширгандан сўнг лойиҳани ишлаб чиқиш ва техник-иқтисодий асослаб бериш (тушунтириш хатидан то инвестицион мўлжалларнинг мақсад ва вазифалари ҳамда кутилаётган натижалар акс эттирилувчи лойиҳа-смета хужжатларигача) зарурати туғилади.

Инвестициялар, айниқса гап янги қурилиш, фаолият кўрсатаётган корхоналарни кенгайтириш ёки қайта тиклаш ҳақида кетганда, инвестицион жараёнлар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бу жараёнлар инвестицион мақсадларни замон ва маконда боғлайди. Инвестицион жараёнларнинг қуйидагича таркибий қисмлари мавжуд: лойиҳалаштиришдан аввалги асослаш, лойиҳалаштириш, бевосита объект қурилиши (корхонани

кенгайтириш ёки қайта тиклаш) ва ишга туширилиши. Корхоналар учун инвестиция жараёнининг сўнгги босқичи муҳим аҳамият касб этади. Ушбу босқичда амалга оширилган янгиликлар эксплуатацион синовлардан ўтказилиб, амалдаги ва лойиҳа кўрсаткичлари баҳоланади ҳамда инвестиция жараёнининг худди шу жараёнида ҳал қилиниши лозим бўлган четга оғиш ва камчиликлар аниқланади.

## **2. Сервис корхоналарида инвестицион стратегия.**

Деярли барча фаолият кўрсатувчи корхоналар давлатга тегишли бўлган собиқ маъмурий-буйруқбозлик тизими шароитларида инвестицияларнинг асосий манбаи давлат (бюджет) маблағларидан ташкил топар эди. Гарчи ўша шароитларда ҳам жамғарма фондлар - асосий инвестицион манбалар корхоналар фойдаси (даромади) ҳисобига амалга оширилган бўлсада, корхоналарнинг маблағларни қаердан олиш ва қаерга жойлаштириш тўғрисида “боши” оғримас эди. Қўшимча манба сифатида корхоналарнинг амортизация фонди хизмат қиларди.

Мазкур тушунчалар (жамғарма фонди, амортизация фонди, фойда) ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган бўлиб, инвестицияларнинг асосий манбаи ҳисобланади. Масалан, давлат корхоналари учун асосий инвестиция манбаи қуйидагилар: фойда, амортизация фонди ва бюджет маблағлари, қўшма корхоналар учун - фойда, амортизация фонди ва кредит ресурслари.

Режалаштириш ва бошқарув тизимида шунингдек, инвестиция манбаларини аниқлашнинг ички ва ташқи турларидан ҳам фойдаланилади.

Инвестицияларнинг *ички манбалари* қуйидагилар:

- ишлаб турган асосий капиталга ҳисобланувчи амортизация ажратмалари натижасида шаклланувчи, корхонанинг ўз молиявий воситалари;
- фойданинг инвестиция эҳтиёжларига ажратилувчи қисми;

- суғурта компаниялари ва муассасалари томонидан табиий офат ва бошқа ҳодисаларда тўланувчи маблағлар;
- корхонанинг акциялар чиқариши ва сотиши натижасида олинувчи маблағлар;
- юқори турувчи ва бошқа органлар томонидан қайтариб бермаслик асосида ажратилувчи маблағлар;
- хайрия ва шу каби бошқа маблағлар.

Инвестицияларнинг *ташқи манбалари* қуйидагилар:

- марказий ва маҳаллий бюджетдан, тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи турли хил фондлар томонидан ажратилувчи қайтариб бермаслик асосидаги маблағлар;
- корхоналар Низом жамғармасида молиявий ёки бошқа моддий ва номоддий иштирок шаклида, шунингдек, халқаро молия институтлари ва алоҳида шахсларнинг тўғридан-тўғри қўйилмалари шаклида киритилувчи хорижий инвестициялар;
- давлат ва турли хил фондлар томонидан қайтариб бериш шarti билан берилувчи кредитлар, жумладан имтиёзли кредитлар.

Корхоналарнинг мустақил хўжалик фаолияти шароитларида ички маблағлар таркибида амортизация ажратмалари асосий ўринни эгаллайди. Унинг корхона инвестицион ресурсларидаги улуши 50% ва ундан кўпроқни ташкил этади.

Инвестицион мақсадларга йўналтирилувчи маблағлар танқислиги шароитида лизинг инвестицион фаолиятни фаоллаштирувчи муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

*Лизинг* - молиявий-кредит муносабатларининг шаклларида бири бўлиб, корхоналарнинг қурилма ва асбоб-ускуналарни ишлаб чиқарувчи корхоналар ёки махсус ташкил қилинган лизинг компанияларидан узоқ муддатга ижарага олишини англатади. Лизинг битимида кўрсатилган

томонлардан ташқари инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш ҳамда уларни бунинг учун зарур бўлган маблағлар билан таъминлаш имкониятига эга бўлган тижорат ёки инвестицион банклар ҳам иштирок этиши мумкин.

Инвестициялардан (капитал қўйилмалардан) фойдаланишнинг асосий йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади:

- янги қурилиш;
- корxonани кенгайтириш ва қайта тиклаш;
- ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириш;
- ҳаракатдаги қувватларни такомиллаштириш.

**Янги қурилишга** янги майдонларда махсус ишлаб чиқилган лойиҳалар асосида қурилувчи корхона, бино, иншоот ва қурилмалар мансубдир.

Фаолият юритаётган **корxonани кенгайтириш** қўшимча ишлаб чиқариш мажмуаларининг навбатдаги қисмларини янги лойиҳа асосида қуриш ёки асосий, қўшимча, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришнинг амалдаги цехларини кенгайтириш ёки қуришни англатади. У асосан, фаолият юритаётган корхона ҳудудида ёки унга туташ майдонларда амалга оширилади.

**Қайта тиклаш** – бу, фаолият юритаётган корxonани маънавий ва жисмоний эскирган қурилма ва асбоб-ускуналарни ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва автоматлаштириш, технологик бўғинлар ва ёрдамчи хизматдаги номуносибликларни йўқотиш йўли билан алмаштириш ёрдамида тўлиқ ёки қисман ўзгартиришни англатади. Қайта тиклашда эски цехлар ўрнига янги цехларни қуришга рухсат берилади.

**Техник қайта қуроллантириш** алоҳида ишлаб чиқариш турларини замонавий талабларга асосан янги техника ва технологияларни киритиш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш, эскирган қурилма ва ускуналарни янгилаш ва алмаштириш, ишлаб чиқариш

тузилмаси ва ташкил этилишини яхшилаш йўли билан, корхонанинг техник даражасини ошириш бўйича чора-тадбирлар мажмуасидир. У ишлаб чиқариш интенсивлигини кучайтириш, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилашга йўналтирилган.

Молиявий ресурслар ва ер танқислиги шароитларида, иккинчи томондан эса, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан унумлироқ фойдаланиш учун янги қурилишни нисбатан чекланган ҳолатда, асосан жуда зарур ҳоллардагина амалга оширилади. Шу сабабли бугунги кунда инвестицияларнинг энг кўп тарқалган йўналишлари сифатида, умуман олганда янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришни ҳам кўзда тутувчи мавжуд ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қайта тиклаш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантиришни кўрсатиш мумкин.

Янги қурилиш ҳамда мавжуд ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва қайта тиклашга йўналтирилувчи капитал қўйилмалар асосан қуйидаги элементлардан иборат бўлади:

- \* қурилиш-монтаж ишлари харажатлари;
- \* машина ва ускуналар сотиб олишга сарфланувчи харажатлар;
- \* лойиҳа–қидирув ва бошқа илмий ишланмаларга сарфланувчи харажатлар.

Капитал қўйилмаларнинг юқоридаги турлари *инвестицияларнинг технологик тузилмасини* тавсифлайди. ҳозирги пайтда иқтисодиёт ривожланишига киритилувчи капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажмида қуйидаги тузилма вужудга келди: қурилиш-монтаж ишлари харажатлари - 55-60%, машина ва ускуналар сотиб олишга сарфланувчи харажатлар - 35-30%, лойиҳа–қидирув ва бошқа илмий ишланмаларга сарфланувчи харажатлар - 10%.

*Капитал қўйилмаларнинг мулк шаклига кўра тузилмаси* – бу, инвестицияларнинг давлат, акциядорлик, қўшма, ижара ва бошқа турдаги жамоа корхоналари ўртасида тақсимланишидир. У капитал қўйилмалардан фойдаланиш, шунингдек, уларнинг шаклланиш тартиби ва манбалари нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга. Амалиёт шуни кўрсатадики, капитал қўйилмаларнинг самарали тузилмаси уларни тежаш, энг кам харажатлар билан энг кўп фойда олишга тенгдир.

Инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш тузилмаси янги қурилиш ҳамда мавжуд ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қайта тиклаш ва техник жихатдан қайта қуроллантиришга сарфланувчи харажатлари ўртасидаги ўзаро нисбатни ифодалайди.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Инвестиция нима?
2. Инвестицион лойиҳалар.
3. Чет эл инвестицияларини жалб қилишда давлатнинг роли қандай?

### **Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:**

1. Морозов М. А. Экономика и предпринимательство в социально – культурном сервиса и туризме. М: Изд. центр “Академия”, 2006 г.
2. Пардаев М.Қ., Очиллов И.С. “Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари” Монография. Т: Иқтисодиёт-молия, 2011
3. Э.С.Файзиев «Сервис тизими фаолияти асослари» Ўқув қўлланма. Самарқанд. «Зарафшон» нашриёти Д.К, 2010
4. Э.С. Файзиев Сервис соҳасининг иқтисодиётдаги ўрни. Рисола Сам.И.С.И, 2007 й



5. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолари ва уларнинг ечимлари. Монография. Проф. М.Қ.Пардаев, проф., Ҳ.Н.Мусаевлар таҳрири остида. Т.: «Иқтисод-молия», 2008

6. [www.economics.ru](http://www.economics.ru)

7. [www.ser.uz](http://www.ser.uz)

8. [www.uza.uz](http://www.uza.uz)

9. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

10. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

## **10.2. Аҳоли фаровонлигини юксалтиришда миллий иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилишнинг аҳамияти ва йўллари**

Иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида инвестициялар учун мамлакатлараро кучли курашнинг бўлиши табиий. Шу сабабдан ҳам Ўзбекистонда ички ва ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш, иқтисодиётга ички ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг жалб қилинишини таъминлайдиган муҳит (шарт-шароитлар)ни такомиллаштириш, маблағларни устувор (локоматив) тармоқларга сафарбар қилиш ҳамда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ йўналишларда мужассам этиш фаол инвестиция сиёсатининг асосий тамойили ҳисобланади.

### **Режа:**

1. Инвестицияларнинг социал-иқтисодий моҳияти ва аҳамияти
2. Ўзбекистон иқтисодиётининг инвестицияларни жалб этувчанлигини ошириш йўллари

### **1.Инвестицияларнинг социал-иқтисодий моҳияти ва аҳамияти**

Мамлакатимизни 2017-2021 йилларда социал-иқтисодий ривожлантиришнинг диққат-маркази – аҳоли фаровонлигини ва юксак турмуш даражасини таъминлашга, мавжуд ресурс ва салоҳиятдан самарали фойдаланган ҳолда барқарор ва рақобатбардош миллий иқтисодиётни

шакллантиришга қаратилган. Бу борада амалга оширилган кўплаб чоратadbирлар қаторида юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ҳамда хизматлар кўрсатувчи соҳаларни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр инновацион маҳсулотлар яратиш кўламининг кенгайиши – ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларининг янги кўринишларини жорий қилишга, иш ўринларини ташкил этиш ҳамда ташқи алоқаларнинг кенгайишига шароит яратади. Бу эса ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида инвестицион фаолликнинг янада кучайишини талаб қилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳозирга қадар “инвестиция” тушунчаси моҳиятини мамлакатимизнинг иқтисодиёт соҳаси олимлари турлича талқин қилиб келадилар.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “инвестиция” атамаси – мамлакатимизнинг аралаш иқтисодиётга ўтишининг дастлабки йилларида (ўтган асрнинг 80-йиллари охирида) хорижий тиллардан кириб келди. Унгача, назария ва амалиётда, “капитал қўйилма” ёки “капитал харажат” атамалари кенг ишлатилар эди. Аммо, “инвестиция” ва “капитал қўйилма” атамалари бир хил тушунча эмас, яъни синоним сўз эмас.

“Инвестиция” атамаси “капитал қўйилма” атамасига нисбатан кенг мазмунли ва кенг қамровли тушунчадир.

Капитал қўйилмалар – асосий воситаларни янгилаш ва кенгайтиришга сарф этиладиган маблағлардир. Инвестиция эса тадбиркорлик фаолияти ва бошқа турдаги фаолият объектларига келгусида фойда олиш ёки социал самарага эришиш мақсадида инвесторлар томонидан киритиладиган барча турдаги моддий, молиявий ва интеллектуал бойликларга айтилади.

Инвестиция қўйиш объекти – капитал қўйилмалар объектига нисбатан кенгроқ. Капитал қўйилмалар объектига фақат асосий воситалар (моддий бойликлар) кирса, инвестиция объектига айланма маблағлар, облигация ва

бошқа молиявий ресурслар, шунингдек, мулклардан фойдаланиш ва эгаллик қилиш ҳуқуқлари, илмий техника маҳсулотлари, «ноу-хау», кадрлар тайёрлаш ва бошқалар киради.

Демак, капитал қўйилмалар инвестицияларнинг бир қисми ҳисобланади. Уларнинг таркибида капитал қўйилмалардан ташқари бошқа унсурлар ҳам мавжуд. Шу сабабдан, капитал қўйилмалар тушунчаси айнан инвестициялар тушунчасини англамайди.

“Инвестиция” атамаси махсус луғатларда ва адабиётларда ҳозиргача турлича изоҳланади ва таърифланади. Иқтисодиётга оид аксарият адабиётларда таъкидланишича “инвестициялар” атамаси латин тилидаги “invest” сўздан келиб чиққан бўлиб “қўйиш”, “маблағни сафарбар этиш” маъносини беради. Айрим адабиётларда эса, “инвестиция” атамаси – “ўраш”, “кийинтириш”, “ясантириш” деган маъноларни англатади, дейилади.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида: “Инвестиция (лот. Investio – ўраш) – иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида ўз мамлакатада ёки чет элларда турли тармоқларга, ижтимоий-иқтисодий дастурларга, инновацион, тадбиркорлик лойиҳаларига узоқ муддатга капитал киритиш (қўйиш)”<sup>58</sup>, дейилган бўлса Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 09 декабрдаги “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги (янги таҳрирда) қонуннинг 3-моддасида “инвестициялар — қонун ҳужжатларида тақиқланмаган тадбиркорлик фаолияти ва бошқа турдаги фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқлар, шунингдек реинвестициялар”, дейилади. Б.Ю.Ходиев ва Ш.Ш. Шодмоновлар муаллифлигида ёзилган “Иқтисодиёт назарияси” дарслигида: “Инвестициялар – асосий ва айланма капитални қайта тиклаш ва кўпайтиришга, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиришга қилинган сарфларнинг пул шаклидаги кўринишидир”<sup>59</sup>, деган таъриф берилган.

---

<sup>58</sup>Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 4-жилд. Зебунисо – Конибил. Таҳрир хайати М.Аминов, Т.Даминов, Т.Долимов ва б. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2002, 145 бет.

<sup>59</sup>Xodiyev B.Y., Shodmonov Sh.Sh..Iqtisodiyot nazariyasi: Darslik. – T.: “Barkamol fayz media”, 2017, 454 bet.

Бизнинг фикримизча, бу таърифлар қайсидир даражада инвестиция тушунчасига мос келсада, унинг мазмун-моҳиятини тўлиқлик очиб бермайди, чунки ҳар қандай дастур, лойиҳа ёки объектга киритилган капитал иқтисодий ёки социал самара бермаслиги мумкин. Амалиётда тугалланмаган қурилиш, ижобий натижасиз яқунланган айрим илмий тадқиқот ишлари ва ҳоказолар ҳам учраб туради. Ҳолбуки, инвесторлар ижобий натижа – иқтисодий ва социал самара олиш мақсадида иқтисодиётнинг турли тармоқларига, шунингдек, махсус дастурларни ва лойиҳаларни амалга ошириш учун капитал киритишади.

“Инвестицияларни молиялаштириш масалалари” номли монографияда: “Инвестициялар” атамаси лотин тилидаги “invest” сўзидан келиб чиққан бўлиб “қўйиш”, “маблағни сафарбар этиш” маъносини беради. Кенг маънода инвестициялар кўпайтириб қайтариб олиш мақсадларида капитални боғлашни билдиради”<sup>60</sup>, дейилган. Шунингдек, ушбу монография муаллифи Д.Ғ.Ғозибековнинг таъкидлашича “... инвестициялар аниқ ва ноаниқ, лекин эҳтимоли бор рисклар остида капитални муайян жараёнларга, муайян вақтга боғлаш бўлиб, унинг ҳозирги қийматини сақлаш, капиталлаштириш ва жамғариш мақсадига қаратилади”<sup>61</sup>. Айнан шундай фикрлар “Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш” ўқув қўлланма муаллифи Ҳ.Ҳ. Имомов томонидан ҳам билдирилган<sup>62</sup>.

Р.Х.Карлибаеванинг қаламига мансуб “Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш” номли ўқув қўлланмада: “Инвестициялар” атамаси лотин тилидаги “invest” сўзидан олинган бўлиб, пул сарф қилмоқ, қўймоқ маъносини англатади.

Инвестициялар – аниқ ёки ноаниқ, лекин эҳтимоли бор рисклар шароитида капитални муайян жараёнларга, муайян вақтда боғлаш бўлиб, унинг жорий қийматини сақлаш, капиталлаштириш ва жамғаришни

---

<sup>60</sup>Ғозибеков Д. Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари.-Т.: Молия 2003. 10 бет.

<sup>61</sup>Ғозибеков Д. Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари.-Т.: Молия 2003, 28 бет.

<sup>62</sup>Imomov H. H. Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish. (O'quv qo'llanma) –Т.:TDIU, 2010,17 bet.

таъминлаш мақсадида молиявий ва реал активларга мақсадли қўйилма қилиш жараёни”<sup>63</sup>, дейилади.

Юқорида келтирилган фикрлар қайсидир даражада ўхшаш. Уларда асосий эътибор иқтисодийга сафарбар этилаётган капиталнинг ҳозирги қийматини сақлаш ва уни капиталлаштириш жиҳатларига қаратилган.

“Молия: Корхоналар молияси” номли дарслик муаллифлари: “Инвестиция лотинча “investire” (кийинтириш, ясантириш), немисча “investition” сўздан келиб чиқиб, қисқача узоқ муддатга ишлаб чиқаришни кенгайтириш, даромадни орттириш, фойда олиш учун қандайдир ишга ёки корхонага капитал маблағ қўйишни билдиради”<sup>64</sup>, деган фикрни илгари суришган. Бизнинг фикримизча, бу таъриф ҳам камчиликдан ҳоли эмас.

Маълумки, корхоналар инвестицияларни, нафақат ишлаб чиқаришни кенгайтириш, даромадни орттириш ва фойда олишга йўналтиришади, айти пайтда, улар социал аҳамиятга эга бўлган объектларга: ходимларга хизмат қиладиган турар жойлар, боғча, спорт муассасалари ва бошқа маданий-маиший хизмат кўрсатувчи объектлар учун ҳам маблағ сарфлашади.

Бундан ташқари, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларига инвестициялар киритиш ички ҳамда ташқи бозорларни, инсонлар учун зарур бўлган, сифатли товар (хизмат)лар билан тўйинтириш имкониятини туғдиради. Буни ҳам инвестицияларнинг социал самараси деб баҳолаш мумкин.

Шу ўринда “социал” атамасига қисқача изоҳ бериш зарур бўлади. “...аксарият иқтисодий адабиётларда “социал самарадорлик” атамаси “ижтимоий самарадорлик”<sup>65</sup>, “социал” тусдаги хизматларга эса “ижтимоий хизматлар”, деб қаралади.

---

<sup>63</sup> Karlibayeva R.X. Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish. Oliy o‘quv yurtlari uchun o‘quv qo‘llanma. – T.: Cho‘lpon nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2011, 5 bet.

<sup>64</sup> Moliya: Korxonalar moliyasi. Darslik / J.R.Zaynalov, S.S.Alieva, Z.O.Axrorov va boshqalar. –T.: Iqtisod-moliya”, 2018, 134-141 betlar.

<sup>65</sup> Рус тилидаги адабиётларда қўлланиладиган “социально-экономическая эффективность” атамаси ўзбек тилида “ижтимоий-иқтисодий самарадорлик”, деб ўтирилган. Шунингдек, рус тилидаги “Экономика социальной сферы”, деб номланадиган ўқув адабиёти ҳам ўзбек тилида “Ижтимоий соҳа иқтисодиёти”, деб талқин қилинади.

“Ижтимоий” атамаси – жамият, умумий, жамоатчилик каби маъноларни англатади. Масалан, ижтимоий ишлаб чиқариш (жамият миқёсидаги ишлаб чиқариш), ижтимоий фанлар (жамият тўғрисидаги фанлар), ижтимоий тузум (жамият тузилиши) ва ҳоказо.

С.И. Ожегов томонидан тайёрланган “Словарь русского языка” номли луғатда “социал” тушунчасига қуйидагича изоҳ берилган: “Социальный. -ая, -ое. Общественный, относящийся к жизни людей и их отношениям в обществе”<sup>66</sup>. Бундан кўриниб турибдики “социал” атамаси ижтимоий тавсифга эга бўлиб, у инсонлар ҳаётига ва уларнинг жамиятдаги муносабатларига тааллуқлидир.

Ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект фаолияти ва унинг натижаси умумжамият аҳамиятига эга. Бироқ, бизнинг фикримизча, аҳолига кўрсатилаётган хизматларга “социал хизматлар”, хўжалик юритувчи субъектларнинг инсонлар меҳнати ҳамда турмуш шароитларини яхшилашга, уларнинг камол топишига йўналтирилган фаолияти натижасига эса “социал самарадорлик”, деб алоҳида урғу бериш мақсадга мувофиқдир”<sup>67</sup>.

Социал самарадорлик инсоннинг ҳар томонлама камол топишига ёрдам берадиган тадбирлар орқали намоён бўлади. У меҳнат ва турмуш шароитлари яхшиланишида, ходимлар малакасини оширишда акс этади. Шунингдек, социал самарадорлик –аҳоли жон бошига товар (иш ва хизмат)лар истеъмол қилинишининг, пенсия ва нафақалар миқдорининг ҳамда кадрлар тайёрлаш учун сарфланаётган маблағларнинг ўсишида ҳам ўз ифодасини топади.

Демак, инвестициялар ўз мазмун-моҳиятига кўра иқтисодий ёки социал самара келтириши лозим. Самара келтирадиган мулкӣ ва интеллектуал бойликлар (инвестиция)лар қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин:

---

<sup>66</sup>Ожегов Сергей Иванович. СЛОВАРЬ РУССКОГО ЯЗЫКА. Ок. 57000 слов. Под. Ред.д-ра филол. наук, проф. Н.Ю. Швердовой. – 12-е изд. – М.: Рус. яз., 1978, стр 692.

<sup>67</sup>Шавқиев Э., Каримов З. Тижорат банклари фаолиятининг социал-иқтисодий самарадорлигини оширишда инновацион хизматларнинг роли. // Ўзбекистон Республикаси кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Самарқанд кишлоқ хўжалиги институти ва Жанубий Корея Республикасининг Кангвон Университети ҳамкорлигида ташкил этилган халқаро назарий-амалий конференция материаллари. – Самарқанд, СамҚХИ, 2015, 142-145 бетлар

- пул маблағлари, банклардаги мақсадли жамғармалар, пайлар, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар;

- ҳаракатдаги ва ҳаракатда бўлмаган мулклар (бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар);

- муаллифлик ҳуқуқлари ва фойдаланиш ҳуқуқларидан (ноу-хау) ташкил топган мулкдорлик ҳуқуқлари, бошқа интеллектуал бойликлар;

- ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари ҳамда мулкчилик ҳуқуқлари;

- бошқа бойликлар.

Шундай қилиб, “Инвестиция” деганда келгусида даромад (фойда) олиш ёки социал самарага эришиш мақсадида қонун доирасида иқтисодийнинг турли соҳалари ва тармоқларига инвесторлар томонидан қўйиладиган барча турдаги мулкӣ, молиявий ва интеллектуал бойликлар тушунилади.

Бошқача айтганда, инвестициялар – мулкчиликнинг ҳар хил кўринишларидаги моддий, молиявий ва номоддий бойликларни иқтисодий-социал самарадорликка эришиш мақсадида муомалага киритишдир.

Берилган таърифдан келиб чиққан ҳолда қуйидагиларни қайд этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- инвестициялар мамлакатнинг қонунчилигига зид бўлмаган ҳар қандай фаолиятга жалб этилиши лозим;

- инвестициялар албатта иқтисодий ёки социал самара келтириши зарур.

Акс ҳолда капитал сарфлашнинг иқтисодий моҳияти йўқолади. Инвестициялар, нафақат узоқ муддатга, балки қисқа муддатга ҳам сарфланиши мумкин (масалан, давлатнинг қисқа муддатли ёки корхоналарнинг облигацияларни сотиб олишга сарфланган қисқа муддатли молиявий инвестициялар). Улар мулкӣ (моддий, молиявий) ва интеллектуал бойликлар кўринишига эга бўлади.

Маълумки, моддий, молиявий ва номоддий бойликларни миллий иқтисодиётнинг у ёки бу соҳаларига жойлаштириш, улардан фойдаланиш жараёнида иқтисодий муносабатлар юзага келади. Шу боисдан ҳам инвестиция иқтисодий категориялар сирасига киради. Бизнинг фикримизча, у турли субъектлар томонидан (қонунчиликка зид бўлмаган фаолиятларга) иқтисодий ёки социал самара олиш мақсадида мулкӣ ва интеллектуал бойликларни киритиш ҳамда улардан фойдаланиш жараёнида инвестиция фаолияти иштирокчилари ўртасида вужудга келадиган иқтисодий муносабатларни ифодалайди.

Иқтисодиётга инвестицияларни жалб этиш – ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири ҳисобланиб, корхоналарда инновацион муҳитни яхшилаш билан бирга, истиқболда технологик жиҳатдан янги, сезиларли даражада такомиллашган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарини шакллантиришга, ички ва ташқи бозорлар учун инновацион маҳсулотлар етказиб беришга, қолайверса, мамлакатдаги социал муҳитга ижобий таъсир этади.

1.1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мамлакатимизнинг социал-иқтисодий ҳолатини акс эттирувчи барча асосий кўрсаткичлар ўсиш тенденциясига эга. 2017 йили 2015 йилга нисбатан иқтисодиётда

### 1.1-жадвал

#### Ўзбекистон Республикасининг социал-иқтисодий ҳолатини акс эттирувчи асосий кўрсаткичлар<sup>68</sup>

	Йиллар	2017 йилда
--	--------	---------------

<sup>68</sup>Ўзбекистон рақамларда (статистик тўплам). –Т.: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, 2017,23бет; O‘zbekiston raqamlarda (statistik to‘plam). –Т.: O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasi, 2018,23bet.



т/р	Кўрсаткичлар	2015	2016	2017	2015 йилга нисбатан ўзгариш, фоизда
1	Доимий аҳоли сони (йил охирига), минг киши	31575,3	32 120,5	32 656,7	103,4
2	Иқтисодиётда бандларнинг ўртача йиллик сони, минг киши	13058,3	13 298,4	13 520,3	103,5
3	шужумладан нодавлат секторида	10717,0	10 968,0	11 182,0	104,3
4	Декабр ойида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи, минг сўм <sup>69</sup>	1549,6	1 752,2	1 983,3	128,0
5	Аҳоли жон бошига умумий даромадлар, минг сўм	3930,4	4 762,5 5	5 649,6	143,7
6	Пенсия ва ижтимоий нафақа олувчи шахслар сони (йил охирига), минг киши	3203,9	3 324,2 3	3 488,9	108,9
7	Декабр ойида тайинланган ўртача ойлик пенсия миқдори, минг сўм	438,2	494,2	556,8	127,1
8	Ялпи ички маҳсулот:				
	-жами, млрд. сўм	171808,3	199993,4	254043,1	147,9
	-аҳоли жон бошига, минг сўм	5489,3	6 279,6	7 843,9	142,9

бандларнинг ўртача йиллик сонининг ўсиши доимий аҳоли сонининг ўсишига нисбатан 0,1 пунктга, ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 28,0 фоизга, аҳоли жон бошига умумий даромадлар 43,7 фоизга, ўртача ойлик пенсия миқдори 27,1 фоизга, аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот 42,9 фоизга юқори бўлган. Бундай натижаларга эришишда, табиийки, мамлакат иқтисодиётига киритилаётган инвестицияларнинг роли катта.

Инвестицияларнинг ҳажми ва ўсиш суръатлари бир қанча омилларга боғлиқ:

<sup>69</sup>Қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳамда кичик тадбиркорликсиз.

•инвестициялар ҳажми аҳоли даромадининг миқдори ҳамда олинган даромадни истеъмол ва жамғармага тақсимланишига боғлиқ (аҳолининг ўртача даромади паст бўлган пайтда унинг асосий қисми истеъмолга сарфланади ва аксинча аҳоли даромадининг ўсиб бориши, унинг жамғарма қилишга ажратиладиган қисмини кўпайтиради).

•инвестициялар ҳажмига банк кредитининг фоиз ставкаси ҳам ўз таъсирини ўтказди. Чунки, инвестициялаш жараёнида банк кредитидан ҳам фойдаланилади. Инвестор оладиган соф фойда меъёри кредитнинг фоиз ставкасидан юқори бўлган тақдирда, инвестиция унинг учун даромадлиҳисобланади;

•инвестициялар ҳажмига инфляция даражаси ҳам таъсир қилади (инфляция қанчалик юқори бўлса, инвесторнинг келажакдаги фойдаси шунчалик қадрсизланади ва инвестицияларнинг рағбатлантирувчи омиллари қисқариб боради).

Мамлакатимиз иқтисодиётига киритилаётган инвестициялар таркибидаги ўзгаришларга танқидий назар билан қаралганда, мавжуд имкониятлардан ва салоҳиятдан унумли фойдаланилмаётганига гувоҳ бўлиш мумкин.

1.2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ўрганилаётган даврда жами инвестициялар таркибида республика бюджети, банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари, чет эл инвестициялари ва кредитлари ҳамда давлат мақсадли жамғармалари, тикланиш ва тараққиёт жамғармаси,

**1.2-жадвал**

**Ўзбекистонда молиялаштириш манбалари бўйича асосий  
капиталга киритилган инвестициялар<sup>70</sup>**

**(жамига нисбатан фоизда)**

---

<sup>70</sup>Ўзбекистон рақамларда (статистик тўплам). –Т.: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, 2017, 164 бет; O‘zbekiston raqamlarda (statistik to‘plam). –Т.: O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasi, 2018,165 bet.

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>2015 йил</b>	<b>2016 йил</b>	<b>2017 йил</b>
Асосий капиталга киритилгани инвестициялар– жами	100,0	100,0	100,0
Шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича:			
• республика бюджети	4,5	4,6	5,1
• корхона ва аҳоли	52,9	51,4	44,5
• банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	11,8	11,5	13,3
• чет эл инвестициялари ва кредитлари	19,9	22,1	25,1
• давлат мақсадли жамғармалари, тикланиш ва таракқиёт жамғармаси, болалар спортини ривожлантириш жамғармаларни қўшган ҳолда	10,9	10,4	12,0

болалар спортини ривожлантириш жамғармаларининг улушлари ўсиш тенденциясига эга. Энг юқори ўсиш чет эл инвестициялари ва кредитларига тўғри келади. Уларнинг улуши 2017 йили 2015 йилга нисбатан 5,2 фоизга ошган. Бироқ, жами инвестициялар таркибида мамлакатимизнинг ички манбаларидан фойдаланиш даражаси паст, яъни уларнинг улуши 80,1 фоиздан 74,9 фоизга тушган. Корхона ва аҳоли инвестицияларининг улуши ҳам 8,4 фоизга қисқарган. Табиийки, бундай ҳолатни ижобий деб бўлмайди.

Ривожланган давлатлар каторидан ўрин олишни мақсад қилиб қўйган Ўзбекистон учун иқтисодиётга, нафақат ташқи инвестицияларни, балки ички инвестицияларни кенгроқ жалб этиш зарур бўлади.

Ички инвестициялар ҳажмини кўпайтиришда – аҳоли жамғармаларини тижорат банкларига жалб этиш ва уларни инвестицияларга трансформация қилиш ҳамда акциядорлик жамиятларининг давлат улушига тегишли қимматли қоғозларни аҳолига сотиш муҳим манба ҳисобланади.

Аҳоли жамғармаларини тижорат банкларига жалб этиш учун эса, унинг банк тизимига бўлган ишончини ошириш зарур бўлади. Бу масалада ривожланган давлатлар амалиётини Ўзбекистонда ҳам қўллаш фойдалидир. Масалан, Японияда банк тизимининг умумий ресурсларида аҳоли жамғармалари 70 фоизни ташкил этади. Бу мамлакатда аҳоли жамғармаларининг ликвидлигини юқори даражада таъминлаш мақсадида

[кўйилган маблағларнинг қайтарилмаслик хатари молия-кредит институтлари зиммасига юкланади](#)<sup>71</sup>. [Аҳоли жамғармаларига нисбатан бундай ёндашув](#) замонавий бозор муносабатлари талабларига мос келади.

“Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган.

Шу сабабли ҳам инвестиция – бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, десак, муболаға бўлмайди”<sup>72</sup>.

Маълумки, ҳар қандай давлат дунёдан ажралган ҳолда – жаҳон тажрибаларини ўрганмасдан, дунёнинг етакчи давлатларидаги илм, фан ва техника соҳасида эришилган ютуқлардан хабардор бўлмасдан ва уларни қабул қилмасдан ўз миллий иқтисодиётини ривожлантириши мумкин эмас. Шу сабабдан ҳам, Ўзбекистон иқтисодиётининг келгуси тараққиётини таъминлашда, иқтисодиёти юксак даражада ривожланган давлатлардаги замонавий техника ва технологияларни жалб этишда хорижий инвестициялар муҳим аҳамият касб этади.

## **2.Ўзбекистон иқтисодиётининг инвестицияларни жалб этувчанлигини ошириш йўллари**

Иқтисодиётимизга киритилаётган инвестицияларнинг йилдан-йилга ўсиб боришида юртимиздаги мавжуд инвестицион шароит ва қулай инвестиция муҳити алоҳида аҳамият касб этаётганини таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидланганидек: “Биз 2018 йилга «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» деб ном бериб, Давлат дастури доирасида 21 триллион сўм ва 1 миллиард долларга тенг 76 мингта лойиҳани амалга оширганимиз ўтган йили

---

<sup>71</sup>Каримов Н.Ф. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инвестицияларни молиялаштиришнинг бозор муҳанизмларини такомиллаштириш. // Стратегии модернизации и обеспечения долгосрочного устойчивого экономического роста. Форум экономистов Узбекистана. – Т/: «СМИ-АСИА», 2011, 63 бет.

<sup>72</sup>Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.// Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабрь.

яхши ният билан бошлаган ишларимизнинг натижасини кўрсатиб турибди.”<sup>73</sup>.

Ҳозирги замон бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банклари муҳим инвестиция институти ҳисобланади. Чунки иқтисодиётни таркибий қайта қуриш ва модернизация қилиш, корхоналарда ишлаб чиқаришни технологиялар билан қайта жиҳозлаш мақсадида қўйиладиган инвестицияларни маблағлар билан таъминлашни банклар иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди. 2019 йилги Инвестиция дастурига 17193 миллиард сўм маблағ айнан тижорат банклари томонидан кредит маблағлари ва бошқа қарз маблағлари иқтисодиётга йўналтирилиши кутилмоқда. Ушбу рақам умумий инвестицияларнинг 15,3 фоизини ташкил этади.

Мамлакатимизда инвестицион жараёнларни янада фаоллаштиришда банк тизимининг роли алоҳида аҳамият касб этиб бормоқда.

4.3.1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Марказий банк томонидан рўйхатга олинган кредит ташкилотлари сони 2019 йилнинг 1 март ҳолатига 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 17 тага ёки 16,3 фоизга ўсган. Бу даврда тижорат банклари сони 1 тага ёки 3,6 фоизга ортган. Шунингдек, нобанк кредит ташкилотлари сони ҳам 16 тага ёки 21,1 фоизга, давлат улуши бор акциядорлик тижорат банклари сони 2 тага ёки 18,2 фоизга кўпайган. Тижорат банкларининг филиаллари ҳамда мини-банклар сони ҳам ўсиш тенденциясига эга. Булар, мос равишда, 0,7 ва 14,7 фоизга ошган. Банк

## **2.1-жадвал**

### **Ўзбекистон Республикасида кредит ташкилотлари ва банклар таркибий бўлинмалари<sup>74</sup>**

**(бирликда)**

---

<sup>73</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Халқ сўзи, 2018 йил 23 декабрь.

<sup>74</sup>Кредит ташкилотлари ва банклар таркибий бўлинмалари сони. <http://www.cbu.uz/uzc/statistics/bankstats/>

т/р	Кредит ташкилотлари ва банклар	01.03.2018 йил	01.03.2019 йил	Ўзгариш, фоизда
1	Марказий банк томонидан рўйхатга олинган кредит ташкилотлари	104	121	116,3
	Шу жумладан:			
	-тижорат банклари, шундан:	28	29	103,6
	<i>Давлат улуши мавжуд банклар</i>	<i>11</i>	<i>13</i>	<i>118,2</i>
	<i>Бошқа банклар</i>	<i>17</i>	<i>16</i>	<i>94,1</i>
	-нобанк кредит ташкилотлари шундан <sup>75</sup>	76	92	121,1
	<i>Микрокредит ташкилотлари</i>	<i>30</i>	<i>37</i>	<i>123,3</i>
	<i>Ломбардлар</i>	<i>46</i>	<i>55</i>	<i>119,6</i>
2	Тижорат банклари филиаллари, жами <sup>76</sup>	864	870	100,7
	шундан: Халқ банки	197	196	99,4
3	Мини-банклар	996	1142	114,7

муассасалари тармоғининг кенгайиб бораётгани банклар ўртасидаги рақобат муҳитининг кучайиши ҳамда банк хизмат турлари сифати ва кўламининг ошиб боришига имкон берди.

Мамлакат иқтисодиётининг таркибий қисми ҳисобланган қимматли қоғозлар ва лизинг хизматлари бозори мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Ривожланган мамлакатларда қимматли қоғозлар бозори иқтисодий фаолликни акс эттирувчи муҳиминдикаторлардан бири саналади. Бунда энг аҳамиятли жиҳат қимматли

<sup>75</sup> Нобанк кредит ташкилотларининг филиаллари мавжуд эмас.

<sup>76</sup> Тижорат банкларининг хорижий давлатларда филиаллари мавжуд эмас.

қоғозлар бозори ёрдамида жамғармаларни инвестицияларга айлантириш имконияти вужудга келади.

Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётининг муҳим жиҳати – инвестиция жараёнида йирик трансмиллий компанияларнинг фаол иштироки, молия бозорининг юқори ривожланганлиги, хусусан, қимматли қоғозлар муомаласининг кенг тарқалганлиги, турли жамғармаларнинг инвестиция фаолиятига жалб қилиш механизмининг юқори даражада таркиб топганлиги билан ажралиб туради.

Иқтисодиётни модернизациялаш ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида қимматли қоғозлар бозорининг ролини ошириш иқтисодий ривожланишнинг муҳим йўналишларидан бўлиб ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида инвестицияларни фаол жалб қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, иқтисодий муносабатларни жадаллаштириш, нофаол жамғармаларни муомалага киритиш ва энг муҳими, иқтисодий ўсишни таъминлашда таъсирчан аҳамиятга эга.

Қимматли қоғозлар бозорининг инвестиция жараёнидаги иштирокини кенгайтириш бозорнинг рақобатбардошлиги, ишончилиги, барқарорлиги, даромадлилиги каби омиллар билан белгиланади.

“Бугунги кунда мамлакатимизда 603 та акциядорлик жамияти фаолият юритаётган бўлса, уларнинг 486 тасида давлат улуши 52 триллион сўмни ташкил этмоқда.

Ёқилғи-энергетика, нефть-газ, кимё, транспорт ва банк соҳаларида давлат иштироки юқори даражада сақланиб қолаётгани уларни бозор механизмлари асосида ривожлантириш, инвестициялар жалб этишга тўсқинлик қилмоқда.

Давлат активлари тартибсиз бошқарилаётгани ҳам самарадорликка салбий таъсир кўрсатмоқда. Масалан, ҳозирги вақтда 972 та давлат корхонаси активларининг атиги 21 фоизи Давлат рақобат кўмитаси томонидан, қолган 79 фоизи вазирлик ва идоралар ҳамда хўжалик бирлашмалари томонидан бошқарилмоқда.

Бундай ёндашув сўнгги 27 йил давомида давлат корхоналарини қандай аҳволга олиб келгани ҳеч кимга сир эмас. Авиасозлик саноати каби бутун бир соҳа йўқ бўлиб кетди”<sup>77</sup>.

Қимматли коғозлар чиқариш, инвестицияларни молиялаштиришда марказлашган маблағлар ва банк кредитлари ҳиссасининг пасайишига олиб келади.

Қимматли коғозлар ва кредит бозори пул маблағларига эҳтиёжи бўлган корхоналарга пул маблағларини тақсимлаб корхоналарнинг молиявий ҳолатини барқарорлаштиради.

Корхоналар инвестицион фаолиятга (акциядан ташқари) облигацияларни чиқариш йўли билан ҳам маблағларни жалб этишади. Облигацияларни чиқариш ва уларни жойлаштириш бир мунча қисқа вақт ичида корхоналарга зарур маблағларни тўплаш имконини беради.

Облигациялар бўйича операциялар акцияларникига нисбатан камроқ хавф-хатарга эга. Шу сабабдан облигацияларга тўланадиган фоиз акциялар бўйича тўланадиган дивидендга нисбатан пастроқ бўлади. Корхоналар учун облигация чиқаришга нисбатан, акция чиқариш қўлайроқ ҳисобланади. Чунки, олиннадиган соф фойда миқдорига қараб, акциялар бўйича тўланадиган дивиденд миқдорини ўзгартириши мумкин, облигациялар бўйича тўланадиган фоиз катъий белгиланган бўлади.

Республикада биржа бозори сифатида “Тошкент” республика фонд биржаси ва банклараро савдо тизимлари фаолият кўрсатмоқда.

## 2.2-жадвал

### “Тошкент” республика фонд биржасининг биржа обороти кўрсаткичлари таҳлили<sup>78</sup>

т/р	Кўрсаткичлар	2016 йил	2017 йил	Ўзгариш (+ўсиш , – пасайиш),
-----	--------------	----------	----------	------------------------------------

<sup>77</sup>Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.// Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабрь.

<sup>78</sup>с. <https://uzse.uz/analytics> “Биржевое обозрение” по итогам 2017 года



				<b>фоизда</b>
1	Биржада қимматбаҳо қоғозлари муомалада бўлган акциядорлик жамиятлари сони	141	99	- 29,8
2	Шартномалар сони, дона	3080	2572	- 16,5
3	Қимматбаҳо қоғозлар сони, млн.дона	689,1	1551,6	+ 125,2
4	Шартномалар суммаси, млрд.сўм	299,8	298,6	- 0,4

2.2-жадвал маълумотлари далолат берадики, 2017 йили 2016 йилга нисбатан биржада қимматбаҳо қоғозлари муомалада бўлган акциядорлик жамиятлари сони ҳамда шартномалар сони, мос равишда, 29,8 ва 16,5 фоизга қисқарган. Айти пайтда, бу даврда қимматбаҳо қоғозлар сони 862,5 млн.донага ёки 25,2 фоизга кўпайган, шартномалар сони эса 1,2 млрд. Сўмга ёки 0,4 фоизга камайган.

2.3-жадвалда келтирилган маълумотларидан кўришиб турибдики, 2017 йилда қимматбаҳо қоғозлар муомаласи бўйича тузилган шартномаларнинг сони ва уларнинг умумий суммалари ҳудудлар бўйича кескин фарқ қилади. Корхоналар акцияларининг олди-сотдиси бўйича тузилган шартномаларнинг 90,47 фоизи Тошкент шаҳрига, 3,46 фоизи Фарғона вилоятига тўғри келган. Бу кўрсаткич Самарқанд вилоятида – 0,20 фоиз бўлган. Ҳудудлар кесимида қимматбаҳо қоғозлар муомаласи бўйича тузилган шартномаларнинг сони ва уларнинг умумий суммаларидаги фарқ, улардаги акциядорлик корхоналарнинг сонига ва муомалага чиқаришган қимматбаҳо қоғозлар қийматига бевосита боғлиқ. Шу сабабли, бизнинг

### 2.3-жадвал

#### 2017 йилда Ўзбекистонда қимматбаҳо қоғозлар муомаласи бўйича тузилган шартномаларнинг ҳудудлар бўйича тақсими<sup>79</sup>

т/р	Ҳудудлар номи	Шартномалар сони, дона	Шартномалар суммаси,	Ҳиссаси, жамига
-----	---------------	------------------------	----------------------	-----------------

<sup>79</sup><https://uzse.uz/analytics> "Биржевое обозрение" по итогам 2017 года

			<b>минг.сўм</b>	<b>нисбатан фоизда</b>
1	Андижон вилояти	302	442794,2	0,15
2	Бухоро вилояти	21	1291382,5	1,43
3	Тошкент шаҳри	1078	270114779,3	90,47
4	Жиззах вилояти	5	3006,7	0,00
5	Қорақалпоғистон Республикаси	1	4001,4	0,00
6	Қашқадарьё вилояти	4	98,9	0,00
7	Навои вилояти	102	1028110,0	0,34
8	Наманган вилояти	4	454700,0	0,15
9	Самарқанд вилояти	218	598420,3	0,20
10	Сурхондарьё вилояти	3	230665,0	0,77
11	Сирдарьё вилояти	104	1710829,8	0,57
12	Тошкент вилояти	195	8819797,8	2,95
13	Фарғона вилояти	533	10329265,9	3,46
14	Хоразм вилояти	2	1451265,7	0,49
	Жами	2572	298555107,5	100,0

фикримизча, Самарқанд вилоятида акциядорлик жамиятларининг ташкил этилиши учун шарт-шароитлар яратилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.Шуни таъкидлаб ўтиш ўринлики, инвестицион мақсадларга йўналтирилувчи маблағлар танқислиги шароитида лизинг – инвестицион фаолиятни фаоллаштирувчи муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Лизинг – молиявий-кредит муносабатларининг шаклларида бири ҳисобланади. Унинг асосида корхоналар ишлаб чиқариш воситаларини махсус ташкил қилинган лизинг компанияларидан узоқ муддатга ижарага олишади.

Бугунги кунда Ўзбекистондаги лизинг бозорида “O’zagrolizing” ДЛК, “Uzbek Leasing International A.O.” АЖ, “O’zavtosanoat-Leasing” МЧЖ ЛК,

“Nano Lizing” МЧЖ, “China Leasing Group” МЧЖ лизинг компаниялари ҳамда бир қатор тижорат банклари – “Asaka Bank” АТБ, “Kapital Bank” АТБ, “Ipoteka Bank” АТИБ, “KDB Bank Uzbekistan”, “Trust Bank” ХАБ фаол иштирок этишмоқдалар.

#### 2.4-жадвал

#### Лизинг бозори қатнашчиларининг улуши<sup>80</sup>

т/р	Лизинг бозори қатнашчилари	Йиллар				
		2013	2014	2015	2016	2017
<b>1</b>	<b>Лизинг компаниялари</b>					
	-мулк қиймати, млрд сўм	560.2	592.6	668.2	630.8	963.8
	-улуши, фоизда	69.6	71.7	78.5	64.8	62.0
<b>2</b>	<b>Банклар</b>					
	-мулк қиймати, млрд сўм	244.9	233.6	183.0	342.3	589.8
	-улуши, фоизда	30.4	28.3	21.5	35.2	38.0
	<b>Жами</b>	<b>805.2</b>	<b>826.2</b>	<b>851.2</b>	<b>973.1</b>	<b>1553.6</b>

2.4-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2017 йил якунлари бўйича лизинг берувчилар орасида лизинг бозорининг тақсимланиш тенденцияси олдинги йиллардаги каби сақланиб қолди. Унга кўра бозорнинг 62 фоиз лизинг компанияларига тегишли. Тижорат банкларига тўхталадиган бўлсак, 2016 йил якунлари билан солиштирганда, банклар лизинг хизматларини тақдим этиш ҳажмини 247,5 млрд.сўмга оширган. Уларнинг улуши 38 фоизни ташкил қилди.

Агар лизинг портфелининг лизинг берувчилар бўйича тақсимланиши кўриб чиқиладиган бўлса, унда портфелнинг 78,2 фоиз лизинг компаниялари улушига тўғри келишини кўрамиз. 2018 йил боши ҳолати бўйича лизинг портфелининг суммаси 2 трлн. 684 млрд.сўмни ташкил этган. Ушбу

<sup>80</sup> 2017 йил якунлари бўйича Ўзбекистондаги лизинг хизматлари секторининг обзори. –Т.: “Ўзбекистон Лизинг Берувчилар Уюшмаси”, 2018, 3-4 бетлар.

кўрсаткич амалдаги қонунчиликда тижорат банклари томонидан кўрсатиладиган лизинг хизматларининг суммаси банк биринчи даражаси капиталининг 25 фоиздан ошмаслиги лозимлиги кўзда тутилгани билан тавсифланиши мумкин.

Мамлакат бозорида амалга оширилган лизинг операциялари ҳажмлари ҳудудлар бўйича бир текис эмас. 2017 йил якунлари бўйича лизинг операцияларида Самарқанд вилоятининг улуши 5,4 фоизгина бўлган. Айни пайтда, бу кўрсаткич Тошкент шаҳрига – 35,6 фоиз, Тошкент вилоятига - 10,6 фоиз ва Сирдарё вилоятига - 9,7 фоиз тўғри келмоқда.

Ўзбекистонда, шу жумладан, Самарқанд вилоятида истеъмол лизингини янада ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадга мувофиқдир.

Лизинг – ишлаб чиқаришни замонавий техника ва технологиялар билан қуроллантиришга, жаҳон стандартлари даражасидаги истеъмол товарларни ишлаб чиқаришга, бозорларни сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришга ва республика экспорт салоҳиятини янада оширишга шароит яратади.

Тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларида бири қўшма корхоналар ҳисобланади. Қўшма корхоналар ташкил этиш корхона ва ташкилотларнинг чет эллик шериклар билан алоқасини юксалтиради, мамлакат ҳудудида хорижлик тадбиркорликларга кенг шароит яратади, мамлакат ҳудудига хорижий инвестицияларини жалб этади.

Ҳозирги кунда хорижлик ишбилармонлар Ўзбекистонни ўзлари учун қулай ва ишончли шерик деб ҳисоблайдилар, чунки республикада хорижий инвесторлар учун қулай инвестицион муҳит яратилган. Натижада уларда ўз сармояларини республикада жойлаштириш ва биз билан ҳамкорлик қилиш истаги ортиб бормоқда. Республикада яратилган қулай инвестицион муҳитнинг асосий омиллари – республикадаги қулай сиёсий барқарорлик, бой хом ашё ресурсларининг мавжудлиги, қўшма тадбиркорликнинг ҳуқуқий асоси яратилганлигидир.

Хорижий корхоналарни ташкил этиш орқали чет эл инвестицияларини жалб қилиш бугунги кунда кенгайиб бормоқда. Ўзбекистонда хорижий

инвестиция иштирокидаги корхоналар иқтисодиётнинг турли соҳаларида ташкил этилган.

## 2.5-жадвал

### Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар<sup>81</sup>

(дона)

Худудлар	1 январь 2018 йил ҳолатига	1 январь 2019 йил ҳолатига
Республика бўйича	5517	7560
Шу жумладан:		
Самарқанд вилояти	280	396

2.5-жадвал маълумотлари далолат берадики, республикада 2019 йил 1 январь ҳолатига фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони 7560 тани ташкил этди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2043 тага ёки 37,0 фоизга ўсган. Самарқанд вилоятида эса фаолият юритаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони, урганилаётган даврда, 116 тага ёки 1,4 баробарга ортган.

Давлат статистика қўмитаси тарқатган маълумотларга кўра, ушбу корхоналарнинг асосий қисми Россия Федерацияси, Туркия Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қозоғистон Республикаси ва Корея Республикаси ҳиссаларига тўғри келади.

Шунингдек, хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг 4006 таси қўшма, 3554 таси эса хорижий корхоналар ҳисобига тўғри келади.

---

<sup>81</sup>Ўзбекистонда хорижий капиталга эга 5517 корхона ишламоқда. // [www.kun.uz](http://www.kun.uz). [Ўзбекистон](#), 2018 йил 12 январь; Ўзбекистонда хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони маълум қилинди. // [www.kun.uz](http://www.kun.uz). [Ўзбекистон](#), 2019 йил 15 январь.

Биргина 2018 йилда хорижий капитал иштирокидаги янги ташкил этилган корхоналарнинг сони 2385 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1522 тага кўпайган.

Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрадиган бўлсак, асосан 728 таси саноат, 654 таси савдо, 229 таси қурилиш, 190 таси қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ва 297 таси бошқа фаолият турлари ҳиссасига тўғри келади<sup>82</sup>.

Хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарни ташкил этишда муҳим омиллардан бири – бу мамлакатда эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарининг мавжудлигидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 августдаги “Эркин иқтисодий зоналар самарали фаолият кўрсатиши учун вазирликлар, идоралар ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларини мувофиқлаштиришни кучайтириш ва уларнинг масъулиятини ошириш чоратadbирлари тўғрисида”ги қарори, энг аввало, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай шарт-шароитлар яратишга, янги рақобатдош ишлаб чиқаришлар ташкил этишга, уларнинг муҳандислик коммуникациялари ва зарур инфратузилма билан таъминланган алоҳида ҳудудларда тўпланишини таъминлашга йўналтирилган бўлиб, бу мазкур соҳада давлат сиёсатининг сифат жиҳатидан янги даражага кўтарилганидан далолатдир.

Соҳада ҳали айрим муаммолар: электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви ва канализация тизими билан тўлиқ таъминланмаганлиги, шунингдек, айрим туманларда кичик саноат зоналарини ташкил этишда ишлаб чиқариш корхоналарининг бир-бирига ва аҳоли яшаш жойларига нисбатан белгиланган санитария талабларига жавоб бермаслиги каби ҳолатлар мавжуд.

---

82Ўзбекистонда хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони маълум қилинди. // www. Kun.uz. [Ўзбекистон](#), 2019 йил 15 январь.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларга хорижий, аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш, давлат мулки хусусийлаштирилган объектлар базасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир кўплаб вазифалар белгиланган. Мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш, янгиларини ташкил этиш борасида олиб борилаётган ишлар бунда муҳим аҳамият касб этмоқда.

[Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 мартдаги 3607-сон "Самарқанд вилоятида кичик саноат зоналарини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида"ги қарорига](#) асосан вилоятининг шаҳар ва туманларидаги 16 та бўш турган объектлар негизида 14 та кичик саноат зонаси ташкил этилди.

Кичик саноат зоналарида тадбиркорларнинг бизнес лойиҳалари ва ишлаб чиқариш имкониятларини амалиётга татбиқ этишлари учун барча шароит яратилган.

Эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгаши баёни қабул қилинган кундан эътиборан, кичик саноат зонаси иштирокчилари икки йил муддатга юридик шахсларга солинадиган мол-мулк солиғи ва фойда солиғи, шунингдек, ягона солиқ тўловидан озод қилинади.

Солиқ имтиёзлари кичик саноат зонаси иштирокчилари томонидан энг кам иш ҳақининг 2000 бараваридан кам бўлмаган миқдорда инвестиция киритиш шarti билан тақдим этилади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 30 фоизи экспортга чиқарилса, имтиёзлар муддати узайтириб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14-15 апрель кунлари Самарқанд вилоятига ташрифи давомида берган топшириқлари асосида Каттақўрғон шаҳрида 2018-2019 йилларда саноат, қишлоқ хужалиги,

хизмат курсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга оид 4 та инвестиция лойихаси киритилган<sup>83</sup>.

Каттақўрғон шаҳар иқтисодиётини кўтариш, аҳолини доимий иш билан таъминлаш ва ишлаб чиқариш суръатини ошириш мақсадида маҳаллий корхона ва ташкилотларда олиб борилган тушунтириш ишлар натижасида бир қатор корхоналарга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ишлаб чиқариш ускуналари шаклида) олиб кирилди. Уларнинг айримлари 4.3.6-жадвалда келтирилди.

2018 йилнинг март ойида “Каттақўрғон Ёғ-мой” акциядорлик жамиятига Хитой давлатидан руйхатдан ўтган “Quinco(Fujian) Machinery Industrial Co.Ltd” (маъсулияти чекланган жамият) хорижий ҳамкори томонидан ишлаб чиқариш соҳаси буйича 150,0 минг АҚШ доллари миқдорида 5 литрлик ПЭТ идишларда ёғ маҳсулотларини кадоқлаш асбоб-ускунаси киритилди. Бугунги кунда ушбу лойиҳа тўлиқ ишга туширди.

Шунингдек, 2018 йилнинг апрел ойида жами киймати 1 221,0 минг АҚШ доллари миқдорида инвестициялар киритилди. Жумладан:

## 2.6-жадвал

### Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон шаҳрида 2018-2019 йилларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокида ташкил этилган кичик саноат корхоналари<sup>84</sup>

Кичик саноат корхоналари	Лойиҳа қиймати	Хорижий инвесторлар маблағлари	Ишлаб чиқарилади - ган маҳсулот тури	Ишлаб чиқарилади- ган маҳсулот ҳажми
"Kattakurgan Charm" кўшма	5 614,0 млн. сўм , шундан	568,0 минг АҚШ	Тери маҳсулотлар	Лойиҳанинг йиллик ишлаб

<sup>83</sup><https://samarkand.uz/.../samarqand-viloyati-kattaqorgon-sha>

<sup>84</sup><https://samarkand.uz/.../samarqand-viloyati-kattaqorgon-sha>



корхонасининг	1 013,0 млн. сўм маҳаллий инвесторнинг ўз маблағи	доллари	и	чиқариш ҳажми 12 000,0 млн. сўмни
"Metal Solution Technologies" масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхона	12 045,0 млн.сўм, шундан 1 515,0 млн. сўм маҳаллий инвесторнинг ўз маблағи,	300,0 минг АҚШ доллари	Сантехник фитинглар	Лойиханинг йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 80 000,0 млн. сўмни

• “ClassicMotor” маъсулияти чекланган жамиятига Хитойда давлатидан рўйхатидан ўтган “Shangqiu Sihai Energy Technology Co.Ltd” (маъсулияти чекланган жамият) томонидан ишлаб чиқариш соҳаси бўйича жами қиймати 300,0 минг АҚШ доллари миқдорида асбоб-ускуна киритилди;

• “Mega Mebel Trade” маъсулияти чекланган жамиятига Хитой давлатида рўйхатдан ўтган “Shanxi Crulin Machenery Co.Ltd” (маъсулияти чекланган жамият) хорижий инвестори томонидан мебель ишлаб чиқариш соҳаси бўйича жами қиймати 159,0 минг АҚШ доллари миқдорида асбоб-ускуна киритилган бўлиб, ушбу лойиҳа тўлиқ ишга туширилди;

• “Machenery Co.Ltd” (маъсулияти чекланган жамият) хорижий инвестори томонидан мебель ишлаб чиқариш соҳаси бўйича жами қиймати 159,0 минг АҚШ доллари миқдорида асбоб-ускуна киритилган бўлиб, ушбу лойиҳа тўлиқ ишга туширилди;

• “Каттақўрғон чарм” Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасига корхона таъсисчилари яъни Ўзбекистон томонидан фуқаро Исломов Икром ва Исломов Умрзоқ ҳамда Хитой томонидан “Chantsinsinsyan” савдо компанияси ҳамкорлигида корхонага жами қиймати 761,0 минг АҚШ долларлик терини қайта ишлашда фойдаланиладиган асбоб-ускуналар

киритилди;

- “Qo’rg’on Universal Biznes” маъсулияти чекланган жамиятга 2018 йилнинг июн ойида Германия давлатидан руйхатдан ўтган “Homag Co.Ltd” (маъсулияти чекланган жамият) хорижий инвестори томонидан жами қиймати 36,0 минг евро ва Чехия давлатидан руйхатдан ўтган “Akword Co.LTD” маъсулияти чекланган жамият хорижий инвестори томонидан жами қиймати 2,75 минг АҚШ доллари миқдорида мебель ишлаб чиқариш соҳаси буйича асбоб-ускуна киритилди.

Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманида 2018 йилда 2 та хорижий инвестор томонидан жами 480,0 минг АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилинган<sup>85</sup>.

Амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ кичик саноат зоналари иштирокчиларига қуйидаги ҳуқуқлар берилган:

- ўз маблағлари ҳисобига қурилган бино ва иншоотларга (ёки уларнинг қисмларига) мулк ҳуқуқини ўрнатилган тартибда расмийлаштириш;

- инвестиция ва бошқа ижтимоий мажбуриятларни тўлиқ бажарган тақдирда, бироқ кичик саноат зонаси иштирокчиси мақомини олган даврдан бошлаб камида 5 йил муддат ўтгандан кейин, ўзларига берилган бинолар ва иншоотларни (ёки уларнинг қисмларини) хусусийлаштириш;

- реконструкция қилиш ёки капитал таъмирлашни ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширган тақдирда, бироқ кичик саноат зонаси иштирокчиси мақомини олган даврдан бошлаб камида 3 йил муддат ўтгандан кейин, бинолар ва иншоотларни (ёки уларнинг қисмларини) хусусийлаштириш.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, ташкил этилаётган кичик саноат зоналари қатнашчилари икки йил муддатга ягона солиқ тўловидан озод этилади. Агар имтиёзларнинг амал қилиш муддати давомида корхоналар

---

<sup>85</sup>sampayarik.uz/uz/node/269

томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот умумий ҳажмининг камида 30 фоизи экспорт қилинса, мазкур имтиёзлар яна икки йилга узайтирилади. Шунингдек, уларга давлат бинolari имтиёзли узоқ муддатли ижарага ёки “ноль” қийматда берилади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда яратилган инвестицион муҳит ва инвестициялашдаги устувор йўналишлар – иқтисодий сифат жиҳатдан юқори даражага кўтаришга, мамлакатнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини мустаҳкамлашга, аҳолига муносиб турмуш шароитларини яратишга ва республиканинг ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олишига замин яратиши керак.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Инвестицияларнинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни?
2. Чет эл инвестицияларини республикамизга жалб қилиш ҳолатлари?
3. Реконструкция қилиш ёки капитал таъмирлаш нима?

### **Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:**

1. Морозов М. А. Экономика и предпринимательство в социально – культурном сервиса и туризме. М: Изд. центр “Академия”, 2006 г.
2. Пардаев М.Қ., Очиллов И.С. “Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари” Монография. Т: Иқтисодиёт-молия, 2011
3. Э.С.Файзиев «Сервис тизими фаолияти асослари» Ўқув қўлланма. Самарқанд. «Зарафшон» нашриёти Д.К, 2010
4. Э.С. Файзиев Сервис соҳасининг иқтисодиётдаги ўрни. Рисола Сам.И.С.И, 2007 й
5. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолари ва уларнинг ечимлари. Монография. Проф. М.Қ.Пардаев, проф., Ҳ.Н.Мусаевлар таҳрири остида. Т.: «Иқтисод-молия», 2008
6. [www.economics.ru](http://www.economics.ru)

7. [www.ser.uz](http://www.ser.uz)
8. [www.uza.uz](http://www.uza.uz)
9. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
10. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

## **Мавзу 11. Сервис соҳаси корхона ва ташкилотларида ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари**

Ҳар бир корхона ва ташкилот маълум бир харажатларни қилади. Бугунги кунда ҳар бир раҳбар ёки корхона бошқарувчиси ўз харажатларини камайтириш йўллари излайди. Тўғри ташкил этилган харажатлар корхона фаолиятини самарали ташкил этишга сабаб бўлади.

### **11.1. Сервис соҳаси корхона ва ташкилотларида маҳсулотлар, ишлар, хизматлар режали таннархига қўшиладиган харажатлар таркиби**

Бугунги кунда маҳсулот нархи унинг сифат кўрсаткичи билан боғланмоқда. Истеъмолчи учун арзон ва сифатли товар ёки хизмат кўрсатиш ҳар бир тадбиркор учун қизиқдир. Арзонлаштирилган ва шу билан бирга сифатли маҳсулотга эга бўлган корхона бозорда ўз ўрнига узоқ вақт мобайнида қолади.

#### **Режа:**

1. Сервис соҳасидаги ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг мазмун ва моҳияти.
2. Хизматлар (иш, маҳсулот) таннархини калькуляциялаш.
3. Ишлаб чиқариш учун харажатлар сметаси.

### **1. Сервис соҳасидаги ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг мазмун ва моҳияти.**

Корхоналар фаолият юритиш жараёнида моддий ва пул харажатларини сарфлайдилар. Корхонанинг умумий харажатлари ичида ишлаб чиқариш

харажатлари энг катта салмоққа эга. Ишлаб чиқариш харажатлари мажмуаси корхонага маҳсулот ишлаб чиқариш қанчага тушишини кўрсатади, яъни маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархини ташкил қилади.

Корхоналар, шунингдек, маҳсулотни сотиш бўйича харажатларни, яъни ишлаб чиқаришдан ташқари ёки тижорат (ташиш, қадоқлаш, сақлаш, реклама қилиш ва ҳоказо) харажатларини ҳам амалга оширадilar.

Маҳсулот (иш, хизмат) таннархини ташкил қилувчи харажатлар иқтисодий мазмунига кўра, қуйидаги элементларга асосан гуруҳларга тақсимланади:

- \* моддий харажатлар;
- \* асосий фондлар амортизацияси;
- \* меҳнатга ҳақ тўлаш билан боғлиқ бўлган харажатлар;
- \* ижтимоий эҳтиёжларга мўлжалланган харажатлар;
- \* бошқа харажатлар.

Моддий харажатлар ишлаб чиқариш харажатларининг энг катта қисми бўлиб, умумий харажатларнинг 60 - 80 фоизини ташкил қилиши мумкин. Моддий харажатлар ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади:

- \* хом ашё ва материаллар харажатлари;
- \* технологик мақсадлар ва хўжалик эҳтиёжлари учун сарфланувчи ёқилғи ва энергия;
  - харид қилинувчи бутловчи қисмлар ва ярим тайёр маҳсулотлар;
  - сотиб олинган қадоқлаш ва ўров материаллари харажатлари;
- \* машина ва асбоб-ускуналарни таъмирлаш учун эҳтиёт қисмлар;
  - бошқа корхона ва ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган ишлаб чиқариш хизматлари;
  - хизмат даври бир йилгача бўлган кичик қийматли ва тез эскирувчи предметларнинг эскириши ёки ҳар бир инструмент, инвентарь, лаборатория

ускуналари ва махсус кийим-бош учун энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравар миқдоригача қиймати;

\* табиий хом ашёдан фойдаланиш билан боғлиқ солиқ, йиғим ва бошқа тўловлар;

\* ишлаб чиқаришда бекор туриб қолиш ва сифатсизлик (брак) туфайли юзага келадиган йўқотишлар;

\* табиий йўқотишлар билан боғлиқ бўлган ёки айбдор шахслар мавжуд бўлмаган ҳолда юзага келадиган йўқотишлар.

Амортизация ажратмалари миқдorigа тенг бўлган асосий ишлаб чиқариш фондларининг эскириши харажатларнинг йирик элементларидан бири ҳисобланади. Булар қаторига асосий фондларнинг тезлашган амортизацияси ва унинг индексациясини киритиш мумкин.

Меҳнатга ҳақ тўлаш билан боғлиқ бўлган харажатлар—корхонанинг асосий ишлаб чиқариш персонали меҳнатига ҳақ тўлашга сарфланадиган харажатлар бўлиб, ишлаб чиқаришдаги юқори натижалар учун мукофотлар, рағбатлантирувчи ва компенсация тўловлари, жумладан, қонунчиликда белгиланган нормативлар чегарасида нархларнинг ўсиши ва индексация учун тўловлар, шунингдек, корхона ходимлари штатида бўлмаган, лекин асосий ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчилар учун тўланувчи ҳақни ўз ичига олади.

Мазкур харажатлар элементлари қаторига қуйидагилар киритилган:

\* амалда бажарилган иш учун тариф ставкалари, лавозим маошлари ва шу кабилар асосида тўланувчи иш ҳақи;

\* ходимларга натурал тўлов шаклида берилувчи маҳсулотлар қиймати;

\* ишлаб чиқаришдаги юқори натижалар учун берилувчи мукофот ва бошқа тўловлар;

\* қонунчиликка асосан баъзи тармоқлардаги ходимларга бепул берилувчи кийим-кечак, озиқ-овқат, уй-жой, коммунал хизмат ва ҳоказолар қиймати;

\* ҳар йиллик меҳнат ва ўқув таътили учун амалга оширилувчи тўловлар;

\* корхонани қайта ташкил қилиш, штатлар қисқариши туфайли ишдан бўшатишган ходимларга тўланувчи маблағлар.

Ижтимоий эҳтиёжлар учун харажатлар нобюджет ижтимоий фондларига (нафақа фонди, ижтимоий суғурта фонди, бандлик фонди ва ҳоказо) ажратилувчи маблағларни англатади.

Маҳсулот (иш, хизмат) таннархидаги бошқа харажатлар – бу, қонунчиликда белгиланган тартибда махсус нобюджет фондларига ўтказилувчи тўловлар ва солиқлар; йўл қўйиш мумкин бўлган миқдордаги чиқиндилар учун тўловлар; корхона мулкани мажбурий суғурталаш; рационализаторлик таклифлари учун мукофотлар; қонунчиликда белгиланган ставкаларда кредитлар бўйича тўловлар; маҳсулотни сертификатлаш учун бажарилган ишларга ҳақ тўлаш; қонунчиликда белгиланган нормалар бўйича хизмат сафарларига ҳақ тўлаш; ёнғинга қарши кураш ва қўриқлаш муассасаларига ҳақ тўлаш; кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш, ходимлар танлашни ташкил қилиш, алоқа хизмати, ҳисоблаш марказлари, банклар хизматига ҳақ тўлаш; асосий ишлаб чиқариш фондларини ижарага олганлик учун ҳақ тўлаш; номоддий активларнинг эскириши ва ҳоказолар.

Ишлаб чиқариш харажатларига, асосий ишлаб чиқариш фондларини ишга тайёр ҳолатда сақлаб туриш - капитал, ўрта ва жорий таъмирлаш, машина ва асбоб-ускуналарга қараш ва эксплуатация қилиш учун сарфланувчи барча харажатлар киради. Асосий ишлаб чиқариш фондларини таъмирлаш бўйича мураккаб ишлар амалга оширилиб, харажатлар бир хилда тақсимланмаганда корхоналар (Молия Вазирлиги рухсати билан) маҳсулот

таннархи ҳисобига асосий фондларни таъмирлаш учун захира(резерв) фондлари ташкил қилиши мумкин.

Хорижий валютадаги харажатлар Марказий банкнинг операциялар амалга оширилган кундаги курсига асосан сўмларда белгиланади. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишга қилинадиган харажатларни ўсишига, хом ашё, материаллар, ёқилғи, энергия, асбоб-ускуналар нархининг ўсиши, транспорт хизмати тарифларининг юқорилиги, реклама ва вакиллик харажатларининг ўсиши кабилар таъсир қилади. Амортизация ажратмалари миқдори ҳам ўсиб бормоқда. Нархлар эркинлиги ва ижтимоий зиддиятлар кучайган шароитларда харажатлар тузилмасида иш ҳақининг салмоғини ошириш катта аҳамият касб этади. Шу билан бир вақтнинг ўзида ижтимоий ва тиббий суғурталаш, нафақа таъминоти, аҳоли бандлик фондлари, турли хил компенсацион тўловларга ажратилувчи маблағлар миқдори ҳам ортиб бормоқда.

## **2. Хизматлар (иш, маҳсулот) таннархини калькуляциялаш.**

Хўжалик амалиётида асосий фондлар натурал ва қиймат кўринишида ҳисобга олинади. Агар асосий фондларни *натурал баҳолаш*-ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта қуроллантириш ва замонавийлаштириш масалаларини ҳал қилиш, асбоб-ускуналарни таъмирлаш учун уларнинг гуруҳ ва турлари бўйича графиклар тузиш, шунингдек, таъмирлаш воситаларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш имконини берса, *қиймат бўйича баҳолаш* эса, асосий фондларни қайта ишлаб чиқаришни режалаштириш, уларнинг мавжуд ҳажмини аниқлаш, амортизация ҳажмини белгилаш, асосий фондлар ва ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини таҳлил қилиш ва ҳоказоларда муҳим аҳамият касб этади.

Асосий фондларни баҳолашнинг қуйидаги усуллари мавжуд: **бошланғич қиймат бўйича** - асосий воситаларни яратиш ёки сотиб олиш учун сарфланган харажатлар мажмуидан иборат бўлиб, асосий фондлар ёки



уларнинг алоҳида қисмларини фойдаланишга топшириш учун яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ бўлган-уларни келтириш, ўрнатиш каби харажатларни ҳисобга олган ҳолда юзага келувчи қиймат.

Масалан, битта машина ёки ускунанинг бошланғич қиймати – бу, корxonанинг мазкур машина ёки ускунани маълум бир санада сотиб олган ва бу ҳақда бухгалтерия ҳужжатларида қайд қилинган сотиб олиш нархидир.

**Тикланиш қиймати бўйича** - асосий фондлар ёки уларнинг бирон-бир қисмини (бинолар, қурилмалар, машиналар, ишлаб чиқариш ускуналари ва хоказо) ҳозирги пайтдаги инфляция ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда баҳолаш. Баҳолашнинг бу усули объектнинг ҳозирги пайтдаги қайта ишлаб чиқариш даврида қанча туришини кўрсатади. Корхона асосий фондларининг тикланиш қиймати, тафтиш ва инвентаризация пайтида, мамлакат миқёсида ва давлат чора-тадбири сифатида эса, асосий фондларни қайта баҳолаш пайтида амалга оширилади.

**Қолдиқ қиймати бўйича** - асосий фондларнинг эскиришини инобатга олган ҳолда, бирламчи ва қайта тиклаш қийматлари ўртасидаги фарқ кўринишидаги баҳолашдир. Бошқача қилиб айтганда, бу асосий фондларнинг ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга ҳали ўтказилмаган қисмидир. Корхоналар томонидан фойдаланилмайдиган ҳамда ҳисобдан чиқариш ёки сотиб юбориш мўлжалланган асосий фондлар ҳам, кўпинча қолдиқ қиймати бўйича, мазкур хўжалик йилидаги нархларда баҳоланади.

Иқтисодиётнинг глобаллашуви ҳамда ҳисоб ва ҳисоботларнинг мукамаллашуви, жумладан, миллий ҳисоб стандартларининг жаҳон стандартлари талаблари даражасига келтирилиши туфайли, гарчи асосий воситалар, асосий фондларнинг пул кўринишидаги ифодаси сифатида аввалдан қўлланиб келган бўлсада, ҳаётимизга “асосий капитал”, “асосий воситалар” каби атамалар эндиликда кенг равишда кириб келмоқда.

Ҳозирги кунда амалиётда асосий воситаларнинг корхона баланси ва ҳисоботларида акс эттирилувчи (яъни, бошланғич, белгиланган тартибда ўтказилувчи қайта баҳолашдан кейин эса тикланиш), ҳисобга олиш қиймати **баланс қиймати** деб аталади. Бундан асосий воситаларнинг қолдиқ қийматини асосий воситаларнинг баланс қийматидан эскириш суммасини айириб ташлаш ёрдамида топиш мумкинлиги англашалади.

Қабул қилинган баҳолаш усули ва корхона балансида акс эттирилувчи бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари асосида, **корхона асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қиймати** ( $\Phi_{cp}$ ) белгиланиб, у қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$\Phi_{ыр} = \Phi_{н} + \frac{\Phi_{п}T_1 - \Phi_{в}T_2}{12} ;$$

Бу ерда:

$\Phi_{н}$  – асосий ишлаб чиқариш фондларининг йил бошидаги қиймати;

$\Phi_{п}$  – йил давомида келиб тушган (фойдаланишга топширилган) асосий ишлаб чиқариш фондлари қиймати;

$\Phi_{в}$  – йил давомида ишлаб чиқаришдан чиқарилган (йўқ қилинган) асосий фондлар қиймати;

$T_1$  – фойдаланишга топширилувчи асосий ишлаб чиқариш фондлари амалда бўлувчи ўртача муддати (ойларда), қабул қилингандан кейинги ойдан бошлаб;

$T_2$  – ишлаб чиқаришдан чиқарилган (йўқ қилинган) асосий ишлаб чиқариш фондлари фойдаланилмайдиган ўртача муддат (ойлар) чиқарилган ойдан то йил охиригача).

Асосий фондларни бошланғич ёки тикланиш қиймати бўйича баҳолашдан ташқари эскириш суммаси ҳам ҳисобга олинади. Асосий фондлар жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскириши мумкин.

*Жисмоний (моддий) эскириш* асосий фондларнинг бирламчи хислатларини ишлаб чиқаришда фойдаланиш ва табиий эскириш натижасида йўқотишдан юзага келади. У асосан бир хилда кечмайди ҳамда кўп жиҳатдан иқлимнинг таъсири, асосий фондлардан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиш, жумладан, ходимларнинг малакасига ҳам боғлиқ бўлади.

Жисмоний эскиришни (ИФ) қуйидаги формула асосида ҳисоблаб топиш мумкин:

$$ИФ = \frac{T_{\phi}}{T_n} \times 100; \quad \text{ёки} \quad ИФ = \frac{И}{П_c} \times 100.$$

Бу ерда:

$T_{\phi}$  - асосий фондларнинг ҳақиқий хизмат қилувчи муддати;

$T_n$  - асосий фондлар хизмат қилиши керак бўлган норматив муддат;

И - ҳисобланган амортизация суммаси (эскириш суммаси);

$П_c$  – асосий фондларнинг бошланғич(қайта ташкил қилиш) қиймати.

*Маънавий эскириш* - асосий фондларнинг қадрсизланиши ёки техник жиҳатдан муддатидан аввал иш қобилиятини йўқотилишидир. У икки шаклда юзага келади: биринчи шаклда асосий фондлар уларнинг ишлаб чиқариш қийматлари пасайиши натижасида қадрсизланса, иккинчи шаклда асосий фондларнинг қадрсизланиши янги, фан-техника тараққиёти таъсири остида, янада самаралироқ фондларнинг пайдо бўлиши натижасида рўй беради. Асосий фондлар маънавий эскиришининг юқорида келтирилган шаклларини қуйидаги тарзда аниқлаш мумкин:

$$ИМ_1 = \frac{П - В}{П} \times 100;$$

$$ИМ_2 = \frac{П_n - П_c}{П_n} \times 100.$$

Бу ерда:

П - асосий фондларнинг тўлиқ бошланғич қиймати;

В - асосий фондларнинг тикланиш қиймати;

П<sub>н</sub>- янги техниканинг унумдорлиги.

Асосий фондларни қайта ишлаб чиқариш, яъни жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскирган асосий фондларнинг ўрнини иқтисодий тўлдириш учун корхона бу воситалар қийматидан *амортизация ажратмаларни* айириб ташлайди ҳамда бу ажратмалар кейинчалик харажатлар сифатида маҳсулот таннархига киритилади.

Амортизация ажратмалари қуйидаги формула асосида аниқланувчи амортизация нормалари (Н<sub>а</sub>) асосида амалга оширилади:

$$H_a = \frac{A}{П} * 100$$

Бу ерда:

А - амортизация ажратмалари;

П - асосий фондларнинг тўлиқ бошланғич қиймати.

Йиллик амортизация ажратмалари (АО) миқдори қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$A = \frac{П + P_{\kappa} + M - O}{T}$$

Бу ерда:

$P_{\kappa}$  – асосий фондлар хизмат қилган муддат давомида капитал таъмирлашга сарфланган харажатлар;

$M$  - ускуна, машина ва қурилмаларни, улар хизмат қилган давр мобайнида модернизация қилишга сарфланган харажатлар;

$O$  - асосий фондларнинг қолдиқ (ликвидацион) қиймати;

$T$  - асосий фондларнинг хизмат қилиш муддати, йил.

Амалда амортизация маблағлари асосий фондларни тўлиқ қайта тиклаш (реновация), капитал таъмирлаш ва ускуналарни модернизация қилиш учун алоҳида равишда йўналтирилади. Бундан келиб чиққан ҳолда амортизация нормаси икки қисмдан - фондларни реновация қилиш ( $H_{\text{в}}$ ) ҳамда капитал таъмирлаш ва модернизация қилиш ( $H_{\text{р}}$ ) учун ажратилувчи маблағдан иборат бўлади.

Биринчи ҳолда амортизация нормаси қуйидаги формула:

$$H_{\text{в}} = \frac{П - O}{ТП} \times 100;$$

иккинчи ҳолда эса:

$$H_{\text{р}} = \frac{P_{\kappa} + M}{ТП}$$

асосида аниқланади

Ишлаб чиқариш жараёнида асосий фондлар аста-секинлик билан эскириши сабабли, уларнинг иш қобилиятини таъмирлаш орқали тиклаш

зарурияти туғилади. Ўз вақтида таъмирлаш асосий фондлар муддатидан олдин ишдан чиқишининг олдини олади ҳамда уларнинг хизмат қилиш муддати ва унумдорлигини оширади. Асосий фондларни таъмирлаш капитал, ўрта ва жорий турларга бўлинади. Бино ва иншоотларни таъмирлаш ўз мазмуни, талаб қилинувчи муддат ва маблағларга кўра, машина ва ускуналарни таъмирлашдан фарқ қилади.

Масалан, машина ва асбоб-ускуналарни **капитал таъмирлашда** улар тўлиқ қисмларга бўлинади ва эскирган қисмлар алмаштирилади. Ускуналарни икки марта капитал таъмирлаш орасидаги муддат *таъмирлаш цикли* деб аталади. Машина ва ускуналар, қоидага кўра, махсус заводларда таъмирланади.

**Ўртача таъмирлаш** техник мазмуни, мураккаблиги, бажариладиган иш ҳажми ва даврийлигига кўра, капитал таъмирлашдан фарқ қилади ҳамда сарфланувчи маблағ, вақт ва кучни нисбатан камроқ талаб этади. Жорий таъмирлаш каби у ҳам машина ёки ускунадан фойдаланувчи корxonанинг ўзида амалга оширилиши мумкин.

**Жорий таъмирлашда** асосан асбоб-ускуналар тозаланади, мойланади, текширилади, майда камчиликлари бартараф қилинади, яъни ускуналарнинг фойдаланишга доимий тайёрлиги таъминланади.

Такрор ишлаб чиқариш циклида асосий фондларни яратиш жараёни корхонадан ташқарида амалга оширилади ҳамда асосан қурилиш соҳаси, машинасозлик, асбобсозлик ҳамда асосий фондларни яратиш билан шуғулланувчи бошқа соҳалар билан боғлиқ бўлади. Асосий воситаларни такрор ишлаб чиқаришнинг қолган босқичлари корхона ҳудудида амалга оширилади. Бироқ барча ҳолларда ҳам асосий фондларни такрор ишлаб чиқариш туфайли корхоналар ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ҳамда ривожланиб бораётган бозор муносабатлари шароитларида иқтисодий ва техник барқарорликка эришишларини таъминлайди.

### 3. Ишлаб чиқариш учун харажатлар сметаси.

Асосий ишлаб чиқариш фондлари ҳажми ва улардан фойдаланиш даражаси корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати катталигини белгилайди. У ишлаб чиқариш дастурини асослашда катта роль ўйнайди ҳамда корхонанинг белгиланган номенклатура ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича потенциал имкониятларини тавсифлайди.

Бундан келиб чиқадики, **ишлаб чиқариш қуввати** – бу, маълум бир вақт давомида илғор технологиялардан фойдаланиш, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг илғор шароитларида ишлаб чиқариш мумкин бўлган маҳсулотларнинг максимал даражасидир. У қоидага кўра, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмининг натурал кўринишда, ушбу корхонанинг ихтисослашганлиги ва маҳсулотнинг алоҳида турлари ўртасидаги ўзаро нисбатига кўра аниқланади.

Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати илғор (асосий) цехлар қуввати билан, цехлар қуввати бош участкалар қуввати билан, участкалар қуввати эса бош ускуналар қувватига асосан аниқланади. Корхона ишлаб чиқариш қуввати катталигини белгилаб берувчи кўрсаткичлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- \* ускуналар таркиби ва турлар бўйича сони;
- \* ускуна, агрегат ва дастгоҳлардан фойдаланишнинг техник-иқтисодий норма (норматив) лари;
- \* ускуналарнинг ишлаш вақти фонди;
- \* ишчилар сони;
- \* ишлаб чиқарилаётган маҳсулот номенклатураси ва ассортименти (турлари ва хилма-хиллиги).

Корхона ишлаб чиқариш қувватининг **бошланғич** (йил бошида), **якуний** (йил охирида), **ўртача** йиллик ҳамда **лойиҳа қуввати** турлари мавжуд. Лойиҳа қуввати қурилиш лойиҳасида кўзда тутилган бўлади. Қайта

тиклаш, кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириш давомида лойиҳа қуввати катталаштирилиши мумкин. Шу сабабли амалиётда лойиҳа қуввати кўпинча корxonанинг амалдаги қуввати билан солиштирилади. Корxonанинг амалдаги қуввати корxона ишлаб чиқариш дастурини тайёрлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Корxона ишлаб чиқариш қувватини аниқлашда заҳирадаги ускуналардан ташқари, барча ўрнатилган ускуналар ҳисобга олинади. Баъзи бир цехларда (йиғув, қуув ва бошқа цехларда) ишлаб чиқариш қуввати ишлаб чиқариш майдонларига асосан ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш қувватини аниқлашда маҳсулот бирлигига сарфланувчи вақт нормаси ёки ҳар бир ускунанинг унумдорлик нормалари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар илғор ҳамда прогрессив бўлиши талаб қилинади.

Корxона бош бўғинининг (асосий цехининг) ишлаб чиқариш қуввати куйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$M = \frac{n \times \Phi_{\text{макс}}}{M_m}$$

Бу ерда:

$M$  - цех ёки учасканинг қабул қилинган ўлчов бирлигидаги ишлаб чиқариш қуввати;

$n$  - цех ёки участкадаги илғор ускуналар сони;

$\Phi_{\text{макс}}$  –бош ускунадан фойдаланиш мумкин бўлган максимал муддат, соат;

$M_m$  –бош ускунада маҳсулот тайёрлашнинг прогрессив меҳнат сиғими, соат.



Амалиётда ишлаб чиқариш қуввати ва ускуналарнинг юкланишини ҳисоблашда баъзида хатолар, улар ўртасидаги фарқни сезмаслик ҳоллари ҳам учраб туради. Корхона қуввати асосий ишлаб чиқариш фондлари, янги техника ва аниқланган захиралардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин бўлган максимал даражани тавсифлайди, ускуналарнинг юкланишни ҳисоблаш натижалари эса, ушбу қувватлардан режадаги даврда фойдаланишнинг даражасини аниқлайди.

Демак, улар ўртасидаги принципиал фарқ шундаки, биринчи ҳолатда корхона ишлаб чиқариши мумкин бўлган маҳсулотларнинг максимал даражаси аниқланса, иккинчи ҳолда мазкур давр мобайнида ускуналардан қанчалик фойдаланилиши аниқланади.

Ишлаб чиқариш дастурининг корхонада мавжуд бўлган қувватларга мос келишини аниқлаш учун, *ўртача йиллик ишлаб чиқариш қуввати* ҳисоблаб топилади. Уни ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$M_{\text{ыр.йил}} = M_n + \frac{M_v \times n_1}{12} - \frac{M_l \times n_2}{12}$$

Бу ерда:

$M_{\text{ыр.йил}}$  – корхонанинг ўртача йиллик қуввати;

$M_n$  – корхонанинг йил бошидаги қуввати;

$M_v$  – йил мобайнида киритилувчи қуввати;

$M_l$  – йил давомида ишлаб чиқаришдан чиқарилувчи (йўқ қилинувчи) қувват;

$n_1$  ,  $n_2$  – ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишдан ёки тугатилган ишлаб чиқариш қувватлари йўқ қилингандан то йил охиригача ўтган тўлиқ ойлар сони.

Асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишни яхшилаш билан боғлиқ бўлган мазкур чора-тадбирлар, кўпинча ишлаб чиқариш қувватлари балансини тузиш йўли билан амалга оширилиб, корхонанинг ишлаб чиқариш қувватлари ва уларни таъминлаш манбаларига бўлган эҳтиёжи аниқланади.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Ишлаб чиқариш қуввати нима?
2. Иқтисодий элементларга кўра харажатлар турлари.
3. Режалаштирилмаган харажатлар.

### **Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:**

1. Морозов М. А. Экономика и предпринимательство в социально – культурном сервисе и туризме. М: Изд. центр “Академия”, 2006 г.
2. Пардаев М.Қ., Очиллов И.С. “Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари” Монография. Т: Иқтисодиёт-молия, 2011
3. Э.С.Файзиев «Сервис тизими фаолияти асослари» Ўқув қўлланма. Самарқанд. «Зарафшон» нашриёти Д.К, 2010
4. Э.С. Файзиев Сервис соҳасининг иқтисодиётдаги ўрни. Рисола Сам.И.С.И, 2007 й
5. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолари ва уларнинг ечимлари. Монография. Проф. М.Қ.Пардаев, проф., Ҳ.Н.Мусаевлар таҳрири остида. Т.: «Иқтисод-молия», 2008
6. [www.economics.ru](http://www.economics.ru)
7. [www.ser.uz](http://www.ser.uz)
8. [www.uza.uz](http://www.uza.uz)
9. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
10. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

## **11.2. Сервис корхоналарининг харажатлари**

Ҳар бир фаолиятда маҳсулот ва хизматлар таннархи мавжуд бўлади. Уларга қилинаётган харажатларни камайтириш бугунги кунда иқтисодчи олимлар ва тадбиркорлар олдида турган асосий муаммолардан бири ҳисобланмоқда. Ушбу мавзуда харажатлар тушунчаси ҳақида кенг назарий ахборот берилган.

**Режа:**

1. Харажатлар тушунчаси ва уларнинг иқтисодий мазмуни
2. Корхоналар харажатларининг таснифланиши

### **1. Харажатлар тушунчаси ва уларнинг иқтисодий мазмуни**

Иқтисодиёт назариясида қиймат ва таннарх масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, қиймат тушунчаси борасида бир қатор мунозарали фикрлар мавжуд. Айрим иқтисодчи олимлар товарнинг қийматини унинг натижалилиги билан боғласалар, айримлари товар қиймати — товар ишлаб чиқарувчиларнинг товарда гавдаланган ва унда моддийлашган ижтимоий меҳнати, деб ҳисоблайдилар. Бошқалари эса, товарнинг қийматини ушбу товарга бўлган талаб ва таклиф, яъни товарнинг ноёблиги белгилайди, дейилади.

Умуман олганда, товарнинг қиймати унинг бошқа товарга айирбошлана олиш даражасини аниқлаш учун зарурдир. Нарх (баҳо) ва қиймат тушунчалари орасида деярли фарқ йўқ. Фақатгина нарх (баҳо) — бу, товар қийматининг пулдаги ифодасидир ҳалос.

Иқтисодиётда маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи категориясидан ҳам кенг фойдаланилади. Қиймат ва ишлаб чиқариш таннархи ўртасидаги тафовут ишлаб чиқариш субъектининг даромади ёки фойдаси ҳисобланади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи — маҳсулотни ишлаб чиқариш, яъни ишлаб чиқариш технологияси билан боқлик бўлган харажатларнинг пулдаги ифодасидир.

Сервис олдида турган асосий вазифалардан бири — кўрсатилаётган хизматлар таннархини пасайтиришдир. Бу вазифанинг бажарилиши натижасида хизмат кўрсатишни ривожлантиришга ва аҳолининг турмуш даражасини оширишга имконият яратилади. Айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида барча ресурслардан бекаму-кўст фойдаланиш бу кўрсаткичларнинг ролини оширишни тақозо этади. Шу сабабли «таннарх» атамасининг моҳияти, аҳамияти, мазмуни ва шакллари яхши билиш ҳамда уни пасайтириш масаласига катта эътибор бериш керак.

Бирон-бир маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш учун маълум миқдорда хом ашё ва материаллар, меҳнат ва ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган бошқа юклама харажатлар сарфланади. Маҳсулот ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлган харажатларнинг пулдаги ифодаси маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи деб аталади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш таннархи **кўрсаткичи** ишлаб чиқаришни ривожлантиришда ва уни ташкил этишда муҳим роль ўйнайди.

Хизмат кўрсатиш таннархини пасайтириш хизмат кўрсатиш рентабеллигини ошириш, яъни фойдани кўпайтиришнинг, мавжуд ресурслар билан ишлаб чиқариш ҳажмини ўстиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи кўрсаткичи ишлаб чиқариш сифат кўрсаткичлари орасида алоҳида ўрин тутаяди.

Ишлаб чиқаришни ва меҳнатни ташкил этиш, техника ва материаллардан фойдаланиш, моддий-техника таъминотини такомиллаштириш, маҳсулот сифатини яхшилаш борасидаги ҳамма ўзгаришлар харажатлар даражасида акс этади. Шу сабабли ҳам биз маҳсулот таннархи ишлаб чиқариш самарадорлигининг сифат кўрсаткичлари тизимида муҳим ўрин эгаллайди, дея оламиз. Бинобарин, шунинг учун ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини ҳосил қилувчи харажатларни уларнинг иқтисодий мазмунига кўра гуруҳлаш муҳим аҳамият касб этади.

## 2. Корхоналар харажатларининг таснифланиши

Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини аниқлаш ва уни ҳосил қилувчи харажатларни туркумлаш мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом»га мувофиқ амалга оширилади.

Маҳсулот (ишлар, хизмат)ларнинг ишлаб чиқариш таннархини ҳосил қилувчи харажатлар уларнинг иқтисодий мазмунига кўра, қуйидаги элементлар билан гуруҳларга ажратилади:

- ишлаб чиқаришнинг моддий харажатлари (қайтариладиган чиқитлар қиймати чиқарилиб ташланган ҳолда);
- ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;
- ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага **ажратмалар**;
- асосий фондлар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси;
- ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган **бошқа** харажатлар.

Маҳсулот таннархи назариясида **маҳсулот таннархи структураси** деган муҳим тушунча мавжуд. У айрим харажатларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланадиган жами харажатлар суммасидаги нисбатини кўрсатади. Одатда, структура фоиз ҳисобида ўлчанади.

Таннарх структураси тармоқлар ва корхоналарнинг хусусиятига, ишлаб чиқариш технологияси ва ишлаб чиқаришнинг ташкил қилинишига боғлиқдир.

Маҳсулот таннархининг структураси ўзгармас миқдор ҳисобланмайди. Саноатнинг ўсиши, техника ва ишлаб чиқариш технологияси такомиллашиши, асосий ва айланма фондлардан фойдаланишнинг яхшиланиши, иш ҳақи миқдорининг ўзгариши, истеъмол буюмлари

баҳоларининг тартибга тушиши ва транспорт тарифларининг ўзгариши билан маҳсулот таннархи структураси ҳам ўзгаради.

Маҳсулот таннархида қайси гуруҳдаги харажатлар асосий ўрин тутишига қараб, саноат тармоқлари бир-биридан фарк қилади — кўп меҳнат, кўп материал, кўп энергия, кўп маблағ талаб қиладиган бўлади.

Ишлаб чиқаришнинг тармоқ хусусиятларини ҳисобга олиш, таннарх структурасини ва ишлаб чиқариш харажатларини иқтисодий таҳлил қилиш ишлаб чиқаришда юз берадиган асосий техник-иқтисодий жараёнларни ўрганиш, ишлаб чиқаришдаги чиқимларни камайтиришнинг асосий йўллари белгилашга имкон беради.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Таннарх ва қиймат муаммоларини ёритинг.
2. Хизматлар кўрсатиш таннархининг таркибини айтинг.
3. Хизмат кўрсати таннархини пасайтириш йўллари тушунтиринг.

### **Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:**

1. Морозов М. А. Экономика и предпринимательство в социально – культурном сервиса и туризме. М: Изд. центр “Академия ”, 2006 г.
2. Пардаев М.Қ., Очиллов И.С. “Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари” Монография. Т: Иқтисодиёт-молия, 2011
3. Э.С.Файзиев «Сервис тизими фаолияти асослари» Ўқув қўлланма. Самарқанд. «Зарафшон» нашриёти Д.К, 2010
4. Э.С. Файзиев Сервис соҳасининг иқтисодиётдаги ўрни. Рисола Сам.И.С.И, 2007 й
5. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолари ва уларнинг ечимлари. Монография. Проф. М.Қ.Пардаев, проф., Ҳ.Н.Мусаевлар таҳрири остида. Т.: «Иқтисод-молия», 2008
6. [www.economics.ru](http://www.economics.ru)

7. [www.ser.uz](http://www.ser.uz)
8. [www.uza.uz](http://www.uza.uz)
9. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
10. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

## **Мавзу 12. Сервис соҳаси корхона ва ташкилотларининг даромадлари ва рентабеллик даражаси**

Меҳнат унумдорлигини ошириш, хом ашё ва материал, ёқилғи ва электр энергия харажатларини камайтириш, хизмат кўрсатиш ва бошқариш сарфларини қисқартириш, ишлаб чиқаришдан ташқари, харажатларни камайтириш саноат маҳсулоти таннархини пасайтиришнинг энг муҳим манбалари ҳисобланади.

### **12.1. Сервис соҳаси корхона ва ташкилотларидаги даромадлар ва молиявий ресурслар тушунчаси.**

Меҳнат унумдорлигини ошириш учун эса ишлаб чиқаришни модернизация қилиш техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш ҳамда ишлаб чиқаришни бошқариш ва ташкил этишнинг илғор усулларини жорий қилиш орқали ҳар бир меҳнатчи томонидан тайёрланаётган маҳсулотни кўпайтириш керак.

#### **Режа:**

1. Сервис соҳаси корхона ва ташкилотларининг даромадлари тушунчаси, моҳияти ва аҳамияти. Даромадлар таснифи.
2. Хизмат кўрсатиш корхона ва ташкилотларида фойда тушунчаси, тақсимланиши ва унинг ишлатилиши.
3. Хизматлар, ишлар, маҳсулотлар рентабеллиги кўрсаткичлари.

## **1. Сервис соҳаси корхона ва ташкилотларининг даромадлари тушунчаси, моҳияти ва аҳамияти. Даромадлар таснифи.**

Сервис соҳасида ишлаб чиқаришдан фарқли, барча харажатлари даромад (уларни устамалари) ҳисобидан қопланади, яъни улар товарлар қиймати таркибида акс топади, ишлаб чиқаришда эса, харажатлар таннарх таркибига киради ва у маҳсулот (иш, хизмат) ни сотишдан олинган соф тушум ҳисобидан қопланади. Умуман ишлаб чиқаришда «даромад» категорияси ишлатилмайди, у ерда «даромад», «ялпи фойда» деб юритилади. Савдо фаолияти қиймати ( $c + v + m$ ), уларнинг даромадида ўз аксини топади. Ушбулар нуқтаи назаридан, бизларнинг фикримизча савдо соҳасидаги «даромад»ни, улар фаолиятида яратилган қийматнинг пулдаги ифодаси сифатида, яъни улар фаолиятининг баҳоси сифатида қаралиш иқтисодий назария нуқтаи назаридан ҳақиқатга яқин бўлади.

Шундай қилиб, савдо корхоналари (шаҳобчалари)нинг даромади – бу улар фаолияти натижасида яратилган қийматнинг пулдаги ифодасидир ва у савдо соҳаси фаолиятининг баҳоси сифатида номоён бўлади.

Даромад товарлар баҳосининг бир элементи ҳисобланади.

Даромаднинг иқтисодий йўналтирилиш моҳияти бўйича барча харажатлар, солиқлар, тўловларни ва фойдани таъминлашдир.

Ушбу соҳада даромад улар томонидан сотиладиган товарларни сотиб олинган баҳоларига қўйиладиган устамалар миқдорида ўз аксини топади.

Савдо соҳасида даромадларни асосий қисми тегишли товарларни сотишдан шаклланади. Бунда даромадни шакллантирувчи кўрсаткич сифатида савдо корхона (шаҳобча)ларини, товарларни сотиб олиш баҳосига қўйиладиган устамалар ҳисобланади. Ушбу корхона (шаҳобча)лар товарлар сотиш билан боғлиқ бўлмаган, бажарган бошқа ишлар ва хизматлардан ҳам даромадлар олади.



Савдо корхоналари фаолиятларини тижоратланиши натижасида улар даромадини шаклланиши, моҳияти ва турлари тубдан ўзгариб кетди.

Бухгалтерия ва статистик ҳисоботларда савдо корхона (шаҳобча)ларининг даромадлари қуйидагича шаклланади.

«Маҳсулот (иш хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларини шакллантириш татиби тўғрисида Низом» да (5 феврал 1999 йил 54 – сонли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори) хўжалик субъектлари, жумладан савдо корхоналари даромадларининг турлари ва аниқлаш усуллари келтирилган.

Назарий жиҳатдан савдо корхоналарини сотишдан олган даромади уларни муомала харажатларини қоплаш ва фойда олиш манбаи бўлиб, у савдонинг истеъмол товарлари баҳосидаги ҳиссасининг миқдорини англатади. Бундан келиб чиқиб, савдонинг сотишдан олган даромади савдо хизматларини сотишдан тушган тушум, яъни савдо хизматлари қийматини пулдаги ифодасидир. Ушбу таъриф сотишдан олган даромадни моҳиятини очиқ беради.

Савдони товарларни ишлаб чиқаришдан то истеъмолчиларга етказиш, унинг билан боғлиқ бўлган савдо хизматларини тўлаш товарларни чакана баҳоси ҳисобидан амалга оширилади ва у савдо хизматининг қиймати бўлиб, ҳисобланади.

Савдо харажатларини тўлаш манбаи бўлиб, савдо устамалари хизмат қилади. У товарлар чакана баҳоси билан товарларни сотиб олиш (улгуржи савдодан, ишлаб чиқаришдан ёки бошқа воситачилардан) баҳоси ўртасидаги фарқи сифатида аниқланади.

Савдо корхоналарининг даромадлари юқорида келтирилган Низом бўйича қуйидагилардан таркиб топади:

1. Сотишдан олинган даромад. Савдонинг «Товарларни сотишдан олган ялпи даромади» сотишдан олинадиган соф тушумдан сотилган товарларни харид қийматини чегириб ташлаш орқали аниқланади. Сотишдан олинадиган соф тушум товар айланиши суммасидан товарларни сотиб олиш қийматига киритиладиган, (ишлаб чиқариш корхоналарини сотиш (улгуржи) баҳоларидан ташқари) сотиб олиш билан боғлиқ қўшимча харажатларни (божхона тўловлари – акциз солиғи, ҚҚС, божхона божи ва йиғимлари; воситачилик ёки брокерлик харажатлари ва бошқаларни) чегириб ташлаш орқали аниқланади.

2. Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар;

3. Асосий бўлмаган фаолиятдан олинган даромадлар. Улар қаторига молиявий фаолиятдан олинган даромадлар ва фавкулотдаги даромадлар киради.

## **2. Хизмат кўрсатиш корхона ва ташкилотларида фойда тушунчаси, тақсимланиши ва унинг ишлатилиши.**

Фойда муҳим иқтисодий категория (тойфа) бўлиб, ҳар бир тижорат ташкилотининг асосий мақсади ҳисобланади. Иқтисодий категория сифатида фойда–моддий ишлаб чиқариш соҳасида яратилган соф даромадни акс эттиради.

Фойданинг асосий қисмига корхоналар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни сотиш орқали эга бўладилар. Замонавий хўжалик юритиш шароитларида фойданинг асосий вазифаси корхона фаолияти самарадорлигини акс эттиришда деб белгиланади. Бунга фойда миқдори, корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ бўлган маҳсулот таннархи шаклидаги индивидуал харажатлар, маҳсулот баҳоси шаклидаги ижтимоий зарурий харажатларни ўз ичига олиши лозимлигини сабаб қилиб кўрсатиш мумкин.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитларида корхоналар фаолияти фойданинг рағбатлантирувчи аҳамиятининг ортиши билан боғлиқ. Фойдадан

баҳолашнинг асосий кўрсаткичи сифатида фойдаланиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмининг ортиши, сифатнинг яхшиланиши, мавжуд ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш унумининг ортиши билан асосланади. Шу билан бирга фойданинг аҳамияти ортишига амалдаги фойдани тақсимлаш тизими ҳам сабаб бўлади ва унга кўра эса, корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий ривожланишни таъминлаш учун ҳамда ходимларни бажарган меҳнати сифати ва миқдорига асосан моддий рағбатлантиришга сарфланувчи фойдани оширишга бўлган қизиқишнинг ортиши кузатилади.

Шу тариқа фойда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ходимларнинг ўз корхонаси эришадиган юқори натижалардан моддий манфаатдорлигини кучайтиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Корхонада фойда турли хил фаолият натижасида олинishi мумкин. Барча фойдалар йиғиндиси корxonанинг ялпи фойдасини ташкил қилади. Ялпи фойданинг таркибий элементлари қуйидагилардан иборат:

- бажарилган иш, кўрсатилган хизмат ва маҳсулот сотишдан олинган фойда;
- асосий фондлар, шунингдек, корxonанинг бошқа мулки сотишдан олинган фойда;
- корxonанинг молиявий фаолияти орқали олинувчи фойда.

Корхона даромади икки кўрсаткич, яъни маҳсулот баҳоси ва уни ишлаб чиқаришга сарфланувчи харажатларга боғлиқ бўлади. Маҳсулотнинг бозордаги баҳоси талаб ва таклиф муносабатлари натижасида келиб чиқади. Эркин рақобат шароитларида баҳони шакллантириш қонунлари асосида маҳсулот баҳоси ишлаб чиқарувчи ёки харидор хоҳишига кўра эмас, балки автоматик равишда тартибга солинади.

Фойда корхона фаолияти натижасида олинган иқтисодий самарани тавсифлайди. Корxonанинг фойда олиши даромадларнинг корхона фаолияти

билан боғлиқ бўлган харажатлардан кўп бўлишини англатади ҳамда у рағбатлантириш вазифаларини ҳам бажаради. Бу эса фойда бир пайтнинг ўзида молиявий натижа бўлиш билан бирга корхона молиявий ресурсларининг асосий элементи эканлиги; даромаднинг турли даражадаги бюджет шаклланиши учун асосий манба бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

Фойда олишнинг асосий манбалари қуйидагилар:

*биринчи манба* корхонанинг маҳсулотнинг у ёки бу турини ишлаб чиқаришдаги монополия ҳолати ёки маҳсулотнинг нодирлиги ҳисобига шаклланади. Бу манбанинг сақланиши маҳсулотни доимий равишда янгилаб боришни кўзда тутаяди;

*иккинчи манба* ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ. Ундан фойдаланиш самарадорлиги бозор конъюнктурасини билиш ҳамда ишлаб чиқаришнинг ривожланишини, доимий равишда ўзгариб турувчи бозор конъюнктурасига мослаштириш қобилиятига боғлиқ бўлади. Фойда миқдори корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича йўналишини тўғри танлаш (доимий равишда талаб даражаси юқори бўлган маҳсулотни танлаш); маҳсулотларини сотиш ва хизмат кўрсатиш учун рақобатбардош шароитларни яратиш (баҳо, етказиб бериш муддати, харидорларга хизмат кўрсатиш, сотувдан кейинги хизмат кўрсатиш ва ҳоказо); ишлаб чиқариш ҳажми (ишлаб чиқариш ҳажми қанчалик катта бўлса, даромад миқдори шунчалик кўп бўлади); ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш тузилмаси билан боғлиқ бўлади;

*учинчи манба* корхонанинг инновацион фаолиятидан келиб чиқаяди. Ундан фойдаланиш доимий равишда технологияларни такомиллаштириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни янгилаш, унинг рақобатбардошлигини таъминлаш, маҳсулот сотиш ҳажми ва фойда миқдорини оширишни англатади.

Корхонанинг баланс фойдаси фойдани тақсимлаш объектидир. Фойдани тақсимлаш деганда унинг бир қисмини бюджетга жўнатиш тушунилади. Қонунчиликка асосан фойданинг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар шаклида бюджетга келиб тушувчи қисми тартибги солинади. Корхона ихтиёрида қолувчи даромад қисми, ундан фойдаланиш йўналишлари корхона зиммасида бўлади.

Фойдани тақсимлаш тамойиллари қуйидагилардан иборат бўлади:

- корхонанинг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолият натижасида оладиган фойдаси давлат ва корхона ўртасида хўжалик субъекти сифатида тақсимланади;

- фойданинг давлатга тўланувчи бир қисми солиқ ва йиғимлар кўринишида бюджетга келиб тушади. Солиқлар таркиби ва фоизи, уларни ҳисоблаш тартиби ва бюджетга тўланувчи бошқа тўловлар қонунчилик томонидан белгиланади;

- солиқлар тўлангандан сўнг корхона тасарруфида қолувчи фойда миқдори, унинг ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳамда ишлаб чиқариш ва молиявий фаолият натижаларини яхшилашдан манфаатдорлигини камайтирмаслиги лозим.

Корхонада фойдани тақсимлаш ва ундан фойдаланиш тартиби унинг Низомида белгилаб қўйилади ҳамда ваколатли иқтисодий хизмат ходимлари томонидан тайёрланиб, корхона раҳбарияти томонидан тасдиқланувчи қоидалар ёрдамида аниқланади.

Маҳсулотни сотишдан олинadиган фойда миқдори ички ва ташқи омилларга боғлиқ бўлади. Ички омиллар, бу - корхонада замонавий техника ва технологияларни жорий қилиш, хўжалик юритиш даражаси, раҳбарият ва менеджментнинг масъулияти, маҳсулотнинг рақобатбардошлиги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш даражасидир. Корхона фаолиятига боғлиқ бўлмаган ташқи омиллар қаторига эса, бозор конъюнктураси, истеъмол

килинувчи модий-техник ресурсларнинг баҳоси, амортизация нормаси, солиқ тизими кабилар киради.

Корхонада фойдани оширишнинг асосий йўллари. ҳар бир корхонада фойдани ошириш бўйича режали чора-тадбирлар кўзда тутилиши керак. Умуман олганда, бундай чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- \* ишлаб чиқарилаётган маҳсулот миқдорини ошириш;
- \* ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш;
- \* ортиқча асбоб-ускуналар ёки бошқа мулкни сотиб юбориш ёки ижарага бериш;
- \* моддий ресурслар, ишлаб чиқариш қувватлари ва майдонлари, ишчи кучи ва иш вақтидан унумлироқ фойдаланиш ҳисобига маҳсулот таннархини пасайтириш;
- \* ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш;
- \* маҳсулот бозорини кенгайтириш ва ҳоказолар.

Фойда корхона фаолиятининг муҳим иқтисодий кўрсаткичи бўлсада, унинг самарадорлигини тўла тавсифлаб бермайди. Корхона фаолияти самарадорлигини аниқлаш учун натижаларни (фойдани) харажатлар ёки бу натижаларга эришиш учун сарфланган ресурслар билан солиштириш лозим.

### **3. Хизматлар, ишлар, маҳсулотлар рентабеллиги кўрсаткичлари.**

Бозор муносабатларига ўтиш шароитларида рентабелликнинг аҳамияти ва ўрни ўсиб бормоқда. У корхона фаолияти ва капитал қўйилмалар иқтисодий самарадорлигининг асосий мезони, корхона ва хўжалик юритувчи ташкилотларни баҳоланишнинг синтетик кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади.

Янги шароитларда корхоналарнинг фаолиятларида юқори молиявий натижаларга эришишга интилиши сезиларли даражада ортиб бормоқда.

хар қандай хўжалик механизми учун асос бўлиб корхона фаолиятини режалаштириш ва унга объектив баҳо бериш, таълим олиш, меҳнатга ҳақ тўлаш ва иқтисодий рағбатлантириш фондларидан фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнининг турли босқичларида харажат ва натижаларни солиштириш кўрсаткичлари хизмат қилади.

Фойда корхона самарадорлигининг ягона ва универсал кўрсаткичи эмас.

Ишлаб чиқариш ривожланишининг самарадорлиги ва интенсивлигини баҳолашда амалиётда рентабеллик кўрсаткичлари тизими кенг қўлланиб, унга кўра фойданинг миқдори белгиланган ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, рентабеллик даромадлилик, фойдалиликни англатади. Бироқ рентабелликни фақат даромадлилик деб қабул қилиш унинг иқтисодий мазмунини кенг очиб бермайди. Улар ўртасида тенгликнинг йўқлигидан даромад миқдори ва рентабеллик даражаси турли нисбатларда, кўпинча турли йўналишларда ўлчаниши далолат беради.

Исталган муддат учун иқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш кўплаб турли хил омиллар таъсири остида амалга оширилади.

Рентабеллик ва фойда кўрсаткичларини таҳлил қилишда уларга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган барча омилларни билиш, бу омилларнинг самарадорликнинг умумлаштирувчи кўрсаткичларига таъсирини ҳисоблаш услубиятини эгаллаш муҳим аҳамият касб этади. Бу омилларни бошқариш орқали корхонада даромадни ошириш заҳираларини излаб топиш ва рентабелликнинг талаб қилинувчи даражасига эришиш механизмини яратиш мумкин.

Рентабеллик ва фойдага таъсир кўрсатувчи омилларни турли хил белгиларига кўра таснифлаш мумкин. Масалан, бу омиллар ички ва ташқи бўлиши мумкин. Ички омилларга корхона фаолиятига боғлиқ бўлган ҳамда корхона фаолиятининг турли йўналишларини тавсифловчи омиллар мансуб

бўлади. Ташқи омилларга корхона фаолиятига боғлиқ бўлмаган, бироқ ишлаб чиқариш рентабеллиги ва даромаднинг ўсиш суръатига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган омиллар киради. Таҳлил жараёнида ички ва ташқи омилларни аниқлаш самарадорлик кўрсаткичларини ташқи таъсирлардан “тозалаш” имконини беради ҳамда корхона ютуқларини объектив баҳолашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўз навбатида ички омиллар ҳам ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш омилларига бўлинади. Ноишлаб чиқариш омиллари асосан меҳнат ва сотиш шароитлари, корхонанинг тижорат, табиатни сақлаш ва шу каби фаолият турлари билан боғлиқ бўлади. Ишлаб чиқариш омиллари эса фойданинг шаклланишида иштирок этувчи ишлаб чиқариш жараёнининг асосий элементлари - меҳнат предметлари ва воситалари ҳамда меҳнатнинг ўзи - мавжудлиги ва улардан фойдаланишни акс эттиради.

Хўжалик фаолиятини амалга ошириш жараёнида маҳсулот ишлаб чиқариш, сотиш ва фойда олиш билан боғлиқ бўлган корхоналарда бу омиллар ўзаро алоқада ва бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлади.

Рентабелликнинг моҳиятини фақат фойда шаклланишини таҳлил қилиш асосида очиб бериш мумкин. Корхона маҳсулотни сотиш натижасида ўз харажатларини қоплашдан ташқари фойда ҳам олган тақдирда рентабелли ҳисобланади.

Рентабеллик кўрсаткичлари корхона фаолияти қанчалик фойда келтиришини кўрсатади. Бу кўрсаткичлар молиявий ҳисоботнинг ички ва ташқи фойдаланувчиларда қизиқиш уйғотиб, корхона ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги ҳамда унинг инвестицияларни жалб қилиш қобилиятини аниқлайди. Хусусий ёки қарзга олинувчи капиталнинг рентабеллиги корхонага маблағлар киритишнинг рентабеллигини тавсифловчи асосий кўрсаткичлардир. Бу кўрсаткичларнинг иқтисодий турланиши (интерпретацияси) яққол кўзга ташланади: сарфланган ҳар бир



сўм қарзга олинган (хусусий) капиталга неча сўм фойда тўғри келади (ҳисоб-китобларда корхонанинг баланс ёки соф фойдасидан фойдаланиш мумкин).

Рентабелликни замон ва макон қоидаларига кўра таҳлил қилишда асосли хулосаларга келиш учун зарур бўладиган учта хусусиятни инобатга олиш зарур.

Биринчи хусусият корхона фаолиятининг вақт жиҳати билан боғлиқ. Масалан, маҳсулотни сотиш рентабеллиги коэффициенти ҳисобот давридаги фаолият натижалари орқали аниқланади; узоқ муддатли инвестицияларнинг юзага келиши мумкин бўлган ва режалаштирилаётган самараси инкор қилинмайди. Агар корхона катта миқдордаги инвестициялар талаб қилувчи янги технологиялар ва янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга ўтадиган бўлса, у ҳолда рентабеллик кўрсаткичлари вақтинчалик пасайиши мумкин.

Иккинчи хусусият таваккалчилик муаммоси билан боғлиқ бўлиб, таваккалчилик даражаси юқори бўлган лойиҳалар баъзида катта фойда келтириши ҳам мумкин.

Учинчи хусусият баҳолаш муаммоси билан боғлиқ. Масалан, хусусий капиталнинг рентабеллик кўрсаткичи суръати ва махражи турли хил харид қобилятига эга бўлган пул бирлигида келтирилади. Кўрсаткичнинг суръати, яъни фойда ўзгарувчан (динамик) бўлиб, фаолият натижаларини ҳамда товар ва хизматларнинг асосан ўтган йилда юзага келган баҳосини акс эттиради. Кўрсаткичнинг махражи, яъни хусусий капитал бир қатор йиллар давомида шаклланади. У жорий баҳодан анча фарқ қилиши мумкин бўлган, ҳисобга олиш баҳосида акс эттирилади. Демак, хусусий капитал рентабеллик коэффициенти катта бўлиши, доим ҳам корхонага киритилаётган капитал қайтимига мос келавермайди; молиявий қарорларни қабул қилишда бу кўрсаткични эътиборга олишдан ташқари, корхонанинг бозордаги баҳосини (бозор капитализацияси) ҳам инобатга олиш зарур.



Сотиш рентабеллиги сотилган маҳсулотнинг ҳар бир сўми қанча соф фойда келтирганини акс эттиради.

Хусусий капитал рентабеллиги корхона мулкдорлари яъни, эгалари киритган капиталдан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш ва бу кўрсаткични худди шу маблағларни бошқа қимматбаҳо қоғозларга киритганда олиш мумкин бўлган фойда билан таққослаш имконини беради. Фарб мамлакатларида бу кўрсаткич компания акцияларининг котировкасига сезиларли равишда таъсир кўрсатади.

Битта акция келтирувчи фойда кўрсаткичи корхонанинг бозордаги фаолиятини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлардан биридир.

Шу тариқа, тавсия қилинувчи кўрсаткичлар таҳлил жараёнида корхонанинг молиявий барқарорлигини аниқлаш, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва корхонанинг бозордаги рақобатбардошлигини оширишга оид чора-тадбирлар белгилашга икониёт яратади.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Савдо корхоналари (шаҳобчалари)нинг даромади.
2. Даромадлар таснифи?
3. Корхонада фойдани оширишнинг асосий йўллари.

### **Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:**

1. Э.С.Файзиев «Сервис тизими фаолияти асослари» Ўқув кўлланма. Самарқанд. «Зарафшон» нашриёти Д.К, 2010
2. Э.С. Файзиев Сервис соҳасининг иқтисодиётдаги ўрни. Рисола Сам.И.С.И, 2007 й
3. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолари ва уларнинг ечимлари. Монография. Проф. М.Қ.Пардаев, проф., Ҳ.Н.Мусаевлар таҳрири остида. Т.: «Иқтисод-молия», 2008
4. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
5. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

## **12.2.Сервис корхоналарида фойда ва рентабеллик**

Ҳар бир тадбиркор қандайдир фаолиятни бошлашдан олдин ўз олдига истеъмолчиларга керакли маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш орқали юқори фойда олишни мақсад қилиб қўяди. Шунинг учун, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш рентабеллигини тўғри ташкил этиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

### **Режа:**

1. Фойда ва уни максималлаштириш
2. Рентабеллик ва уни ошириш йўллари
3. Хизматлар таннархини пасайтиришнинг манбалари ва омиллари

### **1. Фойда ва уни максималлаштириш**

Сервис хизматлари ва унинг барча бўғинлари ишини тавсифловчи муҳим сифат кўрсаткичларидан бири фойда ва рентабелликдир. Фойда бозор муносабатларининг муҳим категорияси сифатида иқтисодиётда маълум функция (вазифа)ларни бажаради:

- Хизмат кўрсатиш фаолиятининг натижасидан олинган иқтисодий самарани тавсифлайди, чунки у сўнгги молиявий натижани ифодалайди;
- турли даражадаги бюджетларни шакллантиради;
- ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилади ва бу борада иқтисодий дастак ва стимул ролини ўйнайди;
- илмий–техникавий, ташкилий ва ижтимоий ишларни амалга оширишга имконият беради.

Фойда хизмат, тармоқ ва корхонанинг ҳамма ишлаб чиқариш хўжалик фаолияти натижаларини умумлаштирувчи кўрсаткичдир. Балансдаги фойда ёки фойданинг умумий суммаси — корхона балансидаги мавжуд ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқаришдан ташқари, хўжаликларнинг молия-хўжалик фаолиятлари натижасида олинган фойда суммасидир. Фойданинг умумий суммаси товар маҳсулотини ёки хизмат сотишдан, ишлаб чиқаришдан

ташқари, бажарилган ишлар ва хизматлардан олинган даромадлардан, корхона ёрдамчи хўжаликларининг маҳсулотларини сотишдан олинган даромадлардан, реализациядан ташқари фойда ва уй-жой коммунал хўжалиги, ҳар хил жарималар, пеня ва ҳоказолардан ташкил топади.

Хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг молиявий натижалари фойданинг қуйидаги кўрсаткичлари билан тавсифланади:

• маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда (ЯФ), бу сотишдан олинган соф тушум билан сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннари ўртасидаги тафовут сифатида аниқланади:

$$ЯФ = ССТ - МИТ,$$

Бу ерда: **ЯФ** — ялпи фойда;

**ССТ** — сотишдан олинган соф тушум;

**МИТ** — сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннари.

• асосий фаолиятдан кўрилган фойда — бу, маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда билан давр харажатлари ўртасидаги тафовут ва қўшимча асосий фаолиятдан кўрилган бошқа даромадлар ёки минус бошқа зарарлар сифатида аниқланади:

$$АФФ = ЯФ - ДХ + БД + БЗ,$$

Бу ерда: **АФФ** — асосий фаолиятдан олинган фойда;

**ДХ** — давр харажатлари;

**БД** — асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар;

**БЗ** — асосий фаолиятдан кўрилган бошқа зарарлар.

• хўжалик фаолиятидан олинган фойда (ёки зарар) — бу, асосий фаолиятдан олинган фойда суммаси плус молиявий фаолиятдан кўрилган даромадлар ва минус зарарлар сифатида ҳисоблаб чиқилади:

$$УФ = АФФ + МД - МХ,$$

Бу ерда: **УФ** — умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда;

**МД** — молиявий фаолиятдан олинган даромадлар;

**МХ** — молиявий фаолият харажатлари.

•солиқ тўлагунгача олинган фойда — бу умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда, плюс фавқулодда (кўзда тутилмаган) вазиятлардан кўрилган фойда ва минус зарар сифатида аниқланади:

$$СТФ = УФ + ФП - ФЗ.$$

Бу ерда: **СТФ**—солиқ тўлагунгача олинган фойда;

**ФП** — фавқулодда вазиятлардан олинган фойда;

**ФЗ**—фавқулодда вазиятлардан кўрилган зарар.

**УФ** - йилнинг соф фойдаси — бу, солиқ тўлангандан кейин хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида қолади, ўзи дадаромади (фойдаси)дан тўланадиган солиқни ва минус қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа солиқлар ва тўловларни чиқариб ташланган ҳолда солиқлар тўлагунга қадар олинган фойдани ифодалайди:

$$СФ = СТФ - ДС - БД.$$

Бу ерда: **СФ**—соф фойда;

**ДС** — даромад (фойда)дан тўланадиган солиқ;

**БД**—бошқа солиқлар ва тўловлар.

Юқорида келтирилган фойда турларидан ташқари, унинг яна бир қанча турлари мавжуд:

- ҳақиқий фойда;
- ўртача фойда;
- монопол фойда ёки иқтисодий рента;
- максимал фойда.

Ҳақиқий фойда — бу, ҳақиқатда ҳисобот маълумотлари, яъни ҳақиқий харажатлар асосида аниқланган фойда ҳисобланади. Бу фойда корхона молиявий фаолиятини ташкил этишда асосий манбадир.

Ўртача фойда деганда, бошқа ҳамма корхоналар каби сарфланган капиталга бир хил фойда олиш ёки бир хил рентабелликка эга бўлиш тушунилади. Ўртача фойда корхона (фирма)нинг фаолият кўрсатаётган соҳада, тармоқда қолишини таъминлайди. Бундай фойданинг юзага келиши

бозорнинг узок муддатли барқарорликка эришганидан далолат беради. Ўртача фойдани кўпинча иқтисодий фойда деб атайдилар.

Иқтисодий фойда қачон пайдо бўлади? Агар корхона бир маҳсулотни тайёрлаб, сотиб, ҳақиқатда 100 минг сўм фойда олган бўлса-ю, ана шу маблағни бошқа маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфлаб, уни сотганда 150 минг сўмлик фойда олса, бундай фойдани иқтисодий фойда деб тушуниш керак. Бу ҳолда фойда ижобий тус олади. Ижобий иқтисодий фойда корхонани бирон-бир инвестор фаолият бошлашига рағбатлантирса, ижобий ҳақиқий фойда ишлаб чиқариш ёки фирманинг анча оёққа туриб олганидан дарак беради.

Монопол фойда ёки иқтисодий рента — бу, чекланган ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш натижасида содир бўлган фойда ҳисобланади. Масалан, иккита корхона бир хил ерга эга бўлиб, ерни олиш билан боғлиқ харажатлар бир хил бўлишган шароитида биринчи ер транспорт тармоғига яқин бўлганлиги учун маҳсулотни ташишга 10 млн. сўм кам сарф қилиниши мумкин, ана шу 10 млн. сўм унинг қўшимча фойдаси ҳисобланади. Иқтисодий рента ишлаб чиқариш омиллари чекланганлигидан келиб чиқади ва у ёки бу ишлаб чиқариш омилига бериш ҳолатини билдирган баҳо билан шу омилнинг энг кам баҳоси ўртасидаги фарқдан иборат бўлади.

Максимал фойда — бу, бир бирлик қўшимча маҳсулотни сотишдан олинган даромадни шу бир бирлик қўшимча маҳсулотга қилинган харажат миқдори билан баб-баробар келиши натижасида олинган фойда. Шу ҳолда рентабелликнинг энг юқори даражасига эришилган бўлади. Шунга кўра, фойдани максималлаштириш дегани, энг юқори рентабелликни таъминлаш, деганидир.

Бозор иқтисодиёти шароитида саноат соҳасида ўтказилаётган туб иқтисодий тадбирлар мажмуида фойдани тақсимлаш масалалари муҳим ўрин тутади, зеро уни, адолат юзасидан ва тўғри тақсимлаш жамоа ва ҳар бир ходимнинг манфаатдорлигини уйғунлаштириш учун шароит яратади.

## 2. Рентабеллик ва уни ошириш йўллари

Хизмат кўрсатиш корхоналарининг муҳим молиявий кўрсаткичларидан бири рентабелликдир. Ишлаб чиқариш рентабаллиги корхона (фирма) иши самарадорлигини умумлаштирувчи кўрсаткичлардан биридир.

Рентабаллик назариясида унинг бир қанча турлари мавжуд бўлиб, уларга жумласига қуйидагилар киради:

- сотиш рентабаллиги;
- асосий фаолият рентабеллиги;
- хусусий капитал рентабеллиги;
- асосий капитал (фондлар) рентабаллиги;
- перманент капитал рентабаллиги;
- айланма капитал рентабеллиги;
- қарзга олинган капитал рентабаллиги;
- реал асосий капитал рентабеллиги;
- инвестируланган капитал самарадорлиги.

1. **Сотиш рентабеллиги деганда**, ҳар бир сотилган маҳсулот суммасига қанча харажат қилинганлик даражаси тушунилади. Демак, бу кўрсаткич сотилган маҳсулот қиймати билан ана шу маҳсулотни ишлаб чиқаришга сарфланган харажатларни таққослаш асосида юзага келади. Бундай коэффициент баҳолаш сиёсатидаги ўзгаришларни ва сотилган маҳсулот таннархини назорат қилиш бўйича корхонанинг қобилиятини тавсифлайди.

Сотиш рентабеллигини қуйидаги формула орқали ифодалаш мумкин:

$$P_c = \frac{\text{Сотилган маҳсулот таннархи}}{\text{Ҳақиқий сотилган маҳсулот}}$$

2. **Асосий фаолият рентабеллиги** — бу, хизмат кўрсатишнинг фойдалилиги, натижалилигидир. Бу кўрсаткич ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш самарадорлигини тавсифлайди ва қуйидагича ифодаланади:



$$Pa \approx \frac{\text{Махсулот}_\text{сотишдан}_\text{олинган}_\text{foyda}}{\text{Махсулотни}_\text{илаб}_\text{чиқариши}_\text{харажатлари}} \\ \text{Ғишлабчиқариштаннарҳи}$$

3. **Хусусий капиталнинг рентабеллиги** — бу, корхона (фирма), тармоқ хусусий капиталининг фойдалилиги ва натижалилиги. У қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$P_{\text{хк}} = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Хусусий харажатларнинг ўртача қиймати}}$$

Бундай коэффициент хусусий капиталдан фойдаланиш даражасини, яъни корхона томонидан хусусий капиталнинг ўртача қийматига қанча соф фойда олинганлигини кўрсатади.

4. **Асосий капитал (фондлар) рентабеллиги** — бу, асосий фондлар ва бошқа оборотдан ташқари активларнинг фойдалилиги. У қуйидагича аниқланади:

$$P_{\text{ак}} = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Кўп муддатли активларнинг қиймати}}$$

5. **Перманент капитал рентабеллиги** — бу, перманент капиталнинг фойдалилиги, натижалилигидир. У қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$P_{\text{п}} = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Перманент капиталнинг ўртача қиймати}}$$

6. **Айланма капиталнинг рентабеллиги** — бу, айланма капиталнинг фойдалилиги, натижалилиги. У ҳар бир сўмли айланма капиталдан қанча фойда олиш мумкинлигини кўрсатади. Уни қуйидаги формула асосида аниқлаш мумкин:

$$Pa = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Айланма капиталнинг ўртача қиймати}}$$

7. **Қарзга олинган капиталнинг рентабеллиги** — бу, қарзга олинган капиталнинг фойдалилиги, унумлилиги. У қуйидагича аниқланади:

$$P_k = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Қарзга олинган капиталнинг ўртача қиймати}}$$

Бу коэффициент ҳар бир сўмли қарзга олинган капитал қанча фойда келтирганлигини ифодалайди.

8.Реал асосий капиталнинг рентабеллиги унинг фойдалилигини ифодалайди ва ҳар бир сўмли реал асосий капитал қанча сўм фойда келтирганлигини кўрсатади. У қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$P_{rk} = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Реал асосий капитал}}$$

9.Инвестирланган капитал рентабеллиги — бу, инвестиция маблағларининг натижалилиги, фойдалилиги. Бу кўрсаткич инвестиция туфайли олинган маблағларнинг қанчаки самара беришини ифодалайди ва қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$P_{ik} = \frac{\text{Солиқларсиз фойда + тўланган фоизлар суммаси}}{\text{Хусусий капитал + узоқ муддатли қарзли капитал}}$$

Рентабеллик даражаси кўрсаткичининг юқори бўлиши корхона (фирма) ихтиёридаги асосий ва айланма фондлардан оқилона фойдаланилаётганини ва корхона (фирма)нинг маълум миқдорда фойда (даромад) олаётганлигини кўрсатади.

Рентабеллик даражасини кўтариш учун саноатнинг барча тармоқлари ва корхоналари сотилган маҳсулот ҳажмини оширишга, уни ишлаб чиқариш учун сарфланаётган харажатларни камайтиришга, ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатини оширишга қаратилган тадбирларни амалга оширишлари зарур.

### **3. Маҳсулот таннархини пасайтиришнинг манбалари ва омиллари**

Меҳнат унумдорлигини ошириш, хом ашё ва материал, ёқилғи ва электр энергия харажатларини камайтириш, хизмат кўрсатиш ва бошқариш сарфларини қисқартириш, ишлаб чиқаришдан ташқари, харажатларни камайтириш саноат маҳсулоти таннархини пасайтиришнинг энг муҳим манбалари ҳисобланади.

Меҳнат унумдорлигини ошириш учун эса ишлаб чиқаришни модернизация қилиш техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш ҳамда ишлаб чиқаришни бошқариш ва ташкил этишнинг илғор усулларини жорий қилиш орқали ҳар бир меҳнатчи томонидан тайёрланаётган маҳсулотни кўпайтириш керак. Бу ҳолда ҳар бир маҳсулот бирлигига сарфланадиган иш ҳақи қисқаради, аммо ишчининг умумий иш ҳақи эса ортиб боради. Меҳнат унумдорлиги иш ҳақиға нисбатан жадал ўсгандагина таннарх пасаяди.

Материал, ёқилғи ва электр энергия харажатларини камайтириш учун уларни тежаб сарфлаш, қимматбаҳо материалларни арзон, лекин яхши материаллар билан алмаштириш, уларни сотиб олиш ва корхонаға келтириш билан боғлиқ бўлган сарфларни қисқартириш керак бўлади.

Хизмат кўрсатиш ва бошқариш учун кетадиган харажатларни қисқартиришға эса тармоқ ва корхоналардаги маъмурий-бошқарув аппаратининг сарфларини камайтириш, асбоб-ускуна, бино ва иншоотларни сақлаш, ёритиш, иситиш учун кетадиган маблағларни тежаб-тергаб сарфлаш орқали эришилади.

Унумсиз харажатларни (жарима тўлаш, пеня ва ҳоказолар) тугатиш маҳсулот таннархини пасайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳар бир корхонада маҳсулот таннархини пасайтириш даражасини ҳисоблаш учун, энг аввало, ундаги захира, фойдаланилмаётган имкониятларни аниқлаш керак. Улар кўзға ташланадиган, юзаки, жуда мураккаб, кўз илғамайдиган бўлиши мумкин. Фақат чуқур, ҳар тарафлама иқтисодий-техник таҳлилдан кейин уларни аниқлаш, топиш мумкин бўлади.

Заҳиралар ҳар хил белгиларга қараб гуруҳларга ажратилиши мумкин. Улар, энг аввало, тўпланиш жойига кўра, ички ишлаб чиқариш ва ташқи резервларга ажралади.

Ташқи резервларга тармоқлар бўйича резервлар, регионал (ҳудудий) ва табиий-экологик резервлар киради.

Резервлар сафарбар этилиши муддати бўйича жорий ва истиқболли резервларга ажралади.

Резервларни ишлаб чиқариш жараёнларининг элементлари бўйича ҳам гуруҳларга бўлиш мумкин. Бундай резервларга меҳнат, моддий ва асосий фондлардан фойдаланиш резервлари киради.

Корхона ёки тармоқ фаолиятини таҳлил этиш учун резервларни иккига бўлиб кўриш мумкин:

- ташкилий-техникавий резервлар;
- ижтимоий - иқтисодий резервлар.

Юқорида келтирилган барча резервлар, яъни фойдаланилмаётган имкониятларни сафарбар этиш, ишга солиш ҳамда шу асосда таннархни кескин пасайтириш учун бир қатор омиллардан кенг фойдаланиш ва уларни ҳисоблаб чиқиш керак. У ишнинг методикаси, усулини «Корхоналар фаолиятини ташкил этиш, режалаштириш ва бошқариш» фани бўйича маърузаларда, амалий машғулотларда чуқурроқ ва ҳар томонлама тушунтириб берилади.

Маҳсулот таннархини режалаштириш меҳнат, моддий ва молиявий маблағлардан оқилона фойдаланиш асосида ишлаб чиқаришнинг юқори самарадорлигига эришишга қаратилгандир. Таннарх режаси қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

1. Маҳсулот таннархини пасайтириш режаси;
2. Маҳсулот таннархини калькулякиялаш;
3. Ишлаб чиқариш харажатлари сметаси;
4. Товар ва сотиладиган маҳсулот таннархининг ҳисоби.

Таннарх режаси, икки босқичда ишлаб чиқилади. Биринчи босқичда, энг аввало, ҳисобот йилида режаларнинг бажаралиши таҳлил этилади, маҳсулот таннархини пасайтириш, фойда ва рентабелликни ошириш резервлари аниқланади ва аниқланган резервлардан фойдаланиш тадбирлари белгиланади, режа лойиҳаси ишлаб чиқилади. Иккинчи босқичда эса режанинг ўзил-кесил лойиҳаси ишлаб чиқилади ва бу режа топшириқлари корхона бўлимларига етказилади.

Маҳсулот таннархи ва уни пасайтириш топшириқлари давлат ва корхона режасида юқоридан белгиланмайдиган, аксинча, корхоналарнинг ўзида ҳисоб қилинадиган кўрсаткич ҳисобланади. Шунга қарамай, маҳсулот таннархи саноат кўрсаткичларидан бири бўлиб қолаверади. Чунки саноат маҳсулоти таннархини пасайтириш ишлаб чиқаришнинг рентабеллик даражасини ошириш резервларидан бири ҳисобланади. Маҳсулот таннархи қанчалик паст бўлса, албатта, бошқа шарт-шароитлар бир хил бўлган ҳолда (масалан, худди ўша маҳсулотнинг нархи барқарор бўлганда) уни сотишдан келган фойда ҳам шунчалик кўп бўлади.

Шу сабабли яқин ва узоқ келажакда ҳам ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархининг пасайтириш инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган вазифалардан бири ҳисобланади.

Бунинг учун ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўз фаолият йўналиши бўйича таннархни пасайтириш омиллари тўғрисида кенг ва чуқур тасаввурга эга бўлиши лозим.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Фойда ва уни максималлаштириш масалалари.
2. Рентабеллик ва уни ҳисоблаш усуллари.
3. Рентабелликни ошириш йўллари.

### **Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:**

1. Э.С.Файзиев «Сервис тизими фаолияти асослари» Ўқув қўлланма. Самарқанд. «Зарафшон» нашриёти Д.К, 2010

2. Э.С. Файзиев Сервис соҳасининг иқтисодиётдаги ўрни. Рисола Сам.И.С.И, 2007 й

3. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолари ва уларнинг ечимлари. Монография. Проф. М.Қ.Пардаев, проф., Ҳ.Н.Мусаевлар таҳрири остида. Т.: «Иқтисод-молия», 2008

4. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

5. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)